

ХАЙРИЯ БЎРИЕВА

**ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ТАРИХИЙ
ТОПОНИМИЯСИ**

(XIX АСР ОХРИ — XX АСР БОШЛАРИ)

Илмий оммабоп нашр

**“Noshirlik yog`dusi”
Тошкент - 2009**

Масъул муҳаррир: т.ф.д., акад.А.Р.Муҳаммаджонов

Такризчилар: т.ф.д. Ж.Х.Исмоилова
т.ф.н. Ў.М.Мавлонов

Бўриева Х.А. Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси (XIX аср охири – XX аср бошлари). Монография. – Т.: Noshirlik yog`dusi, 2009 й.

Монография Тошкент шаҳрининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихий топонимиясига бағишланган. Мазкур даврда Тошкент шаҳри ҳудудида мавжуд жой номлари таснифи, таркиби, номланиш қонуниятлари ва тарихий хусусиятлари ёритилган. Ўрганилаётган даврдаги шаҳар ариқлари номланиши ва оқиб ўтган ҳудудлари ҳақида тўхталиб ўтилган. Тошкент топонимлари билан боғлиқ тадқиқотлар ва ёзма манбалар таҳлил қилиниб, гуруҳларга туркумланган. Топонимик ўзгаришлар шаҳарнинг тарихий воқелиги билан боғлиқ ҳолда берилган. Айрим топонимларнинг этимологиясига доир маълумотлар китобнинг луғат қисмида келтирилган.

Ушбу монография тарихчилар, бошқа ижтимоий соҳа мутахассислари ҳамда кенг китобхонларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-310-02-5

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиётга ўтиши билан жамиятимиз ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлди, сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий соҳаларда янги вазифалар кун тартибига қўйилди. Бу борада илм-фан равнақи муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, тарих фанига алоҳида эътибор берилиб, янги талаблар белгиланди. “Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди. Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон, – деб ёзган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асаида¹.

Ўзбекистон тарихини янги материаллар билан бойитишда топонимик тадқиқотлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди; бундай изланишлар орқали ўлканинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихига оид маълумотлар олиш мумкин. Улар Ватанга муҳаббат, ўзликни англаш, миллий ғурур туйғуларини шакллантиришда ёрдам беради. Топонимлар тарихини ёритиш орқали бирор ҳудуднинг ўтмишдаги табиий шароити, сиёсий ҳолати, этник жараёнлари, иқтисодий мавқеи, халқаро алоқалари, аҳолининг ижтимоий ва маданий ҳаёти кабилар ҳақида маълумот олиш мумкин. Зеро, “топонимлар – бу ернинг тили”², уларда маълум ҳудуднинг тарихи акс этади. Бу ўз навбатида тарихни мукаммаллаштириш имконини беради, унга аниқликлар киритади; ҳар бир вилоят, шаҳар, қишлоқлар тарихининг ўз ўрни бор ва уни манбаларга таяниб ўрганиш зарурати туғилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жой номларини ўрганиш долзарб вазифалар қаторига қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 30 августдаги қарорига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

Бу борада Тошкент шаҳри тарихий топонимларини ўрганишга катта эътибор қаратилди. Тошкент – Ўзбекистон Республикасининг пойтахти, кўп асрлик тарихга эга ва уни ёритишда жой номларининг ҳам ўзига хос аҳамияти бор. “Тошкент барчамиз учун аввало мустақил давлатимизнинг гўзал пойтахти, мамлакатимизнинг юраги, таъбир жоиз бўлса, Ватанимизнинг муқаддас остонасидир. Жаҳон аҳли учун она диёримиз билан танишув авваламбор ана шу остонадан бошланади”, – деган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов³.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. – 9 б.

² Ҳасанов Ҳ. Ер тили. – Т.: Ўқитувчи, 1977. – 4 б.

³ Ислон Каримов. Ўзбек халқи ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. Т.13. Б.257.

Узоқ тарихий давр мобайнида турли тарихий ва табиий жараёнлар таъсирида Тошкент шаҳри топографик ва топонимик жиҳатдан ўзгариб борган. Ушбу ўзгаришларни даврий жиҳатдан тадқиқ этиш шаҳар тарихини ёритишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар бир тарихий даврда шаҳарнинг ўзига хос тарихий топонимик қиёфаси яратилган. Масалан, XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент ҳудуди кенгайган ва унинг ҳудудида янги жой номлари пайдо бўлган. Ушбу ҳолат 1967 йил Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигининг марказига айлантирилгани билан боғлиқ. Мазкур даврда Анҳор ариғидан Салор каналигача бўлган ерларда европаликлар учун янги шаҳар бунёд этилиб, унда радиал-ҳалқа тизимида кўчалар ўтказилган, аҳолининг турар жойлари билан бирга турли муассасалар учун бинолар қурилган. Уларга европача (асосан, русча) номлар берилган. Айни вақтда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида ҳам янги муассасалар ташкил топиб, баъзи кўчаларга номлар берилган. Шаҳар ҳаётида кечган ўзгаришлар, ундаги жой номлари сонининг ортиб, баъзан ўзгариб боришига олиб келган. Мазкур давр шаҳарнинг ўзига хос тарихий ривожланиш босқичини ташкил қилади ва ундаги топонимларни алоҳида тадқиқот сифатида ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳрининг тарихий топонимиясига бағишланган бир қанча илмий тадқиқотлар мавжуд ва улардан мазкур диссертация мавзусига бевосита ва билвосита дахлдор чоп қилинган ишларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1) XIX аср охири – XX аср бошларига оид изланишлар; 2) 1920-1990 йилларда олиб борилган тадқиқотлар; 3) Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиши босқичи даврида чоп қилинган илмий ишлар.

Биринчи гуруҳга А.П.Хорошхиннинг “Очерки Ташкента” мақоласи¹, М.А.Терентьевнинг “История завоевания Средней Азии. С картами и шкалами” китоби², П.Пашинонинг “Туркестанский край в 1868 году”³, В.А.Шишкиннинг “О названиях Ташкентских махалля” мақолалари⁴, Скайлернинг “Туркестан” асари⁵, В.В.Бартольднинг “Тошкент” мақоласи⁶, А.И.Добросмысловнинг 1912

¹ Хорошхин А.П.. Очерки Ташкента. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб: Типография и хромолитография А.Треншеля, 1876. – с.77–126.

² Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. С картами и шкалами. – СПб., 1906. – Т.1. – с.4–10.

³ Пашино П. Туркестанский край в 1868 году. Путевые заметки с литографиями (по рисункам Д.Вележева). – СПб., 1868. – с.56–71.

⁴ Шишкин В.А. О названиях Ташкентских махалля.// Бюллетень Ташкентского Новгородского Исполкома. – 1925. – № 4–5. – с.17–24.

⁵ Eugen Schuyler. Turkestan: Notes of a Journey in Russian Turkestan, Khokand, Bukhara and Kuldja. – London, 1876. P.76-225; Eugen Schuyler (1873) // Le voyage en Asie Centrale et au Tibet Anthologie au voyage occidentaux du moyen age a la premiere moitie du XX e siecle. Prepare par Robert Lattont. – Paris, 1992. P.309–337.

⁶ Бартольд В.В. Ташкент. Статьи из “Энциклопедии ислама”. Сочинения. В 10-ти т.– м.: Наука, Т.3. 1965. – 499 с.

йилда Тошкентда чоп этилган “Ташкент в прошлом и настоящем” китоби¹ кабиларни киритиш мумкин. Уларда Тошкентнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётига, турли жой номларига доир маълумотлар учрайди.

Н.Г.Маллицкий “Ташкентские махалля и мауза”², Ҳ.Ҳасанов “Ўрта Осиё жой номлари тарихидан” ва “Ер тили”³, М.Е.Массон “Прошлое Ташкента”⁴, Ш.Қодированинг “Микротопонимы Ташкента”⁵, А.Р.Муҳаммаджонов “Қадимги Тошкент”⁶, С.Қораев “Топонимия Узбекистана”⁷, А.Ўринбоев, О.Бўриев “Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида”⁸ каби тадқиқотлар иккинчи гуруҳга, яъни 1920-1990 йилларда ёзилган асарлар сирасига киради. Мазкур илмий изланишларда Тошкентнинг XIX аср охири – XX бошларига оид топонимиясига доир маълумотлар мавжуд.

Учинчи гуруҳга, яъни мустақиллик йилларида нашр қилинган тадқиқотлар қаторига С.Қораевнинг “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари”⁹, Ж.Исмоилованинг “XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи”¹⁰ каби китобларни, М.Шарипованинг “Тошкент шаҳрининг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи” мавзусидаги номзодлик диссертациясини¹¹ шунингдек, “Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммолари” – илмий-амалий анжуман маърузалари тўпламидаги бир қанча тадқиқодларни киритиш мумкин. Жумладан: М.Филанович “Роль топонимики и археологии в изучении истории Ташкента”, М.Сафаров, Ҳ.Тоҳиров “Тошкент шаҳридаги муваққат жой номларининг пайдо бўлиши ва уларнинг салбий оқибатлари”, Л.Вахрушева, “Микротопонимия в энциклопедии “Ташкент””, О.Бўриев “X-XVI асрлар ёзма манбаларида Тошкент шаҳри ва вилояти топонимияси”, Т.Нафасов “Тошкентнинг топонимларини ўрганишнинг бир усули”, З.Арифханов “К вопросу топонимики ташкентских махалля в XIX в.”,

¹ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент, 1912. – 520 с.

² Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля и мауза. – Ташкент, 1927. – с.112–121.

³ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т.: Фан, 1965. – 33–34 б.; Ҳасанов Ҳ.: Ер тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 88 б.

⁴ Массон М.Е. Прошлое Ташкента. // Известия АН Уз ССР. – Ташкент, 1954. – № 2. – С.105–131.

⁵ Кадырова Ш. Микротопонимы Ташкента. Автореф.канд.дисс. – Ташкент, 1970. – 30 с.

⁶ Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. – Т.: Фан, 1988. – 60 б.

⁷ Қараев С. Топонимия Узбекистана (социоллингвистический аспект). – Ташкент: Фан, 1991. – 131 с.

⁸ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. – Т.: Фан, 1983. – 56 б.

⁹ Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005. – 238 б.

¹⁰ Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи. – Т.: Fan va texnologiya, 2004. – 140 б.

¹¹ Шарипова М.Ф. Тошкент шаҳрининг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи: Номзодл.дисс...автореф. – Т., 2002. – 25 б.

Ж.Жамилов, “Кўхна Тошкентнинг янги топонимлари”, А.Муҳаммаджонов “Жой номлари – тарихий манбадир”, Х.Бўриева “Нўғойқўрғон этнотопоними хусусида” ва бошқалар.¹ Ушбу тадқиқотларда Тошкент шаҳри ҳудудидаги топонимларининг хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Мазкур китобда Тошкентнинг XIX аср охири – XX аср бошларида шаҳар ҳудудидаги тарихий топонимияси тадқиқ этилиб, шаҳар топонимлари таснифи, номланиш қонуниятлари, баъзи хусусиятлари, тарихига доир маълумотлар келтирилган; шунингдек, шаҳар ҳаёти билан боғлиқ суръатлар ва айрим жой номларининг этимологияси билан боғлиқ маълумотлар тарихий-топонимик луғат қисмидан ўрин олган.

¹ Тошкент шаҳри ва вилояти топонимияси муаммолари: Илмий-амалий конф. докл. тез. – Т., 1991. – 92 б.

І БОБ . XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ МАНБАЛАРИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ТАРИХИЙ ТОПОНИМИЯСИ

Тошкент шаҳри тарихий топонимиясига оид тадқиқотлар

Ўзбекистоннинг мустақиллиги йилларида тарихчилар олдида турган долзарб муаммолар қаторида Ўзбекистон тарихини турли манбаларга таяниб асосли ўрганиш вазифаси ҳам туради ва Тошкент шаҳри тарихи бунга бевосита дахлдор. Шаҳар тарихини ўрганишга фанда анча илгаридан эътибор қаратилган, жумладан, тарихий топонимия соҳасида ҳам.

Тошкентнинг ёши археологик тадқиқотлар ҳулосаларига кўра икки минг икки юз йилдан ортиқ ва у Буюк Ипак йўлида жойлашган асосий шаҳарлардан саналган. Ўрта Осиё ҳудудида кечган турли сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар Тошкентнинг жой номларида ҳам ўз аксини топган. Шу сабабдан бўлса керак, Тошкент шаҳри тарихий топонимиясини илмий ўрганиш анча илгари бошланган ва юз йилдан ортиқ даврни ўз ичига олади. Мазкур даврда олиб борилган тадқиқотларни шаҳарнинг сиёсий тарихида юз берган ўзгаришлардан келиб чиқиб 3 гуруҳга таснифлаш мумкин. Уларнинг таъсири шаҳар топонимиясида ҳам акс этган: XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари, 1920-1990 йиллар ва 1991 йилдан кейин, яъни мустақиллик даври.

Тарихдан маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярми аниқроғи, 1865 йилнинг июнь ойида Тошкент тарихида янги босқич вужудга келиб, у Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олиниб, 1867 йилда ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлиги ва Сирдарё вилоятининг маркази бўлиб қолди. XIX аср охирларида шаҳарга капиталистик муносабатларнинг кириб келиши тезлашди; Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида саноат корхоналари, савдо идоралари ва европача маданий-маъмурий муассасалар қурила бошлади, ўлканинг табиий бойликларини, тарихий-маданий ўтмиши ва ҳозирги кунини ўрганиш ва тадқиқ қилиш вазифаси қўйилди. Шу асосда ўлкада рус олимлари томонидан турли соҳаларда, жумладан, Тошкент шаҳар тарихини ёритиш соҳасида ҳам изланишлар олиб борилди: А.П.Хорошхиннинг “Очерки Ташкента” мақоласи¹, М.А.Терентьевнинг “История завоевания Средней Азии. С картами и шкалами” китоби², П.Пашинонинг “Туркестанский край в 1868 году”,³ В.А.Шишкиннинг “О названиях Ташкентских махалля” мақоласи⁴, Скайлернинг “Туркестан” асари⁵, В.В.Бартольднинг “Тошкент” мақоласи⁶,

¹ Хорошхин А.П.. Очерки Ташкента... – с.77–126.

² Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии...– с.4–10.

³ Пашино П. Туркестанский край в 1868 году. .. – с.56–71.

⁴ Шишкин В.А. О названиях Ташкентских махалля... – с.17–24.

⁵ Eugen Schuyler. Turkestan..., – 76–225 б; Eugen Schuyler (1873) // Le voyage en Asie Centrale ...– р.309–337.

⁶ Бартольд В.В. Ташкент... – с.497– 499.

А.И.Добросмысловнинг 1912 йилда Тошкентда чоп этилган “Ташкент в прошлом и настоящем” китоби¹ кабилар. Мазкур тадқиқотларда Тошкентнинг XIX асрдаги қиёфаси, ундаги маъмурий-худудий бўлинмалар, қурилмалар, табиий объектлар ва уларнинг номланиши ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд².

1920-1990 йилларда шаҳар тарихидаги муҳим сиёсий ўзгаришлар ундаги жой номларига ҳам таъсир кўрсатди. Шаҳар худудининг кенгайиши, туманлар тузилиши, янги кўчалар пайдо бўлиши натижасида янги топонимлар пайдо бўлиб борди. Бу даврда Тошкент шаҳри тарихига қизиқиш янада кучайиб, турли йўналишларда – археологик, топографик, топонимик илмий-тадқиқот ишлари қилинди. Дастлабки тадқиқотлар қаторида Н.Г.Маллицкийнинг 1927 йилда чоп этилган “Ташкентские махалля и мауза” асарини³, В.Лаврентьевнинг 1930 йили нашр этилган “Капитализм в Туркестане” китобини⁴ қайд этиш жоиз. Уларда Тошкентнинг мустамлака даври тарихига доир маълумотлар келтирилган. Жумладан, Н.Г.Маллицкийнинг мақоласида 1920 йиллардаги шаҳарнинг маҳалла ва мавзелари рўйхати берилган ва бу ҳозир ҳам Тошкент тарихи, айниқса, унинг топонимияси бўйича қимматли муҳим манба саналади. В.Лаврентьевнинг 1930 йили чоп этилган “Капитализм в Туркестане” китобида Туркистон ўлкасининг мустамлакага айлантириши воқеалари билан бирга, содир бўлган ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар, янги қурилган саноат объектлари, банк ва ҳоказолар ҳақида баён қилинган. Жумладан, Тошкент шаҳрида фаолият юритган 2 та банк ва 3 та банк филиалларининг номлари, қисман тарихи ёритилган.

М.Е.Массоннинг 1954 йилда нашр қилинган “Прошлое Ташкента” мақоласида⁵ Тошкент топографиясига оид маълумотлар билан бир қаторда тарихий номлар ҳам қайд этилган.

Тошкент шаҳри тарихий топонимиясига бевосита дахлдор тадқиқотлар жумласига Ҳ.Ҳасановнинг “Ўрта Осиё жой номлари тарихидан” номли китобини⁶ киритиш мумкин. Унинг “Тошкент бўйлаб саёҳат” бобида “Тошкент” топонимининг келиб чиқиши ҳақида айтилган фикрлар баён этилган. Айрим топонимлар тасниф қилиниб, шаҳар микротопонимияси – маҳалла, кўча, майдон, гузар, кўприк, мавзелар номларини тартибга солиш тўғрисида таклифлар илгари сурилган; шунингдек, шаҳардаги кўҳна номлар – Чорсу, Хадра, Анҳор, Бешоғоч, Дархон, Жангоб кабилар хусусида мулоҳаза юритилган. Масалан: “Чорсу” – кўчалар кесишган жой. Одатда Чорсу шаҳар маркази бўлиб, бу ердан асосий кўчалар бошланган. Шундан туркий тилларда

¹ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом...– с.195–450.

² Ушбу асарлар ҳақида диссертациянинг кейинги бўлимида кенгрок тўхталиб ўтилган.

³ Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля...– с.112–121.

⁴ Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии). – Ленинград: Типография Академии Наук СССР, 1930. – 160 с.

⁵ Массон М.Е. Прошлое Ташкента...– с.105–131.

⁶ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари..., ўша асар. – 33–34 б.

“чорсу” сўзидан “бозор”, “чорсувчи-баққол” деган маънолар ясалган. Тошкентнинг Чорсуси шундай жой эди. “Эски Жува” – хон аркининг чеккасида бўлиб, ҳарбий аслаҳалар (совут, қалқон, қилич, найза кабиларнинг – булар “жўба”, талаффузда “жўва” деб юритилган) омбори жўвахона эди. Умуман жува (жўба) бозор деган маънони англатади. “Хадра” – хон ўрдасининг чегарасидаги йўл – “ҳадди роҳ” сўзларидан ҳосил бўлган. Салор ариғи – шу ариқни сипоҳ салор, яъни бош кўмондон қаздирганидан далолат беради. “Анҳор” арабча “наҳр” (дарё) сўзининг кўплик шакли бўлиб, Тошкентда ариқ, канал маъносида ишлатилади. “Жангоб” – XVIII аср охирида Тошкент даҳалари ўртасида бўлган жангларнинг ёдгорлиги. Бешоғоч – “бешинчи ёғоч”, яъни бешинчи станция маъносидандир. Ёғоч – масофа ўлчови, тош, фарсанг қаторида, тахминан, 7–8 км. Бу эҳтимол, Эски Тошкентдан ҳисоблаганда бешинчи карвонсарой бўлгандир. “Дархон” – солиқдан озод қилинган жойлар. Ҳ.Ҳасановнинг тадқиқотида келтирилган жой номлари этимологиясида шаҳарнинг рельефи, ижтимоий-иқтисодий, маъмурий, этник ҳолати, сиёсий тарихи, маданияти акс этган.

1967 йилда С.И.Зининнинг “О микротопонимии Ташкента” мақоласи¹ нашр қилинди. Олимнинг 1994 йилги “О номинативной, адресной, культурно-исторической и других функциях названий улиц Ташкента” номли тезисида² Тошкент кўчаларининг номланиши ҳақида фикр билдирилган ва шахс исмлари жуда кўплиги, ном беришда кўчанинг тарихи, муҳим бир объектнинг яқинида жойлашиши ҳисобга олинмай қолганлиги, тарихий номлар олиб ташлангани, шаҳар тарихига умуман тегишли бўлмаган номлар қўйилгани, такрор топонимлар учраши кабилар, таъкидлаб ўтилган.

А.Йўлдошевнинг 1969 йили чоп этилган “Аграрные отношения в Туркестане” асарида³ Туркистон ўлкасида халқ хўжалигининг тараққий этиш қонуниятлари кўрсатилган. Бир қанча саноат корхоналари, банк ва фирмаларнинг фаолияти ҳақида баён этилган. Уларнинг айримлари Тошкент шаҳри билан боғлиқ эди.

Тошкент топонимиясига бевосита тааллуқли тадқиқотлардан яна бири Ш.М.Қодированинг “Микротопонимы Ташкента” (“Тошкент микротопонимлари”) мавзусида ёзилган номзодлик диссертациясидир (1970)⁴. Мазкур тадқиқот бевосита Тошкент шаҳар топонимиясига бағишланган. Унда шаҳардаги микротопонимларнинг таснифига кенг ўрин берилган, айти пайтда айрим топонимларнинг келиб чиқиши ҳақида ҳам сўз боради.

¹ Зинин С.И. О микротопонимии Ташкента // Общественные науки в Узбекистане – Ташкент, 1967. – № 2. – С.2.

² Зинин С.И. О номинативной, адресной, культурно-исторической и других функциях названий улиц Ташкента // Тошкент шаҳри ва вилояти топонимияси муаммолари: Илмий-амалий конф. докл. тез. – Т., 1991. – с.65–67.

³ Юлдошев А. Аграрные отношения в Туркестане (конец XIX – начало XX вв.). – Ташкент: Узбекистан, 1969. – 255 б.

⁴ Кадырова Ш.М. Микротопонимы Ташкента... – 30 с.

1970 йили М.Юнусхўжаеванинг “Из истории землевладения в дореволюционном Туркестане” номли рисолаши нашрдан чиқди¹. Унда асосан, рус князи Н.К.Романовнинг Туркистонда кечган ҳаёти ва фаолияти ёритилган. Романовга тегишли бўлган ер, завод, фабрика, уй-жойлар қаторида Тошкентда у томонидан қурилган кинотеатр, завод, сарой қабиларнинг номлари тилга олинган.

Тошкент шаҳри тарихий топонимлари ҳақида А.Ўринбоев ва О.Бўриевларнинг “Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида” номли рисолада ҳам маълумот бор². Унда Муҳаммад Солихнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида кўрсатилган шаҳар топографияси, шаҳар атрофидаги жойлар географиясига оид маълумотлар келтирилган.

Шаҳарнинг тўрт даҳаси, мадраса, масжид, маҳаллалари, қабристон ва мақбаралари, ҳаммомлари, бозорлари, шунингдек, шаҳар деворлари, кўрғонлари ва ўн икки дарвозаси ҳақида ёзилган. Жумладан: 1. Қиёт дарвозаси - қиёт қабиласи номидан, қадимда Паркент дарвозаси деб аталган. 2. Турклар дарвозаси – турк қабиласи номидан. 3. Ўзбек дарвозаси – ўзбек қабиласи номидан. 4. Тахтапул дарвозаси. 5. Қорасарой дарвозаси – қорасарой қабиласи номидан. 6. Чигатой дарвозаси – Чингизхон авлодидан бўлмиш Чигатой улуси номидан. 7. Суьбониён дарвозаси – бу ҳам қабила номидандир. 8. Кўкча дарвозаси – бу ҳам қабила номидандир. 9. Камондарон дарвозаси – камондаронлар бузуқ қабиласидан бир тоифага мансуб. 10. Қанғли дарвозаси – бир қабиланинг номидан. 11. Бешоғоч дарвозаси – бу ҳам қабила номидан. 12. Қатағон дарвозаси – қатоғон қабиласи номидан. Муҳаммад Солихнинг ёзишича бу дарвозалар Соҳибқирон Амир Темур томонидан қурдирилган бўлиб, номлар ўша пайтда берилган³.

Тошкент жой номларининг тарихини ёритишда А.Р.Муҳаммаджоновнинг “Қадимги Тошкент”⁴ рисолашида археологик маълумотлар асосида ҳозирги Тошкент худудида шаҳар маданиятининг шаклланиши ва унинг ривожланиши тарихи, бу ерда қад кўтарган дастлабки деҳқончилик қишлоқлари, қалъа-кўрғонлари ва уларнинг тарихий топографияси тавсифланган, айрим маҳаллалар номларининг этимологияси талқин этилган, шунингдек, “Тошкент” топонимининг этимологияси ҳақида муфассал тўхталиб ўтилган. Унда таъкидланишича, милоднинг бошларида Чоч воҳасида шаҳар маданияти кенгайиб, Қорасув, Салор ва Жўнариқ тармоқлари бўйлаб янги ерлар ўзлаштирилиши муносабати билан қадимги Чоч шаҳри янги жойда, ҳозирги темир йўл вокзали яқинида Салор суви бўйида янгидан қад кўтарган. V асрда у кенгайиб, Шош вилоятининг марказига айланган. Бу қадимги шаҳарнинг ҳаробалари Мингўрик тепалигидир. Шу вақтдан бошлаб у Чоч номи билан

¹ Юнусходжаева М. Из истории землевладения в Туркестане (на материалах хозяйства князя Н.К.Романова). – Ташкент: Фан, 1970. – 104 с.

² Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих..., ўша асар. – 56 б.

³ Ўша асар. – 19 б.

⁴ Муҳаммаджонов А.Р. Қадимги Тошкент..., ўша асар. – 78 б.

атала бошлаган. Араблар бу шаҳарни Шош ва Мадинат аш-Шош деб атаганлар. Археологик маълумотларга қараганда, қадимги Чоч шаҳри IV–VIII асрларда гуллаб-яшнаган. VIII аср ўрталарида Тошкентнинг араблар томонидан босиб олиниши оқибатида, Мингўрикдаги Шошканд шаҳри вайрон этилиб, бўшаб қолган. IX асрга борганда шаҳар янги жойда – ҳозирги Хадрада қад кўтарган. Янги жойдаги шаҳар IX–XI асрларда “Бинкат” деб юритилади. Маҳмуд Қошғарийнинг маълумоти бўйича, Тошкент шаҳри бу даврда “Таркан” деб ҳам юритилган. Муаллифнинг қайд этишига кўра, XI асрда Тошкентнинг қадимги номларидан Шошкент турк тилига таржима қилиниб, у “Тошканд” деб юритила бошланган¹. XVI аср охири ва XVII аср бошларида Тошкентнинг Чоч, Шош, Бинкат каби қадимий номлари аҳоли ўртасида муомаладан чиқиб, унинг сўнгги атамаси шуҳрат топа бошлаган.

Тошкентда мавжуд сув иншоотлари – гидронимлар ҳақида маълумотлар Қ.Холматов ва П.Баратовлар томонидан ёзилган ва 1983 йили чоп этилган “Тошкент шаҳрининг ирригация шохобчалари” номли рисоласида келтирилган². Хусусан Тошкент иқлимининг ўзига хос томонлари, шаҳар ҳудудидаги ариқ, ҳовуз ва кўлларнинг ҳозирги кундаги номи, ўлчамлари, жойлашган ва оқиб ўтадиган ҳудуди, пайдо бўлган вақти ҳақида баён қилинган.

Тошкентнинг айрим кўчалари, боғлари тарихига доир маълумотларни Ю.Соколовнинг “Ташкент, Ташкентцы и Россия”³, А.Тюриковнинг “Истории о Ташкенте”⁴, Ю.Ф.Буряковнинг “Тошкент кўчалари”⁵, Н.С.Содиқова ва Ю.Ф.Буряковларнинг “Қадимги ва ҳозирги Тошкент”⁶ асарларида учратиш мумкин.

1988 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти томонидан Ҳ.З.Зияев ва Ю.Ф.Буряковлар таҳрири остида “История Ташкента”⁷ номли тўплам нашр қилинди. Унда шаҳарнинг қадимги тарихидан то XX аср бошларига қадар тарихига доир маълумотлар келтирилган. Жумладан, Тошкентнинг XIX аср 60-йиллари – XX аср бошларидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти ёритилган бўлимида шаҳар ҳудудидаги айрим маъмурий бинолар, саноат объектлари ва турли муассасалари ҳақида маълумот берилиб, уларнинг номлари ҳам қайд этилган.

Тошкент шаҳри атрофидаги ерларнинг қисқача географик шарҳи, аҳолиси ва унинг сони, этник таркиби, шунингдек, мазкур ҳудудда учрайдиган

¹ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. 3 томлик. – Т., 1960. Т.I. Б.414.

² Холматов Қ., Баратов П. Тошкент шаҳрининг ирригация шохобчалари. – Т.: Фан, 1983. – 47 б.

³ Соколов Ю. Ташкент, ташкентцы и Россия. – Ташкент: Узбекистан, 1965. – 190 с.

⁴ Тюриков А. Истории о Ташкенте. – Ташкент: Ёш гвардия, 1983. – 75 с.

⁵ Буряков Ю.Ф. ва б. Тошкент кўчалари. – Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1972. – 207 б.

⁶ Содиқова Н.С., Буряков Ю.Ф. Қадимги ва ҳозирги Тошкент. – Т.: Фан, 1965. – 73 б.

⁷ История Ташкента. С древнейших времен до победы Февральской буржуазно-демократической революции. Под ред.Х.З.Зияева, Ю.Ф.Бурякова. – Ташкент: Фан, 1988. – 293 с.

этнотопонимлар ҳақида А.И.Шевяковнинг “Население Ташкентского оазиса в конце XIX – начале XX вв.” асарида қизиқарли маълумотлар мавжуд¹.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари Тошкент шаҳри топонимияси учун янги ўзгаришлар даври бўлди. Бу йилларда шаҳар жой номлари қайтадан кўриб чиқилди. Шаҳар топонимика комиссияси тузилди ва унинг барча туманларда филиаллари ташкил этилди. Совет даврида пала-партиш, илмий асоссиз қўйилган кўплаб микротопонимлар янгича ёндашилган ҳолда ўзгартирилди.

1993 йили Тошкент шаҳри топонимларига бағишланган илмий анжуман ўтказилди. Унда мутахассислар томонидан шаҳар топонимиясининг тарихи, таснифи, янги номлар бериш тартиби каби мавзуларда илмий маърузалар қилинди, тегишли хулосалар айtilди ва маърузалари тезислари 1994 йилда тўпламда нашр қилинди².

2002 йили “Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик” (тарихий-этнографик тадқиқот) номли китоб чоп этилди³, унда XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидаги Тошкент маҳаллаларининг ижтимоий-демографик тавсифи келтирилган.

Ҳ.Зиёевнинг 2003 йилда нашрдан чиққан “Тарихнинг очилмаган саҳифалари”⁴ номли китобида Тошкент шаҳар дарвозаларининг номлари, шаҳар деворининг аҳамияти, кўчаларнинг тузилиши ҳақида сўз юритилади.

Тошкент шаҳрининг XIX аср охири – XX аср бошлари тарихига бевосита дахлдор тадқиқотлар жумласига Ж.Исмоилованинг 2004 йили нашр этилган “XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи” номли китобини киритиш лозим⁵. Мазкур тадқиқотда ўрганилаётган даврдаги Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми ҳудудида жойлашган турли топонимик объектлар – маъмурий бинолар, савдо иншоотлари, илмий, маърифий, тиббий, диний муассасалар тарихи билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар келтирилган.

С.Қораевнинг 2005 йилда чоп қилинган “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари” номли китоби Ўзбекистон жой номларини ўрганишда муҳим тадқиқотлардан саналади⁶. Унда республика ҳудудидаги кўплаб топонимларга шарҳлар берилган, ҳар бир вилоятнинг топонимиясига оид изланишлар олиб борилиб, қисқача таҳлиллар келтирилган. Жумладан, Тошкент шаҳрининг маҳалла, мавзе, кўча, дарвозалари номлари билан боғлиқ топонимлар ҳақида ҳам илмий мулоҳазалар юритилган.

Мустақиллик йилларида Тошкент тарихига бағишланган номзодлик диссертациялари ҳам бажарилди. Жумладан, Пўлатов Х.Ш. “Архитектурно-

¹ Шевяков А.И. Население Ташкентского оазиса в конце XIX – начале XX вв. – М., 2000. – 74 с.

² Тошкент шаҳри ва вилоятлари топонимлари муаммолари: илмий-амалий конф. докл. тез. – Т., 1994. – 90 б.

³ Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик. Масъул муҳаррир: З.Х.Орифхонова. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 10–25 б.

⁴ Зиёев Ҳ. Тарихнинг очилмаган саҳифалари. – Т.: Меҳнат, 2003. – 51–63 б.

⁵ Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида..., ўша асар. – 140 б.

⁶ Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари..., ўша асар. – 5–42 б.

планировочная структура Старого Ташкента (конец XIX – начало XX вв.)” мавзусидаги тадқиқотида ўрганилаётган даврда шаҳар маҳаллалари, шаҳар атрофида жойлашган мавзеларининг топографиясига доир маълумотларни қайд этган, уларнинг жойлашуви тасвирланган карта-схема тузган. М.Шарипованинг “Тошкент шаҳрининг XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи” мавзусидаги диссертациясида шаҳар ариқлари, даҳалари, 12 дарвозаси номланиши, шаҳарда жойлашган устахона, завод, дўконлар ҳақида ёзилган¹.

Санаб ўтилган манбаларда Тошкент шаҳри Янги шаҳар қисмининг топонимияси ҳақидаги маълумотлар шаҳарнинг XIX аср охири – XX аср бошларидаги сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ ҳолда учрайди.

Юқоридаги тадқиқотдан хулоса қилиб айтиш мумкинки, шаҳар топонимияси кейинги бир ярим аср давомида мунтазам ўрганиб келинган. Мазкур даврда шаҳар ҳаётида юз берган сиёсий ўзгаришлар бевосита топонимия ва топонимик изланишларга таъсир кўрсатган. Тадқиқотларнинг бир қисми шаҳар топонимиясига бевосита дахлдор, яна бир қисми эса бошқа мавзуларга оид, бироқ уларда ҳам қисман топонимик маълумотлар берилган. Илмий изланишлар турли соҳа мутахассислари қаламига мансуб – археологлар, тарихчилар, филологлар, географлар ва бошқалар. Тадқиқотлар кўлами илмий мақолалар, илмий-оммабоп рисоалар, махсус диссертация, илмий анжуманда қилинган маърузаларни ўз ичига олади. Мавжуд тадқиқотларда шаҳар топонимларининг этимологияси, таснифи, муаммолари, янги номлар бериш тартиби юзасидан фикр юритилган. Шаҳар топонимияси муаммолари илмий анжуман доирасида ҳам кўриб чиқилган. Кейинги йиллардаги изчил изланишлар, тадбирлар натижасида шаҳар топонимияси анчагина илмий асосга қўйилди.

Тошкент шаҳрининг тарихий топонимиясига доир ёзма маълумотлар

Тошкент Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан саналади. Шу сабабдан шаҳар топонимияси анча қадимий, ўрта асрлар ва ундан кейинги давр манбаларида қайд этилган. Фанда мавжуд дастлабки топонимик маълумот шаҳар номи этимологияси билан боғлиқ.

Қўлингиздаги китобда Тошкент шаҳри топонимияси манбалари кенгрок миқёсда, аниқроғи, 3 гуруҳга бўлиб ўрганилди: қадимги, ўрта асрлар, XIX аср – XX аср бошлари ёзма манбалари.

Қадимги манбалар. Қадимий Хитой солномаларида Тошкент хитойча Лоюени, Юни, Чже-ши, Чже-чжи, Чже-си ва Ши номлари билан тилга олинган. Милоддан аввалги II асрга оид Хитой солномасида ҳозирги Тошкентнинг бир қисмига тўғри келадиган ҳудуд Юни деб кўрсатилган; кейинроқ шу жой Чже-ши, Ши шаклларида ёзилгани ҳам маълум.

¹ Шарипова М.Ф. Тошкент шаҳрининг ..., ўша асар. – 23 б.

Ши, Чже-чжи ва Чже-ши Хань сулоласи даври (мил.ав.206 й.– мил.25 й.) солномаларида Даван (Фарғона)нинг шимолига чегарадош жой; унинг айланаси 1000 ли (500 км.), ҳукмдори Ши, қароргоҳи Чжеси шаҳрида жойлашган, одамлари мохир жангчи; бедов отлари бор, дейилган¹. Милодий III асрга тегишли хитой солномасида ҳам юқоридагиларни қисман қайтарувчи маълумот бор: “Ши ҳукмдори Яоша бўйида яшайди, Қароргоҳи айланасига 10 ли (5 км.). Ҳукмдор Ши деб аталади; исми Не... Бу ерда буғдой ва арпа етиштирилади. Яхши отлар кўп. Одамлари мохир жангчилар...”².

Мазкур манбаларда ҳозирги Тошкентнинг ўрни Ши ҳудудига кирганлиги таъкидланган. “Ши” сўзини ифодаловчи хитойча белги (иероглиф) “тош” деган маънони англатади³. Айни пайтда, шаҳарнинг суғдча “Чоч” деган номи ҳам “тош” маъносини билдиради. Демак, хитой манбаларида учрайдиган “ши” сўзи суғдча “чоч” атамасининг калькаси, дейиш мумкин.

“Чоч” топоними ёзма шаклда илк бор сосоний подшоҳ Шопурнинг фармонига кўра “Зардушт каъбаси”га (милодий 262 йил) битилган ёзувларда учрайди ва у вилоят номини англатади⁴.

“Чоч” ёзуви III-V асрларга оид суғд тангаларида ҳам зарб этилган. Шунингдек, илк ўрта асрлар тангалари, кумуш идиш ва Фатуфарнинг Диваштичга ёзган хатида ҳам “Чоч” топоними учрайди⁵.

Ўрта асрлар манбалари. X-XI асрлар форсий ёзма манбаларида ҳам шаҳар номи “Чоч” шаклида берилган. Масалан, 983 йилда ёзилган “Худуд-ул-олам” номли форсий асарда Чоч катта вилоят пойтахти Бинкат ва подшоҳнинг қароргоҳи шу шаҳарда эканлиги қайд этилган⁶. Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асаридаги “Сиёвушнинг Афросиёб билан аҳд паймон қилгани” номли қиссасида шундай сатрлар бор:

Бухорою Суғд, Самарқанду Чоч,
Сажжоб ерларини бўшатиб қийғоч,
Қўшинин Канг томон суларди шитоб,
Паймонига содиқ шоҳ Афросиёб⁷.

“Чоч” Тошкент шаҳри тарихидаги ёзма манбаларда акс этган илк топоним бўлиб, бугунги кунгача етиб келган ва қадимги шаҳар қолдиқларининг ўрни ҳозир Чочтепа деб аталади.

¹ Хуршут Э. Ши – Чач – Ташкент. – Ташкент, 1992. – с.6.

² Ўша асар. – 7 б.

³ Бартольд В.В. Ташкент... – С.499.

⁴ История Узбекистана в источниках. Составитель Б.В.Лунин. – Ташкент, 1984. – с.43.

⁵ Ртвеладзе Э. Великий Шелковый путь. Энциклопедический справочник. Древность и раннее средневековье. – Ташкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1999. – с.266; Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Т.: Фан, 1992. – 57 б.

⁶ Худуд-ул-олам. Избранные отрывки. Перевод с арабского В.И.Беляева с дополнениями О.Г.Большакова и А.Б.Халидова. – Душанбе, 1983. – с.73.

⁷ Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Форсийдан Шоислом Шомухамедов таржимаси. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. Биринчи китоб. – Б. 610.

Араб манбаларида “Чоч” топоними “Шош” шаклида ифодаланган. Сабаби, араб алифбосида “Ч” ҳарфи йўқ. Масалан, Муҳаммад Жарир ат-Табарийнинг “Китоб ар-русул ва-л-мулук” (IX асрда) асарида Шош (Чоч) вилояти бир неча бор тилга олинади¹. Муаллиф мазкур ўлкани араблар томонидан қандай қилиб эгалланганлиги ҳақида ёзган.

Тошкент шаҳри ҳудудидаги топонимлар ҳақида бир мунча муфассал маълумот Абу Исҳоқ ал-Истахрийнинг “Китоб масолик ал-мамолик” асарида (X аср) берилган. Унда шаҳар шаҳристони (қалъаси)нинг учта дарвозаси (Абул-Аббос, Қаср, Гумбаз), ички рабаднинг ўнта дарвозаси (Ҳамдон, Оҳанин, Мир, Фарқон, Қад, Карманж, Қуйи саҳл Рашидижак, Қуйи ҳоқон, Кашки деҳқон) ва ташқи рабаднинг еттита дарвозаси (Фаргад, Хашкат, Сандижак, Оҳанин, Такрдижак, Сапрак, Бафаряд) номлари санаб ўтилган².

IX аср ўрталаридан бошлаб ҳозирги Эски Жува, Чорсу, Хадра оралиғида янги шаҳар шаклланади ва у ёзма манбаларда “Бинкат” номи билан қайд этилган. Бинкат шаҳри Шош вилоятининг маркази бўлганлиги юқорида айтилди. Бу сўз суғд тилида “Янги шаҳар” деган маънони англатади.

X асрнинг охирида Тошкент Қорахонийлар давлати таркибига кирган ва унга алоҳида улус мақоми берилган. Ана шу даврдан бошлаб “Тошкент” топоними муомалага кирган, яъни шаҳар шу ном билан атала бошлади. Мазкур топоним Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” (XI аср) асарида эслатилган: “Таркан – Шошнинг номидир. Аслида бу Тошканд, яъни “тош-шаҳар” демақдир”³. Абу Райҳон Берунийнинг (XI аср) “Қонуни Масъудий” асарида эса шаҳар номининг бир неча шакллари қайд этилган: “Бинкат – Шошнинг маркази, туркчада Тошканд, юнончада Тош қалъа”⁴.

XVI аср муаллифларидан Фазлуллоҳ ибн Рўзбихоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида эса шаҳар номи “Тошканд” ва Тошкент билан унга ёндош ерлар биргаликда “Шош вилояти” деб аталган⁵. Араб тилида ёзилган яна бир асар, яъни Жамолиддин Қаршининг “Мулҳақат ас-суроҳ” (XIII аср)да шаҳар “Шош шаҳри” деб аталган. Муаллиф шаҳарда жойлашган Имом Қаффоли Шоший қабрини зиёрат қилгани, шаҳар ҳудудида кўплаб масжидлар борлиги ҳақида баён қилган⁶.

XVI асрда ёзилган Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳий” (“Абдуллонома”) асарида шаҳар дарвозаларидан бир

¹ История ат-Табари. – Ташкент: Фан, 1987. – с.141–143.

² Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих..., ўша асар. – 19 б.

³ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. – 3 томлик. – Т., 1960. Т.I. Б.44.

⁴ Абу Райҳон Беруний. Қонуни Масъудий. Танланган асарлар.– Т., 1973. Т.V (1). Б.426.

⁵ Фазлаллаҳ ибн Рузбихан Исфохани. Михман-наме-йи Бухара (Записки бухарского гостя). Перевод, предисловие и примечания Р.П.Джалиловой. – М., 1976. – с.88–90, 144.

⁶ Материалы по истории Средней и Центральной Азии. Под.ред Б.А.Ахмедова. – Ташкент: Фан, 1988. – с.100.

неchtасининг номи кўрсатилган: Кўкча, Фаркат, Шибли, Самарқанд, Туркистон, Регистон¹.

XVII асрда яшаб ижод этган тарихчи Махмуд ибн Валийнинг “Бахр ал-асрор” асарида фақат шаҳар номи берилган холос, бироқ унинг уч хил шакли келтирилган: “Шош – Туркистонга тегишли, Сайхун дарёсининг нариги томонидаги шаҳар; 5-чи ва 6-чи иқлимларда жойлашган. Уни Чоч деб ҳам аташади, бироқ ҳозир унинг номи – Тошкент”².

XIX аср – XX аср бошлари ёзма манбалари. XIX асрга оид маҳаллий манбаларидан Муҳаммад Солиҳнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида Тошкент топонимлари ҳақида бир мунча муфассал маълумотлар ўрин олган ва муаллиф яшаган даврдаги топонимлар билан бир қаторда олдинги даврларга тегишли баъзи бир топонимлар ҳам эслатиб ўтилган. Масалан, 12 та номлари Амир Темур даврида номланганини қайд этади: Қиёт, Турклар, Камондарон, Қанғли, Бешоғоч, Қатағон. Ўз даври учун эса шаҳардаги даҳа, ариқлар номлари ҳақида қимматли маълумотлар беради³.

Тошкент шаҳри топонимлари ҳақида маълумот XVIII – XX аср бошларига оид рус манбалари – сайёҳ ва ҳарбийларнинг кундаликлари, маъмурий ҳужжатлар, генерал-губернатор, ҳарбий губернатор ва давлат хизматчиларининг, тафтиш комиссияларининг ҳисоботлари, статистик материаллар, даврий матбуот материаллари, турли карта, расм ва фотосуратларда ҳам бор. Уларда шаҳарнинг географик ўрни, ҳудуди, иқлими, маъмурий қисмлари, дарвозалари, девори, кўча, майдонлари, сувлари, турли муассасалари кабиларнинг номлари келтирилган. Масалан, XVIII асрда Миллер Тошкентнинг саккизта дарвозаси номлари эслатиб ўтган: Самарқанд дарвоза, Бешоғоч, Терсарик, Шайхонтахур, Тарсахон, Капкан (Қопқа), Точки (Кўкча)⁴. Гейнс XIX асрнинг иккинчи ярмида қуйидаги шаҳар дарвозалари номларини келтирган: 1. Лабзак, Тахтапул, Қорасарой; 2. Сағбон, Чигатой, Кўкча; 3. Самарқанд, Камолон, Бешоғоч; 4. Қўймас, Қўқон, Қашқар⁵.

Н.А.Маевнинг “Азиатский Ташкент”⁶ асарида Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида XIX аср охирларида мавжуд жой номлари ҳақида баъзи маълумотлар учрайди. Беш бобдан иборат мазкур асарнинг 1-, 3-, 4-бобларида Эски шаҳардаги даҳа, маҳаллалар, ариқлар, дарвозалар, масжидлар кабиларнинг номлари келтирилиб, айримлари ҳақида тафсилотлар ҳам ёзилган. Жумладан, шаҳарнинг 12 дарвозаси номлари берилган: Қўймас, Қўқон, Қашғар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Кўчимозор, Кўкча, Самарқанд, Камолон,

¹ Бўриев О. X–XVI асрлар ёзма манбаларида Тошкент шаҳри ва вилояти топонимияси // Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммолари: Илмий-амалий конф. докл. тез. – Т., 1994. – 48–50 б.

² Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. Пер. Б.А.Ахмедова. – Ташкент: Фан, 1977. – с.56–57.

³ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 18 б.

⁴ Соколов Ю.А. Ташкент, ташкентцы... – с.34.

⁵ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.42.

⁶ Маев Н.А. Азиатский Ташкент // Туркестанский Сборник.– СПб., 1876. Т.123. С.260–321.

Бешоғоч. Муаллиф даҳалар маҳаллий халқ иборасида “юрт” деб аталишини қайд этиб, ўзи уларни “қисмлар” дейди ва тўрт даҳанинг номини келтиради: ШайханТахур, Себзор, Кўкча, Бешоғоч. Шайхонтахур қисмида 48 та, Себзор қисмида 38 та, Кўкча қисмида 31 та, Бешоғоч қисмида 32 та маҳалла борлигини қайд этиб, номларининг рўйхатини ҳам берган. Шунингдек, ҳар даҳа аҳолиси кўпроқ қандай касб-хунар билан шуғуллангани, бу ерда мавжуд масжид, мадраса ва мактабларнинг сони, айримларининг номлари ҳақида даҳалар бўйича маълумот берган. Жумладан, Шайхонтахур қисмида 60 та масжид, 10 та мактаб, 3 та мадраса (Эшонқули Лашкар қушбеги, Тахтак, Дикзер¹ мадрасалари); Себзор қисмида 10 та масжид (Хотинмасжид, Охунгузар, Одинмасжид², Мозорхон, Муйимуборак, Хонақоҳ, Тахтакус, Работ, Хожи Тарашкан, Қорасарой масжидлари), 3 та мадраса (Бекларбеги, Бароқхон, Қизир Қўрғон мадрасалари); Кўкча қисмида 51 та масжид, 34 та мактаб 2 та мадраса; Бешоғоч қисмида 68 та масжид, 16 та мактаб, 3 та мадраса бўлгани таъкидланган. Асарда Тошкент худуди ва атрофидан оқиб ўтган ариқларнинг номлари берилган: Чирчиқ, Бўзсув, Пскем, Захарик, Салор; шунингдек, ҳар даҳа бўйлаб оққан йирик ариқларнинг номлари ҳам келтирилган. Шайхонтахур қисмида: Анхор, Ғадраган; Себзор қисмида: Кайковус, унинг тармоқлари (номлари оқиб ўтган маҳалла худуди билан боғлиқ бўлган); Кўкча қисмида: Кайковус, Захарик, Қорақамиш, Жангоҳ (Кайковуснинг бир тармоғи); Бешоғоч қисмида: Жатихирмон, Катта Танишаҳар, Арпапояарик, Қувирарик, Аламдор. Шунингдек, асарда муаллиф Тошкентнинг марказий бозори ҳақида ёзиб, ундаги расталар, сотиладиган моллар, хунармандчилик устахоналарини таърифлаб, бу ердаги савдо, савдогар, хунармандчиларнинг ўзига хос томонлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтган.

Н.А.Маевнинг “Русский Ташкент” номли асарида (1894) ҳам Тошкент топонимлари ҳақида маълумотлар мавжуд³. Асар олти бобдан иборат бўлиб, унда Янги шаҳарнинг географик ўрни, иклими, ўсимликлари, аҳолиси, бозори, транспорти, иморатлари, диний муассасалари, ундаги ҳарбий қисмлар, мозорлар ва шаҳар атрофидаги жойлар тавсифланган. “Шаҳарга келган ҳар бир кишида, шаҳар, бир қараганда, жуда ажойиб таассурот қолдиради; бизнинг губерния шаҳарларимизга ўхшамайди, балки у кўпроқ Қўшма Штатларнинг ғарбидаги ёш Америка шаҳарларини эслатади...”, – деб таърифлаган Н.А.Маев Тошкентнинг мазкур қисмини.

Муаллиф Янги шаҳарнинг баъзи жой номлари, қисман тарихи ҳақида тўхталиб, шаҳар марказидаги хиёбон, уйлар, дала-ҳовлилар, Воскресение бозори, шаҳар қамоқхонаси, госпиталь, даволаниш масканлари, диний иншоотлар, оммавий кутубхона, музей, маърифий муассасалар, илмий жамиятларнинг номлари, баъзиларининг эса жойлашуви ва фаолияти ҳақида

¹ Эҳтимол, Дегрез.

² Одинамасжид.

³ Маев Н.А. Русский Ташкент. Очерк Н.Маева // Ежемесячные литературные приложения при журнале “Нива” на 1894 г. за май, июнь, июль, август. – СПб.: Издание А.Ф.Маркса, 1894. – С.126–162.

маълумот беради. Масалан, А.П.Хорошхиннинг “Очерки Ташкента” мақоласида шаҳар ҳаёти тавсифи билан бир қаторда анчагина топонимик маълумотлар ҳам баён қилинган¹. Эски шаҳардаги даҳа, дарвоза, маҳалла, масжид ва мадрасаларнинг сони кўрсатилиб, шаҳарнинг марказий бозоридаги савдо расталари, карвонсаройларнинг рўйхати берилган².

А.Шишовнинг “Сарты” (“Сартлар”) номли асарида ҳам Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги даҳа, маҳаллаларнинг номлари қайд этилган³; ҳар бир даҳа ҳудудидаги масжид, мадраса, мактабларнинг сони даҳалар бўйича кўрсатилган, баъзи масжид ва мадрасаларнинг номлари ҳам берилган. Масалан: Шайхонтаҳур қисмида: Имомқули додхоҳ – Лашкар Бекларбеги, Қосимбой, Ҳазрат Юнусхон, Дегрез мадрасалари; Себзор қисмида: Бекларбеги, Бароқхон, Кадувот мадрасалари, Охунгузар, Хотинмасжид, Мозорхон, Муйи Муборак, Хонақоҳ, Тахтапул, Работ, Хўжа Тарашкан, Қорасарой масжидлари; Кўкча қисмида: Шайх Зайниддин бобо мадрасаси. Бешоғоч қисмида учта катта кўча номи – Самарқанд, Камолон, Бешоғоч; Ҳазрат Имом масжиди ва Кўкалдош мадрасаси; даҳалардан оқиб ўтган асосий ариқларнинг номлари ҳам қайд этилган.

А.И.Добросмысловнинг “Ташкент в прошлом и настоящем” номли асари⁴ Туркистон ўлкаси Россия империяси томонидан босиб олинганига эллик йил тўлганига бағишлаб ёзилган ва унда шу давр ичида Тошкент ҳаётида қандай ўзгаришлар содир бўлгани ёритилган; ўн беш бобдан иборат. Унда шаҳарнинг географик ўрни руслар босқинигача кечган тарихи, қиёфаси, рус босқинидан, кейинги даврда ташкил этилган янги қисми, маъмурий бошқаруви, хўжалиги, ўқув, тиббий, маданий ва бошқа муассасалари, турли тарихий воқеалар ҳақида тафсилотлар ўрин олган. Муаллиф, Эски шаҳар қисми ҳақида маълумотлар жуда кам йиғилганлиги туфайли, асосан Янги шаҳар ҳаётини ёритганини айтади. Мазкур асарда Янги шаҳар ҳудудидаги муассаса, бозор, сувлар, боғларнинг сони ва номлари келтирилган (бу ҳақда кейинги бобларда батафсил тўхталамиз).

XX аср бошларига оид Тошкент топонимлари ҳақида маълумот Н.Г.Маллицкийнинг “Ташкентские махалля и мауза” асарида ҳам берилган⁵. Айниқса, Эски шаҳар ҳудудидаги маҳалла ва мавзеларнинг даҳалар бўйича номлари рўйхати муҳим (бу ҳақда тафсилотлар кейинги бобларда келтирилади).

Тошкент шаҳрига оид топонимик манба сифатида тўплам ва даврий матбуот материалларини ҳам кўрсатиш мумкин; айниқса “Туркестанский Сборник” (“Туркистон тўплами”) – мақолалар тўплами ва “Туркестанские Ведомости” (“Туркистон ведомостлари”) рўзномаларида анчагина топонимик маълумотлар бор.

¹ Хорошхин А.П. Очерки Ташкента... – с.77–126.

² Мазкур рўйхат китобнинг иккинчи бобида келтирилган.

³ Шишов А. Сарты. Этнографическое и антропологическое исследование. – Ташкент: Электро-Паровая Типо-Литография О.А.Петрова, 1905. – с.39–54.

⁴ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.520.

⁵ Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля... – с.116.

“Туркестанский Сборник” (“Туркистон тўплами” – “Ўрта Осиё ва хусусан Туркистон ўлкасига оид асар ва мақолаларнинг Туркистон тўплами”) саҳифаларида Ўрта Осиё тарихи, этнографияси, иқтисоди, аҳолининг турмуш тарзи ва маданиятига оид муҳим мақолалар ўрин олган. Тўплам 1867–87, 1907–1927, 1939 йилларда тузилган¹ ва унинг 1, 5, 7, 8, 10, 11, 12, 14, 23, 24, 27, 28, 29, 40, 59, 60, 73, 87, 578, 579, 580, 581, 582, 583-томларида Тошкент шаҳри ҳақида маълумот бор. Айниқса, Л.Костенко, А.П.Хорошхин, П.И.Пашино, М.Терентьев, Г.Бехчурин, Н.А.Маевларнинг мақолалари, карталар, статистик, метеорологик ва бошқа нашрлардан Тошкент топонимиясига доир маълумотлар олиш мумкин².

“Туркестанские ведомости” – Туркистондаги илк даврий газета, 1870-1917 йилларда нашр этилган. Туркистон генерал-губернаторлигининг органи. Унда Туркистон генерал-губернаторлигининг фармонлари ва турли расмий маълумотлар, ўлка тарихи, табиати, хўжалиги, маҳаллий халқнинг оғзаки ижоди, адабиёти, урф-одатларига доир қизиқарли материаллар берилган.

Тошкент шаҳри билан боғлиқ материаллар кўпроқ расмий ҳужжатларда, яъни буйруқ ва фармонларда кўп учрайди. Жумладан, шаҳардаги табиий объектлар, кўча, бозор, турли муассасаларга доир ҳужжатларда уларнинг номлари, баъзан эгаллаган ўрни, фаолияти ва шуларга доир қоидалар кўрсатилган. Хусусан, рўзноманинг 1870 йилнинг 14, 1872 й. 3-7-, 27-, 1873 й. 19-, 21-, 24-, 26-, 27-, 1873 й. 47-, 1884 й. 24-, 1885 й. 1-, 5-, 1886 й.17-, 24-, 1887 й. 28-, 1888 й. 34- 1889 й. 2-, 1891 й. 41-42-,1892 й. 9-, 29-, 1890 й.25-, 29-, 31-, 1892 й. 2-,36- ва бошқа кўплаб сонларида бундай маълумотларни учратиш мумкин.

Тошкент топонимияси акс этган манбалар қаторида XIX аср охирлари – XX аср бошларида бажарилган карта, турли чизма ва расмларни эслатиб ўтиш лозим. Шунингдек, Туркистон генерал-губернаторлигининг бошқарув органларининг расмий ҳужжатларида ҳам Тошкент жой номлари тўғрисида маълумотлар қайд этилган. Ҳозирги кунда мазкур манбалар Ўзбекистон Республикасининг Марказий Давлат архиви, Кинофонофотоҳужжатлар архиви, Тошкент шаҳар архивлари фондларида сақланмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Тошкент шаҳри топонимияси манбаларини даврий жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳни қадимги хитой солномалари, сосоний ва суғд манбалари ташкил этади. Уларда Тошкентнинг “Ши”, “Чже-ши”, “Чоч” деб номлангани таъкидланган. Иккинчи гуруҳ, яъни ўрта асрларда ёзилган араб, форс ва туркий тиллардаги ёзма манбаларда шаҳарнинг “Чоч”, “Шош”, “Бинкат”, “Тошкент” деган номлари, дарвозаларнинг сони, номланиши, жойлашуви, шаҳарнинг тузилиши, ундаги баъзи мавзе, масжидлар, иқлими,

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14 томлик. Бош муҳаррир К.А.Зуфаров. – Т.: Ўз СЭ Бош редакцияси, 1978. Т.11. Б.378.

² Туркестанский Сборник. Составляемый В.И.Межовым. – СПб., 1869. Т.5. С.246–249; Т.10. С.278–283; Т.11. С.226; Т.12. С.319–320; Т.14. С.98; Т.28. С.53–97.

боғлари ҳақида сўз боради. Учинчи гуруҳ, яъни XIX аср иккинчи ярмидан кейинги давр манбалари (форсий ва туркий тиллардаги маҳаллий манбалар, рус олимларининг асарлари, сайёҳ ва ҳарбийларнинг кундаликлари, маъмурий ҳужжатлар, генерал-губернатор, ҳарбий губернатор ва давлат хизматчиларининг, тафтиш комиссияларининг ҳисоботлари, статистик материаллар, даврий матбуот материаллари, турли карта, расм ва фотосуратлар) шаҳарнинг даҳалари, дарвозалари, ариқлари, маҳалла, мавзелари, кўча, майдон, боғлари, маъмурий, ҳарбий иншоотлари, завод, фабрика, тиббий, ўқув, илм-фан муассасалари, театр, кино, клуб, ибодатхоналари ва бошқа жойларнинг номлари, жойлашуви ва тарихига оид ахборотларни ўз ичига олади. Ҳар бир даврга оид ёзма манбаларда Тошкент шаҳри топонимлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Мазкур гуруҳлардан учинчи гуруҳ, яъни XIX – XX аср бошлари манбаларида шаҳар ҳудудидаги жой номларига доир материаллар анча кўп. Улар орасида Туркистоннинг Россия империяси таркибида бўлган даврга тааллуқли маъмурий ҳужжатлар, матбуот саҳифаларидаги мақолалар, турли ҳисоботларнинг салмоғи юқори.

Шуниси ҳам эътиборлики, турли тарихий-ижтимоий сабабларга кўра, қадимда мавжуд жой номлари давр ўтиши билан истеъмолдан чиққан ёки бир мунча ўзгарган ва янги топонимлар пайдо бўлиб борганлиги кузатилади. Уларни таҳлил қилиб ўрганиш борасида Тошкент шаҳрининг тарихий топонимиясига ойдинлик киритиш мумкин.

II БОБ. ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТАРИХИЙ ТОПОНИМЛАРИНИНГ ТАСНИФИ ВА ТАҲЛИЛИ

Гидронимлар ва уларнинг этимологияси

Тошкентнинг шаҳар сифатида шаклланиши ва ривожланишида сув таъминоти энг зарурий шартлардан бири бўлган. Шаҳар қадимдан Чирчик дарёсидан қазиб келтирилган Бўзсув канали ва унинг тармоқлари воситасида сув билан таъминланган. Маълумки, Тошкент шаҳрининг ер юзаси шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон пасайиб боради ва унда табиий сув тармоқлари фаолияти натижасида ўр-қирлар ҳосил бўлган. Тошкентдаги сув шоҳобчаларининг номлари (гидронимлар) эса кўпроқ шаҳарнинг тарихи билан узвий боғлиқ.

XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент ҳудудида қуйидаги гидронимлар бўлган:

Йирик ариқлар: Бўзсув ва унинг тармоқлари – Қорасув, Анҳор, Салор, Калковуз, Яланғоч, Ғадир (Ғадраган), Ивиш, Қўнғирот, Дарвозакент, Юз.

Ўртача узунликдаги ариқлар: Қорасув ариғи тармоқлари – Турк, Чилдухтарон, Қўшчи, Рўмол, Полвон, Янгилик-мозор; Салорнинг тармоқлари – Посира, Дархон, Дам, Қушбеги; Анҳор ариғи тармоқлари – Кумач, Шайхонтахур, Жартегирмон, Танишаҳар, Зуевский, Арпапоя-1, Арпапоя-2, Камолон, Кубур, Қозиработ, Навза, Қатортол, Чилонзор, Сўпитўрғай, Рақат, Янгимаҳалла, Чорих, Мирбола, Чўпонота, Терс, Якбоши; Кайкобуснинг тармоқлари – Қўштут, Чимбой, Янги Шаҳар, Жар, Аллон, Музафарбий, Яккақайрағоч, Чақар, Обиназар, Ҳожи Алимбой, Шайх Зайниддин, Юсуф Алихўжа, Оқ-Элон, Солиҳ Жонбой, Бобокўзи, Кўк юнучка, Адрасул Аллафа, Хужона-Палдин, Саидакбар, Оқтепа, Учтепа, Ёби, Ингичка-Қўрук, Жонмарт, Каримхон, Чилчиқ-Турон, Янгиарик, Кичикқурук, Кохота, Тахтапул, Комилбек, Кенжабой, Чувалачи (Ҳожиакбар), Тегирмон, Тешиқ-қопқа, Чигитбош, Қорасарой, Парчабоф (Кадивот), Хазрат Эшон, Парчабоф, Мозорхон (Яккачўб), Яуй, Жарарик, Бобохўжа; Яланғоч ариғи тармоқлари – Дарвозакент, Оққўрғон.

А.И.Добросмыслов юқорида қайд этилган ариқлар, ўз навбатида, 83 та кичикроқ суғориш тармоқларига бўлинганини ёзган, бироқ уларнинг номларини бермаган¹. XIX аср охири XX аср бошларида Тошкент ҳудудида 600 га яқин қудуқ², 500 га яқин ҳовуз, шунингдек булоқлар ҳам бўлган. Бугунги кунга қадар улардан айримларинигина номлари сақланган (Сассиқҳовуз, Каттаҳовуз).

Тошкент шаҳридаги гидронимларнинг бир қисми ўша даврдаги карталарда ҳам акс этган. Масалан, 1890 йили чоп этилган Тошкент шаҳрининг русча “План”ида³ қуйидаги ариқлар кўрсатилган: Боз-су (Бўзсув), Анҳор

¹ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.136–197.

² Ўша жойда.

³ План города Ташкента. – Ташкент, 1890 год. (Харитада жой номлари ёзилишида анчагина хатоликка йўл қўйилган).

(Анхор), Калькауз (Калковуз), Салар (Салор), Чар-су (Чорсу), Лабзак (Лабзак), Аз-Кази (Кўкча), Уч-Кур Купрюк (Чуқуркўприк), Чаули (Човли), Гадрачако (Ғадир), Равнео (Ракат), Дархан (Дархон). Кейинроқ 1936 йили нашр қилинган Тошкент шаҳри картасида¹ юқоридаги “План” дагига қўшимча анчагина янги гидронимлар (жами 24 та ариқнинг номи берилган). Жумладан: Ходжи-Куча (Ҳожи-Кўча), Шахар (Шаҳар), Регистан (Регистон), Куйи Боз-су (Куйи Бўзсув), Танишахар (Танишаҳар), Павлов, Шайхантаур (Шайхонтахур), Янгоб (Жангоб), Кокча (Кўкча), Жар, Ракат, Бурджар (Бўрижар), Чиланзар (Чилонзор), Дам, Палван (Полвон), Ак-курған (Оққўрғон) кабилар.

Мазмун жиҳатидан Тошкент ариқларининг номлари турличадир:

- 1) ариқ оқиб ўтган ҳудуднинг табиати билан боғлиқ – Жар, Толариқ;
- 2) шахс номидан – Шайхонтахур, Павлов, Юсуф Алихўжа;
- 3) ариқ оқиб ўтган жойнинг номидан – Бешоғоч, Чорсу, Регистон, Дархон;
- 4) гидронимларининг аксарияти маҳалла ва мавзелар номи билан аталган – Оққўрғон, Оқтепа, Чувалачи, Ракат;
- 5) айрим ариқлар шаҳар дарвозалари номини англатади – Лабзак, Тахтапул, Тешиққопқа, Қорасарой².

Қуйида Тошкент ҳудудидаги айрим гидронимларнинг этимологиясига тўхталамиз.

Бўзсув ариғи – Чирчиқ дарёсининг ўнг тармоғи. Ўз сувини икки жойдан – Бўзсув-Зах бош тармоқдан ҳамда Чирчиқ шаҳри Бўзсувбоши маҳалласи яқинидан олади, Тошкент шаҳридан оқиб чиққач, Чиноз шаҳридан ўтиб, Сирдарёга куйилади. Умумий узунлиги 159 км. XIX аср охири – XX аср бошларида Бўзсув Тошкентнинг шимолий қисмидан оқиб кириб, шаҳарнинг марказий қисмида Анхор ва шаҳардан чиққандан сўнг Бўрижар номи билан давом этган. Ҳозирги кунда Тошкент ҳудудида Бўзсувдан 25 та тармоқ чиқарилган³.

Бўзсув каналининг қачон қазилганлиги аниқ эмас. Археологларнинг тахминий маълумотларига кўра, у милод бошларида қазилган. Мазкур ариқ ҳақида ёзма манбаларда ҳам қайд этилган. Жумладан, Муҳаммад Солиҳнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида Бўзсув қадимда “Кайкобус” деб аталгани, муаллиф яшаган даврда эса (XIX аср) у “Бўзсув” деб номланиши ҳақида ёзилган. Ҳозирги вақтда “Бўзсув” номи каналнинг юқори қисми учун сақланиб қолган.

“Бўзсув” гидроними икки сўз – “бўз” ва “сув” компонентлардан ташкил топган. “Бўз” асли туркий сўз бўлиб, унинг талайгина маънолари бор.

¹ План-путеводитель по городу Ташкенту. – Ташкент, 1936.

² Бўриева Х. Тошкент шаҳри ариқларининг номланиши хусусида (XIX аср охири – XX аср бошлари) // Ўз МУ хабарлари. – Т., 2003. – № 4. – Б. 33–39.

³ Холматов Қ., Баратов П. Тошкент шаҳрининг ирригация шохобчалари. – Т.: Фан, 1983. – 13 б. Мазкур китобда ариқларнинг ҳозирги кундаги узунлиги, жойлашуви ҳақидаги маълумотлар шу адабиётдан, шунингдек, Тошкент энциклопедиясидан (1992) олинган.

Жумладан, ранг, тус маъносида: “бўзранг” – оч кулранг; “бўз тупроқ” – чўл ёки дашт тупроғининг бир тури, сарғиш рангда; Ўрта Осиёда тоғ этақларида кенг тарқалган. Баъзи тадқиқотчилар Бўзсув ариғи ҳам ундаги сув рангига кўра шундай ном олган деб ёзишади¹. “Бўз” - кўлда тўқилган мато номи; ушбу маънода “Бўзчи” деган жой номи ҳам пайдо бўлган. “Бўз” сўзининг “янги” деган маъноси ҳам борки, у жой номларига бевосита дахлдордир. Жумладан, “Бўз ер” – ўзлаштирилмаган ер, кўриқ ер, дашт. “Бўз” атамаси асосида ясалган жой номлари анчагина. Шу жумладан, Тошкентнинг шимоли-шарқий томони (ҳозирги Мирзо Улуғбек туманининг шимоли-шарқий қисми) илгари “Бўз мавзеи” дейилган ва бу ном қайта тикланди. Қадимдан бу жойлар ўзлаштирилмаган, асосан, чорва моллар ўтлаб юрадиган, яйловдан иборат бўз ерлар бўлган. Ушбу кўриқ ердан оқиб ўтган сув тармоғи эса “Бўзсув” номини олган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Бўзсув ариғи Себзор даҳасининг Отчопар, Янги шаҳар-дарвоза, Ертешган, Янги шаҳар-Шаҳидонтепа мавзе-маҳаллалари ва Сирли масжид маҳалласи ҳудудларидан оқиб ўтиб, сув таъминотида катта аҳамиятга эга бўлган. Бу сувдан мавзелардаги дала ва боғларни суғоришда, шунингдек, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда кенг фойдаланилган.

Эски шаҳар ариқлари:

Анҳор канали – Бўзсувнинг чап тармоқларидан бири, узунлиги 8,7 км. Шаҳар ичида шимоли-шарқдан жануби-ғарбга қараб оқади. XIX аср охири – XX аср бошларида Анҳор Тошкентнинг Эски шаҳар ва Янги шаҳар қисмлари ўртасидаги чегара вазифасини ҳам ўтаган. Унинг ўнг ва чап томонларидан бир нечта ариқ сув олган.

“Анҳор” гидроними арабча “наҳр” – “дарё” сўзининг кўплик шакли бўлса-да, бу ерда “катта ариқ” маъносини билдиради. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, “Анҳор” гидроними маҳаллий аҳолининг талаффузида кўпинча “арик”, “сой” маъноларини англатади. Анҳор шаҳардан оқиб чиққач, Бўрижар номини олган.

Анҳор каналининг номи турли давр ёзма манбаларида қайд этилган. XIX аср рус ёзма манбаларида мазкур гидроним кўпроқ “Ангор”, шунингдек, “Анҳор” деб ёзилган. Ўша даврда нашр этилган карталарда мазкур ариқнинг номи “Анҳор” шаклида қайд этилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Анҳор ариғи Шайхонтахур даҳасининг Ертешган, Янги шаҳар-Лабзак, Турк, Янги шаҳар Минор, Янги шаҳар Қиёт, Тожик маҳалла мавзе-маҳаллалари, Шатак, Турктепа, Қашқар, Қиёт каттакўча, Калтатой, Қаймоқ-бозор, Қиётторкўча, Пастак, Қорёғди, Қудуқбоши, Ўрда, Қиёттепа, Қиёт, Қуйи Мерганча маҳаллалари ҳудудидан оқиб ўтган ва уларни сув билан таъминлаган.

¹ Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. – Т.: Фан, 1982. – 91 б.

Эски шаҳар худудидаги қолган ариқлар ҳақида куйида қисқача топонимик маълумот берилиб, батафсил этимологик таҳлил 17-иловадаги луғатда келтирилади.

Бўрижар (Бўржар) ариғи. Бизнингча, “Бўржар” гидронимининг этимологиясини “Бўзсув”дан олиб қараган тўғрироқ, чунки Бўрижар ариғи Бўзсув каналининг давоми ва “Бўржар” – “Бўз жар” – “Бўзсув оққан жар” иборасининг қисқарган шаклидир. Аслида Бўрижар бўлса керак.

Жарарик. “Жарарик” гидроними рельеф билан боғлиқ бўлиб, “жарликда ҳосил бўлган ариқ”, “жардан оқиб ўтган ариқ” маъноларига яқин. Маълумки, Чиғатой баланд ерлардан оққан, ундан ўнг томонга тармоқланган ариқлардан энг каттаси саналган Жарарикнинг бошланиш ери нисбатан пастлик ерларга тўғри келади.

Калковус канали. “Калковуз” гидроними “Кайковус”, “Кайкобус” топонимларининг ўзгарган шаклидир. Одатда мазкур топоним “Кайковус” антропотопоними билан боғлиқ, деган фикр мавжуд. X–XI аср форс шоири Абулқосим Фирдавсийнинг “Шохнома” асарида ёзилишича, Кайковус эрон шоҳларидан бири бўлган¹.

Кўкча ариғи. “Кўкча” гидроними “кўкча” топонимидан келиб чиққан; сабаби, мазкур ариқ Кўкча даҳасидан оқиб ўтган. Топонимнинг этимологияси хусусида фикрлар турлича: Кўкча даҳаси дарахтзор, кўкаламзор, экинзор кўп бўлганидан шундай ном олган²; “кўкча” – форсча “коҳча” сўзининг талаффузда ўзгарган шакли бўлиб, “кичик қароргоҳ” – “қалъача” маъносини англатади³. Кўкча ариғи шу қароргоҳ худудидан оқиб ўтганлиги туфайли кейинчалик бу жойнинг номини олган; “Кўкча” шахс номи сифатида XIY асрда, аниқроғи, Рашид ад-Дин Фазлуллоҳнинг “Жомеъ-ат-Таворих” асарида учрайди⁴. Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, “кўкча” бу туркий қабилалардан бирининг номи⁵.

Лабзак (ёки Жангоб) ариғи. Мазкур жой номи форсча “лаб” – “бўйи”, “чеккаси” ва арабча “зах” – “нам, зах ер” – сўзларидан ташкил топган. Яъни “лабзак” сўзи “зах ер” маъносига яқин. Лабзак ариғининг халқ орасида “Жангоб” деган номи ҳам машҳур бўлган. “Жангоб”, яъни “уруш суви” дейилган, сабаби унинг икки соҳили (асосан, ҳозирги Себзор мавзеси қисмида) даҳалараро бўлиб ўтадиган жанглар майдонига айланган.

Регистон ариғи. “Регистон” гидроними “Регистон” топонимидан олинган. Аслида “регистон” топоними форсча “рег” – “қум” ва “стон” – “ўлка, жой” – сўзларидан ташкил топган. Ўрта асрлар шаҳарларидаги Регистон қумшағал тўкиб текисланган марказий майдондан иборат эди. Тошкентда ушбу

¹ Абулқосим Фирдавсий. Шохнома..., ўша манба. – 303–325 б.

² Қораев С. Географик жой..., ўша асар. – 67 б.

³ Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент..., ўша асар. – 24 б.

⁴ Рашид ад-Дин. Сборник летописей. – пер.с персидского О.И.Смирновой. Прим.Б.И.Панкратова и О.И.Смирновой. Ред.А.А.Семенова. – М.-Л., 1952. Т.1. Кн.2.С.74.

⁵ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 19 б.

жойдан оқиб ўтган ариқ ҳам “Регистон” номини олган. **Танишаҳар ариғи.** “Танишаҳар” гидроними “тан” ва “шаҳар” сўзларидан ташкил топган. “Тан” форсча-тожикча сўз бўлиб, бир нечта маъноларга эга, бу ерда “тан” сўзининг “кимсага тегишли қисм, улуш ёки нарса”¹ деган маъноси тўғри келади. Яъни Танишаҳар – бу “шаҳарга тегишли” дегани. Шу боис “Танишаҳар” гидроними мазкур ариқнинг айнан шаҳар худудидан оқишини англатиши мумкин.

Чиғатой ариғи. “Чиғатой” гидронимининг пайдо бўлиши тахминан XIV асрга тўғри келади, “Чиғатой” антропоними ва “чиғатой” этноними билан боғлиқ. Маълумки, Чиғатой (XIV аср) Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган Чингизхоннинг иккинчи ўғлининг номи. Кейинчалик унинг исми туркий қабилани номига ҳам ўтган. XV асрда Тошкентнинг 12 та дарвозасидан бирининг “Чиғатой дарвозаси” деб номланган. Чиғатой ариғи эса Чиғатой дарвозаси ёнидан оқиб ўтганлиги туфайли, унинг номи билан аталган.

Чорсу ариғи. Гидроним “Чорсу” топонимидан келиб чиққан. “Чорсу” топоними форсча “чор” – “тўрт” ва “су” – “томон” сўзларидан ташкил топган; луғавий маъноси: “тўрт томон” демакдир. Бу шартли тушунча бўлиб, фақат тўрт кўча эмас, балки бешта, ҳатто олти-еттита кўчанинг ҳам кесишган жойини англатган. Чорсу – марказий бозорнинг, аниқроғи усти ёпиқ (тим) кўчаларнинг бошланиши бўлган.

Човли ариғи. Мазкур гидроним маъноси ҳақида икки хил фикр мавжуд. Биринчисига кўра, бу ариқнинг тўғри аталиши “Шибли”, яъни унинг номи машҳур тарихий шахс Шайх Шибли исмидан олинган. Кейинчалик аҳоли томонидан “Шибли” сўзи “Човли” шаклида талаффуз қилинадиган бўлди. Иккинчи фикрга кўра, “шибли” – бу “зах ерлар, ўтлоқ” демакдир, яъни бу ариқ шундай жойлардан оққанлиги боис Човли деб аталган.

Чуқуркўприк ариғи. “Чуқуркўприк” гидроними “чуқур” ва “кўприк” сўзларидан тузилган. Рельеф шакли билан боғлиқ, яъни ариқнинг қирғоқлари паст қисмига қурилган кўприк мавжудлигидан шундай ном олган.

Шайхонтаҳур ариғи. “Шайхонтаҳур” гидронимининг пайдо бўлиши анча қадимги тарих, XIV асрга боради ва “Шайхонтаҳур” антропотопоними билан боғлиқ. Аниқроғи, бу топоним машҳур тарихий шахс – шайх Хованди Таҳур исмининг қисқартирилган шаклидир. Мазкур шайх Тошкентда XIV асрда яшаган ва вафот этганлар, қабри устига кейинчалик мақбара бунёд этилган ва у ҳозиргача сақланган. Тошкент шаҳрининг ана шу мақбара жойлашган ва атрофидаги худудлар кейинчалик “Шайхонтаҳур” номини олди ва тўрт даҳадан бирининг номига айланди. Шайхонтаҳур ариғи ҳам ушбу даҳа номи билан аталган².

Шаҳар ариғи. Мазкур ариқнинг бир тармоғи Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидан шимолга шаҳар худудидан ташқарига оқиб чиққанлиги сабабли, “Шаҳар” ариғи (яъни шаҳардан оқиб келувчи ариқ) номини олган.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. З.М.Маъруфов таҳрири остида. 2 томли. – М.: Рус тили, 1981. Т.2. Б.115.

² Шайхонтаҳур топоними ҳақида китобнинг луҳат қисмида батафсил маълумотлар келтирилади.

Қуйи Бўзсув. Бу ариқ шаҳар ҳудудида Бўзсувдан оқиб чиққан тармоқларнинг кейинчалик шаҳар ташқарисида бирлашиши натижасида вужудга келганлиги сабабли аҳоли томонидан шундай деб номланган. “Қуйи Бўзсув” гидроними “Бўзсувнинг пастки қисми” деган маънони англатади.

Янги шаҳардаги ариқлар:

Дархон ариғи – Салор каналидан бошланувчи қадимий ариқ, юқори ўзани асримизнинг 50-йиллари охирида текислаб юборилгач, қолган қисми Оққўрғон каналининг чап шоҳобчасига айлантирилди. Дархон ариғининг узунлиги 3,1 км., чап томонга 8 та ва ўнг томонга битта шоҳобчаларга тармоқланган. “Дархон” гидроними аслида “Дархон” топонимидан олинган. Мазкур топоним луғавий жиҳатдан олиб қараганда бир неча хил шаклда талаффуз этилган; дархон, дархан, тархон, тархан, тарқан, тарқат ва ҳ.к. Тўғри аталиши “тархон” ёки “тархан”. Ҳар хиллик эса маълум жойдаги халқнинг сўз талаффузи қоидалари билан боғлиқ. “Дархон” (ёки “тархон”) – қадимий туркий сўз. Қадимий туркий ёзма манбаларда у “тарқан” шаклида қайд этилган ва шахсга берилган маълум бир унвонни англатган. Маҳмуд Кошғарийнинг (XI аср) “Девону луғат ат-турк” асарида ҳам “тархан” туркий қабилалардан бири бўлиши аргу тилида “бек” маъносини англатиши қайд этилган¹. Кейинчалик, “тархон” атамаси анча кенг ижтимоий мазмун касб этди. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида бу атама маълум имтиёзни белгилайдиган бўлди. Ҳукмдор томонидан тақдирланган айрим кишиларга “тархон” деган унвон берилган ва бу унвон, одатда, ўша шахснинг номига қўшиб айтилган (Алп тархон, Арслонхўжа тархон). “Тархон” унвони билан тақдирланган амалдорларга ажратилган мулк солиқдан озод қилинган. Бундай ерларни “тархонлик ерлари” (қисқача “тархон”) деганлар. Шу асосда жой номлари пайдо бўлган ҳоллар ҳам учрайди. Жумладан, ҳозирги Астрахан шаҳрининг номи “Ҳожи-тархон” бўлган. Мўғулларда бу сўз “дархон” шаклида қабул қилинган ва луғавий жиҳатдан “озод” деган маънони англатган, ундан жой номлари ҳам ҳосил бўлган. Чунончи, Дархан – Монголиядаги шаҳар номи. Ўзбекистонда бу атама, асосан, унинг мўғулча аталиши, яъни “дархан” (“дархон”) шаклида кенг тарқалган; Андижон вилоятида битта, Тошкент вилоятида эса учта Дархон деган қишлоқ бор.

Тошкент шаҳрининг ҳозир эгаллаб турган майдонида Дархон номли жойлар бир нечта. XX аср бошларида Шайхонтаҳур даҳасида Дархон маҳалласи бўлиб, у Пуштибоғ, Орқакўча ва Оқмачит маҳаллаларига ёндашган эди. Бўзсувдан бошланадиган Оққўрғон каналининг бир тармоғини Дархонариқ, ундан сув олган мавзе Дархон мавзеси деб аталган. Муҳаммад Солиҳнинг “Тарихи жадидаи Тошкент” асарида мазкур ариқ Тархон-сайёд ариғи, деб эслатилган. Ҳозир шу ариқ кесиб ўтган Пушкин кўчасида Дархон бекати бор. Анҳор каналининг этак қисмидан, чап ёнидан сув олувчи битта ариқни Эски Дархон ариғи дейишади. Себзор даҳасида ҳам Дархон деган мавзе бор эди. Тошкент шаҳри мавзелари орасида “Дархон” топонимининг кўп учрашидан қадимда шаҳар зодагонларига анчагина жойлар тархонликка

¹ Девону луғотит турк. Индекс-луғат. – Т., 1967. – 252 б.

ажратилиб берилганлигидан далолат беради. Ана шу ерларда, улар ариқлар қаздириб, экин экиб, боғ-роғлар барпо этганлар. Зеро, Тошкентдан шарқда Бўзсувдан бошланиб, шаҳарнинг шимолидан давом этган иккита каналнинг номи ҳам Дархонариқдир¹.

XX аср бошларида Дархон ариғи Салор каналидан сув олган ва Янги шаҳар ҳудудида Салор йўналиши бўйича, каналдан узоқ бўлмаган масофада шимолдан жанубга йўналишда оққан ва Оққўрғон ариғига қуйилган. Ўз йўлида Дархон ариғи Огородная, Огородная 4 пр. (Огородная кўчаси 4-тор кўча), Огородная 5 пр. (Огородная кўчаси 5-тор кўча), Пушкин, Паркентская (Паркент) кўчалари аҳолисини сув билан таъминлаган.

Янги шаҳардаги бошқа ариқлар ҳақида қуйида қисқача топонимик маълумот берилиб, батафсил таҳлил луғатда келтирилади.

Оққўрғон ариғи. “Оққўрғон” гидроними шу шаклдаги топонимдан ҳосил бўлган. ХҲ асрда Тошкент атрофидаги мавзелардан бири Оққўрғон деб аталган. Мазкур ариқ шу ҳудуддан оқиб ўтгани сабабли унинг номи билан аталган.

Салор ариғи. “Салор” гидроними аслида Чирчиқ дарёсининг табиий тармоғининг номи. Манбаларда у ҳарбий-тарихий атама сифатида қайд этилган. Арабчада “солор” – “сипоҳ”, “саркарда”, “бош қўмондон”, “бошлиқ” деган маънони англатади. Шунингдек, унинг “подшоҳ” деган маъноси ҳам бор². Мазкур гидронимнинг пайдо бўлиши ҳақида бир нечта фикрлар мавжуд: Салор – ушбу ариқни сипоҳ солор, яъни бош қўмондон қаздирганини билдиради; Муҳаммад Солиҳ келтирган ривоятда Салор ариғи Кайкобус ва подшоҳ Салор замонларида қаздирилган ариқнинг номи ва у (XIX аср 2-ярмида) шаҳардан чорак фарсанг (тахм.1,5 км.) жанубдан оқиб ўтган³. Демак, “Салор” қадимги подшоҳнинг исми бўлган. Ривоятдан ариқнинг номи подшоҳ Салор исмидан олинган, деб тахмин қилиш мумкин. Бошқа фикрга кўра, “салор” – бу этнотопоним, қадимги туркий қабила номидан олинган⁴.

Чилонзор ариғи. Гидроним “чилонзор” топоними билан боғлиқ. “Чилонзор” топоними “чилон” ва “зор” сўзларидан иборат бўлиб, “чилон жийда ўсадиган боғ” маъносини англатади⁵. Бироқ, Н.Г.Маллицкийнинг фикрича, Чилонзор аслида Чинорзор, яъни “чинор боғи” демакдир⁶.

Юқорида биз XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳри ҳудудида ва атрофида мавжуд ариқлар, уларнинг номи, сони, қайси жойлар (туман, маҳалла, мавзелар)дан оқиб ўтиши, хўжалик аҳамияти, ва ниҳоят, номланиш хусусиятлари ҳамда айрим гидронимларнинг этимологияси хусусида

¹ Бўриев О. Дархон – хоннинг ерими? // Газ. “Тошкент оқшоми”. – 10.02.1992.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. З.М.Маъруфов таҳрири остида. Икки томли.– М.: Рус тили, 1981. Т.2. С–Ҳ. Б.67.

³ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 44 б.

⁴ Хўжаев А. Чинга бориб қолган самарқандлик солорлар // Мозийдан садо. – Т., 2003. – № 3-4. – Б.93–36.

⁵ Қораев С. Географик номлар..., ўша асар. – 133 б.

⁶ Маллицкий Н.Г, Ташкентские махалля... – с.115.

тўхталиб ўтдик. Умуман олганда, шаҳардаги оқиб ўтган ариқларнинг вужудга келиши вақт жиҳатдан турли даврларга тўғри келади. Шу боис, уларнинг номланишида форсча, арабча, туркий, русча топонимик қатламларга мансублик кузатилади. Тадқиқот натижасида маълум бўлдики, мазмун жиҳатдан гидронимлар жойнинг табиати, ариқ оқиб ўтадиган жойининг номи, яқинидаги ижтимоий-хўжалик иншоотлари, маҳаллалар, таниқли шахслар, тарихий воқеалар билан боғлиқ бўлган. Вақт ўтиши билан баъзи гидронимлар асл шаклида сақланган, айримлари эса истеъмол давомида талаффузда бир мунча ўзгарган.

Тошкентнинг Эски шаҳар қисми тарихий топонимларининг таркиби

Тўрт даха ва дарвозалар номлари

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Тошкент икки маъмурий-худудий қисм – Эски шаҳар ва Янги шаҳарлардан ташкил топган эди ва бу ҳолат Туркистоннинг Россия подшолиги томонидан забт этилиши билан боғлиқ бўлган. Аниқроғи, Тошкент 1865 йили руслар томонидан босиб олингач, икки йил ўтиб 1867 йили ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлигининг марказига айлантирилган. Шаҳар ҳудуди кенгайиб, Анҳорнинг чап соҳилидан шарққа томон янги иморатлар қурилган ва бу ерлар “Руслар яшайдиган қисм” ёки “Янги шаҳар” деб атала бошлаган. Анҳордан ўнг томонда жойлашган эски Тошкент ҳудуди эса “Эски шаҳар” деб аталган.

Ўша давр русча манбаларда Тошкентнинг Эски шаҳар қисми кўпроқ “туземная часть” (“маҳаллий қисм”), “туземная часть города Ташкента” (“Тошкент шаҳрининг маҳаллий қисми”)¹ “туземный город Ташкент” (“маҳаллий Тошкент”), “туземный город” (“маҳаллий шаҳар”)², “азиатский Ташкент” (“осиёликлар Тошкенти”)³, “азиатская часть” (“осиёликлар яшайдиган қисм”)⁴, “азиатский город” (“осиёликлар шаҳри”)⁵, “старый город”

¹ Обязательное постановление Ташкентской городской думы о маломерных участках в русской и туземной частях г.Ташкента, изданное на основании 103–108 ст.от городского положения // Туркестанские Ведомости.– Ташкент, 1901.– № 76.; Доклад в Ташкентскую государственную Думу. Ўз Р МДА. И-37-жамғарма, 1-рўйхат, 164-хужжат, 2-б-орқа-варақлар; Протоколы комиссии по ревизии 1905 г.городского хозяйства, под председательством Тайного советника Нестеровского. Ўз Р МДА. И-37-жамғарма, 1-рўйхат, 147 а-хужжат; Хорошхин А.П. Очерки Ташкента...– с.27–126.

² Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – 520 с.; Маллицкий Н.Г, Ташкентские махалля... – с.113.

³ Шишов А.Сарты. ...– с.39–54; Маев П. Азиатский Ташкент... – с.260–321.

⁴ Ведомости о фабриках и заводах в г.Ташкенте за 1886 г. Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 2819-хужжат, 218-221-орқа-варақлар; По ходатайству Начальника г.Ташкента об открытии в азиатской части г.Ташкента ссудной кассы. Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 21160-хужжат ва б.

⁵ Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля...– с.112.

(“эски шаҳар”)¹, “сартовский город” (“сартлар шаҳри”)², “старый Ташкент” (“эски Тошкент”)³, шаклларида қайд этилган. Маҳаллий тилда эса Тошкентнинг Эски шаҳар қисми, аввалгидек, “шаҳар” деб аталган⁴.

Даҳалар.

XIX аср охирида Эски шаҳар шимолдан Кайковус ариғи, шарқдан Анҳор ариғи, ғарбдан Кўкча ариғи, жанубдан Зах ариғи билан чегараланган. Маъмурий жиҳатдан Эски шаҳар 4 даҳа – Шайхонтаҳур, Себзор, Кўкча ва Бешоғочга бўлинган (19-илова). Бундай бўлиниш XVIII аср ўрталарида рўй берган ва XVIII асрнинг охиригача ҳар бир даҳани мустақил ҳоким бошқарган. Бироқ, XVIII асрнинг охирига келиб Шайхонтаҳур даҳасининг ҳокими Юнусхўжа қолган уч даҳани ҳам ўз тасарруфига олган. XIX асрнинг биринчи ярмида – Тошкент Қўқон хонлигига қарашли бўлган даврда – даҳаларни бекларбеги бошқарган. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгач (1867 й.), Эски шаҳарни маҳаллий нуфузли шахслар воситасида Шаҳар Думаси орқали рус маъмурияти бошқарган. Лекин сиёсий бошқарувнинг ўзгариши Эски шаҳарнинг маъмурий бўлиниши (тўрт даҳа) тартибига таъсир этмаган, яъни даҳаларнинг номланиши аввалгидек сақланиб қолган.

Тошкент даҳалари ҳақида XIX асрда тарихчи Муҳаммад Солиҳ ўзининг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида анча батафсил маълумот берган⁵. Унда тўрт даҳадан иборат шаҳар топографияси ва шу маъмурий бирликлар доирасига киритилган атроф ерлар географияси тавсифланган. XX аср олимларидан Н.Г.Маллицкий, В.В.Бартольд, А.Р.Муҳаммаджонов, Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, А.Ўринбоев, О.Бўриев ва б. ўз асарларида мазкур даҳаларга оид топонимик маълумотлар келтирганлар. Эски шаҳарнинг маъмурий-худудий қисмлари ҳақида XIX аср охири – XX аср бошларига оид илмий, статистик, даврий нашрларда ҳам маълумот бор.

Аслида “даҳа” сўзи қадимги суғд тилида “деҳа” – кишлок деган маънони билдиради. Кейинчалик Ўрта Осиёда “даҳа” деб шаҳарларнинг бир бўлаги, маъмурий бўлинишига айтиладиган бўлди⁶. Тошкент мисолида шундай ҳолат кузатилади – шаҳар кенгайиб борган ва “даҳа” маъмурий бирлик маъносида истеъмолда сақланган. Ҳатто, юқорида қайд этилганидек, XVIII асрнинг учинчи чорагида Тошкентда, ўзаро низолар натижасида, вилоятни бир марказдан идора

¹ Ўша асар; Доклад инженера Гейнцельмана в Комиссию по ревизии Ташкентского городского управления. Ўз Р МДА. И-37-жамғарма, 1-рўйхат, 147а-ҳужжат, 41-48-варақлар; Эскизный план Ташкентской городской территории (к статье Н.Г.Маллицкого). – Ташкент, 1927.

² Шишов А. Сарты... – с.162.

³ Ўз Р МДА. И-37-жамғарма, 2-рўйхат, 27-ҳужжат, 55-варақ. Постановление Ташкентской Государственной Управы. № 61.

⁴ Рус манбаларида маҳаллий тилда “шаар” дейилиши қайд этилган. Масалан, Н.Г. Маллицкий келтирган Тошкент шаҳрининг чизмасида. – Ташкент, 1927.

⁵ А.Ўринбоев, О.Бўриев. Тошкет Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 11 б.

⁶ Ўзбек Совет Энциклопедияси. Даҳа. Бош муҳаррир К.А.Зуфаров. – Т.: Ўз СЭ Бош редакцияси, 1972. Т.3. – Б.679.

қилиш мумкин бўлмай қолган пайтда, ана шу тўрт даҳа асосида чорак аср давомида “чорҳокимлиқ” барпо этилганлиги тарихда маълум.

Муҳаммад Солиҳ даҳаларни кўпроқ “Тошкент рукн (устун; асосий қисм)лари” деб атаса-да, лекин “даҳа” атамасини ҳам ишлатган ва рукн (яъни даҳа)ларнинг номларини қуйидагича қайд этган: Шайхонтахур, Ҳазрат Имом Қаффоли Шоший, Зангиота, Шайх Зайниддин. Бу номлардан учтасининг халқ орасида кўпроқ истеъмолдаги шакллари ҳам ёзган: Ҳазрат Имом Қаффоли Шоший даҳаси – Себзор, Шайх Зайниддин даҳаси – Кўкча, Зангиота даҳаси – Бешоғоч. Ушбу тарихий топонимларнинг ҳар бирида маълум тарихийлик акс этган.

Шайхонтахур даҳаси. “Шайхонтахур” топоними кўп ўзақли мураккаб антропотопоним бўлиб, “шайх”, “хованд”, “тахур” сўзларидан таркиб топган ва XIV асрда яшаган машҳур шахс – Шайх Хованд Тахур исмининг бироз қисқартирилган шаклидир (тафсилотлар луғатда келтирилган).

Ҳазрат Имом Қаффоли Шоший даҳаси, истеъмолда кўпроқ Себзор деб аталган. “Ҳазрат Имом Қаффоли Шоший” даҳасининг номи мураккаб антропотопонимлар гуруҳига киради ва тарихий шахс – Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффоли ал-Шоший (904–976 йй.) исмидан олинган. У ўз даврида фикҳ соҳасидаги машҳур олимлардан бири бўлган. Ҳазрат Имом Қаффоли Шошийни исми кундалиқ истеъмолда қисқартирилиб, “Ҳастимом” шаклида талаффуз қилинган (тафсилотлар луғатда берилган).

Айни пайтда даҳанинг “Себзор” деган номи ҳам сақланган. “Себзор” кўшма топоним, “себ” ва “зор” қисмлардан (форсча “себ” – “олма”) тузилган, “олмазор” деган маънони англатади. Яъни Себзор даҳаси олмазор, умуман боғлари кўп ер бўлган.

Зангиота даҳаси, халқ орасида кўпроқ “Бешоғоч” деб номланган. “Зангиота” – кўшма топоним, (“занги” – “қора”, “ота” – “шайх”, “пир”) антропотопонимлар гуруҳига мансуб (тафсилотлар 17-иловада келтирилган).

Даҳанинг номи Зангиота лақаби билан машҳур бўлган мутасаввиф шайх Ойхўжа ибн Тожхўжа (вафоти 1258 йй.) шарафига шундай аталган. Зангиота “подачилар пири” сифатида машҳур бўлган, шу сабабдан уни кўпинча Чўпонота деб ҳам атаганлар¹.

Даҳанинг иккинчи аталиши “Бешоғоч”, кўшма топоним бўлиб, “беш” ва “оғоч” ўзақларидан ташкил топган (“оғоч” ёки “ёғоч” - масофа ўлчов бирлигини англатган, тахминан 7-8 км.). Бешоғоч – “бешинчи ёғоч”, яъни “бешинчи станция”, Эски Тошкентдан ҳисоблаганда бешинчи карвонсарой маъносида ҳам талқин қилинади². Тарихчи Муҳаммад Солиҳхўжа асарида мазкур топоним “Бешоғоч” шаклида берилган ва қабила номи эканлиги қайд этилган³.

Шайх Зайниддин даҳаси халқ орасида кўпроқ Кўкча деб аталган. “Шайх Зайниддин” жой номи икки сўздан ташкил топган мураккаб топоним бўлиб,

¹ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 27 б.

² Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари. ..., ўша асар. – 25 б.

³ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 25 б.

антропотопонимлар гуруҳига киради ва XII асрда яшаб ўтган машҳур шайх Зайниддин исмидан олинган (мазкур шахс ҳақида 17-иловадаги луғатда маълумотлар келтирилган).

Даҳанинг иккинчи номи – “Кўкча” ҳақида аниқ маълумот мавжуд эмас. Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, Кўкча дарвозасининг номи қabila номидан олинган, яъни кўкча қабиласидан¹. Тарихчи олим А.Р.Муҳаммаджоновнинг фикрига кўра, “кўкча” сўзи аслида “коҳича” сўзининг ўзгартирилган шакли, “коҳича”, “коҳак” сўзи “қалъача” деган маънони англатади ва бу ерда ўрта асрларда ҳарбий қалъа бўлганидан далолат беради².

Дарвозалар.

Эски шаҳарнинг ҳар бир даҳасида, юқорида қайд этилганидек, шаҳар дарвозалари бўлган. Улар шаҳар атрофини ўраб турган деворга ўрнатилган. Мазкур деворнинг узунлиги 1899 йили, Н.Г.Маллицкийнинг ёзишича, 6833 саженьга тенг бўлган³. Дарвозалар шаҳарга кириш ва чиқиш ҳамда уни ташқи душманлар ҳужумидан мудофаа қилиш мақсадида шаҳар қалъа деворининг муайян жойларида қурилган, улар ўз даврида шаҳарнинг ташқи дунё билан алоқасида муҳим восита вазифасини ўтаган.

XIX асрнинг охирларида Тошкент Россия томонидан босиб олинган, шаҳар ҳудуди кенгайиб, девор ва дарвозаларга эҳтиёж қолмаганлиги сабабли, улар ўз ҳолича ташлаб қўйилди ва аста-секин бузила борди. XX аср бошларидаги Тошкент девори ва дарвозалари ҳақида А.И.Добросмыслов шундай ёзади: “Эски Тошкентнинг девор ва дарвозаларининг кўп қисми нураб бўлган, қолганлари ҳам бузилиб тамом бўлмоқда”⁴.

Тошкент дарвозалари сони турли давр муаллифлари томонидан ҳар хил кўрсатилган. Муҳаммад Солиҳ (XV аср учун) – 12; Миллер (XVIII аср учун) – 8; Муҳаммад Солиҳ (XIX аср учун) – 12; Поспелов (XIX аср) – 6; Филипп Назаров (XIX аср) – 12; Н.А.Маев (XIX аср охири) – 11, А.К.Гейнс (XIX аср) – 12.

Тошкент шаҳри деворига ўрнатилган дарвозалар номлари хусусида ҳам маълумотлар турлича. Дастлаб, уларнинг рўйхати ҳақида. Муҳаммад Солиҳ XIV-XV асрларда Амир Темур фармонида кўра, Тошкент кўрғони барпо этилгани ва унга қуйидаги дарвозалар ўрнатилганини ёзади ва баъзиларига этимологик маълумот илова қилади: 1. Қиёт дарвозаси – шарқда, қиёт қабиласи номидан, қадимда Паркент дарвозаси, кейинчалик Кўқон дарвозаси деб аталган; 2. Турклар дарвозаси – турк қабиласи номидан; 3. Ўзбек дарвозаси – ўзбек қабиласи номидан; 4. Тахтапул дарвозаси – шаҳарлар онаси – Макка шаҳридан (Умму–л-билод Тахтапулидан); 5. Қорасарой дарвозаси – қорасарой қабиласи номидан; 6. Чиғатой дарвозаси – Чингизхон авлодидан бўлмиш Чиғатой улуси номидан; 7. Сўьбониён (Сағбон) дарвозаси; 8. Кўкча дарвозаси – кўкча тоифаси номидан; 9. Камондорон дарвозаси – камондоронлар бузук қабиласидан бир тоифага мансуб; 10. Қанғли дарвозаси – бир қабиланинг

¹ Ўша жойда.

² Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент..., ўша асар. – 45 б.

³ Ўша жойда. – 4 б.

⁴ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.125.

номидан; 11. Бешоғоч дарвозаси – бешоғоч қабиласи номидан; 12. Қатағон дарвозаси – қатағон қабиласи номидан¹.

Миллер XVIII асрдаги дарвозаларнинг номи ва улар шаҳарнинг қайси томонида жойлашгани ҳақида маълумотлар беради: 1. Самарқанд дарвоза – жануби-ғарбда, 2. Шайхонтахур дарвозаси – шарқда, 3. Бешоғоч дарвозаси – жанубда, 4. Терсариқ дарвозаси – жанубда, 5. Тарсахон дарвозаси – шимоли-ғарбда, 6. Қопқа (Капкан) дарвозаси – шимолда, 7. Точки (Кўкча) дарвозаси – ғарбда, 8. Тахтакус (Тахтапул) дарвозаси – шимолда².

XIX асрда мавжуд дарвозалар рўйхати Муҳаммад Солиҳ томонидан келтирилмаган бўлса-да, лекин асарнинг мазкур аср давомида кечган тарихий воқеалар ва шаҳарнинг тарихий-географик тавсифи баён этилган қисмида қуйидаги дарвозаларнинг номлари қайд этилган: 1. Бешоғоч (Қанғли) дарвозаси, 2. Хиёбон дарвозаси, 3. Самарқанд дарвоза, 4. Кўкча дарвозаси, 5. Чиғатой дарвозаси, 6. Сағбон дарвозаси, 7. Қорасарой дарвозаси, 8. Тешик-қофқа (Дарвишак-қофқа) дарвозаси, 9. Тахтапул дарвозаси, 10. Ўзбек (Лабзак) дарвозаси, 11. Оққўрғон дарвозаси, 12. Қўқон дарвозаси, 13. Қўймас (Қирилмос), 14. Эски Шердор³.

XIX аср ўрталарига оид Эски Тошкент планида ҳам шаҳарнинг 14 дарвозаси кўрсатилган: Қўймас, Қўқон, Қашқар, Лабзак дарвозалари – Шайхонтахур даҳасида; Қорасарой, Тешик-Қофқа, Тахтапул дарвозалари – Себзор даҳасида; Кўкча, Чиғатой, Сағбон дарвозалари – Кўкча даҳасида; Самарқанд, Камолон, Тешик, Бешоғоч дарвозалари – Бешоғоч даҳасида⁴.

XIX аср охирига оид ёзма манбаларда дарвозалар рўйхати даҳалар бўйича берилган. Жумладан, А.К.Гейнс қуйидаги 12 дарвозанинг номларини санаб ўтади: Лабзак, Тахтапул, Қорасарой дарвозалари – Себзор даҳасида; Сағбон, Чиғатой, Кўкча дарвозалари – Кўкча даҳасида; Самарқанд, Камолон, Бешоғоч дарвозалари – Бешоғоч даҳасида; Қўймас, Қўқон, Қашқар дарвозалари – Шайхонтахур даҳасида⁵.

Н.А.Маев (1876 й.) ҳам А.К.Гейнс рўйхатидаги дарвозалардан 11 тасини санаб ўтган (фақат Чиғатой дарвозасини қайд этмаган)⁶. А.К.Гейнс берган дарвозалар номларидан Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чиғатой, Кўкча, Самарқанд, Бешоғоч, Қўқон дарвозаларининг номлари Муҳаммад Солиҳ томонидан ҳам эслатилган, шунингдек, Муҳаммад Солиҳ томонидан қайд этилган Хиёбон дарвозаси А.К.Гейнс рўйхатидаги Камолон дарвозасига тўғри келади, Тешик-Қофқа, Оққўрғон, Эски Шердор дарвозалари эса А.К.Гейнс рўйхатида йўқ.

¹ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 11 б.; Султонов Ў.А. “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида Тошкент дарвозалари тўғрисидаги маълумотлар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 2006. – № 3. – Б. 70–77.

² Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 17 б.

³ Ўша жойда. – 15 б.

⁴ Тошкент XIX аср ўрталарида. План-схема.

⁵ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 18 б.

⁶ Маев Н.А. Азиатский Ташкент... – с.67.

1890 йилги Тошкент шаҳар харитасида Эски шаҳар ҳудудида 7 дарвоза номи, жойлашган ери кўрсатилган (мазкур картада Шайхонтаҳур даҳаси тўлиқ акс эттирилмаганлиги сабабли ундаги дарвозалар ҳам тасвирланмаган)¹. Жумладан: Себзор даҳасида – Тешик-қопқа, Қора-Сарой дарвозалари; Кўкча даҳасида – Чигатой, Кўкча дарвозалари; Бешоғоч даҳасида – Самарқанд, Камолон, Бинкат дарвозалари. Маълум бўладики, Шайхонтаҳур даҳасидаги 3 дарвоза – Қўймас, Қўқон, Қашқар ва Кўкча даҳасидаги 1 дарвоза – Сағбон дарвозаси картада акс этмаган.

Манбаларда дарвозаларнинг сониди ва аталишида айрим фарқлар мавжуд. Мазкур ҳол бир дарвозанинг ўтган вақт давомида ҳар хил аталгани ёки маълум бир даврдагина мавжуд бўлиб, сўнг ёпилиб кетгани билан боғлиқ. Масалан, Эски Шердор дарвозаси ҳоким ўрдаси билан Қирилмос дарвозаси оралиғида бўлган ва XIX асрнинг ўрталарига келиб ёпиб юборилган. Натижада у XIX аср охирига оид манбаларда қайд этилмаган.

¹ План г. Ташкента 1890 года.

Тошкент дарвозаларининг турли манбалардаги номланиши¹

Муҳаммад Солиҳ XV аср учун	Миллер XVIII аср учун	XIX аср ўрталарига оид Тошкент картаси	Муҳаммад Солиҳ XIX аср учун	А.К.Гейнс XIX аср охирларида	Н.А.Маев XIX аср охирларида	1890-йилги Тошкент картасида
Қиёт дарвозаси	-----	Қўқон дарвозаси	Қўқон дарвоз. (Паркент, Қиёт)	Қўқон дарвозаси	Қўқон дарвозаси	-----
Турк дарвозаси	-----	Қашқар дарвозаси	Оққўрғон дарвозаси (Турк, Хитой)	Қашқар дарвозаси	Қашқар дарвозаси	-----
Ўзбек дарвозаси	Шайхонта-хур дарв.	Лабзак дарвозаси	Ўзбек (Лабзак) дарв.	Лабзак дарвозаси	Лабзак дарвозаси	-----
Тахтапул дарвозаси	Тахта-кус дарвозаси	Тахтапул дарвозаси	Тахтапул дарвозаси	Тахтапул дарвозаси	Тахтапул дарвозаси	-----
Қорасарой дарвозаси	-----	Қорасарой дарвозаси	Қорасарой дарвозаси	Қорасарой дарвозаси	Қорасарой дарвозаси	Қорасарой дарв.
Сувбониён дарвоз.	-----	Сағбон дарвозаси	Сағбон дарвозаси	Сағбон дарвозаси	Сағбон дарвозаси	-----
Чиғатой дарвозаси	Тарса-хон дарвозаси	Чиғатой дарвозаси	Чиғатой дарвозаси	Чиғатой дарвозаси	-----	Чиғатой дарвоза
Кўкча дарвозаси	Токчи дарвозаси	Кўкча дарвозаси	Кўкча дарвозаси	Кўкча дарвозаси	Кўкча дарвозаси	Кўкча дарвозаси
Камондарон дарв. ²	Самарқанд дарвоза	Самарқанд дарвоза	Самарқанд дарвоза	Самарқанд дарвоза	Самарқанд дарвоза	Самарқанд дарвоза
Қанғли дарвозаси	Терсариқ дарвозаси	Камолон дарвозаси	Хиёбон дарвозаси	Камолон дарвозаси	Камолон дарвозаси	Камолон дарвозаси
Бешоғоч дарвозаси	Бешоғоч дарвозаси	Бешоғоч дарвозаси	Бешоғоч дарвозаси	Бешоғоч дарвозаси	Бешоғоч дарвозаси	Бинкат дарвозаси
Қатағон дарвозаси	-----	Қўймас дарвозаси	Қўймас дарв. (Қирилмос)	Қўймас дарвозаси	Қўймас дарвозаси	-----
-----	Қопқа дарвозаси	Тешик-Қофқа дарвозаси	Тешик-қофқа дарв. (Дарвишак-қофқа)	-----	-----	Тешик-қопқа дарвозаси
-----	-----	Тешик дарвозаси	Эски Шердор дарвозаси	-----	-----	-----

¹ Жадвални тузишда қуйидани манбалардан фойдаланилган: А.Ўринбоев, О.Бўриев. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. – Тошкент, 1983; План г.Ташкента 1890 года. – Ташкент, 1890.

² Рўйхатга кўра, Камондарон дарвозаси Самарқанд дарвоза ўрнига тўғри келса-да, Камондорон дарвозаси кейинги даврдаги Камолон дарвозасига яқинроқ бўлган. Шундан келиб чиқиб, “Камондорон” талаффузда кейинчалик “Камолон”га айланган, деб тахмин қилиш мумкин.

Қуйида дарвозалар билан боғлиқ топонимларнинг қисқача таҳлилига ўтамиз (тўла таҳлил китобнинг луғат қисмида берилган).

Себзор даҳасидаги дарвозаларнинг номлари.

Лабзак дарвозаси. Топоним “Тарихи жадида”да эслатилган “Ўзбек дарвозаси” билан турдошга ўхшайди. Муҳаммад Солиҳ ўз асарида Шайх Шибли ариғи Ўзбеклар дарвозасидан шаҳарга кириб, Қиёт дарвозасидан ташқарига оқиб чиқади, дейди. Ана шу мулоҳазадан келиб чиқиб Ўзбек ва Лабзак номлари битта дарвозага тегишли, деб фараз қилиш мумкин. Яна бир сабаб, “Тарихи жадидайи Тошканд” асари араб ёзувида ёзилган бўлиб, мазкур графика бўйича “лабзак” ва “ўзбек” сўзларининг кўриниши бир-бирига жуда ўхшайди. “Ўзбек” деган дарвоза Муҳаммад Солиҳ келтирган XIV аср охири – XV аср дарвозалари рўйхатида ҳам бор. Унда муаллиф Ўзбек дарвозасининг номи ўзбек қабиласи номидан олинганини таъкидлайди¹. Лабзак дарвозасининг номи “лабзак” гидроними ва топонимлари билан боғлиқ бўлиб, “лаб” ва “зах” – “зах ердан оқиб чиққан (арик) маъносини англатади², деган фикр ҳам бор.

Тахтапул дарвозаси. “Тахтапул” – форсча қўшма топоним (“тахта” ва “пул”), таржимаси “ёғочкўприк” деган маънони англатади.

Қорасарой дарвозаси. “Қорасарой” – икки ўзакли қўшма этнотопоним. Аслида бу туркий сўз, қадимги туркий қабилалардан бирининг номини билдиради³.

Кўкча даҳасидаги дарвозалар номлари.

Сағбон дарвозаси. “Сағбон” топонимининг этимологияси ҳақида аниқ маълумот йўқ. Муҳаммад Солиҳ “Тарихи жадидайи Тошканд”да келтирган XIV аср охири – XV аср дарвозалари рўйхатида у Суьбониён, XIX аср дарвозалари рўйхатида эса, Сағбон шаклларда берилган. Эҳтимол, “Суьбониён” сўзи даврлар мобайнида халқ талаффузида ўзгариб, қисқарган ва “Сағбон” шаклини олгандир. Сағбон дарвозаси XX аср бошларида бор эди ва унинг номи Сағбон маҳалласи номида кейинчалик ҳам сақланиб қолди. Н.Г.Маллицкий “Сағбон” маҳалласида ит боқарлар (псари) кўп бўлгани учун, шундай аталган, деган тахминни айтган⁴. А.Р.Муҳаммаджоновнинг фикрига кўра, “Сағбон”, яъни “Саъвон” сўзи аслида “Суқбон” шаклидан келиб чиққан ва “бозор қоровули” маъносини англатган⁵.

Чиғатой дарвозаси. Антропотопоним; дарвоза номининг келиб чиқиши Чингизхоннинг (1155–1227) ўғли Чиғатойнинг (вафоти 1242 й.) исми билан боғлиқ.

Кўкча дарвозаси – Кўкча даҳасининг жанубий-ғарбий қисмида. “Кўкча” топоними ҳақида юқорида тўхталиб ўтилган.

¹ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 19 б.

² Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент..., ўша асар. – 56 б.

³ А.Ўринбоев, О.Бўриев. Тошкент Махуммад Солиҳ..., ўша асар. – 19 б.

⁴ Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля... – с.116.

⁵ Муҳаммаджонов А.Р. Қадимги Тошкент..., ўша асар. – 39 б.

Бешоғоч даҳасидаги дарвозалар номлари .

Самарқанд дарвоза орқали Тошкентдан Самарқандга олиб борувчи йўл ўтган. Шу боис, дарвозага Самарқанд шахрининг номи берилган.

Камолон дарвозаси. Тахминимизча, “камолон” сўзи “камондорон” этнонимининг кейинчалик талаффузда ўзгариб қолган шакли.

С.Қораевнинг тахминича, “Камондарон” ёки “камонгорон” топоними “камон ясовчи усталар” маъносини билдиради¹. Яъни “камондарон” сўзи мазкур ерда камон, ўқ тайёрлаган кишиларнинг яшаганлигидан далолат беради.

Бешоғоч дарвозаси. Бешоғоч даҳасининг номи билан боғлиқ. Мазкур топоним ҳақида юқорида маълумот берилган.

Шайхонтаҳур даҳасидаги дарвозалар номлари.

Қўймас дарвозаси. Манбаларда Қўймас-қирилмос, Қўймас-кенагас шаклларида ҳам учрайди. Дарвозанинг номи шу ердаги Қўймас ёки Қирилмос тепалиги билан боғлиқ. Шунингдек, “Қўймас” сўзи дарвозанинг ўтиш жуда қийин жойга ўрнатилишини англатади, дейиш мумкин. Кенагас эса – бу этноним. Дарвозанинг XIX асрдаги Қўймас-кенагас номи унинг Қўймас номли тепаликда жойлашгани ва бу ҳудудда кенагаслар яшаганидан далолат беради, деган фикр мавжуд. Қўймас – қадимги топоним бўлиб, у “катта йўл” ёки “катта кўча” маъноларини англатган².

Қўқон дарвозаси. “Қўқон” топоними Қўқон шаҳри номидан олинган. Сабаби, ушбу дарвоза орқали Тошкентдан Қўқон томон бориларди. Муҳаммад Солиҳ XIX асрдаги Қўқон дарвозаси XIV-XV асрлардаги Қиёт дарвозасига тўғри келишини таъкидлайди³. Унинг ёзишича, Қиёт дарвозасининг номи – қиёт қабиласи номидан олинган.

Қашқар дарвозаси. Дарвоза номи XIX асрда Қашқар шаҳридан бир миқдор аҳолининг Тошкентга кўчиб келиб ўрнашиб қолганлиги билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Тошкент шахрининг тўрт даҳаси ва ўн икки дарвозаларининг номлари турли тарихий давр воқеалари, ҳудуднинг географик шароити, жойлашган ҳудуд ёки яқинидаги объектнинг номи, таниқли шахсларнинг исмлари билан боғлиқ. Даҳаларнинг номлари икки хил бўлган. Биринчи шакли бу – таниқли шахсларнинг номи билан боғлиқ, яъни антропотопонимлар (Шайх Хованд Таҳур, Ҳазрат Имом Қаффоли Шоший, Зангиота, Шайх Зайниддин даҳалари). Иккинчи шакли мазкур даҳаларнинг халқ орасида истеъмолда бўлган номлари ташкил этади. Буларга антропотопоним (Шайхонтаҳур), жойнинг табиий ҳолати билан боғлиқ бўлган топоним (Себзор), этнотопонимлар (Бешоғоч, Кўкча) киради.

Шаҳарнинг ўн икки дарвозаси номларини юқорида келтирилган, манбалар асосида қилинган таҳлилга кўра, этнотопоним (Қорасарой, Чигатой, Кўкча, Бешоғоч, Қўймас, Кенагас, Қашқар, Лабзак, Камолон), жой номлари

¹ Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент, 1978. – 63 б.

² Муҳаммаджонов А.Р. Айрим топонимлар семантикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. – № 2. – Б.41.

³ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 17 б.

билан боғлиқ топонимлар (Самарқанд, Қўқон), яқинида жойлашган объект билан боғлиқ (Тахтапул) топонимларга таснифлаш мумкин.

Мазкур топонимларнинг баъзилари ҳозирги кунга қадар Тошкент ҳудудида туман, мавзе, маҳалла, айрим ҳудуд, кўча, мозорлар, масжид сифатида сақланган (Шайхонтахур тумани, Кўкча, Себзор, Бешоғоч¹ мавзелари, Самарқанд дарвоза кўчаси, Камолон маҳалласи, Камолон мозори, Хастимом масжиди ва б.).

Маҳалла ва кўчалар номлари

Маҳаллалар номлари. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкентнинг Эски шаҳар қисми маъмурий-ҳудудий бўлинишида XVIII асрда таркиб топган тўрт даҳа тизими сақланганди ва Россия подшолиги маъмурияти уларнинг бошқарувини Тошкент шаҳар Думаси ва Тошкент шаҳар Бошқармаси орқали амалга оширарди. Даҳалар маҳаллаларга бўлинган. Эски шаҳар ҳудудини турли йўналишда катта ва кичик кўчалар кесиб ўтган ва асосий катта кўчалар шаҳар бозоридан ҳар томонга тарқалган. Маҳалла ва кўчаларнинг мавжуд номлари руслар ҳукмронлиги даврида ҳам сақланиб қолган.

Маҳалла – шаҳарда маълум миқдордаги аҳолини ўз ичига олган хонадонлар мажмуасидан таркиб топган маъмурий бўлинма.

XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкентда бир маҳаллада 50–150 хонадон; баъзан, бир нечта маҳалла учун бир умумий марказ – гузар, унда эса ҳунармандчилик устахоналари, чойхона, нонвойхона, баққоллик дўкони ва бозорча бўлган. Гузарлар катта кўчалар ёки чорраҳаларда жойлашган. Маҳаллалар бир неча қисмларга ёки кўчаларга – катта кўча нисбатан кичикроқ кўчалар ҳамда бир нечта тор кўчага бўлинган. Маҳаллаларнинг чегаралари аксарият хонадонларнинг орқа деворларидан ўтган. Шаҳар марказидаги маҳаллалар анча қадимги бўлиб, чеккаларида эса янгилари қўшилиб бораверган ва вақт ўтиши билан уларнинг баъзилари ривожлана бориб, мустақил бўлиб кетган. Бу жараён топонимларда ҳам акс этган:

1-Эшонгузар, 2-Эшонгузар, Юқори Оқмасжид, Қуйи Оқмасжид, Катта Камолон, Кичик Камолон маҳаллалари.

Кўп ҳолларда шаҳар атрофида маҳаллаларга қарашли ерлар бўлиб, уларни “мавзе”, “боғ-ҳовли”, “дала-ҳовли” деб аташган. XX аср бошларидаги Эски шаҳар маҳаллалари ва мавзеларининг жойлашуви ва номлари Ҳ.Ш.Пўлатов томонидан тузилган карталарда аниқ кўрсатилган².

Н.Г.Маллицкий маълумотиغا кўра, 1865 йили Тошкентда 140 та маҳалла бўлиб, унда 76 минг киши яшаган. 1876 йили, Н.А.Маев 149 та маҳалла бўлгани ҳақида ёзган ва уларнинг номларини даҳалар бўйича қайд этган; мазкур маҳаллалардан 48 таси Шайхонтахур, 38 таси Себзор, 31 таси Кўкча, 32 таси Бешоғоч даҳасига қарашли эканлигини таъкидлаган³. Лекин, чамаси

¹ Ҳозирги даврда мазкур топоним халқ талаффузида “Бешёғоч” шаклига эга.

² Пўлатов Ҳ.Ш. Эски шаҳар маҳаллари..., ўша асар. – 24 б.

³ Маев Н. Азиатский Ташкент... – с.260–271.

маҳаллалар сони кўпроқ бўлган, чунки XX аср бошларида эски шаҳарда Н.Г.Маллицкий рўйхати бўйича, 280 га яқин маҳалла, 170 дан ортиқ мавзе номлари келтирилган¹. Улардан 70 та маҳалла ва 31 та мавзе Шайхонтахур, 79 та маҳалла ва 64 та мавзе Себзор, 56 та маҳалла ва 43 та мавзе Кўкча, 76 та маҳалла ва 36 та мавзе Бешоғоч даҳасига тегишли эди.

Тошкент шаҳри маҳалла ва мавзеларининг рўйхати 1927 йили Н.Г.Маллицкий томонидан нашр қилинди². Рўйхатдаги топонимлар XIX аср охири – XX бошларида ҳам деярли мавжуд бўлган. Ушбу рўйхатда маҳалла ва мавзелар номлари даҳалар бўйича алфавит тартибида келтирилган ва баъзи номлар муаллиф томонидан қисқа изоҳлаб ҳам кетилган.

Н.Г.Маллицкий рўйхатида берилган маҳаллаларнинг номлари³:

Шайхонтахур даҳаси:

1. Баландмасжид
2. Бодак
3. Говкуш
4. Ганчтепа (Ганчликтепа)
5. Дархон (Турсун-Султон)
6. Девонабурх (Девона-и-бурх)
7. Девонбеги (Дўмбеги)
8. Дегрез (Дероз)
9. Ёпиқлимозор
10. Жангоҳ (Жангоб; Шайхонтахур қисмида Катта Жангоб жойлашган).
11. Жаркўча
12. Жартегирмон
13. Занжирлик
14. Калтатой
15. Лўликўча
16. Марайимхалфа
17. Мерганчи (Мирганча) – юқори, қуйи. (Бу маҳалланинг айрим қисмлари, Қозикўча, Лўликўча, Хожикўча ёки Хўжитўпи, Мерганча-қишлоқ, Ўқчи-Мерганчи номлари билан аталган).
18. Мўғулкўча
19. Олмазор (турли жойдаги икки маҳалла, бири Баландмасжиднинг жанубида, иккинчиси Янги шаҳарда)
20. Олтинликмасжид
21. Орқакўча
22. Оқмасжид (юқори, ўрта ва қуйи)
23. Падаркуш
24. Пастак
25. Пуштибоғ (Пуштувак).
26. Раискўча
27. Сўгалмасжид
28. Тожик
29. Тарлоқ

¹ Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля.... – с.112–121.

² Ўша жойда.

³ Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля... – с.3–14.; Маллицкий Н.Г. Тошкент маҳалла ва мавзелари. /Русчадан У.Қўчқор тарж./ – Т., 1996. – 14–22 б.

30. Тарнавбоши
31. Турк (Янги шаҳарга қаранг).
32. Турктепа
33. Турсунсултон (Дархонга қаранг).
34. Хадра
35. Хиштмасжид
36. Хўжакўча (Мерганчига қаранг).
37. Хўжарўшнойи
38. Чалмоқ (Чормақ)
39. Чуқурқишлоқ
40. Шайхонтавур
41. Шатак
42. Шўртепа
43. Эгарчи
44. Элёмаҳалла
45. Эскияккабозор
46. Янгишаҳар Ганчтепа
47. Янгишаҳар Дарвоза
48. Янгишаҳар Ертешган
49. Янгишаҳар Лабзак (Янгишаҳар Сирликмасжидга қаранг)
50. Янгишаҳар Минор (Минор ҳозиргача сақланиб қолган, у, афтидан, қандайдир ҳарбий аҳамиятга эга бўлган, кўрикчилик мақсадида фойдаланилган бўлиши мумкин.)
51. Янгишаҳар Сирликмасжид (шифти сирланган масжид)
52. Янгишаҳар Турк
53. Янгишаҳар Шоҳидонтепа
54. Янгишаҳар Қиёт
55. Ўркўча (Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, бу ўғрикўча дегани эмас; Ўркўча – жарликдаги кўча деган маънони англатади ва унинг жойлашув ўрнига мос келади; иккинчиси эса ўғрилар кўчаси деган маънони билдиради.)
56. Ўқчи (Ўқчи-Мерганчи ҳам бор, юқорига қаранг)
57. Қатортерак (бир қисми Ўрта Қатортерак деб аталади.)
58. Қашғар
59. Қиёт
60. Қиёткатта кўча (Кохата-кўча)
61. Қиётгоркўча
62. Қиёттепа
63. Қозикўча (Мерганчига қаранг)
64. Қорёғди (Маҳалланинг катта кўчага қўшилмайдиган қисми Ичкари Қорёғди деб аталади.)
65. Қудукбоши
66. Қўрғонорқа (Қўрғон орқаси)
67. Қўрғонтеги
68. Ҳовузбоғ
69. Ҳовузлик

Себзор даҳаси

1. Аъламшаҳид
2. Атторлик (бозорда; бир қисми Бешоғоч даҳасида)
3. Баззозлик (бозорда)
4. Бандакбозор (бозорда)
5. Бедабозор (бозорда; ҳозир бошқа ерга кўчирилган)
6. Бешоғайни
7. Булғорбозор (бозорда)

8. Ботир
9. Жангоҳ (Жангоб); Себзор қисмида Кичик Жангоб; Шайхонтаҳур даҳасида ҳам.
10. Жинкўча
11. Заргарлик (бозорда)
12. Ипакбозор (бозорда)
13. Кафушфурушлик (Кавушбозор, бозорда; Кўкчага ҳам бир қисми ўтган)
14. Кадубод; юқори ва қуйи (ёки кадувот).
15. Кахата ёки Кахотабузрук, Кахта (Катта) кўча
16. Кунжак
17. Кўрпабозор (бозорда)
18. Кўчар
19. Лабзак
20. Лайлакуя
21. Махсидўз
22. Маҳкама (бозорда; Бешоғочда ҳам)
23. Мозорхон
24. Охунгузар
25. Парчабоб (Парчабоф)
26. Пояклик (Бешоғоч қисмида ҳам)
27. Пуштиҳаммом
28. Работ (Работак)
29. Регистон (бозорда)
30. Сандиқбозор (бозорда)
31. Сарихумдон
32. Саҳҳофбозор (бозорда)
33. Себзор
34. Сўкпуруш (бозорда)
35. Табибкўча, ёки Таибкўча
36. Тарновкўча
37. Тахтапул (юқори, миён ёки ўрта, қуйи; Тахтапултепа ҳам бор)
38. Тақачи ёки Тақачилик
39. Тешиққопқа
40. Тиккўча
41. Тинчоб ёки Тинчобод
42. Тузбозор (бозорда)
43. Тўппибозор (бозорда)
44. Тўпқайроғоч
45. Учкўча
46. Хастимом (Ҳазрат Имом)
47. Хиштакўпрук
48. Хатинмасжид
49. Хўжагон
50. Хўжакўча
51. Хўжатарашкан (аслида Хўжайи тарозу шикан)
52. Чархкўча
53. Чақар
54. Чигитбоши
55. Чигитбозор (бозорда)
56. Чолворбозор (Шолворбозор; бозорда)
57. Чопонбозор (бозорда)
58. Чувалачи (Чубалачи)
59. Чувилдак ёки Чувулдок

60. Шоҳингузар (Шоқингузар)
61. Эгарбозор (бозорда)
62. Эскибозор (бозорда, Регистон ёнида)
63. Эскижўва
64. Эскимискарлик
65. Юганбозор (бозорда, Қассоббозор)
66. Яв
67. Яккачўб
68. Янгишаҳар
69. Қанғликўча
70. Қассоббозор (бозорда; Кўкча қисмига ҳам ўтади).
71. Қозикўча
72. Қозоқбозор (бозорда)
73. Қорасарой
74. Қоратут
75. Қошиқчилик, ёки Қошиқчи
76. Кулпбозор (бозорда)
77. Кумлок
78. Ҳасанбой
79. Ҳовузбўйи

Кўкча даҳаси

1. Айрилиш (Подахона кўприги ортида; шу ердан икки муҳим кўча айрилган)
2. Бедабозор (бозорда)
3. Гузарбоши
4. Дўмак, ёки Дўмакбоши
5. Ишқобод (Ишқобот)
6. Каллахона
7. Кесакқўрғон
8. Кетмонбозор
9. Кунжак
10. Кушфурушлик ёки Ковушфурушлик (Себзор қисмида ҳам) ёки бу Гўштфурушлик (Қассоббозорга қаранг)
11. Кўкча
12. Кўнчилик (ёки Эскикўнчилик)
13. Лангар
14. Маҳкама (бозорда; Бешоғочга ҳам қаранг)
15. Мисгарлик (бозорда)
16. Молҳаром
17. Наматбозор
18. Обиназар
19. Оқилон, Оқлон (Оллон)
20. Оқтепа
21. Пичоқбозор ёки Пичоқчилик (бозорда)
22. Подахона
23. Сарихумдон
24. Соқишмон (Сақичмон)
25. Сағбон (Сағбони Калон ёки Улуғ Сағбон ҳам бор).
26. Собунбозор (бозорда)
27. Тепа
28. Торкўча ёки Толкўча
29. Тўқлижаллоб; “жаллоблар”
30. Хиёбон

31. Ходебозор (бозорда)
32. Хонако ёки Хонакои Бузрук
33. Хотинмасжид
34. Хўжакўча
35. Хўжамалик
36. Хўжапарихон
37. Чархчи ёки Чарх-чилик
38. Чақар
39. Чиғатойтепа
40. Чиғаточақар
41. Чиғатой Янгишаҳар
42. Чуқурқишлоқ
43. Шайхзайниддинбобо (мозор ва атрофидаги ҳудуд)
44. Шаршинтепа
45. Янгишаҳар
46. Ўзгант
47. Ўрикзор
48. Қассоббозор (бозорда; Себзорда ҳам)
49. Қатортерак
50. Қилбелбоғ
51. Қозикўча
52. Қозокбозор (бозорда)
53. Қорақиёк
54. Кўштут
55. Ҳалимкўп
56. Ҳофизкуяки

Бешогоч даҳаси

1. Андижон
2. Арпапоя
3. Бадалбой (Бадирбой, Бодорбой)
4. Баландкўприк
5. Баландмасжид
6. Бойкўча
7. Болтабой
8. Бордонбозор (бозорда)
9. Бўйрабозор (бозорда)
10. Ганчхона (ҳозир шаҳар ташқарисида, Қорақамиш жари ортида)
11. Гулбозор (бозорда)
12. Гурунчбозор (бозорда)
13. Дархон
14. Жоммасжид (ёки Масжоми)
15. Зангиота
16. Зебак
17. Зигорат (бозорда; (нон маҳсулотлари)
18. Калабабозор (бозорда)
19. Камолон
20. Капанбозор
21. Каттамаҳалла (бозорда)
22. Кўкмасжид
23. Лайлакхона
24. Майизбозор
25. Маҳкама (бозорда; Себзор ва кўкча қисмларига ҳам кирган)

26. Мирзағози ёки Мирзағозиота.
27. Мирлар (Миллар)
28. Мошбозор (бозорда)
29. Мурконкўча (Чахарга қаранг)
30. Мурод (ёки Эшонмахалла)
31. Нонвойгузар ёки Новвойгузар (бозорда)
32. Нонгоргузар (эскирган номи; бозор)
33. Носвойбозор (Тамакибозорга қаранг)
34. Пахтабозор (бозорда)
35. Поякилик (бозорда, Себзорга ҳам киради)
36. Сабзибозор (бозорда)
37. Саричопон ёки Саричўпон
38. Сарпароз
39. Сирлимасжид
40. Сузукота
41. Тамакибозор (бозорда)
42. Темирчи ёки Темирчилик
43. Тепа (Каттамахалла ёки Янгикалон)
44. Тешабой ёки Тешавой
45. Тиконлимозор
46. Унбозор (бозорда)
47. Хабсота
48. Хишткўприк
49. Хонақо ёки Ҳонақойибузрук
50. Хўжамахалла (Ҳожимаҳалла)
51. Чақар (бир қисми Чақармерганкўча дейилган)
52. Чиннибозор (бозорда)
53. Чорсу
54. Чуқуркўприк
55. Чуқуркўча
56. Чўпонота
57. Эскинамозгоҳ
58. Эскиўрда
59. Этикбозор ёки Чорсу (бозорда; бозордаги бошқа Чорсу билан адаштирманг)
60. Эшонгузар
61. Эшонмахалла (Муродга ҳам қаранг)
62. Ялангқори
63. Янгимаҳалла (Янгишаҳар)
64. Янгихонақо
65. Янгикаландархона
66. Ўзбак
67. Ўроқчилик
68. Ўқчидарвоза (Бешоғоч дарвозаси яқинида)
69. Қандбозор (Қандолатбозор, Қандолатфуруш; бозорда)
70. Қассоблик (бозорда)
71. Қози Низомиддин
72. Қоратош
73. Кувирарик
74. Қуғурмоч
75. Ғозигузар
76. Ғўзабозор (бозорда)

Тошкент шаҳри маҳаллалари ёки мавзелари номлари ўз тарихига эга ва уларни ўрганиш шаҳар тарихи учун анчагина муҳим маълумотлар беради. Мазкур тадқиқотнинг топонимик луғат қисмида баъзи маҳаллалар номлари ҳақида этимологик маълумот берилган.

Умуман олганда, Эски шаҳар маҳаллаларининг номларини мазмун жиҳатдан саккиз гуруҳга бўлиш мумкин:

1) Касб-хунар ва аҳолининг ижтимоий гуруҳлари билан боғлиқ топонимлар. Масалан, Дегрез, Эгарчи, Этиқдўз, Темирчилик, Қозикўча, Қулкўча, Хўжакўча маҳаллалари ва бошқалар.

2) Табиий-географик объект билан боғлиқ топонимлар. Масалан, Каттаҳовуз, Олмазор маҳаллари ва б.

3) Рельеф билан боғлиқ номлар. Масалан, Қўрғонтепа, Оқтепа маҳалалари ва б.

4) Шаҳар дарвозалари номлари билан аталган топонимлар. Масалан, Тахтапул, Самарқанд дарвоза маҳаллалари ва б.

5) Маҳалладаги кўча, масжид, қабристон, бозор қабилар билан боғлиқ топонимлар. Масалан, Эскижува, Чуқуркўприк, Гулбозор маҳаллалари ва б.

6) Тарихий шахс номи билан аталган, яъни антропотопонимлар. Масалан, Зангиота маҳалласи.

7) Этник бирлик билан боғлиқ, яъни этнотопонимлар. Масалан, Қашқар, Чувалачи маҳаллалари ва б.

8) Тарихий воқелик билан боғлиқ топонимлар. Масалан, Жанггоҳ, Шохнишинтепа маҳаллалари ва б.

Маҳалла номлари орасида касб-хунар билан боғлиқ топонимлар нисбатан кўпроқ ва мазкур ҳолат у ёки бу маҳаллада маълум бир касб тури билан шуғулланувчиларнинг шу жойга жамланганлиги билан боғлиқ. Масалан, Атторлик маҳалласида асосан атторлик молларини сотувчилар, Заргарлик маҳалласида заргарлар, Тақачи маҳалласида тақасозлар яшаганлар. Кейинги ўринда маҳаллада яшовчи аҳолининг маълум бир ижтимоий табақа, қабила, уруғга мансублигига қараб берилган номлар туради. Бунга Эшонгузар, Қулкўча, Тожиқмаҳалла, Чувалачи каби топонимларни кўрсатиш мумкин. Бу ҳолат тарих давомида шаҳар ҳаётида кечган сиёсий, ижтимоий ўзгаришлар, аҳолининг уруғ-қабилачилик аънаси асосида жойлашишига боғлиқ. Масалан, Эшонгузар маҳалласида – эшонлар, Хўжамаҳаллада – хўжалар табақасига мансуб оилалар нисбатан кўпроқ яшаган, Қулкўча – кўпроқ қуллар яшаган ҳудуд маъносини англатади. Кейинчалик маҳалладаги аҳолининг ижтимоий таркиби ўзгариб борса-да, бироқ унинг ўзлашиб, аънага айланган аввалги номи сақланиб қолаверган.

Маҳалла номлари орасида табиий-географик объект, рельеф билан боғлиқ топонимлар ҳам учрайди. Тадқиқотчилар бундай топонимларнинг нисбатан қадимийроқ эканлигини қайд этганлар¹. Масалан: Олмазор ва Себзор – олма боғлари кўп маҳаллалар, Қўрғонтепа – бу ерда қачонлардир қўрғон бўлганини

¹ Караев С.К. Топонимия Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1991. – с.101.

англатади, Чукуркўприк – Чукуркўприк ариғига пасткамликда қурилган кўприк атрофидаги маҳалла демакдир.

Эски шаҳар маҳаллалари орасида маҳалла ҳудудидаги каттароқ қурилма, ҳўжалик объекти, шаҳар дарвозасининг номи билан аталганлар топонимлар ҳам бор ва уларнинг орасида диний муассасалар, ёдгорликлар, шаҳар дарвозалари ва бозорлар билан боғлиқлари нисбатан кўпроқ. Кўкмасжид маҳалласи – кўк гумбазли масжид жойлашган маҳалла, Самарқанд дарвоза – мазкур жойда шаҳар деворида қурилган дарвоза номи билан аталган маҳалла, Гулбозор – ҳудудида гуллар, кўчатлар сотиладиган бозор жойлашган маҳалла номларини кўрсатиш мумкин.

Маҳалла номлари орасида антропотопонимлар камроқ учрайди. Улар, асосан маҳаллада яшаган бой, зодагон, мансабдор, диний арбобларнинг исми билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Жумладан, Болтабой, Бадалбой, Шайхонтаҳур, Зангиота, Мурод маҳаллалари.

Шаҳар маҳаллалари рўйхатида бирор тарихий воқеа, ҳодиса билан боғлиқ ёки аралаш топонимлар ҳам учрайди. Бундай номларнинг пайдо бўлиши тарихи маълум ҳодиса билан боғлиқ бўлади. Шопайзиқулоқ маҳалласи – шу ерда Шопайзи исмли киши Кўкча ариғидан канал ариқча (кулоқ) қазиб чиқарганини билдиради¹.

Эски шаҳар маҳаллаларининг номлари турли даврларда пайдо бўлган ва шу боис тил жиҳатдан ҳам фарқланади: сўғдча, туркий, форс-араб, аралаш топонимлар (Чочтепа, Қиёт, Чигатой, Дархон, Регистон, Обиназир, Бодак, Себзор, Жартегирмон, Янгишаҳар Ганчтепа, Қозикўча, Сандиқбозор, Собунбозор ва ҳ.к.).

Эски шаҳар кўчаларининг номлари

Тошкент маҳаллалари кўпинча тор кўчалар билан бир-биридан ажралиб турган. Кўчаларга одатда, уларнинг катта-кичиклигига қараб (Катта кўча), маҳалла номи билан (Қоратош кўча, Ўқчи кўча), шу кўчада яшаган бирор таниқли шахс номи билан (Мурод кўчаси, Ҳазрати Имом кўчаси), шаҳардан қайси томонга қараб чиқилишига кўра (Паркент йўли, Кўкон йўли, Зангиота йўли, Чимкент йўли), жой рельефининг тузилишига қараб (Пасткўча, Баландкўча, Жаркўча), шу кўчадаги бирор машҳурроқ жой номи билан (Эски Намозгоҳ кўчаси) ёки касб-ҳунар билан боғлиқ (Парчабоф, Дегрез) ҳолда ном берилган. Кўп кўчаларнинг номи маҳалла номидан олинганлиги кузатилади. Ҳар бир маҳаллада асосий кўчадан ташқари ўрта узунликдаги кўчалар, кичик ва берк кўчалар ҳам бўлган ва уларнинг ҳар бирига халқ томонидан маълум номлар қўйилган. Яъни агар 1927 йилда Эски шаҳар ҳудудида 280 тага яқин маҳалла бўлса, катта ва ўрта кўчаларнинг сони тахминан 300 га яқин, кичик ва тор кўчаларники 2-3 барабар кўпроқ, деган хулосага келиш мумкин. Табиийки, бу кўчалар халқ талаффузида маълум номлар билан юритилган.

¹ Ўша жойда. – 103 б.

Шаҳарнинг энг катта кўчалари марказдан, яъни ҳозирги Эски шаҳардан дарвозалар томон йўналган эди. Дарвозалардан бошланадиган кўчалар нисбатан тўғри ва катта бўлиб, шаҳар ичкарасида асосий марказ (Чорсу бозори) билан боғланса, ташқарисида бошқа шаҳар ва қишлоқларга олиб борувчи йўл сифатида давом этган. Чорсу ва Ўрдани бирлаштирувчи кўча алоҳида аҳамиятли бўлиб, Катта кўча (кейинчалик Тошкўча) деб аталган. Асосий кўчаларга туташган бошқа кўчалар тор ва эгри-бугри бўлган: 1909 йил маълумотида кўра, кўчаларнинг умумий узунлиги 1343 км.га етган.

Эски шаҳар кўчалари ҳақида ёзма манбаларда ҳам маълумотлар учрайди. Миллернинг ёзишича¹, “шаҳарда саккизта катта кўча бўлиб, ҳаммаси шаҳар дарвозаларига олиб чиқади, қолган кўчалар тор, эни бир ярим саржинга² етар етмас” бўлган. М. Поспелов ва Т.Бурнашевлар ҳам шаҳар кўчалари жуда тор ва нотекислигини қайд этганлар. Муҳаммад Солиҳ ҳам ўзининг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида Тошкентнинг марказий кўчаси Катта кўча деб аталганини таъкидлаган. Шунингдек, Кўкча, Хиёбон (Камолон), Чигатой, Сағбон, Қорасарой дарвозаларига борадиган кўчалар ҳам тарихчи томонидан эслатиб ўтилган³. Асосий кўчалардан ташқари, яна шаҳар деворининг ичкарасидан айланасига кўча ўтган бўлиб, у баъзи жойларда кенгроқ бўлса, айрим ерларда сўқмоққа ўхшарди, баъзан эса девор яқинидаги маҳаллалар орасидан ўтарди.

XIX асрнинг охириги чорагида эски шаҳар кўчаларининг қиёфаси ҳам, номлари ҳам ўзгариб борди. Уларни ободонлаштириш учун шаҳар маҳкамаси томонидан маблағ ажратилган⁴. 1884 йилдан кўчаларга тош-шағал тўкиш бошланди. Биринчи бўлиб ҳозирги Навоий кўчасига тош-шағал тўкилиб, у Тошкўча номини олган, айна вақтда “Шайхонтахур кўчаси” деб ҳам аталган. Эски шаҳар худудидаги айрим катта кўчаларга маҳаллий аҳоли томонидан берилган номлар 1893 йили 13 майда Тошкент шаҳар Думасининг 14-мажлисида тасдиқланди. “Халқ орасида тарқалган кўча номларини ёзма равишда қонунлаштириш лозим”, деб ёзилган эди Дума мажлиси баёнида⁵. Шаҳар Маҳкамасининг Думада берган ҳисоботида кўра, мазкур таклиф Туркистон генерал-губернатори томонидан тавсия қилинган эди. Думанинг мазкур қарорида кўчаларнинг тасдиқланган номлари узунлиги 16 вершок, кенглиги 4 вершок ўлчамли, мовий рангга бўялган тунукачаларга рус ва “сарт” тилларида ёзилиб, кўчаларга илиб қўйилиши лозимлиги таъкидланган. Қабул қилинган қарорга кўра, 18 кўчанинг номи расмий тасдиқланди. Бу қуйидагилар: Шайхонтахур кўчаси, Жаркўча, Ўқчи кўчаси, Оқмасжид кўчаси, Қуйи Оқмасжид кўчаси, Чархчилик кўчаси, Себзор кўчаси, Қорасарой кўчаси, Ҳазрат Имом кўчаси, Сағбон кўчаси, Чигатой кўчаси, Кўкча кўчаси, Самарқанд кўчаси, Бешоғоч кўчаси, Чақар кўчаси, Арпапоя кўчаси, Камолон кўчаси, Анҳор кўчаси.

¹ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.182.

² Саржин 134 метрга тенг узунлик ўлчови.

³ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 30 б.

⁴ Ўз Р МДА. 37-И-жамғарма, 2-рўйхат, 27-хужжат, 55-варақ.

⁵ Ўз Р МДА. 718-И-жамғарма, 1-рўйхат, 13-хужжат, 92-93-орқа-варақлар.

Шаҳар маъмурияти томонидан 1893 йилда Эски шаҳарнинг асосий кўчаларига берилган номлар¹:

-
1. Ўрдадан Жангоб кўпригигача ўтган кўчага – Шайхонтахур кўчаси;
 2. Яна шу икки жойни қарама - қарши йўналишда боғловчи кўчага – Жаркўча;
 3. Ўқчидан Олмазоргача бўлган кўчага – Ўқчи кўчаси;
 4. Оқмачитдан Жам-масжидигача ўтган кўча – Оқмасжид кўчаси;
 5. Шайхонтахур ва Оқмасжид кўчалари орасидаги кўчага – Қуйи Оқмасжид кўчаси;
 6. Қоратутдан Себзор кўчасигача – Чархчилик кўчаси;
 7. Тахтапул дарвозасидан Тўпқайрағочгача – Себзор кўчаси;
 8. Жанггоҳдан Қорасой дарвозасигача бўлган кўчага – Қорасарой кўчаси;
 9. Ҳазрат Имомдан Қуш-тутгача ўтган кўчага – Ҳазрат Имом кўчаси;
-
10. Сағбон дарвозасидан Ҳожималиккача ўтган кўчага – Сағбон кўчаси;
 11. Чиғатойдан Ҳожималикгача ўтган кўчага – Чиғатой кўчаси;
 12. Кўкча дарвозасидан Маҳкамагача ўтган кўчага – Кўкча кўчаси;
 13. Самарқанд дарвозасидан Чорсугача ўтган кўчага – Самарқанд кўчаси;
 14. Бешоғочдан Чорсугача ўтган кўчага – Бешоғоч кўчаси;
 15. Чақардан “Братская могила” қабристонигача ўтган кўчага – Чақар кўчаси;
 16. Бешоғоч дарвозасидан Баланд-масжидгача бўлган кўчага – Арпапоя кўчаси;
 17. Бешоғоч дарвозасидан “Братская могила” қабристонигача ўтган кўчага – Камолон кўчаси;
 18. Зуев тегирмонидан Арпапоягача ўтган кўчага – Анҳор кўчаси каби номлар расмий равишда берилди.
-

Ундан ташқари, кейинги йиллардаги ҳужжатларда Эски шаҳардаги тош-шағал билан қопланаётган ёки шунга режалаштирилган кўчалар рўйхатида Эшонгузар, Обиназар, Улуғ Сағбон, Эски якка бозор, Эски Намозгоҳ, Қоратош, Дегрез, Парчабоф ва бошқа кўчаларнинг номлари қайд этилган¹.

Кўча номларининг келиб чиқиши турли омиллар билан боғлиқ бўлиб, уларни маъносига кўра 10 гуруҳга ажратиш мумкин:

¹ Ўз Р МДА. 718-жамғарма, 1-рўйхат, 13-ҳужжат, 92-93-орқа-варақлар.

¹ Ўз Р МДА. 37-И-жамғарма, 2-рўйхат, 27-ҳужжат, 56-варақ.

1. Маҳалла номи билан аталган кўчалар.

Арпаоя кўчаси Бешоғоч ва Шайхонтахур даҳаларида жойлашган, жанубдан шимолга йўналган. Бешоғоч дарвозасидан Шайхонтахур даҳаси марказидаги Арпаоя маҳалласида қурилган Баландмасжидгача бўлган йўл. Катта қисми Арпаоя маҳалласидан ўтгани учун Арпаоя деб аталган.

Чақар кўчаси Бешоғоч даҳасида жойлашган. Чақар маҳалласи бўйлаб ўтганлиги сабабли шундай аталган. Мазкур кўча Бешоғоч дарвозаси ортида вужудга келган рус аскарлари дафн этилган қабристон – “Братская могила”га олиб чиққани боис руслар учун аҳамиятли бўлиб, рўйхатга олинган.

2. Даҳа номи билан боғлиқ кўчалар.

Бешоғоч кўчаси. Бешоғоч даҳасидаги катта кўчалардан бири бўлиб, даҳани шимолидан жанубигача кесиб ўтган. Эски шаҳар бозорини Камолон ва Бешоғоч дарвозалари билан боғланган. Мазкур кўча даҳанинг асосий йўлларида бири ва Бешоғоч дарвозасига олиб чиққанлиги сабабли “Бешоғоч кўчаси” деб аталган¹. Кўча бўйлаб 1903 йили кўнка, 1913 йили эски шаҳарни темир йўл вокзали билан боғловчи трамвай йўли ўтказилган эди.

Себзор кўчаси. Себзор даҳасидан Тўпқайрағоч маҳалласидан (даҳа) Тахтапул дарвозасигача ўтган йўл. Шаҳар дарвозасидан кирганда Себзор даҳаси бўйлаб ўтган асосий кўчалардан бўлганлиги сабабли “Себзор” деб аталган².

3. Шаҳар дарвозалари номлари билан аталган кўчалар.

Самарқанд кўчаси, Бешоғоч даҳасида жойлашган бўлиб, шаҳар марказидаги бозордан – шимоли-шарқдан жануби-ғарбга – Самарқанд дарвозасига олиб боргани учун мазкур дарвоза номи билан аталган.

Сағбон кўчаси. Кўкча даҳасидан ўтган. Шаҳарнинг марказий қисмидан Ҳожималик маҳалласидан Сағбон дарвозасигача олиб чиққан йўл саналган ва шу боис мазкур дарвоза номи билан аталган³.

Чиғатой кўчаси Кўкча даҳасида жойлашган. Шаҳар марказидаги, Ҳожималик маҳалласидан жануби-шарқдан шимоли ғарбгача, Чиғатой дарвозасигача олиб боргани учун кўчага Чиғатой кўчаси деган ном берилган⁴.

Қорасарой кўчаси. Себзор даҳаси бўйлаб жанубдан шимолга йўналган. Жанггоҳ маҳалласидан Қорасарой дарвозасигача борган. Мазкур кўчадан

¹ “Бешоғоч” топоними ҳақида китобнинг “Тўрт даҳа ва дарвозалар номлари” бўлимида сўз юритилган.

² “Себзор” топоними ҳақида китобнинг “Тўрт даҳа ва дарвозалар номлари” бўлимида баён этилган.

³ “Сағбон” топоними ҳақида китобнинг “Тўрт даҳа ва дарвозалар номлари” бўлимида маълумот келтирилган.

⁴ “Чиғатой” топоними хусусида китобнинг “Тўрт даҳа ва дарвозалар номлари” бўлимида баён этилган.

Қорасарой дарвозасига чиқиш мумкинлиги сабабли “Қорасарой кўчаси” дейилган¹.

4. Шу кўчада яшаган ёки бошқа таниқли шахс номини олган кўчалар.

Мурод кўчаси. Бешоғоч даҳасидаги Мурод маҳалласи бўйлаб ўтган кўчанинг номи. Мазкур маҳалла, шунингдек, Эшонмаҳалла деб ҳам номланган². Таҳмин қилинишича, бу маҳаллада халқ орасида эътиборли эшонлар оилалари яшаган. Халқимизда одатда кўчани бирор шахснинг исми билан аташадиган бўлса, у киши бадавлатлиги, илми, хунари ёки бошқа бир томони билан шуҳрат қозонган бўлиши лозим. Эҳтимол Мурод деган киши шундайлардан, балки, эшонлардан бўлиб маҳаллада таниқли шахс ҳисобланган. Маҳалладаги катта кўчага ҳам унинг номи берилган.

5. Шу жойдаги ишоот билан боғлиқ кўча номлари.

Оқмасжид кўчасининг катта қисми Шайхонтахур даҳасининг шимолий қисми бўйлаб ўтган. Мазкур кўча шаҳар марказидаги Жомеъ масжидидан Оқмасжид маҳалласи, аниқроғи у ердаги Оқмасжидгача борадиган йўл бўлгани учун “Оқмасжид” деб аталган³.

Ҳазрати Имом ёки Ҳастимом кўчаси шаҳарнинг кўпроқ шимолий қисмидан ўтган Себзор ва Кўкча даҳаларини боғлаган йўллардан бири. Аслида кўчанинг номи – антропотопоним, машхур бўлган шахс – Ҳазрат Имом исмидан. Бироқ кўчанинг номи масжид билан боғлиқ ҳолда қўйилган. Яъни Қўштут масжиди ва Қўштут маҳалласидан Ҳазрат Имом (Ҳастимом) масжидига олиб борган йўл бўлгани учун халқ уни Ҳазрати Имом кўчаси деб атаган⁴.

6. Ариқ номи билан аталган кўчалар.

Анҳор кўчаси, Шайхонтахур даҳасининг жанубий қисмидан шимолига йўналган. Арпапоя маҳалласидан Анҳор бўйлаб Зуев тегирмонига ўтган кўча. Анҳор ариғига олиб чиққан ва шу ариққа яқин бўлгани учун Анҳор кўчаси дейилган⁵.

7. Касб-хунар, савдо билан боғлиқ кўча номлари.

Гулбозор кўчаси Себзор даҳасидаги Гулбозор маҳалласидан ўтгани ва шу ердаги Гулбозорга олиб чиқувчи йўл бўлгани учун шундай ном олган.

8. Жой рельефининг тузилиши билан боғлиқ кўча номлари.

Жаркўча. Мазкур кўча Шайхонтахур даҳасининг шимолий қисмида бўлган жангоҳ кўпригидан Ўрдагача ўтган йўлга берилган. Кўчанинг асосий қисми жар ҳамда, пастликдаги ерлардан иборат бўлгани сабабли Жаркўча – “жардаги кўча”, дейилган. Кейинроқ кўча атрофидаги ҳудуд ҳам унинг номи билан Жаркўча маҳалласи деб аталган.

9. Кўча йўналиши билан боғлиқ ҳолда аталган кўча номлари.

¹ “Қорасарой” топоними китобнинг “Тўрт даҳа ва дарвозалар номлари” бўлимида таҳлил қилинган.

² Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля... – с.120.

³ “Оқмасжид” топоними хусусида луғатда сўз юритилган.

⁴ Ҳазрат имом ҳақида маълумотлар луғатда берилган.

⁵ “Анҳор” топоними ҳақида китобнинг “Гидронимлар ва уларнинг этимологияси” номли бўлимида маълумотлар берилган.

Зангиота йўли. Бешоғоч даҳасининг жанубий қисмидан, аниқроғи Бешоғоч дарвозасидан Зангиота зиёратгоҳига олиб боради. Шунинг учун Зангиота йўли, Зангиота кўчаси дейилган¹.

Чимкент йўли. Себзор даҳасидан, аниқроғи Лабзак дарвозасидан Чимкент шаҳар томонга олиб борганлиги сабабли Чимкент йўли, Чимкент кўчаси деб аталган. Рус манбаларида “Чимкентский тракт” деб қайд этилган².

10. Бошқа турли омиллар билан боғлиқ кўча номлари.

Тошкўча Шайхонтаҳур даҳасидан шарқий томонга йўналган. Уни Анҳор канали кесиб ўтган. Эски шаҳарни янги шаҳар билан боғлайдиган асосий кўча ҳисобланган. Унга 1884 йили илк бор тош-шағал тўкилганлиги сабабли халқ томонидан Тошкўча деб аталган. XIX аср бошларида эски шаҳарнинг энг гавжум кўчаларидан ҳисобланган, 1912 йилдан трамвай қатнаган. Ёзма ва картографик манбаларга асосланиб хулоса қилганда, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида XIX аср охири XX биринчи чорагида 280 га яқин маҳалла бўлган дейиш мумкин. Эски шаҳар маҳаллаларининг номлари аҳолисининг касб-хунари, маҳалладаги табиий-географик жойлашуви, ҳудудидаги кўча, масжид, қабристон ёки хўжалик объекти, дарвоза, даҳа номлари билан боғлиқ. Шунингдек, мазкур топонимлар орасида антропотопоним, этнотопоним, рельеф ёки бирор тарихий воқелик билан боғлиқ номлар турлари ҳам учрайди. Лингвистик жиҳатдан олганда маҳалаларнинг номлари орасида турли тарихий даврларга оид топонимлар мавжуд бўлиб, улар орасида суғдий номлар кам, форс-араб, туркий, аралаш топонимлар салмоқли ўринни эгаллайди. Эски шаҳар кўчалари билан боғлиқ топонимлар таркибида маҳалла, дарвоза, даҳа, хўжалик объекти ва бошқа турдаги жой номлари билан аталгани кўпроқ бўлиб, антропотопоним, этнотопоним, гидроним, рельеф ва бошқа турли омиллар билан боғлиқ турлари ҳам мавжуд. Эски шаҳарда қанча кўча бўлганини аниқ кўрсатиш қийин. Умуман олганда, маҳаллалар сони 280 га яқин бўлса, улардан ўтган катта, ўрта ва кичик узунликдаги кўчаларнинг жами сони 700 дан зиёд бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Диссертацияда ўша давр рус манбаларида учрайдиган, расмий равишда тасдиқланган 18 катта кўча номлари таҳлил қилинди.

¹ “Зангиота” топоними ҳақида китобнинг луғат қисмида тафсилотлар берилган.

² План города Ташкента 1890 года. – Ташкент, 1890.

Муассасалар ва бошқа турли жойлар билан боғлиқ топонимлар

XIX аср охири XX аср бошларига оид манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, мазкур даврда Эски шаҳарда қурилмалар сони қуйидагича бўлган: уйлар – 12143, мадрасалар – 23, рус-тузем мактаблари – 7, масжидлар – 333, тиббий муассасалар – 4, йирик бозорлар – 6, савдо расталари – 1671, ишлаб чиқариш билан боғлиқ иншоотлар, уларнинг қошидаги дўконлар билан бирга – 1700 дан ортиқ, кушхоналар – 2, ҳаммомлар – 36, чойхоналар – 400 га яқин, катта ошхоналар – 9, катта нонвойхоналар – 17, карвон-саройлар – 45, йирик тегирмонлар – 5, ўрта ва кичикроқлари – 229¹.

Мазкур жойларнинг номлари ҳудудий, географик, тарихий ва бошқа ўзига хос омиллар билан боғлиқ бўлиб, уларни қуйидаги саккизта гуруҳга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Маъмурий-бошқарув ва суд идоралари билан боғлиқ топонимлар

Эски шаҳар ҳудудида бошқарув органлари ва суд-адлия ишлари соҳаларига оид идора номлари билан аталган: Эски шаҳар Маҳкамаси, 1-Оқсоқоллик, 2-Оқсоқоллик, 3-Оқсоқоллик, 4-Оқсоқоллик, Шайхонтаҳур даҳасидаги қозихона, Себзор даҳасидаги қозихона, Кўкча даҳасидаги қозихона, Бешоғоч даҳасидаги қозихона, Эски шаҳар қисмининг ўт ўчирувчилар гуруҳи, Савдо назоратчиси (бозорларда) кабилар.

Маъносига кўра мазкур топонимлар 2 гуруҳга бўлинади:

1) Ўша ердаги идоранинг фаолият тури билан боғлиқ топонимлар Эски шаҳар ҳудудида, асосан, ўлка бошқаруви рус маъмурияти томонидан қайта ташкил этилганидан кейин вужудга келган. Масалан, Эски шаҳар Маҳкамаси, Савдо назоратчисининг идораси ва б. Руслар ўлкани эгаллашидан олдин мавжуд бўлган кўпчилик бошқарув идораларининг фаолияти мустамлака тизими даврида тугатилган (масалан, Маҳкамалар).

2) Рақам билан берилган маъмурий номлар Эски шаҳар ҳудудида кам: 1-Оқсоқоллик, 2-Оқсоқоллик, 3-Оқсоқоллик, 4-Оқсоқоллик (тўрт даҳа учун) идоралари мавжудлиги маълум.

1-Оқсоқоллик – Шайхонтаҳур даҳасида жойлашган бўлиб, унга даҳанинг 3603 та ҳовлисида яшовчи аҳоли бўйсунган. Оқсоқолликларнинг номлари қисқароқ бўлиши учун рус маъмурияти уларни тўрт даҳа бўйича тартиб рақамлари билан атаган. Масалан: Шайхонтаҳур даҳасидаги 1-Оқсоқоллик, Себзор даҳасидаги 2-Оқсоқоллик, Кўкча даҳасидаги 3-Оқсоқоллик, Бешоғоч даҳасидаги 4-Оқсоқоллик деб номланган².

2. Диний муассасалар билан боғлиқ топонимлар гуруҳини Эски шаҳар ҳудудида *масжидларнинг* номлари ташкил этади. Ёзма манбаларда масжидлар сони даҳалар бўйича келтирилган. Жумладан, Муҳаммад Солиҳнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида: Шайхонтаҳур даҳасида – Хўжа Аҳрор масжиди,

¹ Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 963-хужжат, 144-150-варақалар; 3903-хужжат, 2-3-варақалар; И-1-жамғарма, 13-рўйхат, 976-хужжат, 12-12-орқа-варақалар; Добросмыслов А. Ташкент в прошлом ... – с.60–105, 198–224, 365–417.

² Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 2819-хужжат, 277-варақ.

Ҳазрат Имом даҳасида – Имом Қаффоли Шоший мақбараси ёнидаги масжид, Пўлодбий Гинчбофий, Ўразалибой (“Хотин-масжид”)лари, Шайх Зайниддин даҳасида – Маҳкама, Чармгарон, Бўрихўжабой Санчиқмоний масжидлари, Зангиота даҳасида – Чорсу арки ёнидаги учта масжид ва Кўкмасжид, жами 11 та масжиднинг номи кўрсатилган¹. Н.Маевнинг “Азиатский Ташкент” асарида Шайхонтахур даҳасида 60 та, Себзорда – 10 та, Кўкчада – 51 та, Бешоғочда – 68 та, жами 189 та масжид борлиги таъкидланган ва баъзиларининг номлари қайд этилган². 1890 йилги Тошкент шаҳар харитасида ҳам баъзи масжидларнинг ўрни ва номи келтирилган: Шайхонтахур даҳасида – Раискўча, Суғул, Хўжа Рушноий, Ҳовузбоғ юқори масжидлари, Оқмасжид; Себзорда – Ҳазрат, Қумлоқ гузар, Қозоқмозор, Қазивот, Хўжа Тарашкан, Ҳонақоҳ, Шоохун, Охун, Бекларбеги, Исохўжа қозиқалон, Лабзак масжидлари; Кўкчада – Ғариф, Қуштут, Катта ҳофиз қуяки, Шарифбой, Сакишмон, Чуқуррхон бой, Хонақоҳ масжидлари; Бешоғочда – Хўжа Аҳрор, Қовурмоч, Эски Намозгоҳ, Тиканлимосор, Сўзоқота, Қоратош, Чуқур, Дўстмуҳаммад косиб, Салимхўжа, Афандихон, Янгимаҳалла, Хўжа Аламдор масжидлари, Ғиштмасжид³. Жами – 32 та масжид.

Вақт ўтиши билан Эски шаҳар ҳудудида аҳоли сони кўпайиб, масжидлар сони ҳам ортиб борган. Архив ҳужжатларида Эски шаҳар ҳудудида 1899 йили 180 та⁴, 1912 йили 333 та масжид бўлгани қайд этилган ва улар даҳалар бўйича куйидагича⁵:

2-жадвал

Даҳалар	Масжидлар сони	
	1899 йил	1912 йил
Шайхонтахур	39	107
Себзор	32	94
Кўкча	21	68
Бешоғоч	38	71

Масжидларнинг номлари *маъносига кўра* масжидни қурдирган шахс (Дустмуҳаммад косиб масжиди, Салимхўжа масжиди), масжид ёнидаги қабристон ёки мақбара (Ҳазрат Имом масжиди, Хўжа Рўшноий масжиди), масжид жойлашган ҳудуд – маҳалла ёки кўча (Чуқуррқўприк масжиди, Табибкўча масжиди), масжид атаб қурилган шахс (Оқбува масжиди, Хўжа Тарашкан масжиди), масжиднинг ўзига хос белгиси (Ғиштмасжид, Кўкмасжид), шаҳар дарвозаси (Қорасарой масжиди) номлари билан аталган топонимларга бўлинади (баъзи масжидлар номлари этимологияси ҳақида луғатда сўз юритилади).

3. Ўқув муассасалари билан боғлиқ топонимлар тизимида Эски шаҳар ҳудудидаги мадраса, мактаб, рус-тузем мактаблари, рус-тузем билим юртларининг номлари киради.

¹ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 33 б.

² Маев Н.А. Азиатский Ташкент... – с.260–271.

³ План города Ташкента 1890 года.

⁴ Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 3903-ҳужжат, 2-8-варақлар.

⁵ Ўз Р МДА. И-1-жамғарма, 1-рўйхат, 379-ҳужжат, 12-15-варақлар.

Демак мадрасаларнинг сони ва улар билан боғлиқ топонимлар ҳам вақти-вақти билан ўзгариб турган. Улар ҳақида ёзма манбаларда даҳалар бўйича қайд этилади. Жумладан, Муҳаммад Солиҳ қуйидагилар ҳақида эслатиб ўтган: Шайхонтахур даҳасида – Хўжа Аҳрор, Кўкалдош, Эшонқули додхоҳ, Юнусхон, Қосимбой Қоратутий мадрасалари; Ҳазрат Имом (Себзор) даҳасида – Бароқхон, Муӣи муборак, Бегларбеги, Исохўжа қози, Муҳаммад Каримхўжа, Ҳофиз Кухакий мадрасалари; Шайх Зайниддин (Кўкча) даҳасида – Шукурхон мадрасаси; Зангиота (Бешоғоч) даҳасида – Зангиота мақбараси ёнидаги мадраса¹. Жами – 13 та мадраса.

Н.А.Маевнинг маълумотига кўра, XIX аср охирларида Шайхонтахур даҳасида – 3 та, Себзорда – 3 та, Кўкчада – 2 та, Бешоғочда – 3 та мадраса бўлган². Жами – 11 та. 1890 йилги Тошкент шаҳар харитасида³: Себзор даҳасида – Муротбий, Исохўжа қозикалон мадрасалари; Кўкча даҳасида – Шарифбой, Сақишмон, Чукурхонбой мадрасалари; Бешоғоч даҳасида – Кўкалдош, Хўжа Аҳрор, Тиканли мазор, Одил Қосим эшон мадрасалари жойлашган ҳудудлар кўрсатилган. Жами – 9 та мадраса. А.И.Добросмысловнинг ёзишича, 1910 йили 23 та мадраса бўлган⁴. Архив ҳужжатларида 1899 йили 19 та, 1912 йили 16 та мадраса қайд этилган ва даҳалар бўйича уларнинг сони қуйидагича⁵:

3-жадвал

Даҳалар	Мадрасалар сони	
	1899 йил	1912 йил
Шайхонтахур	3	4
Себзор	5	--
Кўкча	7	6
Бешоғоч	4	6

Эски шаҳар ҳудудида кўплаб бошланғич мактаблар ҳам бўлган. Чунончи А.И.Добросмысловнинг ёзишича, 1910 йили шаҳарнинг бу қисмида 217 та бошланғич мактаб мавжуд эди⁶. Бироқ архив ҳужжатидаги 1912 йил учун берилган маълумотларда уларнинг сони 134 та (ўғил болалар учун) ва 80 та (қиз болалар учун), жами 214 та кўрсатилган⁷. Бироқ биз кўрган манбаларда бошланғич мактабларидан бирортасининг номи берилмаган.

Мактаблардан ташқари Эски шаҳарда 5 та қорихона ҳам бор эди (4 та Шайхонтахур даҳасида, 1 та Кўкча даҳасида), бироқ уларнинг номлари манбаларда қайд этилмаган.

¹ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида..., ўша асар. – 16 б.

² Маев Н. Азиатский Ташкент... – с.201.

³ План города Ташкента 1890 года.

⁴ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.198–224.

⁵ Ўз Р МДА. И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 3903-ҳужжат, 2-6-варақлар; И-1-жамғарма, 13-рўйхат, 976-ҳужжат, 12-14-варақлар; 27-рўйхат, 678-ҳужжат, 16-21-варақлар.

⁶ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.198–224.

⁷ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 1944-ҳужжат, 148-149-варақлар

XX аср бошларида Эски шаҳарда 8 та *рус-тузем мактаби ва рус-тузем ўқув юрти* бўлган ва уларга тартиб рақами қўйилган: 4-рус-тузем мактаби, 6-рус-тузем мактаби, 10-рус тузем билим юрти ва ҳ.к.¹

Ўқув муассасалари уларни қурдирган ёки эгалик қилган шахслар – антропотопонимлар (Кўкалдош мадрасаси, Хўжа Аҳрор мадрасаси, Исохўжа қозикалон мадрасаси, Шарифбой мадрасаси), муассаса жойлашган ҳудуднинг номини акс эттирувчи топонимлар (Тиканли мазор мадрасаси, Зангиота ёнидаги мадраса), маълум йўналишдаги ўқув муассасасининг тартиб рақами ва ўқув даргоҳининг фаолиятини билдирувчи топонимлар (4-рус-тузем мактаби, 10-рус-тузем билим юрти) орқали ифодаланган (баъзи мадрасаларнинг тарихий топонимиясига доир маълумотлар луғатда берилган).

4. Тиббий муассасаларнинг номлари. Тошкентда тиббий ёрдам кўрсатиш, даволаш ишлари олиб борилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Масалан XVI асрда Кайковус бўйидаги чорбоғда, ҳарбий калъада жангларида яраланган ўзбек султонлари даволанган тиббий маскан бўлгани маълум².

XIX аср охири XX аср бошларида Тошкентнинг Эски шаҳар ҳудудида амбулатория тиббий пункти, касалхона, дорихона кабилар қурилган ва улар қуйидагича аталган: 1-Эркақлар амбулатория касалхонаси, 2-Аёллар ва болалар амбулатория касалхонаси, 3-умумий амбулатория касалхонаси, Шаҳар дорихонаси, Ветеринария кўриги (кушхоналарда бўлган), Марголинанинг дорихонаси.

Тиббий муассасаларнинг номлари *маъносига кўра* маълум турдаги тиббий муассасасининг тартиб рақами ва фаолиятини билдирувчи топонимлар (2-Аёллар ва болалар амбулатория касалхонаси, 3-Умумий амбулатория касалхонаси), муассаса жойлашган ҳудуднинг номи ва муассасанинг фаолиятини акс эттирган топонимлар (Шаҳар дорихонаси), муассаса эгасининг номига атаб қўйилган антропотопонимлар (Марголинанинг дорихонаси) шаклида берилган топонимларга таснифланади (луғатда айрим тиббий муассасалар билан боғлиқ топонимлар ҳақида маълумотлар келтирилган).

5. Савдо объектлари билан боғлиқ топонимлар Эски шаҳар ҳудудида қадимдан мавжуд бўлиб, улар бозор ва бозорчалар, маҳалла ва карвонсаройлардаги алоҳида савдо расталари, дўконлар, устахоналар қошидаги кўплаб дўкончалар билан боғлиқ.

Маълумки, Тошкент қадимдан йирик савдо шаҳри сифатида машҳур. Филипп Назаров 1813 йили саёҳати вақтида Тошкент орқали ўтганда, уни турли мамлакатлардан карвонлар келиб-кетадиган йирик савдо пункти, деб таърифлаган³ ва бу ҳақда А.Вамбери ҳам таъкидлаган⁴.

XIX аср охирида Эски шаҳар ҳудудида 6 та йирик бозор бўлган: Чорсу бозори (шаҳар марказида), От бозори (Хастимом мавзесида), Қўй бозори

¹ Ўз Р МДА. И-37-жамғарма, 1-рўйхат, 513-ҳужжат, 94-, 182-варақлар.

² Мукминова Р. Тўрт аср олдинги Тошкент. – Т., 1984. – 78 б.

³ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях Средней Азии. – М., 1968. – 43 б.

⁴ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Отдел II, глава IV // Туркестанский сборник. – СПб., 1867. Т.12. С.319–320.

(Хастимом мавзесида), Қовун бозори (Самарқанд дарвозаси яқинида), Намат бозор (Кўкча даҳасида), Ўрда бозори (Шайхонтахур даҳасида, бир қисми Янги шаҳар худудида).

Булардан ташқари, Эски шаҳар худудида озиқ-овқат, кийим-кечак, атторчилик моллари ва бошқа моллар билан савдо қилувчи кўплаб бозорча ва дўконлар ҳам бор эди. Жумладан, 1906 йили Эски шаҳарда 36 та китоб дўкони бўлгани маълум¹. Маҳалла гузарлари ва карвон-саройлардаги бозорчаларга, одатда, жойлашган ерининг (кўпроқ маҳалланинг) номи берилган. Улар таркибидаги микротопонимлар, яъни дўкон ва савдо расталари, устахоналар қошидаги дўкончалар эгаларининг номи билан аталган. Масалан, Шарифбой дўкони. Умуман олганда, 1910 йилга келиб савдо билан боғлиқ топонимларнинг сони 1700 дан ортиқ бўлган² (уларнинг турлари ва сони А.И.Добросмыслов томонидан келтирилган).

4-жадвал

Эски шаҳар худудидаги саноат ва савдо билан боғлиқ бўлган муассасалар:³

<i>Муассаса тури</i>	<i>Сони</i>
Галантерия моллари	190
Бақоллик	598
Мис, темир, чўян буюмлар	66
Чармгарлик маҳсулотлари	79
<i>Иссиқ кийим (устки кийим)</i>	119
Қалпоқ, телпак, дўппи	22
Пойабзал	146
Кумуш буюмлар	30
Ёғоч буюмлар	15
Идишлар	59
Пахта (тозаланган)	30
Гидамлар	4
Бўёқлар	9
Қоп, арқон, кигиз	56
Дока, жангала, мато	42
Шойи маҳсулотлар	10
Юнг	6
Совун	50
Ун	36
Сабзавот, мевалар	308
Гуруч	73
Гўшт	221
Ўтин, кўмир	15
Сандиқчилик	5
Эгар	38
Туз	10

¹ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 22818-ҳужжат, 314, 376-варақлар.

² Добросмыслов А.И. Ташкент... – с.48–49.; Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 228-ҳужжат.

³ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.410.

<i>Муассаса тури</i>	<i>Сони</i>
Тамаки	64
Албастр, оҳақ	6
Конфет корхоналари	4 (йириклари)
Қандолатчилик	13
Темирчилик устахоналари	36
Тунукачилик устахоналари	2 (катталари)
Ёғоч устахоналари	4 (катталари)
Кулолчилик	4
Суратхона	1
Босмахона	2

Маъносига кўра уларни савдо объекти жойлашган худуднинг номи, кўпинча маҳалланинг номи (Чорсу бозори, Ўрда бозори, Олмазордаги бозорча, Чақардаги бозорча), савдо объектида сотиладиган мол тури (Намат бозори, Гулбозор, От бозори), дўкон, савдо майдончаси, устахона эгасининг исми ва объектнинг фаолияти (Мулла Акмалжон мулла Исломов китоб дўкони, А.Аваров китоб дўкони), дўкон эгаси, вақф мулкчилиги (Муҳаммадбой дўкони, Бекларбеги мадрасасига тегишли савдо растаси) билан боғлиқ топонимларга ажратиш мумкин (бозорлар билан боғлиқ маълумотлар луғатда қайд этилган).

6. Ишлаб чиқариш объектлари билан боғлиқ топонимлар гуруҳига завод, фабрика, мануфактура ва устахоналарнинг номларини киритиш мумкин. Уларнинг сони вақт мобайнида ўзгариб турган. Статистик маълумотларга кўра, 1877 йили Эски шаҳарда 302 та саноат¹ ва 1910 йили 1700 дан ортиқ саноат ва савдо муассасалари бор эди². Саноат ва савдо муассасаларининг катта қисми асосан аҳоли гавжум ерларда, шаҳар марказида, Чорсу бозорига яқин худудларда, жойлашган. Лекин шаҳарнинг бошқа қисмларида ҳам улар фаолият юритгани маълум. Масалан, тегирмонлар сувга яқин бўлган худудларда қурилган, чарм заводлари шаҳарнинг чекка қисмларида ишлаган. Тегирмон ва жувозхоналар шаҳар чеккасида ва атрофида жойлашган. XIX асрнинг охирига келиб Тошкентда 500 та жувозхона ишлаб турган³.

Устахоналар саноат ишлаб чиқарилишининг дастлабки кўринишидаги ташкилотлар бўлиб, одатда ихтисоси бўйича маълум худудда жойлашган. Масалан, шаҳар марказидаги маҳаллаларда заргарлар, уй-рўзғорида ишлатиладиган турли меҳнат курулларини ишлаб чиқарувчи хунармандлар, шаҳарга кираверишда, карвонсаройлар яқинида – тақачилар, оқар сувларга яқин жойларда – газламаларни бўёвчилар, шаҳар чеккасида, ариқлар бўйида (экологияни ҳисобга олган ҳолда) совунгар ва кўнчиларнинг устахоналари жойлашган. Хунармандларнинг устахоналари ўзлари яшайдиган жойнинг ўзида бўлган ва маълум турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар битта худудда жойлашган. Бу ҳол хунармандлар яшайдиган маҳаллаларнинг номланишига ҳам

¹ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 1457-хужжат, 75-86-варақлар; 1-рўйхат, 1166-хужжат, 24-варақ.

² Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.410–417.

³ Мукминова Р. Тўрт аср..., ўша асар. – 19 б.

таъсир этган бўлиб, маълум касб хунармандлари яшаган маҳалла шу хунар номи билан аталган (Кўнчилик, Дегрез, Қошиқчилик).

Устахоналарнинг ихтисос бўйича жойлашуви нафақат маҳаллалар, балки даҳалар бўйича ҳам кузатилади. Масалан, Шайхонтаҳур даҳасида темирчи, ёғ ишлаб чиқарувчи, тўқувчи ва эгарчилик устахоналари кўпроқ бўлган (1870 йилда 567 та); Себзор даҳасида этикдўзлик ва мато бўёқчилиги ривожланган; Кўкча даҳаси хунармандлари орасида чармгарлар, сўнг этикдўзлар кўпчиликни ташкил этган (1871 йили даҳадаги 695 та устахонадан 341 таси чармгарлик ва 218 таси этикдўзлик устахоналари бўлган); Бешоғоч даҳасида биринчи ўринда ёғ ишлаб чиқариш турган, умуман дастлаб бу хунар фақат шу даҳада тарқалган эди¹. Юқорида санаб ўтилган хунармандлик турларидан ташқари Эски шаҳар худудида бошқа касб эгалари ҳам кўп бўлган. Скайлернинг маълумотига кўра, Тошкентда, Ўрта Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларидаги каби, хунармандчиликнинг 32 тури ривожланган². Бироқ, бошқа ёзма манбаларга кўра уларнинг сони кўпроқ бўлган³.

Мазкур гуруҳ топонимларини *маъносига кўра* ишлаб чиқариш муассасасига эгалик қилган кишининг исми ва корxonанинг фаолияти (Иброҳимхўжа Каримбоев чарм заводи, Ғуломжон Орифжонов тош босмахонаси, Мулла Абдулқосимов тегирмони, Имомжон Иноғомжонов суратхонаси “Савва Морозов ва Ко савдо фирмаси”), муассаса жойлашган худуднинг номи (Бешоғоч кушхонаси), корхона, ташкилот фаолиятининг турига яқин (“Мактаб” китоб чиқариш ширкати), каттароқ ташкилотнинг филиали саналган муассасалар номлари (Москва катта мануфактураси фирмаси, Нижний Новгород – Самара ер банки) билан боғлиқ ҳолда аталган номларга гуруҳлаш мумкин (айрим топонимларнинг тарихига доир маълумотлар луғатда келтирилган).

Корхоналар номлари деярли ҳаммаси *антропотопонимлардан* иборат ва уларга корхона фаолиятини акс эттирувчи сўзлар қўшиб айтилган: Иброҳимхўжа Каримбоев чарм заводи (Жарарикда), Исмоилбой Қосимбоев чарм заводи (Жарарикда), Али Муҳаммад Солихмухамедов чарм заводи (Жарарикда), Тўлаганхўжа Раҳимжонов чарм заводи (Жарарикда), Шокирбой Шарифбоев чарм заводи (Жарарикда), Абдураззоқ Расулбоев чарм заводи (Жарарикда), Аҳмадхўжа Ўзмачихўжаев чарм заводи (Иброҳимотада), Муҳаммадали Хўжа Иномбоев чарм заводи (Кияванда), Комилжон Қосимбоев чарм заводи (Жигида кичикда), Усмон Қосимбоев чарм заводи (Тахтапулда), Шоаҳмадхўжа Исматхўжаев чарм заводи (Бўзсувда), Каримберди Салимбоев чарм заводи (Заҳда), Олимжон Раҳимжонов чарм заводи (Заҳда), Усмонбой Нуманбоев чарм заводи (Заҳда)⁴.

¹ Шишов А. Сарты... – с.39–54.

² Мукминова Р.Г., Филанович М.И. Ташкент на перекрёстке истории. – Ташкент, 2001. – с.203.

³ Шарипова М. Тошкент шаҳрининг..., ўша асар. – 62 б.; яна қаранг: Гейер И., Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. – Ташкент, 1903. Тетрадь 1. – с.9.

⁴ Тошкент Шаҳар архиви. 30-жамғарма, 1-рўйхат, 8-хужжат, 13-варақ.

Муассасанинг жойлашган ҳудуди билан боғлиқ топонимлар унчалик кўп эмас ва асосан, шаҳар бошқармаси, маълум маҳалла жамоаси, ҳудуд аҳолисига тегишли объектларнинг номларида учрайди. Масалан, 1885 йили Тошкент шаҳар думаси шаҳарнинг Себзор ва Шайхонтахур қисмлари учун битта, Кўкча ва Бешоғоч қисмлари учун битта кушхона очиш ҳақида “Тошкентнинг осиеликлар яшайдиган қисми учун иккита шаҳар кушхонаси қуриш ва таъминлаш Кондиция”сини имзолади. Кондиция 43 банддан иборат эди¹. Мазкур кушхоналар ҳудуд номи билан аталган: биринчиси – Шайхонтахур-Себзор кушхонаси (русча), иккинчиси – Кўкча-Бешоғоч кушхонаси (русча) дейилган. Уларнинг қисқа номланиши ҳам бўлган: Тахтапул кушхонаси ва Бешоғоч кушхонаси.

Муассасанинг фаолият турига яқин номлар билан аталган топонимлар ҳам кам бўлган. Эски шаҳар ҳудудидаги “Мактаб” китоб чоп этиш ташкилоти улардан бири эди. У Шайхонтахур кўчасида, Шайхонтахур мадрасасининг қаршисида, жойлашган². Мазкур ташкилот асосан мактаб ва мадрасалар учун ўқув китобларини чоп этгани сабабли шундай номланган.

Йирик ташкилотнинг филиали бўлган идоралар Эски шаҳар ҳудудида санокли бўлиб, асосан рус тадбиркорлари томонидан очилган. Улардан бири “Москва катта мануфактураси фирмаси” (“Фирма Московской большой мануфактуры”). Фирма Чорсу бозори ёнида жойлашган эди.

7. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид жойларнинг номлари Эски шаҳар ҳудудида кўп бўлиб, уларга ҳаммом, сартарошхона, ошхона, чойхона, карвонсаройларнинг номлари киради. *Маъносига кўра* улар мулк эгаларининг номлари билан аталган антропотопонимлар ва объектнинг фаолиятини билдирувчи сўзлардан иборат топонимлар (Бекмуҳаммадбий ўғли Мусомуҳаммаднинг ҳаммоми, Муҳаммад Карим Мирзо карвонсаройи), муассаса жойлашган ҳудуднинг номи ёки яқинидаги объект номи билан аталган (Кайкобус ариғи бўйидаги ҳаммом, Гузардаги чойхона, Тешик қофқа карвон-саройи) топонимларга бўлинади.

А.И.Добросмысловнинг ёзишича, Эски шаҳарда 8 та йирик ва бир нечта кичикроқ *ҳаммом* бўлган³. Уларнинг номланиши антропотопонимлар билан боғлиқ: Бекмуҳаммадбий ўғли Мусомуҳаммаднинг ҳаммоми, Муҳаммадқул Эронийнинг ҳаммоми Кайкобус ариғи бўйида, Ҳожи Отабий ҳаммоми Чорсудаги Эски Намозгоҳ кўчасида, Мулла Бадал Муҳаммадбийнинг ҳаммоми Эски Намозгоҳ кўчасининг шимолида⁴. А.П.Хорошхин “Очерки Ташкента” мақоласида Чорсу бозоридаги 6 та катта ҳаммомнинг номларини санаб ўтади: Муҳаммад-Карим халифа, Нурмуҳаммад-Қушбеги, Дастурхончи, Муҳаммад-Саид-бой, Бўри-хўжа, Юсуф-бий ҳаммомлари⁵.

¹ Ўз Р МДА. И-718-жамғарма, 1-рўйхат, 8-ҳужжат, 418-420-варақлар.

² Ўз Р МДА. И-37-жамғарма, 1-рўйхат, 663 з.-ҳужжат, 29-орқа-варақ.

³ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом ... – с.415.

⁴ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих..., ўша асар. – 38 б.

⁵ Хорошхин А.П. Очерки Ташкента... – с.77–126.

Ошхона ва чойхоналарнинг номлари ҳам асосан антропотопонимлар бўлиб, уларга кўп ҳолларда ҳудуднинг номи ҳам кўшиб айтилган. XX аср бошида Эски шаҳарда 9 та йирик ва ўнлаб кичик ошхона, 391 та чойхона мавжудлиги маълум¹.

Карвонсаройлар асосан, шаҳар марказида, бозорларда ва шаҳар дарвозаларига яқин ерларда қурилган ва 1910 йили уларнинг сони 45 та бўлган. Карвонсаройлар кўпроқ эгаларининг номлари билан аталган, лекин дарвоза ёки бозор номи билан аталганлари ҳам бор. Масалан, Чорсу бозорида 29 та карвонсарой бўлиб², уларнинг номларидан 23 таси – антропотопоним, 1 таси этнотопоним, 4 таси ҳудуд номи билан боғлиқ топонимлар, 1 таси номаълум топонимдир.

Эски шаҳар бозоридаги карвонсаройлар³:

1. Мулла Солиҳбекнинг кишиш ва пахта карвонсаройи (Чорсуда унга тегишли яна 3 та карвонсарой бўлган),
2. Домла Солиҳ карвонсаройи,
3. Бобо Жонбой карвонсаройи,
4. Муҳаммад Карим Мирзо карвонсаройи,
5. Тош Муҳаммадбой карвонсаройи,
6. Домла Иноят карвонсаройи,
7. Касебой Кунчи карвонсаройи,
8. Эшон Абдул Қосим карвонсаройи,
9. Яҳудийларнинг карвонсаройи,
10. Чаман карвонсаройи,
11. Саид Азим бой карвонсаройи,
12. Қурбон Муҳаммад бой карвонсаройи,
13. Эшон қули додҳоқ карвонсаройи,
14. Эшон қули додҳоқ карвонсаройи (иккинчиси),
15. Канагат Шо Оталиқ карвонсаройи,
16. Лашкар Қушбеги карвонсаройи
17. Закот-сарой карвонсаройи,
18. Эшонхон Раис карвонсаройи,
19. Эшонхон укасининг карвонсаройи,
20. Мулла Абул Муталлиб карвонсаройи,
21. Мирза Аҳмад карвонсаройи,
22. Юсуфхон карвонсаройи,
23. Исобек карвонсаройи,
24. Маҳрам Боши карвонсаройи,
25. Бозори-кўрпа карвонсаройи,
26. Шобек карвонсаройи,
27. Маҳмуд Дастурхончи карвонсаройи
28. Мавзеи Жонбоғ карвонсаройи
29. Мавзеи Жонбоғ карвонсаройи (иккинчиси)

8. Қабристон ва мақбараларнинг номлари ёзма ва картографик манбаларда даҳалар бўйича берилган. Жумаладан, Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, Шайхонтахур даҳасида Шайх Хованди Тахур мақбараси, Юнусхон мақбараси, Қалдирғочбий мақбараси; Себзор даҳасида Имом Қаффоли Шоший

¹ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.416.

² Хорошхин А.П. Очерки Ташкента... – с.115.

³ ЎЗР МДА, 36-жамғарма, 678-ҳужжат, 89-варақ.

мақбараси, Сайид Работак хўжа қабристонини, Иброҳимота мақбараси, Кўхота қабристонини, Туркчиота мақбараси; Кўкча даҳасида Шайх Зайниддин мақбараси; Бешоғоч даҳасига тегишли Зангиота (Чўпонота) мазори, Сузукота ва Хўжа Нуриддин мақбаралари, жами – 12 та мақбара, қабристон бўлган¹. 1890 йилги Тошкент шаҳар харитасида 22 та қабристон номлари кўрсатилган².

Эски шаҳар ҳудудидаги қабристонлар (1890 йил)³

Шайхонтахур даҳасида:

1. Ҳазрат Имом мазори
2. Хўжа Тарашкан мазори
3. Қиличлик ота мазори
4. Суғул мазори
5. Хўжа Рўшнои мазори
6. Ҳовузбат юқори мазори

Себзор даҳасида:

7. Ҳазрат Имом мазори
8. Хўжа Тарашкан мазори
9. Хонақоҳ мазори
10. Парвозота мазори
11. Исо Хўжа қозикалон мазори

Кўкча даҳасида:

12. Қилич Бирхон мазори
13. Муҳаммад Шайх ота мазори
14. Хўжа Исхон мазори
15. Турсун ота мазори

Бешоғоч даҳасида:

16. Сузук ота мазори
17. Қопса ота мазори
18. Оқ бува мазори
19. Шовол мазори
20. Азлар мақбараси
21. Хўжа Нуриддин мазори
22. Янги маҳалла мазори
23. Хўжа Аламдор мазори
24. Суғул мазори

А.И.Добросмысловнинг “Ташкент в прошлом и настоящем” асарида қабристонларнинг аҳволи ҳақида шундай ёзилган: “Шайхонтахур, Ҳазрат Эшон (Имом) қабристонлари шаҳардаги энг катта қабристонлардир... Катта қабристонларда дарахтлар бор. 1891 йил Тошкентда 68 та қабристон ва бир қанча алоҳида қабрлар бор эди. 1891 йили 21 қабристон, 1892 йили 12 қабристон ва, ниҳоят 1894 йили, шаҳардаги қолган қабристонлар ҳам ёпилди. Уларнинг ўрнига мусулмонларга 11 та қабристон учун жой ажратиб берилди”⁴.

1891 йили мавжуд 84 қабристонларнинг номлари Тошкент шаҳар бошқармаси ҳужжатларида қайд этилган⁵.

¹ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих ..., ўша асар. – 37 б.

² План города Ташкента 1890 года.

³ Ўша жойда.

⁴ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом ... – с.184.

⁵ Ўз Р МДА. И-1-жамғарма, 1-рўйхат, 976-ҳужжат, 25–28-варақлар.

Эски шаҳар ҳудудида 1891 йилда мавжуд қабристонлар¹:

Шайхонтахур қисмида:

- | | |
|--------------------------------------|-----------------------------|
| 1. Тун қаторота мозори | - Турк маҳалласида |
| 2. Янги мазор | - Минор маҳалласида |
| 3. Мунортепа мозори | - Минор маҳалласида |
| 4. Соиб Эшонота мозори | - Иля маҳалласида |
| 5. Примхон Шайх мозори | - Шўртепа маҳалласида |
| 6. Бободархон ота мозори | - Баланд масжид маҳалласида |
| 7. Мўмин шайх мозори | - Моғоликўча маҳалласида |
| 8. Кушоқ ота мозори | - Қиёттепа маҳалласида |
| 9. Кўктўнлик ота мозори ² | - Девонбеги маҳалласида |
| 10. Исо Мужоррод ота мозори | - Калтатой маҳалласида |
| 11. Ашурота мозори | - Қўрғонтепа маҳалласида |
| 12. Хўжа Оловиддин мозори | - Оқмасжид маҳалласида |
| 13. Хўжа Нуриддин мозори | - Оқмасжид маҳалласида |
| 14. Сандиқлик ота мозори | - Шотоқ маҳалласида |
| 15. Шохлар мозори | - Хўжа Рўшноий маҳалласида |
| 16. Хўжа Рўшноий ота мозори | - Хўжа Рўшноий маҳалласида |
| 17. Хўжа али Шайх ота мозори | - Дархон маҳалласида |
| 18. Девона бурхота мозори | - Фиштмасжид маҳалласида |
| 19. Бобо Аброр ота мозори | - Ҳовузбоғ маҳалласида |
| 20. Ҳовузбоғ ота мозори | - Ҳовузбоғ маҳалласида |
| 21. Шайхонтахур ота мозори | - Шайхонтахур маҳалласида |
| 22. Олмазор ота мозори | - Олмазор маҳалласида |
| 23. Қиличлик ота мозори | - Чуқурқишлоқ маҳалласида |

Себзор қисмида:

- | | |
|-----------------------------|-----------------------------|
| 24. Хўжа якка мозори | - Махсидўз маҳалласида |
| 25. Хўжа Мастура мозори | - Махсидўз маҳалласида |
| 26. Камилик ота мозори | - Эски Жўва маҳалласида |
| 27. Кўктўнлик ота мозори | - Хўжакўча маҳалласида |
| 28. Хўжа Парвоз мозори | - Охунгузар маҳалласида |
| 29. Ҳазрат Имом мозори | - Мозорхон маҳалласида |
| 30. Соҳиб ота мозори | - Қорасарой маҳалласида |
| 31. Ғойиб ота мозори | - Қорасарой маҳалласида |
| 32. Султон Шайхозлар мозори | - Работ маҳалласида |
| 33. Янги мазор | - Тешиқ қопқа маҳалласида |
| 34. Тахтапул мозори | - Тахтапул маҳалласида |
| 35. Кўктунлик ота мозори | - Тахтапул маҳалласида |
| 36. Азизлар хўжа мозори | - Тахтапул маҳалласида |
| 37. Хўжа Тарашкан мозори | - Хўжа Тарашкан маҳалласида |
| 38. Коҳота 1 мозори | - Коҳота маҳалласида |
| 39. Исо Хўжа мозори | - Қозикўча маҳалласида |
| 40. Шохидон ота мозори | - Пуштихаммом маҳалласида |
| 41. Кўктўнлик ота мозори | - Чувалачи маҳалласида |
| 42. Хўжа муродбахш мозори | - Фишткўприк маҳалласида |

¹ Ўз Р МДА. И-1-жамғарма, 1-рўйхат, 976-ҳужжат, 25-28-варақлар.

² Мазкур рўйхатда Кўктўнлик ота қабристонининг номи тўрт марта берилган.

Кўкча қисмида:

- | | |
|---------------------------------------|---------------------------------------|
| 43. Хўжа Бобохўжа мазори | - Кароқийки маҳалласида (беркитилган) |
| 44. Шайх Зайниддин бобо мазори | - Кўкча маҳалласида |
| 45. Оқчуллик – Кўктўнлик ота мазори | - Қаллахона маҳалласида (беркитилган) |
| 46. Лангар ота мазори | - Ўзгент маҳалласида |
| 47. Кобзи ота мазори | - Ҳофизкуяки маҳалласида |
| 48. Турсун ота “Давлатшоҳ ота” мазори | - Чимбой маҳалласида |
| 49. Чилик ота мазори | - Малҳорам маҳалласида |
| 50. Яланғоч ота | - Тукли жолаби маҳалласида |
| 51. Қорахўжа ота мазори | - Рағбон оқтепа маҳалласида |
| 52. Қўйчи мазор | - Чиғатой маҳалласида |
| 53. Эски мазор | - Пичоқчилик маҳалласида |
| 54. Ваққос ота мазори | - Қорақамиш маҳалласида |
| 55. Чилла мазор | - Хиёбон маҳалласида |
| 56. Кўкча мазор | - Янги шаҳар маҳалласида |

Бешоғоч қисмида:

- | | |
|---------------------------------|--------------------------------------|
| 57. Янги мазор | - Бешоғоч маҳалласида |
| 58. Чарх мазор | - Чарх маҳалласида |
| 59. Хон Чорвоқ мазори | - Янги Калон маҳалласида |
| 60. Эшон Хўжа мазори | - Зевак маҳалласида |
| 61. Аҳмад Магдум мазори | - Арпапоя маҳалласида |
| 62. Яқин Шох Азизлар мазори | - Зевак маҳалласида |
| 63. Ходихон Азизлар мазори | - Ялан қори маҳалласида |
| 64. Тиканлик мазор | - Тиканлик мазор маҳалласида |
| 65. Шом ота мазори | - Ялан қори маҳалласида |
| 66. Эшон Вали мазори | - Қуғурмоч маҳалласида |
| 67. Эски намозгоҳ мазори | - Эски намозгоҳ маҳалласида |
| 68. Хўжи Аброд мазори | - Гулбозор маҳалласида |
| 69. Сарфорос ота мазори | - Сарфорос ота маҳалласида |
| 70. Юсуф Хўжа мазори | - Сарфорос ота маҳалласида |
| 71. Қўчқорлик ота мазори | - Сарфорос ота маҳалласида |
| 72. Бек Мирзо ота мазори | - Темирчи маҳалласида |
| 73. Темирчи мазори | - Темирчи маҳалласида |
| 74. Бой Мирзо ота мазори | - Темирчи маҳалласида |
| 75. Бобо Қосим ота мазори | - Темирчи маҳалласида |
| 76. Мирза Ғози мазори | - Мирза Ғози маҳалласида |
| 77. Кабс ота мазори | - Бадирбой маҳалласида |
| 78. Ҳазрат Сузук ота мазори | - Сузук ота маҳалласида |
| 79. Хожи Нуриддин мазори | - Зангиота маҳалласида |
| 80. (номи кўрсатилмаган) | - Зах маҳалласида |
| 81. Хўжа Аламбардор бобо мазори | - Камолон маҳалласида |
| 82. Ҳазрат Уккоша мазори | - Чорсу маҳалласида |
| 83. Асил бобо ота мазори | - Қушбеги маҳалласида |
| 84. Қатортол мазори | - Қатортол маҳалласида (беркитилган) |

Кейинчалик аксарият қабристонлар ёпилиб, фақат шаҳар ҳудудидан ташқарида жойлашган тўрттаси қолган ва кенгайтирилган: Шайх Зайниддин бобо, Қўчи Мазор, Хўжа Аламбардор бобо, Чарх мазорлари.

Эски шаҳар ҳудудидаги қабристонларнинг ёпилиши ҳақида ва уларни шаҳар ташқарисига қурилиши ҳақида 1879 йили Тошкент шаҳар Думасининг

қарори қабул қилинган эди: “Янги мусулмон қабристонлари шаҳарда қурилиши мумкин эмас, /улар учун/ Бошқармага, православ қабристонига ўхшаб, шаҳар ташқарисидан қулай жой топиш юклатилади”. Эски шаҳар худудидаги эски мазорлар ёпилгач, 1894 йилги Думанинг 109-қарорига кўра, уларнинг ўрнига Сирдарё ҳарбий губернаторининг рухсати билан яна етти янги мазор Эски шаҳар аҳолисининг эҳсон қилган пулларига шаҳар худудидан ташқарида қурилган ва қабристонларнинг сони 11 тага етган¹.

Шаҳар маъмуриятининг 1894 йилги қарорига биноан Эски шаҳар атрофида қурилган мусулмон қабристонлари ва уларнинг майдонлари:

Шайхонтаҳур қисмида:

1. Ганчтепа деган жойдаги қабристон (7 десятинадан кўп)
2. Бўржар деган жойдаги қабристон (3 десятина атрофида)

Себзор қисмида:

3. Ғойиб ота деган жойдаги қабристон (8 десятина майдонли худудда)
4. Тахтапул деган жойдаги қабристон (6 десятина)
5. Тешик қопқа деган жойда қабристон (8 десятина)

Кўкча қисмида:

6. Шайх Зайниддин бобо қабристонига қўшилган ерлар билан бирга вужудга келган янги қабристон (10 десятина атрофида)
7. Қўйчи мазорга қўшилган ерлар билан бирга вужудга келган Янги қабристон (3 десятина атрофида)
8. Сағбон деган жойдаги қабристон (2,5 десятина)

Бешоғоч қисмида:

9. Зах деган жойдаги қабристон (6 десятина)
10. Хўжа Аламбардор қабристонига қўшилган ерлар билан бирга вужудга келган қабристон (1 десятина қўшилган)
11. Чархдаги қабристонга қўшилган ерлар билан бирга вужудга келган қабристон (2,5 десятина қўшилган).

Янги қабристонлар улар жойлашган худуднинг номи билан аталган (Бўржар мазори, Сағбон мазори, Ғойиб ота қабристони), эскиларига қўшилганлари эса аввалги номида қолган (Чарх мазори, Шайх Зайниддин бобо қабристони). Айрим қабристонларнинг номлари ҳозирги кунгача сақланиб келган: Захарик қабристони, Чўпонота қабристони ва б.

Қабристон ва мақбараларнинг номларни *маъносига кўра* қабристонда дафн этилган машҳур шахс номи билан боғлиқ антопротопонимлар (Чўпонота қабристони, Шайх Зайниддин бобо қабристони), қабристон жойлашган худуднинг номи билан аталган топонимлар (Бешқўрғон қабристони, Минор қабристони, Тешик қопқа қабристони) шаклидаги топонимларга таснифлаш мумкин (“Луғат” қисмида баъзи мақбара ва қабристонлар номларининг тарихий топонимияси ёритилган).

¹ Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 3351-хужжат, 139–144-орқа-, 151-варақлар.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкентнинг Эски шаҳар ҳудудидаги муассалар ва бошқа жойлар билан боғлиқ топонимлар шаҳар ҳаётининг турли томонларини ўзида акс этади. Улар ҳудудий, географик, тарихий ва бошқа омиллардан келиб чиқиб саккизта гуруҳни ташкил қилади. Бироқ, мазкур топонимлар маъносига кўра ҳам фарқланади. Бунда антропотопонимлар, антропотопоним ва объектнинг фаолиятини билдирувчи топонимдан ташкил бўлган номларнинг гуруҳи нисбатан катта, кейинги ўринда маълум ҳудуд, маҳалла ёки шаҳар дарвозасининг номи билан аталган топонимлар гуруҳи туради ва учинчи гуруҳни объектнинг яқин-атрофидаги жой номи ҳамда объект фаолиятининг йўналиши билан боғлиқ топонимлар ташкил этади.

Тошкент Янги шаҳар қисмида жой номлари шаклланишининг тарихий хусусиятлари

Кўчаларнинг номлари

Тошкент шаҳрининг кўчалари шаҳар топографиясининг таркибий қисмини ташкил этади, уларнинг тарихини тадқиқ этиш билан шаҳар, хусусан, унинг тарихий топонимиясини ёритган бўламиз.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент Россия империяси томонидан босиб олинганидан сўнг шаҳар ҳудуди кенгайиб, унга шарқий томондан европача услубда қурилган Янги шаҳар қўшилган ва бу ерда, асосан, руслар яшарди. Янги шаҳар билан Эски шаҳар ўртасида Анҳор канали чегара саналган. Тошкентнинг мазкур қисми 1866–67 йилларда ҳарбий топограф М.Н.Колесников томонидан тузилган лойиҳа асосида бунёд этилган. Лойиҳага кўра, бешта шохкўча ва еттита катта кўча ҳамда уларни боғлайдиган бир қанча кўчалар ётқизилиб, ҳудуд тўғри тўртбурчакли кварталларга бўлинган. Маълумки, Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази бўлган, шу сабабли вақт мобайнида унинг аҳолиси кўпайиб, шаҳар ҳудудини кенгайтириш зарурати пайдо бўлган. Ва 1870 йиллардан бошлаб Янги шаҳар ҳудуди, шу жумладан, ундаги кўчалар ҳам, ҳарбий инженер А.В.Макаров тузган лойиҳаси асосида қурила бошланган. Энди шаҳарни Шибли ариғидан Салор каналигача кенгайтириш режалаштирилган эди. Лойиҳага кўра кўчаларни радикал-доирасимон¹ (радиус бўйлаб ва айланасига) жойлашиши асос қилиб олинган. Янги қурилган кўчаларга шаҳар маъмурияти томонидан ўзига хос номлар бериб борилган бўлиб, ҳар бир ном бирон-бир таниқли шахс, тарихий воқеа, халқ, географик жой ном, хўжалик объекти, кўча ўлчамлари ёки пайдо бўлган вақти билан ёки бошқалар билан боғлиқ бўлиб, унинг маъносини ўрганиш кўчанинг, шунингдек, шаҳар ва ўлканинг тарихини ёритишда катта аҳамият касб этади.

Янги шаҳар кўчалари ҳақида маълумотлар ўша давр ёзма манбаларида қайд этилган². Уларда кўчаларнинг номлари, жойлашуви, ўлчамлари, ҳолати, ободонлаштирилиши, кўчаларга иншоотлар қуриш қоидалари ҳақида ёзилган. Шунингдек, Янги шаҳар кўчалари ҳақида XIX аср охири – XX асрларга оид олимларнинг асарларида ҳам қимматли маълумотлар мавжуд³. Мазкур тадқиқотларда Янги шаҳарнинг айрим кўчаларининг номлари, жойлашуви, баъзи обидалари, улардан оқиб ўтган ариқлар, кечган тарихий воқеалари ҳақида баён этилган, бироқ кўчаларнинг тарихий топонимиясига оид маълумотлар нисбатан кам учрайди.

¹ Тюриков А. Истории о Ташкенте. – Ташкент: “Ёш гвардия”, 1983. – 75 б.; Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми..., ўша асар. – 5 б.

² Манбалар ҳақида китобнинг I-бобида тўхталиб ўтилган.

³ Адабиётлар китобнинг I-бобида қайд этилган.

Манбалардан маълум бўлишича, XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Янги шаҳар ҳудудида қурилиш ишлари жадаллашиб бориши жараёнида янги кўчаларнинг сони ортиб борган. Кўчалар узунлиги, кенглиги, шаҳар марказига яқинлигига қараб биринчи ва иккинчи тоифа (категория)даги кўчаларга ажратилган. Жумладан, шаҳар марказига яқин жойлашган ёки ўлчами катта бўлган асосий шоҳкўчалар (проспектлар) – Московский, Лагерний, Саларский, Садовый, Куюлюкский, Хивинский, Кокандский, Наманганский, Марьинский, Воронцовский, Махрамский, Обуха, Константиновский ва кўчалардан – Соборная, Романовская, Черняевская, Инженерная, Самаркандская, Туркестанская, Ургутская, Иканская, Аулиеатинская, Ирджардская, Зерабулакская, Петербургская, Уратюбинская, Жиззакская ва улар орасидаги берк кўчалар биринчи тоифа саналган; марказдан узоқроқдаги ҳамда кичикроқ шоҳкўчалар – Ассакинский, Скобелевский, кўчалардан – Учительская, Шахрисабзкая, Владимирская, Варварьинская, Стрелковая, Госпитальная, Сапёрная ва берк кўчалардан – Базарний, Конвойний, переулки № 1–12 ва бошқалар иккинчи тоифа ҳисобланган¹.

Биринчи тоифадаги кўчаларнинг йўлакларига пишиқ ғишт, иккинчи тоифадагиларга эса – тош, шағал ётказилган. 1904 йилида тош-шағал ётқизилган кўчаларнинг умумий узунлиги 786 вёрстга тенг бўлган². Кўчалар номлари ҳақида маълумотларни ўша даврга оид ёзма ва картографик манбаларда учратиш мумкин. Чунончи, 1907 йилги кўчалар рўйхати³ ва харита⁴ маълумотларига кўра, мазкур даврда катта ва ўртача узунликдаги кўчалар 140 тага яқин бўлган.

¹ Сборник обязательных постановлений Ташкентской городской думы... – с.11.

² Ўз Р МДА. 718-жамғарма, 1-рўйхат, 13-хужжат, 381-варақ.

³ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 32091-иш, 53-варақ; И-1-жамғарма, 35-рўйхат, 43–48-хужжатлар.

⁴ План Русской части Ташкента, изд. под ред. полк. Родионова. Сост. классн. топогр. Греков. – Ташкент, 1905.

Тошкентнинг Янги шаҳар қисмидаги катта ва ўрта кўчалар¹ (1907 йил)

1. Аканжанский проспект
2. Андижанский проспект
3. Артиллерийская улица
4. Ассакинская улица
5. Аулиетинская улица
6. Александровский переулок
7. Ак-Курганская улица
8. Алексеевский переулок
9. Ахангаранское шоссе
10. Базарный переулок
11. Балыкчинская улица
12. Варварьинская улица
13. Владимирская улица
14. Воскресенская улица
15. Воронцовский бульвар (Воронцовская ул.)
16. Гавриловский переулок
17. Газетный переулок
18. Гостеприимный переулок
19. Госпитальная улица
20. Гоголя улица
21. Дачная улица
22. Давыдовская улица
23. Двадцатого полка переулок
24. Джизакская улица
25. Девятого января улица
26. Духовская улица
27. Долинского улица
28. Жерновская улица
29. Елизаветинская улица
30. Зерабулакская улица
31. Иканская улица
32. Инженерная улица
33. Ирджарская улица
34. Казалинская улица
35. Касьяновская улица
36. Кашкарская улица
37. Кладбищенская улица
38. Кладбищенский переулок
39. Колжентская улица (Ходжентская)
40. Кокандский переулок
41. Константиновская улица
42. Конвойная улица
43. Конная улица
44. Кражарская улица
45. Куропаткинская улица
46. Лагерный проспект
47. Лахтинская улица
48. Марьинский проспект
49. Махрамский проспект
50. Медицинский переулок
51. Мирабадская улица
52. Могала-Куча
53. Московский проспект
54. Наманганский проспект
55. Николенская улица
56. Никольская улица
57. Николаевская улица
58. Ниязбекская улица
59. Новая улица
60. Новый переулок
61. Ново-Ассакинская улица
62. Ново-Скобелевская улица
63. Новочиназская улица
64. Обуховская улица
65. Паркентская улица
66. Первушинская улица
67. Перовская улица
68. Пернесовская улица
69. Петербургская улица
70. Полицейский переулок

¹ Рўйхатни тузишда куйидаги манбалардан фойдаланилган: План Русской части Ташкента, изд. под ред. полк. Родионова. Сост. классн. топогр. Греков. – Ташкент, 1905; Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 32091-хужжат, 53-варақ; И-1-жамғарма, 35-рўйхат, 43-48-хужжатлар ва б.

- | | |
|---------------------------|-----------------------------|
| 71. Полчечный переулок | 92. Ургутская улица |
| 72. Прачешный переулок | 93. Учительская улица |
| 73. Пукаловская улица | 94. Хивинский проспект |
| 74. Пушкинская улица | 95. Хорошхинская улица |
| 75. Ремесленная улица | 96. Черняевская улица |
| 76. Романовский проспект | 97. Чильдохтуранский проезд |
| 77. Садовый проспект | 98. Чимкентская улица |
| 78. Саларский проспект | 99. Чимкентский тракт |
| 79. Самаркандская улица | 100. Шахрисабзская улица |
| 80. Сапёрная улица | 101. Шипкинская улица |
| 81. Сбука проспект | 102. Широкая улица |
| 82. Слободская улица | 103. Переулок № 1 |
| 83. Синеблузная улица | 104. Переулок № 2 |
| 84. Синявского улица | 105. Переулок № 3 |
| 85. Скобелевский проспект | 106. Переулок № 4 |
| 84. Соборная улица | 107. Переулок № 5 |
| 85. Столярная улица | 108. Переулок № 6 |
| 86. Столярный переулок | 109. Переулок № 7 |
| 87. Стрелковый переулок | 110. Переулок № 8 |
| 88. Топографическая улица | 111. Переулок № 9 |
| 89. Туркестанская улица | 112. Переулок № 10 |
| 90. Ульяновский переулок | 113. Переулок № 11 |
| 91. Уратюбинская улица | 114. Переулок № 12 |

1904 йили **Никофоров ерларида** ўтказилиш режалаштирилган ва номлари Тошкент шаҳар Думаси томонидан тасдиқланган 23 та кўча номлари¹:

- | | |
|--|-----------------------------|
| 1. Алтинтепинская улица | 13. Никифоровский проспект |
| 2. Асхабадская улица | 14. Никольская улица |
| 3. Археологическая улица | 15. Порт-Артурская улица |
| 4. Базарная улица | 16. Рязанская улица |
| 5. Варшавская улица | 17. Сапёрная улица |
| 6. Владивостокская улица | 18. Смоленская улица |
| 7. Ивановский проспект (в честь памяти генерал-губернатора лейтенанта Иванова) | 19. Старо-Паркентская улица |
| 8. Карасуйская улица | 20. Томская улица |
| 9. Киселёвская улица | 21. Тифльская улица |
| 10. Курская улица | 22. Церковная улица |
| 11. Лагерная улица | 23. Школьная улица |
| 12. Нижегород-Самарская улица | |

Тошкентнинг Янги шаҳар қисмидаги кўча номлари таниқли шахсларнинг исмлари (Черняевская улица – Черняев кўчаси; Константиновский проспект – Константинов шохкўчаси), Россия шаҳарлари номлари (Московский проспект – Москва шохкўчаси, Петербургская улица – Петербург кўчаси), у ёки бу шаҳар ва қишлоқ томонига олиб чиқишига қараб (Ирджарская улица – Эржар кўчаси, Паркентская улица – Паркент кўчаси), кўчаларда жойлашган йирик иншоотлар ва табиий объектларнинг номлари (Воскресенская улица – Воскресенье кўчаси,

¹ Ўз Р МДА. 37-жамғарма, 1-рўйхат, 118-ҳужжат, 11-12-орқа-варақлар.

Стрелковая улица – Стрелковая кўчаси, Садовая улица – Садовая кўчаси), яқинидаги ариқ номи (Саларская улица – Салор кўчаси), Ўрта Осиёнинг айрим шаҳар ва қишлоқларининг номлари (Наманганский проспект – Наманган шоҳкўчаси, Андижанский проспект – Андижон шоҳкўчаси), касб-ҳунар (Медицинская улица – Медицинская кўчаси, Учительская улица – Учительская кўчаси), уруғ, қабила номи (Кашгарская улица – Қашғар кўчаси), рақамлар билан аталган (Переулок №1 – Муюлиш № 1) тарзда ифодаланган.

Қуйида Янги шаҳарнинг айрим кўчалари номларининг этимологияси хусусида сўз юритилади (Луғатда кўчалар номларининг таҳлили гуруҳлар бўйича кенгроқ келтирилган).

Проспект Куропаткина (Куропаткин шоҳкўчаси; ҳозирги Лаҳути кўчаси). Мазкур кўча XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентнинг Янги шаҳар қисмини кенгайтириш жараёнида вужудга келган. Дастлаб у “Кокандский проспект” деб аталган. 1901 йили рус генерали А.Н.Куропаткин Тошкент билан танишиш мақсадида ташриф буюрган. “Шарафли меҳмон”га атаб, шу йили Тошкент шаҳар думаси Қўқон кўчасини Куропаткин кўчаси деб аталиши ҳақида қарор қабул қилган¹.

Алексей Николаевич Куропаткин (1848–1925 йй.) – рус генерали, Туркистон генерал-губернаторлигининг сўнгги генерал-губернатори. У Павлов ҳарбий мактаби ва Генштаб академиясини битирган. Ўзининг ҳарбий фаолияти давомида Жазоир, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиёда хизмат қилган². Ўрта Осиёни руслар томонидан забт этилишида Скобелев бошчилигидаги ҳарбий кучлар таркибида қатнашган. 1916 йилдан 1917 йилнинг феврал ойигача, император Николай II нинг ҳукмронлик йилларида, Туркистон генерал-губернатори бўлган. 1917 йилдан Россиянинг Псков губерниясида яшаб, ўқитувчилик қилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Куропаткин кўчаси Янги шаҳарнинг асосий кўчаларидан бири ҳисобланган (биринчи тоифага кирган). Унда Вилоят Штабининг Архиви (Архив Областного Штаба)нинг биноси жойлашганлиги маълум.

Улица Госпитальная (Госпитальная кўчаси; ҳозирги Кафанов кўчаси) XIX аср охирида вужудга келиб, Янги шаҳарнинг жанубий қисмида жойлашган, марказдан узоқроқда бўлгани учун иккинчи тоифали кўча ҳисобланган. Мазкур даврда шаҳарнинг жануби-шарқий чегараси ортида, Салор каналининг ўнг қирғоғида ҳарбий госпиталь бўлган. Бу кўча шаҳар марказидан госпиталга олиб борувчи йўл саналгани туфайли “Госпитальная кўчаси” дейилган. Госпитальная кўчаси Тошкентнинг Янги шаҳар қисмидаги дастлабки кўчалардан бири эди, унда диний муассасалар – Меҳрибонлик уйи (Богодельня) ва Госпиталь черкови (Госпитальная церковь) бинолари жойлашган.

¹ Ўз Р МДА. И-1-жамғарма, 13-рўйхат, 268-ҳужжат, 56-варақ.

² Энциклопедический словарь, под ред. проф. И.Е. Андреевского. Издатели: Ф.А. Брокгауз, И.А. Ефрон. – СПб., 1896. Т.33. С.94.

Махрамский проспект (Махрам шоҳкўчаси — ҳозирги Ўзбекистон шоҳкўчасидан шарқий томонга йўналган). Бу кўча XIX аср охирда вужудга келиб, янги шаҳарнинг биринчи кўчаларидан саналган. Унинг номи географик ҳудуд, аниқроғи, Махрам деган қишлоқ номидан олган. Махрам – бу Сирдарёнинг чап соҳилида Фарғона водийсига ўтиш ерида, ўша вақтда, Хўжанддан Кўқонга бориладиган почта йўлида, жойлашган қишлоқ бўлиб, кўқон аскарларининг истехкоми эди. 1875 йили 22 августда бу ерлик аҳоли рус кўшинларига катта қаршилик кўрсатган. Жангда иккала томон кўп талофат кўрган. Рус кўшинлари қишлоқни қийинчиликлар билан эгаллашган. Бу “тарихий воқеани хотирлаш мақсадида” рус маъмурияти томонидан Тошкентдаги янги кўчаларнинг бирига “Махрам кўчаси” номи берилган¹. Махрам шоҳкўчаси биринчи тоифага кирган ва шаҳарликлар учун муҳим аҳамият касб этган. Бу ерда генерал М.Г.Черняевнинг биринчи уйи, Офицерларнинг мажлислар уйи биноси, касалхона, “Абдулла и Абдурахман Мартизинов и Ко” Савдо уйи, “Н.Г.Рассах и Ко” Савдо уйи, Воскресение бозори расталарининг катта қисми ва бошқа бинолар жойлашган².

Хулоса қилиб айтганда, Тошкентнинг Янги шаҳар қисмидаги кўчалар XIX асрнинг 66–70-йилларидан қурила бошланган. Улар турли узунликда бўлиб, катта, ўртача ва кичик кўчаларга бўлинган. XX аср бошларида катта ва ўртача узунликдаги кўчаларнинг сони 140 тадан ошган ва уларга шаҳар маъмурияти томонидан номлар берилган. Янги шаҳар кўчалари номларини мазмун жиҳатдан 9 та гуруҳга киритиш мумкин. Мазкур топонимлар орасида антропотопонимлар, шунингдек, шаҳар ва қишлоқларнинг номлари билан боғлиқ топонимлар кўпроқ. Тил жиҳатдан кўча номлари орасида ҳам европача, ҳам маҳаллий тилларга мансуб топонимлар учрайди; биринчилари 75 % ни, иккинчи гуруҳ номлар эса 25 % ни ташкил этади.

Турли муассасалар билан боғлиқ топонимлар

Тошкентнинг Янги шаҳар қисми рус ёзма манбаларида “Русская часть”, (“Руслар яшайдиган қисм”), “Русская часть города Ташкента” (“Тошкент шаҳрининг руслар яшайдиган қисми”)³, “Русский Ташкент” (“Рус Тошкенти”)⁴, “Европейская часть города Ташкента” (“Тошкент шаҳрининг европаликлар

¹ Энциклопедический словарь под ред. проф. И.Е. Андреевского... – Т.36. С. 824.

² Ўз Р МДА. 718-жамғарма, 1-рўйхат, 44-ҳужжат, 12-варақ.

³ Обязательное для жителей русской части г.Ташкента постановление Ташкентской городской думы, изданное на основании 1-го, 7-го, 9-го и 11-го пунктов 103 ст.городского положения // Туркестанские Ведомости. – № 40, 1887; Ўз Р МДА. 37-И-жамғарма, 1-рўйхат, 147 а-ҳужжат: Протоколы комиссии по ревизии 1905 г.городского хозяйства, под председательством Тайного советника Нестеровского; Ўз Р МДА. 718-И-жамғарма, 1-рўйхат, 11, 20, 47-ҳужжатлар: Журналы заседаний Ташкентской городской думы; Ўз Р МДА. 1-И-жамғарма, 27-рўйхат, 1642-ҳужжат: Туркистон генерал-губернатори Маҳкамаси ҳужжатлари; ва б.; План Русской части г.Ташкента 1890 года.

⁴ Маев Н. Русский Ташкент... – с.126-162.

яшайдиган қисми”)¹, “Новый город” (“Янги шаҳар”)², “Русский город” (“Рус шаҳри”)³ деб номланган.

XIX аср охири – XX асрнинг бошларида Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази бўлгани боис, унинг Янги шаҳар қисмида маъмурий, ҳарбий, молия, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа бошқармалар жойлашган эди. Уларнинг номланиши ҳам ўзига хос, асосан, русча бўлган. Вақт ўтиши билан Янги шаҳар ҳудуди кенгайиб, аҳоли сони ортиб борди, турли бинолар барпо этилиб, янги топонимлар шаклланди.

5-жадвал

Янги шаҳар қисмидаги турли идора, муассасалар, қурилмаларнинг сони⁴:

	<i>1871 й..</i>	<i>1877-1890 йй..</i>	<i>1910 й..</i>
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
Маъмурий ва ҳарбий бошқарувга тегишли бинолар.	19	22	30 дан ортиқ
Давлатга тегишл.б.идор.	31		
Диний муассасалар	1		18
Уйлар	346		
Флигеллар	143		
Ошхоналар	244		
Омборхоналар	291		
Отхоналар	43		
Ҳаммомлар	15		
Заводлар	10	46	
Фабрикалар	2	38	80
Устахоналар	14	148	90
Суратхоналар	3		
Дўконлар	6		
Босмахоналар	1	3	10
Меҳмонхоналар	2		
Кафе-ресторанлар	1		
Трактирлар	4		
Кабаклар	44		

¹ Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 449-ҳужжат, 28-41-варақлар ва б. Тошкент шаҳар Маҳкамаси қарорлари.

² Ўз Р МДА. И-1-жамғарма, 1-рўйхат, 304-ҳужжат, 41-варақ, И-37-варақ, 2-рўйхат, 56-ҳужжат, 36-варақ ва б.

³ Эскизный план Ташкентской городской территории (к статье Н.Г.Маллицкого). – Ташкент, 1927.

⁴ Жадвални тузишда кўйидаги манбалардан фойдаланилган: Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем.– Ташкент, 1912 – с.134, 378, 426-428; Костенко Л. Сведения о русском Ташкенте / Туркестанский Сборник. 1869. – с.53–97.

Жадвал давоми

<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
Бозорлар	1	3	5
Тегирмонлар	2		
Хайрия ва б.тур.жамиятлар		2	33
Илмий жамиятл.ва кўмит.	5	5	10
Тиббий муассасалар			13
Кутубхоналар		2	2
Театрлар			2
Боғлар		2	7
Цирк			1
Музейлар			2
Ўқув жамиятл.ва ташкил.			9
Ўқув муассасалари		10	58
Кинотеатрлар			2
Мозорлар		1	2

Мазкур даврда Тошкентнинг Янги шаҳар қисмидаги муассасаларнинг номлари *маъносига кўра* топонимнинг иншоот бажарадиган вазифаси (Городская дума – Шаҳар думаси, Мужская гимназия – Эркаклар гимназияси, Детский приют – Болалар уйи), топонимнинг идора қайси ҳудудга ва қандай ташкилотга тегишлилиги (Сыр-Дарьинское областное правление – Сирдарё вилояти бошқармаси, Военно-окружной суд – Округ ҳарбий суди), топонимнинг объект турган жойнинг номи (Сад Минг-урюк – Мингўрик боғи), топонимнинг касб-ҳунар, соҳа билан боғлиқ бўлиши (Учительская семинария – Ўқитувчилар семинарияси, Амбулаторная лечебница – Амбулатория шифохонаси, Скотопригонная площадь – Молбозор), топонимнинг объект кимга тегишлилиги ва қандай фаолият юритиши (Винокуренный завод г-на Морозова – Жаноб Морозовнинг вино заводи, Мельница Великого Князя Николая Константиновича – Буюк князь Николай Константинович тегирмони), халқ, қабила, уруғ номи (Татарская слободка – Татарлар қишлоғи, Татарская мечеть – Татар-масжид) ақс этган турларга бўлинади.

Топонимларни бу йўсинда гуруҳларга таснифлаб ўрганиш ўлка топонимиясининг маълум даврдаги ўзига хос хусусиятларини аниқлашда, шунингдек, ўрганилаётган ҳудудга умумий топонимик хулосалар беришда муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, ушбу гуруҳлардаги жой номларига тарихий аспектда қарайдиган бўлсак, у ҳолда, мазкур даврда шаҳар ҳудудида рўй бераётган тарихий воқеликлар намоён бўлади. Шаҳарнинг ўзига хос сиёсий, иқтисодий, маданий ўсиши кузатилади.

Юқоридаги таснифдан ташқари, топонимларни *жойнинг турига қараб* ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин (китобнинг луғат қисмида ҳар бир гуруҳга оид баъзи топонимларнинг этимологияси ёритилади).

1. Маъмурий-ҳарбий бошқарувга ва ҳарбийларга тегишли жой номлари. Мазкур гуруҳдаги жой номлари Тошкент шаҳрининг Янги шаҳар

қисмида илк вужудга келган топонимлардан саналади. Сабаби, руслар босиб олинган ўлканинг бошқарувини марказлашган давлат аппарати ва кучли қўшин воситасида олиб боришни мақсад қилиб, энг аввало ҳарбий ҳукуматни мустақамлашга киришганлар. Қуйидаги жадвалда¹ ушбу топонимлар рўйхати келтирилади:

6-жадвал

Маъмурий-ҳарбий бошқарув ва ҳарбийларга тегишли жойлар номлари

<i>№</i>	<i>Ўзбекча аталиши</i>	<i>Русча аталиши</i>
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>
1.	Тошкент тупроққўрғони	Ташкентская военная крепость
2.	Генерал М.Г.Черняев уйи	Дом генерала М.Г.Черняева
3.	Туркистон ҳарбий губернатори саройи	Дом Туркестанского военного губернатора
4.	Туркистон генерал-губернатори Маҳкамаси	Канцелярия Туркестанского генерал-губернатора
5.	Сирдарё вилояти бошқармаси	Сыр-Дарьинское областное правление
6.	Тошкент шаҳар думаси	Ташкентская городская дума
7.	Шаҳар бошқармаси	Городское управление
8.	Ҳарбий йиғилишлар	Военное собрание
9.	Ҳарбий-топографик бўлим	Военно-топографический отдел
10.	Округ ҳарбий суди	Окружной военный суд
11.	Ҳарбий госпиталь	Военный госпиталь
12.	Қалъа артиллериясининг бошқармаси	Управление крепостной артиллерии
13.	Ўқчилар бригадасининг бошқармаси	Управление стрелковой бригады
14.	1-Артиллерия бригадасининг бошқармаси	Управление 1-артиллерийской бригады
15.	Комендант ва Линейная бригада бошқармаси	Комендант и Управление линейной бригады
16.	Қалъа артиллерияси казармаларининг бинолари	Здания казарм крепостной артиллерии
17.	Ҳарбийларнинг уйлари	Дома военных
18.	Туркистон район қўриқлаш бўлими	Туркестанское районное охранное отделение
19.	Темир йулларнинг жандарм-полиция бошқармаси	Жандармское полицейское управление железных дорог
20.	Тошкент шаҳар полиция бошқармаси	Полицейское управление города Ташкента
21.	Тошкент шаҳри рус қисмининг кидирув бўлими	Сыскное отделение русской части города Ташкента
22.	Тошкент вилояти қамоқхонаси (1911 йилгача – Тошкент шаҳар қамоқхонаси)	Ташкентская областная тюрьма; (до 1911-го года – Ташкентская городская тюрьма)
23.	Тошкент суд палатаси	Ташкентская судебная палата
24.	Тошкент суд палатаси прокурори	Прокурор Ташкентской судебной палаты
25.	Тошкент округ суди	Ташкентский окружной суд

¹ Жадвални тузишда қуйидаги манбалардан фойдаланилган: Путеводитель Центрального Государственного Исторического Архива Узбекской ССР /Агафонова З.И., Халфин И.А. – Ташкент, 1948. – с.3–40; Ўз Р МДА 1-И-жамғарма хужжатлари.

26.	Вилоят судлари	Областные суды
-----	----------------	----------------

Жадвал давоми

1	2	3
27.	Тошкент шаҳри рус қисмининг 4 участкасининг суд приставлари	Судебные приставы 4-ёх участков русской части города Ташкента
28.	Нотариуслар	Нотариусы
29.	Туркистон палатаси	Туркестанская казённая палата
30.	Туркистон акцизлар бошқарм.	Туркестанское акцизное управление
31.	Туркистон Давлат палатаси	Туркестанская контрольная палата
32.	Ғазналар	Казначейства
33.	Солиқ инспекторлари	Податные инспекторы
34.	Туркистон ўлкасида деҳқончилик ва давлат мулклари бошқаруви	Управление земледельческой и государственной собственности Туркестанского края
35.	Сирдарё вилояти Тошкент уездлари ер-солиқ бошқармаси	Сыр-Дарьинское правление земельных налогов Ташкентского уезда
36.	Сирдарё вилояти кўчирувчилик ишлари бошқармаси	Переселенческое управление Сыр-Дарьинской области
37.	Сирдарё вилояти Тошкент ўрмончилик бошқармаси	Управление лесничества г.Ташкента Сыр-Дарьинской области
38.	Туркистон вилояти узумчилик ва виночилик кўмитаси	Комитет виноградарства и виноделия Туркестанской области
39.	Туркистон ўлкасида ветеринария хизмати бошқармаси	Управление ветеринарной службы Туркестанского края
40.	Сирдарё вилояти ветеринар инспекцияси	Ветеринарная инспекция Сыр-Дарьинской оласти
41.	Тошкент ярмарка қумитаси	Ярмарочный комитет г.Ташкента
42.	Тошкент пахта текшириш комитети	Ташкентский комитет арбитража хлопка
43.	Тошкент шаҳри карвонсаройлар ва бозор солиқлари бошқармаси	Налоговое управление караван-сараев и базаров г.Ташкента
44.	Тошкент божхона инспекцияси участкаси	Участок Ташкентской таможенной инспекции
45.	Ўрта Осиё темир йул бошқармаси	Управление Среднеазиатской жел.дор.
46.	Рус транспорт ва суғурта жамиятининг Ўрта Осиё райони идораси	Среднеазиатская контора русского общества транспорта и страхования);
46.	Сирдарё ва Самарқанд вилояти почта идоралари бошқармаси	Управление почтовых контор Сыр-Дарьинской и Самаркандской областей
47.	Туркистон почта-телеграф округ бошқармаси	Туркестанское окружное правление почты и телеграфа

Янги шаҳардаги дастлабки бинолар маъмурий ва ҳарбий муассасалардан иборат бўлган, зеро, Тошкент шаҳри Янги қисми қурилишининг биринчи босқичида, асосан, ҳарбийлар ва бошқарув идоралари бунёд этилган эди. Шаҳар аҳолиси кўпайиб, ҳудуди кенгайиб борган сари ҳарбий хизматчилар ва уларга тегишли муассасаларнинг сони ҳам ортиб бориб, ҳарбий идоралар шаҳар атрофида ҳам жойлаштирилган.

Ўқуйидаги жадвалда Тошкент шаҳри ва атрофи ҳудудларидаги ҳарбий бўлинмалар ва ташкилотларнинг номлари акс этган:

Ҳарбий бўлима ва ташкилотларнинг номлари

1869 йил ¹			1881 йил ²		
№	Ўзбекча аталиши	Русча аталиши	№	Ўзбекча аталиши	Русча аталиши
1	2	3	4	5	6
1.	Туркистон ўқчилар батальони	Туркестанский стрелковый батальон	1.	Округ штаби	Окружной штаб
2.	2-ўқчилар батальони	2-ой стрелковый батальон	2.	Ҳарбий-топографик бўлим	Военно-топографический отдел
3.	1-Линия батальони	1-Линейный батальон	3.	Округ муҳандис бошқармаси	Окружное инженерное управление
4.	7-Пиёда Казак батальони	7-ой Пешеходный Казачий батальон	4.	Округ интендант бошқармаси	Окружное интендантское управление
5.	1-Батарея Туркистон артиллерия бригадаси	1-Батарея Туркестанской артиллерийской бригады	5.	Округ Ҳарбий-тиббий бошқармаси	Окружное Военно-Медицинское управление
6.	Муҳандис усталар бригадаси	Бригада инженерных мастеровых	6.	Округ артиллерия бошқармаси	Окружное артиллерийское управление
7.	Ҳарбий қалъа командаси	Команда военной крепости	7.	Округ лабораторияси	Окружная лаборатория
8.	Казаклар закира командаси	Казачья запасная команда	8.	Округ арсенали	Окружной арсенал
9.	Қалъа артиллерияси (ва казармалари)	Крепостная артиллерия и казармы	9.	Сирдарё вилояти кўшинлари штаби	Штаб войск Сырдарьинской области
Жами – 9 та			10.	Сирдарё губернатори харбий бошлиғи бошқармаси	Управление военного начальника Сырдарьинского губернатора
<i>1881 йил (давоми)</i>					
<i>Ўзбекча аталиши</i>			<i>Русча аталиши</i>		
1	2		3		
11.	Туркистон ўқчилар бригадаси бошқармаси		Управление Туркестанской стрелковой бригады		
12.	1-Туркистон ўқчилар батальони		1-ый Туркестанский стрелковый батальон		
13.	2-Туркистон ўқчилар батальони		2-ой Туркестанский стрелковый батальон		

¹ Костенко Л. Сведения о русском Ташкенте // Туркестанский Сборник. Т.28. 1869 й. С. 53-97.

² Ўз Р МДА. И.-17-жамғарма. 1-рўйхат. 646-ҳужжат. 4, 5-орқа-, 7-варақлар.

14.	3-Ғарбий-Сибир линия батальони	3-ий Западно-Сибирский линейный батальон
<i>Жадвал давоми</i>		
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>
15.	17-Туркистон линия батальони	17-ый Туркестанский линейный батальон
16.	Тошкент батальони	Ташкентский батальон
17.	1-Туркистон артиллерия бригадаси бошқармаси	Управление 1-ой Туркестанской Артиллерийской бригады
18.	Тошкент Қалъа Артиллерияси бошқармаси	Управление Ташкентской Крепостной Артиллерии
19.	Сапёрлар яримбатальони	Сапёрный полубатальон
20.	Ҳаракатдаги бригада	Движущаяся бригада
21.	1-Туркистон артиллерия бригадасининг 1-батареяси	1-ая батарея 1-ой Туркестанской артиллерийской батареи
22.	2-Оренбург казак полки	2-ой Оренбургский казачий полк
23.	Ҳарбий госпиталь	Военный госпиталь
24.	Ҳарбий йиғилишлар	Военное собрание
25.	Округ-ҳарбий суди	Военно-окружной суд
26.	Ҳарбий-топографик бўлим	Военно-топографический отдел
27.	Ўқчилар бригадасининг бошқармаси	Управление стрелковой бригады
28.	Комендант ва линия бригадаси бошқармаси	Управление коменданта и линейной бригады
29.	Қалъа артиллерияси казармалари	Казармы крепостной артиллерии
30.	Тошкент ҳарбий-иқтисодий жамияти (1895 й. ташкил топган)	Ташкентское военно-экономическое общество (образовано в 1895 г.)
Жами – 30 та		

Мазкур топонимларни *маъносига кўра* муассасанинг қайси ҳудудга мансублиги ва фаолияти (Ташкентская городская дума – Тошкент шаҳар думаси) ёки кимга тегишли эканлиги (Военно-топографический отдел – Ҳарбий-топографик бўлим, 2-ой Оренбургский казачий полк – 2-Оренбург казак полки) ақс эттирган номларга таснифлаш мумкин.

2. Майдон ва боғларнинг номлари. Майдон ва боғлар шаҳар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Уларда байрам, ҳарбий парад, қизиқарли томошалар ўтказилган, савдо учун мўлжалланган алоҳида майдонлар ҳам бўлган. Боғларда эса аҳоли маданий ҳордиқ чиқариб, турли ўйинлар ўйналган, театр, кинотомошалар кўрган. Бу ерларда, шунингдек, турли хайрия тадбирлари, илмий, маърифий жамиятларнинг ўқишлари уюштирилган¹.

Майдон ва боғларнинг номлари *маъносига кўра* яқинида жойлашган йирик иншоот ёки географик объектнинг номи (Соборная площадь – Собор майдони, Привокзальная площадь – Вокзалолди майдони, Урдинский сквер – Ўрда боғи), жойлашган ҳудуднинг номи (Сад Минг-уруқ – Мингўрик боғи, Городской сад – Шаҳар боғи), сотиладиган мол тури (Скотопригонная площадь – Молбозор майдони), таниқли шахсларнинг исмлари (Александровский парк – Александров боғи, Константиновский сквер – Константин хиёбони) билан

¹ Майдон ва боғлар ҳақида яна қаранг: Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми..., ўша асар. – 36 б.

боғлиқ ҳолда аталган номларга бўлинади (баъзи майдон ва боғлар номларининг этимологиясига доир маълумотлар луғатда берилган).

3. Саноат ва савдо билан боғлиқ топонимлар. XIX аср охири – XX аср бошларида Янги шаҳар ҳудудида хўжалик ҳаёти билан боғлиқ топонимлар сони анча кўпайди¹. Жумладан, 1868 йили уларнинг сони 122 та бўлса², 1890 йили – 300 га яқин³, 1915 йилга келиб 1300 дан ортиқ бўлган⁴. Бундай ҳолат шаҳар ҳудудининг кенгайиши, аҳоли сони ошиб бориши ва иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ бўлган. Қисқа вақт мобайнида турли завод, фабрика, устахона, бозор, ярмарка, дўкон, маиший хизмат объектлари қурилиб, уларга европа, яҳудий, маҳаллий, хорижий аҳоли вакиллари эгалик қилганлар (9 жадвал).

Савдо ва саноат билан боғлиқ топонимларни *объектнинг фаолиятига кўра* 5 гуруҳга ажратиш мумкин: бозорларнинг номлари, саноат объектларининг номлари, дўкон, буфет, кафе, ресторанларнинг номлари, давлат ва хусусий молия муассасаларининг (банк, касса ва б.) номлари, ширкатлар ва савдо уйларининг номлари.

Мазкур гуруҳлардаги жой номлар *маъносига кўра* объектнинг фаолият тури ва эгасининг исмини (Винокуренный завод И.И.Первушина – И.И.Первушиннинг вино заводи; Швейная мастерская Ципперсона – Ципперсоннинг тикувчилик устахонаси), муассасанинг фаолиятини (Склад оптовой торговли вина – Улгуржи савдо вино омбори; Магазин женской моды – Аёлларнинг мода дўкони; Спичечная фабрика – Гугурт фабрикаси), объект жойлашган ҳудуднинг номини (Средне-Азиатский коммерческий банк – Ўрта Осиё тижорат банки; Урдинский базар – Ўрда бозори; Пушкинский магазин – Пушкин дўкони), объектнинг бирор-бир ўзига хос хусусиятини (Воскресенский базар – Вокресенье бозори), объект номида эгасининг исми билан бирга унинг манзилни (“Кауфманский магазин товарищества Филиппа Каплана и его сыновей” – “Филипп Каплан ва ўғиллари савдо уйининг Кауфман шоҳбекатидаги дўкони”), объект номида эгасининг исми ва у ерда сотиладиган моллар турини (“Магазин золотых и серебряных изделий Польшковского” – “Поликовскийнинг тилла ва кумуш буюмлар дўкони”) акс эттирувчи топонимларга таснифланади.

Янги шаҳар ҳудудидаги саноат ва савдо билан боғлиқ топонимларнинг рўйхати гуруҳлар бўйича қуйидаги жадвалда келтирилади.

¹ Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми..., ўша асар. – 41, 52–53, 57–58, 59, 121 б.

² Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.365.

³ Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области.– Ташкент, 1891. Т.1. С.190–200.

⁴ Известия Ташкентской городской думы 1915 г. – Ташкент, 1915.– № 17. – С.890; Известия Ташкентской государственной думы 1916 г. – Ташкент, 1916. – №№ 1–23. – С.750–751.

**Янги шаҳар ҳудудидаги саноат ва савдо билан боғлиқ
топонимларнинг рўйхати ¹:**

<i>а) бозорлар:</i>	
<i>Ўзбекча аталиши</i>	<i>Русча аталиши</i>
<i>1</i>	<i>2</i>
Воскресение бозори	Воскресенский базар
Ўрда бозори	Урдинский базар
Тошкент ярмаркаси	Ташкентская ярмарка
Молбозор	Скотопригонная площадь
Омборхоналар (улгуржи савдо).	Склады (оптовая торговля)
<i>б) саноат объектларининг номлари: завод ва фабрикалар:</i>	
Первушин ва ўғилларининг вино заводи	Винокуренный завод Первушина и сыновей
А.Е.Громовнинг вино заводи	Винокуренный завод А.Е.Громова
Первушинларнинг мева-ароқ заводи)	Фруктово-водочный завод Первушиных
Н.И.Ивановнинг мева-ароқ заводи	Фруктово-водочный завод Н.И.Иванова
Н.И.Иванов меросхўрларининг вино ва спирт улгуржи савдо омбори	Торговый склад по оптовой продаже вина и спирта наследников Н.И.Иванова
Первушин ўғиллари савдо уйининг вино ва спирт улгуржи савдо омбори	Торговый склад по оптовой продаже вина и спирта торгового дома сыновей Первушина
Н.Я.Пугасовнинг вино ва спирт улгуржи савдо омбори	Торговый склад по оптовой продаже вина и спирта Н.Я.Пугасова
Н.И.Ивановнинг пиво заводи	Пивоваренный завод Н.И.Иванова
Е.Х.Жемчужникованинг пиво заводи	Пивоваренный завод Е.Х.Жемчужниковой
Жемчужников ароқ заводи	Водочный завод Жемчужникова
Жемчужников тўқимачилик фабрикаси	Текстильная фабрика Жемчужникова
Иванов меросхўрлари ширкатининг тамаки фабрикаси	Табачная фабрика товарищества наследников Иванова
Мизгирёв меросхўрларининг тамаки фабр.	Табачная фабрика наследников Мизгирёва
Поповнинг тамаки фабрикаси	Табачная фабрика Попова
Ярослав катта мануфактерасининг чўян заводи (дастлаб А.Е.Громовники эди)	Чугунный завод Ярославской большой мануфактуры (первоначально принадлежал А.Е.Громову)
Савдогар Пугасовнинг гугурт фабрикаси	Спичечная фабрика купца Пугасова
Ака-ука Каменскийларнинг тегирмони	Мельница братьев Каменских

¹ Жадвал тузишда куйидаги архив материаллари ва адабиётлардан фойдаланилган: Ўз Р МДА. И-37-жамгарма. 1-рўйхат, 218-хужжат, 165–185-варақлар; 219-хужжат, 3-варақ; 294-хужжат, 6-варақ; 296-хужжат, 2-варақ; 344-хужжат, 102-орқа-варақ; 391-хужжат, 1-варақ; 437-хужжат, 15-варақ; 498-хужжат, 1-варақ; 190-хужжат, 15-варақ; 172-хужжат, 4-варақ; 192-хужжат, 2-варақ; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент, 1912. – с.365–390.; Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане. – Ленинград, 1930. – с.78–90; Путеводитель ЦГИА Уз ССР /Агафонова З., Халфин И./ – Ташкент, 1948. – с.33–80.

Жадвал давоми

<i>1</i>	<i>2</i>
А.Д.Рядов буғ тегирмони	Паровая мельница А.Я.Рядова
Шорахматбой тегирмони	Мельница Шорахматбая
Г.Х.Фишернинг буғ тегирмони	Паровая мельница Г.Х.Фишера
Туркистон ун элаш ширкати буғ тегирмони	Паровая мельница Туркестанского мукомольного товарищества
Н.Е.Ивановнинг тери заводи	Кожевенный завод Н.Е.Иванова
Тезиковнинг тери заводи (яна 5 та тери заводи бўлган, номлари қайд этилмаган)	Кожевенный завод Тезикова (существовало ещё 5 кожевенных заводов)
Мирбадалов ёғ заводи	Маслобойный завод Мирбадалова
Мирбадалов совун заводи	Мыловаренный завод Мирбадалова
Смирнов совун заводи(яна 4 та кичикроқ совун заводи бўлган, номлари қайд этилмаган)	Мыловаренный завод Смирнова (было ещё 4 мыловаренных заводов)
Зельман ичак заводи	Кишечный завод Зельмана
Ака-ука Крафлар ичак заводи	Кишечный завод братьев Краф
И.И.Первушин шойи фабрикаси (20-аср бошларида ёпилган)	Шелкомотальная фабрика И.И.Первушина (закр.в начале 20-в.)
Н.М.Никифоров шойи фабрикаси (20-аср бошларида ёпилган)	Шелкомотальная фабрика Н.М.Никифорова (закр.в начале 20-в.)
Юсуф Давидов пахта заводи	Хлопковый завод Юсуфа Давыдова
Кудрин ва Ко пахта заводи	Хлопкоочистительный завод Кудрина и Коэффициент
И.Назаров пахта заводи	Хлопкоочистительный завод И.Назарова
Ярослав катта мануфактурасининг пахта заводи	Хлопкоочистительный завод Ярославской большой мануфактуры
Вадьяевлар пахта заводи	Хлопкоочистительный завод Вадьяевых
И.Ҳакимбоев пахта заводи	Хлопкоочистительный завод И.Хакимбаева
Б.Дадажонбоев пахта заводи	Хлопкоочистительный завод Б.Дададжанбаева
Рубенчик-Рудницкий пахта заводи	Хлопкоочистительный завод Рубенчик-Рудницкого
А.Д.Рядов пахта заводи (эски пахтани қайта ишлайди)	Ватный завод А.Д.Рядова
Марголис пахта заводи	Хлопкоочистительный завод Марголис
Рубанов пахта заводи	Хлопкоочистительный завод Рубанова
Ш.И.Краузе ёғ заводи	Маслобойный завод Ш.И.Краузе
Р.Ф.Шуберт гуруч тозалаш заводи	Рисоочистительный завод Р.Ф.Шуберта
А.Е.Малов ғишт заводи (кейин Юсуповники)	Кирпичный завод А.Е.Малова (затем перешёл Юсупову)
Ильин меросхўрларининг ғишт заводи	Кирпичный завод наследникова Ильина
У.Исҳоков ғишт заводи	Кирпичный завод У.Исхакова
С.И.Тезиков ғишт заводи	Кирпичный завод С.И.Тезикова
П.И.Апрелков сунбий муз тайёрлаш заводи	Завод по изготовлению искусственного льда П.И.Апрелкова
Ю.Давидов сунбий муз тайёрлаш заводи	Завод по изготовлению Искусственного льда Ю.Давыдова
Н.И.Иванов сунбий муз тайёрлаш заводи	Завод по изготовлению Н.И.Иванова
Н.Б.Тейх минерал сувлар заводи	Завод минеральных вод Н.Б.Тейха

Жадвал давоми

<i>1</i>	<i>2</i>
Первушин меросхўрларининг минерал сувлар заводи	Завод минеральных вод наследников Первушина
Иванов меросхўрларининг минерал сувлар заводи	Завод минеральных вод наследников Иванова
М.И.Когай минерал сувлар заводи	Завод минеральных вод М.И.Когай
“Муравей” – И.Рахматуллин минерал сувлар заводи	“Муравей” – завод минеральных вод И.Рахматуллина
“Соловей” – А.Рахимбоев минерал сувлар заводи	“Соловей” – завод минеральных вод А.Рахимбаева
“Прогресс” – Х.Ходжинов минерал сувлар заводи	“Прогресс” – завод минеральных вод Х.Ходжинова
“Пчела” – Ражибой минерал сувлар заводи	“Пчела” – завод минеральных вод Раджибая

*в) устахона, ўрта ва кичик корхоналар
(аксарияти эгаларининг номи билан аталган, бу ерда фақат мазкур
объектларнинг сони келтирилади):*

<i>Ўзбекча аталиши</i>	<i>Русча аталиши</i>	<i>Сони</i>
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>
Нонвойхоналар	Пекарни	44
Қандолатчилик цехлари	Кондитерские цеха	5
Конфет фабрика ва корхоналари	Конфетные фабрики и предприятия	20
Темирчилик устахоналари	Кузнечные мастерские	12
Чилангарлик устахоналари	Слесарные мастерские	
Ёғоч устахонаси	Мастерская по обработке дерева	1
Мода устахоналари	Модные мастерские	5
Пойабзал ишлаб чиқариш	Изготовление обуви	8
Кийим тикувчи корхоналар	Швейные мастерские	8
Носки тўқувчи корхоналар	Чулочные	7
Кир ювувчи муассасалар	Прачечные заведения	4
Обой устахоналари	Обойные мастерские	3
Асфальт, бетон ишлаб чиқарувчи корхона	Мастерская для производства асфальта и бетон.работ	1
Стол, стул ишлаб чиқариш устахоналари	Столярные мастерские	16
Экипаж ясовчи устахоналар	Экипажные	5
Бўёқ ишлаб чиқарувчи корхоналар	Краскотерочных заведений	2
Тобут ясовчи устахоналар	Гробовые заведения	3
Колбаса ишлаб чиқарувчи корхоналар	Колбасные заведения	13
Соат тузатиш устахоналари	Часовых дел мастеров	40
Папирос устахоналари	Папиросные мастерские	9
Галантерея товарлари	Галантерейный товар	70
Бақоллик маҳсулотлари	Бакалейный	323
Чой ва қанд	Чай и сахар	9
Гастроном дўконлар	Гастрономические магазины	9
Темир, мис ва чўян буюмлар	Изделия из железа, меди, чугуна	47
Резина буюмлар улгуржи савдоси	Оптовая резиновая торговля	2
Дехқончилик меҳнат қуроллари	Земледельческие орудия	2
Турли машиналар	Разные машины	5

Жавдал давоми

<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>
Тери маҳсулотлари	Кожевенный товар	7
“Нева ип мануфактуасининг ип улгуржи савдоси	Оптовая ниточная торговля “Невской ниточной мануфактуры”	1
Кўйлақлар	Верхнее платье	63
Идиш-товок	Посуда	22
Пойабзал	Обувь	44
Ун, нон	Мука и зерновой хлеб	19
Гўшт	Мясо	108
Парранда гўшти	Птица	18
Колбаса	Колбасы	12
Балиқ	Рыба	19
Бошқа озик-овқат	Другие продовольственные магазины	31
Сабзавотлар	Овощи	92
Мевалар	Фрукты	59
Керосин, нефть, турли хилдаги мойлар	Керосин, нефть и разные масла	5
Бўёқлар	Краски	4
Атир-упа	Парфюмерные	4
Уй жиҳозлари (мебель)	Мебель	6
Муסיқа асбоблари	Музыкальные инструменты	3
Оптика	Оптика	1
Обойлар	Обои	3
Сандиқлар	Сундуки	4
Эгарлар	Сбруи	18
Соатлар	Часы	4
Қурол дўконлари	Оружейные магазины	2
Гуллар	Цветочные	2
Заргарлик	Ювелирные	6
Ёғоч сотувчи омборлар	Лесная торговля	44
Ўтин сотувчи омборлар	Дрова	31
Қурилиш материаллари	Разные строительные материалы	13
Карвонсаройлар	Караван-сарай	15
Меҳмонхоналар	Гостиницы	16
Буфетлар	Буфетов	5
Ошхона	Столовых	72
Ресторан ва буфетлар	Ресторанов и буфетов	7
Суғурта жамиятларининг агентликлари	Агентств страховых обществ	4
Чойхона	Чайхане	192
Комиссион конторалар	Комиссионные конторы	19
Комиссион дўконлар	Комиссионные магазины	19
Транспорт конторалари	Транспортные конторы	6
<i>г) давлат ва хусусий молия шассасаларининг номлари (банк, касса ва ҳ.к.лар)</i>		
Вилоят хазинахонаси ва кассаси	Областное казначейство и касса	
Туркистон хазина (давлат) палатаси	Туркестанская казённая палата	

Жадвал давоми

<i>1</i>	<i>2</i>
Давлат банкининг Тошкент бўлими	Ташкентское отделение Государственного банка
С.К.Глинка-Янчевский ва Ко банкир уйи	Банкирский дом С.К.Глинка-Янчевского и Ко
Ўрта Осиё банки	Среднеазиатский банк
Туркистон акция бошқармаси	Туркестанское акцизное управление
Волга-кама банки бўлими	Отделение волжско-камского банка
Рус-хитой банки бўлими	Отделение русско-китайского банка
Азов-Дон банкининг Тошкент бўлими	Ташкентское отделение Азовско-Донского коммерческого банка
Тошкент ўзаро кредит жамияти	Ташкентское общество взаимного кредита
Нижегород-самара ер банкининг агентлиги	Агентство Нижегородского-самарского земельного банка
Полтава ер банкининг агентлиги	Агентство Полтавского земельного банка
Москва олимлари банки бўлими	Отделение банка московских учёных
Москва савдогарлари банки бўлими	Отделение банка московских купцов
1-участка солиқ инспекцияси	Налоговая инспекция 1-участка
2-участка солиқ инспекцияси	Налоговая инспекция 2-участка
Карвонсарой ва бозорлар солиқ бошқармаси	Налоговое управление караван-сараев и базаров
<i>д) ширкат ва савдо уйлари</i>	
“Филипп Каплан ва ўғиллари” савдо уйи	Торговый дом Филипп Каплан и сыновья”
“Проводник” ширкати	Товарищество “Проводник”
“В.Сорокин ва И.Гоппе” савдо уйи	Торговый дом “В.Сорокин и И.Гоппе”
Н.М.Бардиянинг “Меросхўр савдо ширкати”	“Наследственное торговое товарищество” Н.М.Бардии
“Ака-ука Рубиновларнинг” савдо уйи	Торговый дом “Братья Рубиновы”
<i>1</i>	<i>2</i>
“Е.И.Иванов ва ўғиллари” фирмасининг савдо уйи	Торговый дом фирмы “Е.И.Иванов и сыновья”
“А.В.Емельянова ва В.Г.Сорокина” савдо уйи	Торговый дом “А.В.Емельянова и В.Г.Сорокина”
“Никита Пугасов ва ўғиллари” савдо уйи	Торговый дом “Никита Пугасов и сыновья”
“Я.Х.Седов ва Ко” савдо уйи	Торговый дом “Я.Х.Седов и Ко”
“Конфекцион Р.Брозголь ва Ко” савдо уйи	Торговый дом “Конфекцион Р.Брозголь и Ко”
“Тошкент ғишт ширкати” фирмасининг савдо уйи	Торговый дом фирмы “Ташкентское товарищество кирпич”
“Г.Аракелов ва И.Букшпунъ” фирмасининг савдо уйи	Торговый дом фирмы “Г.Аракелов и И.Букшпунъ”
“Алиш Каландарев ўғиллари билан” фирмасининг савдо уйи	Торговый дом фирмы “Алиша Каландарев с синовьями”
“Юсуф Давидовнинг Тошкентдаги” савдо уйи	Торговый дом “Юсуф Давыдова в Ташкенте”
“Дружинин ва Ко” савдо уйи	Торговый дом “Дружинин и Ко”
“В.Н.Островский ва Ко” савдо уйи	Торговый дом “В.Н.Островский и Ко”
“А.Саркисов, Т.Арикянц ва Ко” савдо уйи	Торговый дом “А.Саркисов, Т.Арикянц и

	Коэффициент”
<i>Жавдал давоми</i>	
<i>1</i>	<i>2</i>
“Муртазиновы и Ко” савдо уйи	Торговый дом “Муртазиновы и Ко”
“Ярослав катта мануфактурасининг Ўрта Осиё савдо-саноат ширкати”	“Среднеазиатское торгово-промышленное товарищество Ярославской большой мануфактуры”
“Кавказ ва Меркурий” ширкатининг Тошкентдаги идораси.	Ташкентская контора товарищества “Кавказ и Меркурий”

Мазкур жадвалдан маълум бўладики, Янги шаҳар худудида ўрганилаётган даврда йирик бозорлар сони 5, завод ва фабрикалар – 63, дўкон, буфет, кафе, ресторан, конторалар – 49, давлат ва хусусий молия муассасалари (банк, касса ва б.) – 16, ширкат ва савдо уйлари – 20 дан ортиқ эди. Саноат ва савдо муассасаларининг аксариятининг махсус номлари бўлган. Кичик корхона ва устахоналар ўз эгаларининг исмлари билан аталган. Савдо дўконлари номларининг эса фақат айримлари манбаларда акс этгани сабабли, уларнинг аниқ сони ва номлари ҳақида маълумотлар келтиришнинг иложи бўлмади. Шаҳар маркази, бозорлар ва бошқа аҳоли гавжум ерларда бир қанча йирик ва ўртача дўконлар очилган бўлиб, уларнинг номлари ўша давр рўзномаларидаги эълонларда учрайди. Масалан: Зингер компаниясининг дўкони (Романов кўчасида. Тикувчилик машиналари); Поликовскийнинг тилла ва кумуш буюмлар дўкони (Романов кўчаси); И.В.Галкин техник идораси курилиш материаллари дўкони (дўкон Жар кўчасида, омборхона Романовский кўчасида жойлашган); К.С.Ларкин меросхўрларининг Тошкентдаги дўкони; Ф.А.Осокинанинг “Канцелярия товарлари” дўкони (Скобелев майдонида); С.И.Гладишев дўкони (Спиртли ичимликлар. Воскресение бозори рўпарасида Тезиков уйида)¹; Тошкент Ҳарбий-иқтисодий жамият дўкони; Захо дўкони (Газламалар); П.С.Дорожнов дўкони (Пар, тунги кийим, гилам, газламалар); Каплан Савдо уйи дўконлари (аптека, оптика товарлари, совун, ширинликлар, минерал сувлар); Пушкин дўкони; Кауфман дўкони²; Гилле ва Дитрих Жирардов мануфактуралари дўкони (Романов кўчасида. Кийим-кечак, мебель, қоғоз, тоза пахта)³.

Саноат ва савдо билан боғлиқ топонимлар таркибида корхонанинг фаолияти ва эгасининг исми билан боғлиқлари аксариятни ташкил қилади, чунки бундай объектлар асосан, хусусий бўлган. Кейинги ўринда объектнинг жойлашган манзили, унда сотиладиган ёки ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари акс этган топонимларни қайд этиш мумкин.

4. Ўқув муассасаларининг номлари. XIX аср охири – XX аср бошларидаги даврда Тошкентда ўқув даргоҳлари ва илмий муассасаларнинг сони ортиб боргани кузатилади. Жумладан, 1886 йили Янги шаҳарда 9 та ўқув муассасаси бўлса⁴, 1909 йили уларнинг сони 62 та эди⁵. Булар қаторида

¹ “Закаспийское Обозрение” газ. 3 39. 1904 г.

² “Русский Туркестан” газ. 3 03, 3 147. 8 июль 1905 г..

³ “Туркестанские Ведомости” газ. 3 48. 1886 г.

⁴ Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 2819-хужжат, 275-варак.

Европалик ва маҳаллий аҳоли учун бошланғич мактаблар, ўрта ва махсус ўқув даргоҳлари, рус-тузем мактаблари, масжид қошидаги мактаблар, гимназиялар, семинария кабиларни қайд этиш мумкин. Янги шаҳар худудида аҳоли сони кўпайиб, иқтисодий ҳаёт ривожланиб боргач, маърифий ва илмий муассасаларнинг фаолиятига талаб ва эътибор ортган. Ўқув муассасалари махсус қурилган биноларда, шунингдек хусусий уй ва баъзи ижарага олинган жойларда фаолият юритган.

Масалан: 1914 йилда: Некрасов билим юрти ва 1 рус-тузем билим юрти, Апрелова уйида; 5-аралаш билим юрти, Дегтярёв уйида; Иккинчи аёллар гимназияси ва биринчи тўрт йиллик билим юрти, аввал иккинчи ва тўртйиллик билим юртлари ижарага олган, Рядованинг уйида, Самарқанд ва Романов кўчаларида; 7-рус-тузем билим юрти Акром Хўжа Машрап Хўжаев уйида¹; 6-эрлар ва 3-аралаш билим юрти Миробод кўчасида²; Алексей коммерция билим юрти, Куропаткин берк кўчасида³ 2-аёллар билим юрти, Ўқитувчилар семинарияси қошида, Самарқанд кўчасида ўз биносида⁴ жойлашган.

1917 йилда: 4 йиллик шаҳар билим юрти, собиқ Ярмарка худудида, 1 десятина майдонни эгаллаган жой, биноси 1904 йили қуриб битказилган⁵; 2-аралаш билим юрти, Казачья слободкада; 4-рус-тузем мактаби, Бешоғоч, “Тошбой” кварталли; 3-аралаш билим юрти, Сўфи Тўрғайда; 2-аралаш билим юрти, Казачья слободкада, Кушин йўлагиди, Дашкова уйини 1915 йили 5 йил муддатга ижарага олган⁶.

Жами Янги шаҳар худудида ўрганилаётган даврда 5 та мусулмон мактаби, 51 та қуйи ўқув муассасаси, 6 та ўрта таълим ўқув муассасаси фаолият юритган. Қуйида уларнинг номлари ва ташкил бўлган вақтини жадвал шаклида келтирилади.

9-жадвал

Янги шаҳардаги ўқув муассасалари⁵:

№	Ўзбекча аталиши	Русча аталиши	Очил.йили
1	2	3	4
<i>Мусулмон мактаблари:</i>			
1.	Воскресение бозоридаги масжид қошидаги мактаб	Школа при мечети на Воскресенском базаре	1912

⁵ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и... – с.198–225.

¹ Ўз Р МДА. 718-жамғарма, 1-рўйхат, 44-ҳужжат, 40, 54-орқа варақлар.

² Ўз Р МДА. 718-жамғарма, 1-рўйхат, 44-ҳужжат, 449-орқа варақ.

³ Известия Ташкентской Городской Думы 1916 года. – Ташкент, 1916. – № 1–23. – С.77–80.

⁴ Ўз Р МДА. И 17-жамғарма, 1-рўйхат, 65-ҳужжат, 10-варақ.

⁵ Ўз Р МДА. 37-жамғарма, 1-рўйхат, 147 а-ҳужжат, 41, 48-варақлар.

⁶ Ўз Р МДА. 37-жамғарма, 2-рўйхат, 27-ҳужжат, 187-варақ.

Жадвал давоми

<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
2.	Татар слободкасидаги мактаб	Школа в Татарской слободке	1912
3.	Головачёв берк кўчасидаги мактаб	Школа в Головачёвском переулке	1912
4.	Қашғар дарвозадаги мактаб	Школа у Кашгарских ворот	1912
5.	Скобелев кўчасидаги мактаб	Школа на Скобелевской улице	1912
Жами: 5 та мактаб, 9 та домла, 290 та ўқувчи бўлган.			
<i>Қуйи ўқув муассасалари:</i>			
1.	Тўрт синфлик шаҳар билим юрти, хунармандчилик таълими билан (дастлаб у 1866 йили очилган бошланғич мактаб эди)	Четырёхклассное городское училище с преподаванием ремесла (первоначально это была нач. школа, открытая в 1866г.)	1879
2.	Биринчи икки синфлик эрлар бошланғич билим юрти	Первое двухклассное мужское приходское училище	1903
3.	Гоголь номидаги иккинчи икки синфлик бошланғич билим юрти	Второе двухклассное приходское училище Гоголевское имени	1891
4.	Жуковский ном. иккинчи бир синфлик эрлар бошл. билим юрти	Второе одноклассное приходское училище Жуковского	1894
5.	Некрасов номидаги учинчи бир синфлик эрлар бошланғич билим юрти	Третье одногодичное мужское приходское училище Некрасовского	1903
6.	Ўқитувчилар семинарияси қошидаги намунали бошланғич билим юрти	Приходское образцовое училище при Учительской семинарии	1909
7.	Касб-хунар билим юрти	Ремесленное училище	1896
8.	Қишлоқ хўжалиги гидротехника мактаби	Сельскохозяйственная гидротехническая школа	1902
9.	Ўра Осиё темир йўллари техник билим юрти	Техническое училище среднеазиатской железнодородной дороги	1904
10.	Мария аёллар билим юрти	Марьяинское женское училище	1901
11.	Биринчи икки синфлик қизлар бошланғич билим юрти (дастлаб 1866 й. халқ касб-хунар билим юрти сифатида очилган, 1899 й.	Первое женское двухклассное приходское училище (им. Пушкина)	1879

<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
12.	Иккинчи икки синфлик кизлар бошланғич билим юрти	Второе женское двухклассное приходское училище	1888
13.	Учинчи икки синфлик кизлар бошланғич билим юрти	Третье женское двухклассное приходское училище	1903
14.	Тўртинчи икки синфлик кизлар бошланғич билим юрти	Четвёрте женское двухклассное приходское училище	1906
15.	Бир йиллик аёллар бошланғич билим юрти	Одноклассное женское приходское училище	1906
16.	Икки синфлик рус-тузем билим юрти	Двухклассное русско-туземное училище	1905
17.	Биринчи бир синфлик рус-тузем билим юрти	Первое одноклассное русско-туземное училище	1884
18.	Иккинчи бир синфлик рус-тузем билим юрти	Второе одноклассное русско-туземное училище	1886
19.	Учинчи бир синфлик рус-тузем билим юрти	Третье одноклассное русско-туземное училище	1887
20.	Тўртинчи бир синфлик рус-тузем билим юрти	Четвёртое одноклассное русско-туземное училище	1888
21.	Бешинчи бир синфлик рус-тузем билим юрти	Пятое одноклассное русско-туземное училище	1901
22.	Олтинчи бир синфлик рус-тузем билим юрти	Шестое одноклассное русско-туземное училище	1901
23.	Еттинчи бир синфлик рус-тузем билим юрти	Седьмое одноклассное русско-туземное училище	1910
24.	Иосиф-Георгий ибодатхонаси қошидаги бошланғич черков мактаби	Церковно-приходская школа при Иосифо-Георгиевской церкви	1887
25.	Авлиё Сергей ибодатхонаси қошидаги бошланғич черков мактаби	Церковно-приходская школа при церкви Святого Сергия	1889
26.	Немис мактаби	Немецкая школа	1902
27.	Рус-арман ибодатхонаси қошидаги бошланғич черков	Русско-армянская церковно-приходская школа	1908

	мактаби		
--	---------	--	--

Жадвал давоми

<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
28.	Ўрта Осиё темир йўлининг бир синфлик бошланғич билим юрти	Одноклассное приходское училище среднеазиатской железной дороги	1903
29.	Тошкент темир йўлининг бир синфлик бошланғич билим юрти	Одноклассное приходское училище Ташкентской железной дороги	1906
30.	Рус-тузем-яхудий билим юрти	Русско-туземно-еврейское училище	1900
31.	Рус-татар билим юрти	Русско-татарское училище	1902
32.	Л.О.Гориздронинг хуссий аёллар прогимназияси	Частная женская прогимназия Л.О.Гориздро	1907
33.	Э.А.Золотованинг қизлар ва болалар учун III тоифали хусусий ўқув муассаси	Частное учебное заведение III разряда для детей обоего пола Э.А.Золотовой	1892
34.	О.М.Михайловскаянинг хусусий аёллар прогимназияси	Частная женская прогимназия О.М.Михайловской	1905
35.	Е.П.Слюсареванинг қизлар ва ўғил болалар учун III тоифали хусусий ўқув муассасаси	Частное учебное заведение III разряда для детей обоего пола Е.П.Слюсаревой	1902
36.	Яхудий Шоломон Маесеевич Тажернинг маҳаллий ва яхудий ўғил болалар учун хусусий ўқув муассасаси	Частное учебное заведение для мальчиков туземных и бухарских евреев еврея Шоломона Маесеевича Тажера	1903
37.	Яскевичёванинг қизлар ва ўғил болалар учун III тоифали хусусий билим юрти	Частное училище III разряда для детей обоего пола Яскевичёвой	1903
38.	М.С.Левковичнинг қизлар ва ўғил болалар учун III тоифали хусусий билим юрти	Частное училище III разряда для девочек и мальчиков М.С.Левковича	1905
39.	А.А.Юрьеванинг қизлар ва ўғил болалар учун III тоифали хусусий билим юрти	Частное училище III разряда для детей обоего пола А.А.Юрьевой	1906
40.	Цабельнинг катталар учун хусусий мактаби	Частная школа Цабель для взрослых	1907
41.	А.М.Малиновскаянинг касб-хунар	Профессиональная школа	1908

мактаби	А.М.Малиновской
---------	-----------------

Жадвал давоми

<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
42.	О.Малиновскаянинг кизлар ва ўғил болалар учун III тоифали хусусий ўқув муассасаси	Частное учебное заведение III разряда для детей обоего пола О.Малиновской	1908
43.	Е.И.Преображенскаянинг кизлар ва ўғил болалар учун III тоифали хусусий ўқув муассасаси	Частное учебное заведение III разряда для детей обоего пола Е.И.Преображенской	1908
44.	Н.Гориздронинг кизлар ва ўғил болалар учун III тоифали хусусий билим юрти	Частное училище III категории для девочек и мальчиков Н.Гориздро	1909
45.	Окичинцнинг кизлар ва ўғил болалар учун III тоифали хусусий билим юрти	Частное училище III разряда для детей обоего пола Окичинца	1909
46.	О.Г.Сухоцкаянинг кизлар ва ўғил бол. III тоифали хусус. билим юрти	Частное училище III разряда для детей обоего пола О.Г.Сухоцкой	1909
47.	Ўғил болалар учун бошланғич татар мактаби; шаҳарнинг рус қисмидаги масжид қошида	Татарская начальная школа для мальчиков при соборной мечети в русской части города	1873
48.	Ўғил болалар учун иккинчи бошл. татар макт. (Скобелев кўч.)	Вторая татарская нач.школа для мальчиков (на Скобелевской ул.)	1895
49.	Қизлар учун бошланғич татар мактаби (Скобелев кўчасида)	Частная татарская женская нач. школа (на Скобелевской улице)	1898
50.	Қизлар учун бошланғич татар мактаби (Ўратепа кўчасида)	Частная татарская женская нач. школа (на Уратюбинской улице)	1901
51.	Юсуф Давидовнинг синагога қошидаги хусус. яҳудий мактаби	Частная еврейская школа при синагоге Юсуа Давыдова	1890

Жами: 51 та ўқув муассаса, 220 та ўқитувчи, 4402 та ўқувчи бўлган (1909 й.)

Ўрта таълим ўқув муассасалари:

1.	Эрлар гимназияси (Константиновская кўчасида)	Мужская гимназия (на Константиновской улице)	1876
2.	Аёллар гимназияси (Константиновская кўчасида)	Женская гимназия (на Константиновской улице)	1876
3.	Реал билим юрти (дастлаб Воронцов кўчасида, сўнг Константинов ва Махрам	Реальное училище (первонач.на Воронцовской ул., затем на пересечении Константиновской и	1894

	кўчаларининг кесишган ерда)	Махрамской улиц)	
--	-----------------------------	------------------	--

Жадвал давоми

1	2	3	4
4.	Цесаревич меросхўрининг Тошкент кадет корпуси (Салорнинг чап соҳилида)	Ташкентский наследника Цесаревича кадетский корпус (на левом берегу Салара)	1894
5.	8 йиллик коммерция билим юрти (Куропаткин кўчасида)	8-летнее коммерческое училище (на Куропаткинской улице)	1907
6.	Туркистон ўқитувчилар семинарияси (дастлаб Хорошхин кўчасида, сўнг Петербург ва Московская кўчалари кесишган ерда)	Туркестанская учительская семинария (первоначально на Хорошхинской улице, затем на пересечении Петербургской и Московской улиц)	1879
Жами: 6 та ўқув муассасаси, 148 та ўқитувчи ва тарбиячи, 2110 та ўқувчи бўлган (1909 й.)			

Ўқув муассасаларининг номлари *маъносига кўра* мазкур муассасанинг фаолият тури, унда неча йил ўқитилиши, тартиб рақами (4-х классное городское училище с ремесленным образованием – 4 йиллик шаҳар билим юрти, хунармандчилик таълими билан; Первое 2-летнее мужское приходское училище – Биринчи 2 йиллик эрлар бошланғич билим юрти), маълум тармоққа тегишлилиги (Гидротехническая школа сельского хозяйства – Қишлоқ хўжалиги гидротехника мактаби), муассаса тури (Профессиональное училище – Касб-хунар билим юрти, Женская гимназия – Қизлар гимназия), тоифаси, эгасининг исми, ташкилот номи (Частное учебное заведение для девочек и мальчиков Э.А.Золотовой – Э.А.Золотованинг қизлар ва ўғил болалар учун III тоифали хусусий ўқув муассасаси; Приходская школа при церкви Святого Сергия – Авлиё Сергей ибодатхонаси қошидаги бошланғич мактаб), этник йўналиши, қайси тилда ўқитилиши (Русско-татарское училище – Рус-татар билим юрти; Русско-туземно-еврейское училище – Рус-тузем-яхудий билим юрти), жойлашган ҳудуди, бирор-бир географик ном (Мусульманская школа при мечети на Воскресенском базаре – Воскресение бозоридаги масжид қошидаги мусулмон мактаби) билан боғлиқ ҳолда шаклланган топонимларга бўлинади.

5. Тиббий хизмат билан боғлиқ топонимлар. XIX аср охирларида Тошкент ҳудудида Янги шаҳар қурилиши жараёнида, дастлабки йиллардан тиббий муассасалар вужудга кела бошлаган; касалхона, дорихона, тиббий кўриш пунктлари, ветеренария хизмати ташкил қилинган. Чунончи 1868 йили ҳарбий гарнизон қошида лазарет очилиб, 1869 йили у 415 ўринли ҳарбий госпиталга айлантирилган; 1883 йили аёллар ва болалар учун биринчи амбулатория шифохонаси (амбулаторная лечебница) очилган; 1903 йили Жуковский кўчасида 95 ўринли янги шаҳар касалхонаси қурилган. Шаҳар аҳолиси кўпайиб бориши билан тиббий муассасалар сони ҳам ортиб борган.

1880 йили Янги шаҳарда фақат битта шифохона бўлган, 1905 йили уларнинг сони 8 тага етди. 1916 йили темир йўл ишчилари учун махсус 80 ўринли касалхона ташкил этилган. Жами XX аср бошларида Янги шаҳар ҳудудида 14 та шифохона, 4 та дорихона, 12 та дорихона ва дори дўконлари, 2 та ветеренария хизмат пункти бўлиб, уларда 87 та шифокор, 15 та ветеренар ишлаган¹. Тиббий муассасаларнинг номлари ва ташкил этилган санаси қуйидаги жадвала келтирилган.

10-жадвал

**Янги шаҳар ҳудудидаги тиббий муассалар билан боғлиқ
топонимлар²:**

<i>№</i>	<i>Ўзбекча аталиши</i>	<i>Русча аталиши</i>	<i>Очилган йили</i>
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
<i>Шифохоналар:</i>			
1.	Иккинчи тоифали Тошкент ҳарбий госпитали	Второй Ташкентский военный госпиталь	1868
2.	Шаҳар касалхонаси	Городская больница	1898
3.	Ўрта Осиё Темир йўл ишчилари учун амбулатория ва қабул пункти	Амбулаторияи приёмный пункт для работников Среднеазиатской железной дороги	1899
4.	Туркистон хайрия жамиятининг туғруқхонаси	Родильный покой Туркестанского благотворительного общества	1880
5.	Туркистон меҳрибонлик хамширалари кизил хоч жамияти шифохонаси	Лечебница общества красного креста Туркестанских сестёр милосердия	1896
6.	Императрица Мария Александровна хомийлигидаги кўз касалликлар шифохонаси	Глазная лечебница под покровительством Императрицы Марии Александровны	1892
7.	Тиббиёт фанлари доктори Андрей Михайлович Зубовнинг сув билан даволаш шифохонаси	Водолечебница доктора медицинских наук Андрея Михайловича Зубова	1905
8.	Фоҳишалар шифохонаси	Лечебница для проституток	1908
9.	Аёл-шифокор Анна Николаевна	Лечебница женщины-врача Анны	1908

¹ Ўз Р МДА. 1-жамғарма, 13-рўйхат, 976-ҳужжат, 10-11-варақлар; 718-жамғарма, 1-рўйхат, 44-ҳужжат, 418–429-варақлар; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и... – с.328–348; История Ташкента... – с.188–244.

² Жадвал қуйидаги манбалар асосида тузилган: Добросмыслов Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент, 1912. – с.323-364; История Ташкента. Под ред.Х.З.Зияева, Ю.Ф.Бурякова. – Ташкент, 1988; Ўз Р МДА. 718-жамғарма, 1-рўйхат, 44-ҳужжат, 380-варақ; И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 6866-ҳужжат, 29-30-варақлар; 37-жамғарма, 1-рўйхат, 130 (2)-ҳужжат, 76-варақ.

	Предтеченскаянинг касалхонаси	Николаевны Предтеченской	
--	-------------------------------	--------------------------	--

Жавдал давоми

1	2	3	4
10.	Шифокорлар Моисей Ильич ва Соломон Ильич Слонимлар шифохонаси	Лечебница вreach Моисея Илича и Соломона Ильича Слонимых	1909
11.	Кўчиб келувчилар пункти амбулаторияси	Амбулатория переселенческого пункта	1906
12.	Санитария кўриги – шаҳар (полиция) шифокори амбулаторияси	Санитарный надзор – амбулатория городского (полицейского) врача	1906
13.	Туркистон оспа депоси	Туркестанское оспенное депо	1886
14.	Маҳаллий эркак аҳолиси учун амбулатория касалхонаси	Амбулаторная лечебница для туземного мужского населения	1886
15.	П.П.Ларменинг тиш даволаш шифохонаси	Зуболечебный кабинет П.П.Ларме	1903
<i>Дорихоналар:</i>			
1.	Тошкент ҳарбий госпитали қошидаги аптека	Аптека при Ташкентском военном госпитале	1869
2.	И.И.Краузенинг Соборная кўчасидаги дорихонаси	Соборная аптека И.И.Краузе	1880
3.	И.И.Краузенинг Маҳрам кўчасидаги дорихонаси	Махрамская аптека И.И.Краузе	1905
4.	Яҳудий Каплан меросхўрларининг Пушкин кўчасидаги дорихонаси	Пушкинская аптека наследников еврея Каплана	1902
<i>Дорихона дўконлари:</i>			
1.	Тошкент ҳарбий-дорихона дўк.	Ташкентский военно-аптечный маг.	1887
2.	Биринчи ҳарбий дорихона дўкони (дастлаб Бобровский, сўнг Капланга тегишли бўлган)	Первый частный аптекарский магазин (открыт Бобровским на Кауфманском проспекте, в 1897 г. перешёл Каплану)	1894
3.	Яҳудий Робинвич-Рудникнинг дорихона дўкони	Аптекарский магазин еврея Робинвич-Рудника на Кауфм.просп.	1910
4.	Арман Бекназаровнинг дорихона дўкони, Кауфман кўчасида	Аптекарский магазин армянина Бекназарова на Кауфманском проспекте	1910
5.	Арман Бекназаровнинг дорихона дўкони, Маҳрам кўчасида	Аптекарский магазин армянина Бекназарова на Махрамском проспекте	1910
5.	Яҳудий Кабильницкий дорихона дўкони, Маҳрам кўчасида	Аптекарский магазин еврея Кабильницкого на Махрамском просп.	1910
6.	Яҳудий Розенельнинг дорихона дўкони, Эржар кўчасида	Аптекарский магазин еврея Розенеля на Ирджарской улице	1910

Жавдал давоми

1	2	3	4
7.	Яхудий Циперсон дорихона дўкони, Старо-Госпитальный кўч.	Аптекарский магазин еврея Циперсона на Старо-Госпитальной улице	1910
8.	Щепкин дорихона дўкони, Мариинская кўчасида	Аптекарский магазин Щепкина на Мариинской улице	1910
9.	Яхудий Соловейчик дорихона дўкони, Московская шох кўчасида	Аптекарский магазин еврея Соловейчика на Московском просп.	1910
10.	Яхудий Руф дорихона дўкони Пушкин кўчасида	Аптекарский магазин еврея Руфа на Пушкинской улице	1910
11.	Яхудий Каплан дорихона дўкони (2), Пушкин кўчасида	Аптекарский магазин Каплана на Пушкинской улице (2)	1910
12.	Яхудий Каплан дорихона дўкони (3), Пушкин кўчасида	Аптекарский магазин Каплана на Пушкинской улице (3)	1910
13.	Капланнинг дорихона товарларининг улгуржи савдо омборхонаси, Пушкин кўчасида	Оптовый склад аптекарских товаров Каплана на Пушкинской улице	1900
14.	Шувалов Василий дорихона дўкони, Иканский кўчасида	Аптекарский магазин Шувалова Василия на Иканской улице	1912-16 й. орал.
15.	Шистер дорихона дўкони Сапёрная кўчасида	Аптекарский магазин Шистера на Сапёрной улице	1912-16 й. орал.
16.	Канцистор Сара дорихона дўкони, Кауфман кўчасида	Аптекарский магазин Канцистора Сары на Кауфманской улице	1912-16 й. орал.
17.	Капланнинг Кауфман кўчасидаги дорихона дўкони (3)	Аптекарский магазин Каплана (3) на Кауфманской улице	1912-16 й. орал.
18.	Циперсон Сара дорихона дўкони, Романов кўчасида	Аптекарский магазин Циперсона Сары на Романовской улице	1912-16 й. орал.
19.	Есионова Елена дорихона дўкони, Махрам кўчасида	Аптекарский магазин Есионовой Елены на Махрамской улице	1912-16 й. орал.
20.	Жолондзе Янкел дорихона дўкони, Махрам кўчасида	Аптекарский магазин Жолондзе Янкель на Махрамской улице	1912-16 й. орал.
21.	Разенел Раиса дорихона дўкони, (1) Эржар кўчасида	Аптекарский магазин Разенель Раисы (1) на Ирджарской улице	1912-16 й. орал.
22.	Разенел Раиса дорихона дўкони, (2) Жиззах кўчасида	Аптекарский магазин РазенельРаисы (2) на Джиззакской улице	1912-16 й. орал.
23.	Нищенко-Нисонова Роза Львовна дорихона дўкони, Романов кўчасида	Аптекарский магазин Нищенко-Нисоновой Розы Львовны на Романовской улице	1912-16 й. орал.
24.	Сомов Григорий Степановичнинг дорихона дўкони, Ниёзбек кўч.	Аптекарский маг. Сомова Григория Степановича на Ниязбекской улице	1912-16 й. орал.

Жавдал давоми

1	2	3	4
25.	Суханов Е.А.нинг дорихона дўкони Шипкин ва Бородин кўчалари кес.жойда	Аптекаарский магазин Суханова Е.А. на перес.Шипкинской и Бородинской улиц	1912-16 й. орал.
<i>Ветеренария хизмати</i>			
1.	Қорасу бойняси ветеренария пункти	Ветеренарный пункт бойни на ар.Карасу	1893
2.	Молбозоридаги ветеренария пункти (Салор бўйида)	Ветеренарный пункт на ското-пригонной площади (на бер. Салара)	1870

Тиббий муассасалар билан боғлиқ топонимлар *маъносига кўра* муассаса тури (Городская больница – Шаҳар шифохонаси), жойлашган худуди (Соборная аптека – Собор кўчасидаги дорихона), қайси ташкилот, жамият ёки шахс томонидан очилгани (Ташкентский военный госпиталь – Тошкент ҳарбий госпитали; Глазная больница под попечительством Императрицы Марии Александровны – Императрица Мария Александровна ҳомийлигидаги кўз касалликлари шифохонаси; Водолечебница доктора медицинских наук Андрея Михайловича Зубова – Тиббиёт фанлари доктори Андрей Михайлович Зубовнинг сув билан даволаш шифохонаси) кабиларни акс этган номларга таснифланади.

6. Илмий, маданий ва бошқа турли муассасаларнинг номлари. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида илмий, маданий ва бошқа шунга ўхшаш турли муассасалар ҳам бор эди. Уларнинг фаолияти руслар томонидан ўлканинг тарихи, табиати, табиий бойликлари, иқтисодий имкониятлари, маданий ҳаётини ўрганиш ишлари билан боғлиқ ҳолда, Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил бўлган дастлабки йиллариданоқ бошланган. Шу асосда турли илмий, маданий, маърифий жамиятлар, тўғарақлар, статистик кўмита, астрономик обсерватория, кутубхона, музей, клуб, кинотеатр, босмахона, суратхоналар очилган. 1911 йилда Янги шаҳарда 1 та астрономик обсерватория, 1 та статистик кўмита, 3 та театр, 2 та кинотеатр, 10 дан зиёд кутубхона, 14 та босмахона, 14 та суратхона, 60 дан зиёд турли жамият, тўғарақ, клублар фаолият кўрсатган XX аср бошларида Янги шаҳарда мавжуд илмий, маданий ва ҳ.к. муассаса, ташкилотлар номларининг рўйхати жадвалда берилган.

Янги шаҳар худудидаги илмий, маданий ва ҳ.к. муассасаларнинг номлари¹

№	Ўзбекча аталиши	Русча аталиши
1	2	3
1.	Тошкент Астрономия обсерваторияси ²	Ташкентская Астрономическая обсерватория
2.	Туркистон статистика қўмитаси	Туркестанский статистический комитет
3.	Сирдарё вилояти статистика қўмитаси	Статистический комитет Сырдарьинской области
4.	Туркистон оммавий кутубхонаси	Туркестанская публичная библиотека
5.	Музей	Музей
6.	Тоғ музейи	Горный музей
7.	Шаҳар театри	Городской театр
8.	Ёзги театр	Летний театр
9.	“Колизей” театри	Театр “Колизей”
10.	“Хива” кинотеатри	Кинотеатр “Хива”
11.	Цинзадзе цирки	Цирк Цинзадзе
12.	Тошкент йиғини клуби	Клуб Ташкентского собрания
13.	Тошкент жамоа мажлиси	Ташкентское общественное собрание
14.	Хусусий хизматчилар йиғини	Собрание частных служащих
15.	Тошкент ҳарбий йиғини	Ташкентское военное собрание
<i>Босмахона, тошбосмахона, суратхона идораларининг номлари:</i>		
1.	Округ штаби қошидаги босмахона (1868)	Типография при окружном штабе (1868)
2.	Туркистон генерал-губернатор маҳкамаси қошидаги босмахона (1872)	Типография при канцелярии Туркестанского генерал-губернатора (1872)
3.	Биринчи хусусий босмахона ёки Ильин босмахонаси (1877)	Первая частная типография или типография Ильина откр. Лахтиным в 1877 г., в 1899 г. перешла Ильину)
4.	Иккинчи хусусий босмахона ёки Порцев тошбосмахонаси (типо-литография)	Вторая частная типография Осипа Александровича Порцева (типолитография)
5.	И.И.Гейер тошбосмахонаси (1903)	Типография И.И.Гейера (1903)
6.	Берсон тошбосмахонаси ³	Типография Берсона

¹

² 1890 йилги Тошкент шаҳар картасида у “Обсерватория” шаклида берилган.

<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>
7.	Берсен ва Кирснерларнинг Туркистон босма иши ширкати босмахонаси (1904)	Типография Туркестанского товарищества печатного дела Берсена и Кирснера
8.	Яхудий М.В.Кац-Нельсон босмахонаси (1905)	Типография еврея М.В.Кац-Нельсона (1905)
9.	Яхудий Я.П.Эдельман босмахонаси (1908)	Типография еврея Я.П.Эдельмана (1908)
10.	Яхудий Вильнер босмахонаси (1908)	Типография еврея Вильнера (1908)
11.	“На рубеже” рўзномаси босмахонаси (1910)	Тпография газеты “На рубеже” (1910)
12.	Ш.Граевский босмахонаси (1910)	Типография Ш.Гревского (1910)
13.	Захо босмахонаси (1906)	Типография Захо (1906)
14.	Минаков босмахонаси	Типография Минакова
15.	Николя суратхонаси (1887)	Фотография Николя (1887)
16.	Коркиннинг “Сибирская” суратхонаси (1895)	Фотография “Сибирская” Коркина (1895)
17.	Немцовия суратхонаси (1899)	Фотография Немцовия (1899)
18.	Урбанович суратхонаси (1904)	Фотография Урбановича (1904)
19.	И.Л.Зверёв суратхонаси (1899)	Фотография И.Л.Зверёва (1899)
20.	“Марквардт” суратхонаси (1905)	Фотография “Марквардт” (1905)
21.	“Кавказская” суратхонаси	Фотография “Кавказская”
22.	Лозинский И.К.суратхонаси (1906)	Фотография Лозинского И.К. (1906)
23.	У.Назаров суратхонаси (1886)	Фотография У.Назарова (1886)
24.	Васильева Е.П. суратхонаси (1906)	Фотография Васильевой С.П. (1906)
25.	Ф.Вайнернинг гравёра ва каучук штампеллар устахонаси (1903)	Мастерская гравёрных и каучуковых штампелей Ф.Вайнера (1903)
26.	П.Эдельманнинг гравёра ва каучук устахонаси (1893)	Мастерская гравёрных и каучуковых штампелей П.Эдельмана (1893)
27.	А.А.Дрампов суратхонаси	Фотография А.А.Дрампова
28.	Н.Н.Алексеев суратхонаси	Фотография Н.Н.Алексеева
<i>Хайрия ишлари, илмий, касб-хунар ва бошқа жамиятлар:</i>		
1.	Туркистон Хайрия жамияти	Туркестанское Благотворительное общество

³ Мазкур босмахона 1902 йили Нимтанов томонидан очилган. Босмахона Кауфман ва Жуковский кўчалари кесишган ерда жойлашган. “Трудь” рўзномаси шу ерда нашр қилинган.

<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>
2.	Россия Қизил Ҳоч жамиятининг Туркистон меҳрибонлик ҳамширалари жамияти	Туркестанская община сестёр милосердия Российского общества Красного креста
3.	Қамокдан озод қилинган шахсларга ёрдам кўрсатувчи “Патронат” – Сирдарё жамияти	“Патронат” – Сыр-дарьинское общество покровительства лицам, освобождённым из мест заключения
4.	Россия “Қизил хоч” жамиятининг Туркистон округ бошқармаси	Туркестанское окружное управление российского общества красного креста
5.	Сергий черковининг биродарлиги	Приходское благотворительное братство Сергиевской церкви
6.	Меҳнат уйи ва “Ясли”га ғамхўрлик қилувчи жамият	Попечительное общество о Доме трудолюбия и “Ясли”
7.	“Маяк” хайрия жамияти	Благотворительное общество “Маяк”
8.	“Ёрдам” мусулмон хайрия жамияти	Мусульманское благот.общество помощь”
9.	Тошкент Евангелиик-лютеран аёллар хайрия жамияти	Ташкентское Евангелическо-лютеранское дамское благотворительное общество
10.	Туркистон Рим-католик хайрия жамияти	Туркестанское Римско-католическое благотворительное общество
11.	Туркистон Археология тўғараги	Туркестанский Археологический кружок
12.	Туркистон кишлоқ хўжалиги жамияти	Туркестанское Сельскохозяйств. общество
13.	Туркистон Яхудий Аёллар хайрия тўғараги	Туркестанский Дамский еврейский благотворительный кружок
14.	Россия Империяси география жамиятининг Туркистон бўлими	Туркестанский отдел Императорского Российского географического общества
15.	Россия Империяси техника жамиятининг Туркистон бўлими	Туркестанский отдел Российского Императорского технического общества
16.	Пушкин номли маърифий ўқишларни ташкил этувчи ва халқ таълимига хизмат қилувчи жамият	Пушкинское общество по устройству образовательных чтений и содействие народному образованию
17.	Қишлоқ хўжалиги паррандачилиги Россия Император жамиятининг Туркистон бўлими	Туркестанский отдел Российского Императорского общества сельскохозяйственного птицеводства
18.	Шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлими	Ташкентский отдел общества Востоковедения
19.	Туркистон отбоқувчиларни рағбатлантириш жамияти	Туркестанское общество поощрения коннозаводства
20.	Туркистон юридик тўғараги	Туркестанский юридический кружок
21.	Туркистон ҳавода сузиш жамияти	Туркестанское общество воздухоплавания

1	2	3
22.	Туркистон полкларига ғамхўрлик кўрсатиш жамияти	Туркестанское общество попечения о потешных полках
23.	Урушда жабр кўрган солдатлар ва уларнинг оилаларига ёрдам бериш жамиятининг Тошкент бўлими	Ташкентский отдел общества повсеместной помощи пострадавшим на войне солдатам и их семьям
24.	Хайвонларга ғамхўрлик қилиш Россия жамиятининг Тошкент бўлими	Ташкентский отдел Российского общества покровительства животным
25.	Тошкент рус ўқув муассасалари ўқувчиларига ёрдам қилиш жамияти	Общество вспомоществования учащимся в Ташкентских русских учебных заведениях
26.	Тижорат билимдонлари жамиятининг Тошкент бўлими	Ташкентское общество ревнителей коммерческих знаний
27.	Тошкент эсперантистлар жамияти	Ташкентское общество эсперантистов
28.	Тошкент Трамвай-Аноним жамияти номли Бельгия акционерлик жамияти	Бельгийское акционерное общество под наименованием Ташкентское Трамвайное Анонимное общество
29.	Тошкент ўзаро кредит жамияти	Ташкентское общество взаимного кредита
30.	Тошкент овчилар жамияти	Ташкентское охотничье общество
31.	“Тўлқин” драматик жамияти	Драматическое общество “Волна”
32.	Туркистон ўлкаси табиатшунослари ва врачлари жамияти	Общество естествоиспытателей и врачей Туркестанского края
33.	Туркистон ветеринар врачлари жамияти	Туркестанское общество ветеринарных врачей
34.	Биринчи Туркистон тиш дўхтирлари жамияти	Первое Туркестанское зубо-врачебное общество
35.	Туркистон ўлим ҳоллари юзасидан ёрдам кўрсатувчи умумий биродарлик жамияти	Туркестанское всесловное товарищество взаимопомощи по случаю смерти
37.	Туркистон ўлкаси хусусий хизматчиларига ўзаро ёрдам кўрсатувчи жамияти ва унинг қошидаги клуб	Общество взаимопомощи частных служащих в Туркестанском крае и клуб при нём
38.	Конторачи ва бухгалтерлар иттифоқи	Союз конторщиков и бухгалтеров
39.	Туркистон ўлкаси фармацевтлари иттифоқи	Союз служащих фармацевтов Туркестанского края
40.	Д.А.Порцевнинг электр-буғ босмахона хизматчиларининг омонат кассаси	Ссудо-сберегательная касса служащих электрической-паровой типо-литографии Д.А.Порцева
41.	Тижорат маслаҳ.-си Н.П.Иванов меросхўр. жамиятининг ссуда ва нафақалар берувчи омонат кассаси	Сберегательная касса с выдачей ссуд и пособий служащих Товарищества “Наследников ком. сов. Н.И.Иванова”

Жадвал давоми

1	2	3
42.	Киев коммерция артелининг Тошкент бўлими	Ташкентское отделение Киевской коммерческой артели
43.	Тошкент спорт хаваскорлари жамияти	Ташкентское общество любителей спорта
44.	Ака-ука Яушевларнинг Савдо уйи хизматчиларининг омонат кассаси	Ссудо-сберегательная касса служащих Торгового дома Братьев Яушевых
45.	Тошкент шахмат жамияти	Ташкентское шахматное общество
46.	Тошкент филармония жамияти	Ташкентское филармоническое общество
47.	“Лаунтенис” клуби	Клуб “Лаунтенис”
48.	Сирдарё ер ўлчовчилари меҳнат артели	Сыр-Дарьинская трудовая артель землемеров
49.	Тошкентдаги Алексей коммерция билим юрти хизматчиларининг омонат-жамғарма кассаси	Ссудо-сберегательная касса служащих Алексеевского коммерческого училища в Ташкенте
50.	Тошкент портленд-цемент заво-дининг “Кречет” акционерлик жам.	Акционерное общество Ташкентского портланд-цементного завода “Кречет”
51.	Тошкент шаҳридаги диний-ахлоқий таълим Туркистон жамияти	Туркестанское общество религиозно-нравственного просветительства в Ташк.
52.	Тошкентликларнинг Алексей ўзаро ёрдам жамияти	Общество взаимопомощи Алексеевцев Ташкентцев
53.	Офиц., ошпаз, уй хизм. иттифоқи	Союз офиц., поваров, домашних прислуг
54.	Тошкент мотоциклчилари жамияти	Ташкентское общество мотоциклистов
55.	Бешоғоч истеъмолчилар жамияти	Беш-агачское Общество Потребителей
56.	Тошкент қуйи ўқув муассасалари ўқувчиларига ёрдам бериш жамияти	Общество взаимопомощи учащимся в Ташкентских низших учебных заведениях
57.	Тикувчи, этикдўз, телпак тикувчилар иттифоқи	Союз портных, сапожников, шапошников
58.	Шифокор ёрдамчилари иттифоқи	Союз помощников врачей
59.	Курувчилар иттифоқи	Союз строителей
60.	Чоп этиш ишлари жамияти (фаолияти 1907 йили тугаган)	Общество печатных дел (прекратило свою работу в 1907 году)

Маъносига кўра бундай муассасаларнинг номлари одатда маълум худуд, касб-хунар (Туркестанский педагогический кружок – Туркистон педагогик тўғараги; фотография “Кавказская” – “Кавказская” сурагхонаси), таниқли шахс исми ва муассасанинг фаолият йўналиши (Пушкинское общество или Пушкинское общество, организуящее образовательные чтения и служащее народному образованию – Пушкин жамияти ёки Маърифий ўқишларни ташкил этувчи ва халқ таълимига хизмат қилувчи Пушкин номидаги жамият), ташкилот эгасининг исми, баъзан эса исми ва тартиб рақами (Типография Берсона – Берсон босмағхонаси; Первая частная типография или Типография

Ильина – Биринчи хусусий босмахона ёки Ильин босмахонаси), давлатга ёки бирор ташкилотга мансублиги (Типография при Канцелярии генерал-губернатора – Генерал-губернатор маҳкамаси қошидаги босмахона; Мусулманское благотворительное общество “Помощь” – “Ёрдам” мусулмон хайрия жамияти) билан боғлиқ бўлган топонимларга гуруҳланади.

7. Диний идораларнинг номлари. Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида европалик аҳолининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда, диний идоралар ҳам ташкил топган. 1867 йили диний иншоотларнинг сони фақат 1 та, 1890 йили – 2 та, 1910 йили эса, уларнинг сони 12 тага етган (1910 йили православ аҳоли 47306 кишини ташкил этган¹). Шунингдек бошқа диндагиларга тегишли яна 6 та ибодатхона, мусулмонларнинг 12 та масжиди (1912 й.) ҳам бўлган. Христиан черковлари Туркистон епархиясига бўйсуниб, унга ўз фаолияти ҳақида ҳисобот бериб турарди². Епархия дастлаб Верний, кейинчалик Тошкент шаҳрида жойлашган эди³. Қуйида 1910 йили Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида мавжуд христиан ибодатхоналари ва мусулмонларнинг масжидлари рўйхати жадвал шаклида келтирилади⁴:

12-жадвал

Диний муассасалар номлари

№	Ўзбекча аталиши	Русча аталиши
1	2	3
<u>Православ ибодатхоналари:</u>		
1.	Спас-Преображение ҳарбий собори	Спасс-Преображенский военный собор
2.	Сергий Радонежский номидаги черков	Церковь во имя Сергия Радонежского
3.	Вокзалдаги Благовешчен черкови	Привокзальная Благовещенская церковь
4.	Туркистон Ўқитувчилар семинарияси қошидаги черков	Церковь при Туркестанской Учительской семинарии
5.	Эркақлар семинарияси қошидаги Архистратиг Михаил номли черков	Церковь при мужской семинарии во имя Архистратига Михаила
6.	Аёллар гимназияси қошидаги Авлиё Богородица Покрови номли черков	Церковь при женской гимназии во имя Покрова Пресвятые Богородицы
7.	Реал билим юрти қошидаги мўжизакор Авлиё Николай Мирликийский номли черков	Церковь при реальном училище Святого Николая Мирликийского

¹ Ўз Р МДА, 182-жамғарма, 43-ҳужжат, 6-варақ.

² Ўша жойда, 7-9-варақлар.

³ Ўша жойда, 6, 10-варақлар.

⁴ Жадвал қуйидаги манбалар маълумотлар асосида тузилган: Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом..., указ.соч. – с.312–322; Ўз Р МДА, 182-жамғарма, 90-ҳужжат, 56-варақ; 84-ҳужжат, 1-4-варақ, 30-ҳужжат, 8-варақ, 79-ҳужжат, 40-варақ; И-1-жамғарма, 13-рўйхат, 976-ҳужжат, 10-11-варақлар. Рус манбаларида Янги шаҳардаги масжидлар жойлашган ҳудуднинг номи билан аталган.

1	2	3
8.	Кадетлар корпуси қошидаги муқаддас Богородица Покрови номли черков	Церковь при кадетском корпусе во имя Покрова Пресвятой Богородицы
9.	Ҳарбий госпиталь қошидаги Авлиё Пантелеймон номли черков	Церковь при военном госпитале во имя Святого Пантелеймона
10.	Интизомли рота қошидаги чўқинтирувчи Николай номига атаб кўйилган черков	Церковь при дисциплинированной роте во имя святителя Николая
11.	Благодарный князь Александр Невский номидаги қабристон черков-часовня	Кладбищенская церковь-часовня во имя благоверного князя Александра Невского
12.	Муқаддас Богородица Покрови номидаги қамокхона черкови, 1906 йилдан Пётр ва Павел апостоллари номидаги черков	Тюремная церковь во имя покровы Пресвятой Богородицы, в 1906 г. – во имя апостолов Петра и Павла
13.	Аёллар монастири (Тошкентдан 6 чақирим масофада, Чирчик дарёсининг бўйида бўлган)	Женский монастырь (в 6 верстах от Ташкента, на берегу р.Чирчик)
<u>Қолган христиан ибодатхоналари:</u>		
14.	Рим-католик черкови (ибодатхонаси)	Римско-католическая церковь
15.	Арман-Григориан ибодатхонаси	Армяно-Григорианская церковь
16.	Евангелий-Лютеран черкови	Евангелическо-Лютеранская церковь
<u>Бошқа диндагиларга тегишли ибодатхоналар:</u>		
17.	Рус яҳудийларининг синагоглари	Синагоги русских евреев
18.	Маҳаллий яҳудийларнинг жамоа синагоглари (Чимкент кўчасида)	Общественная синагога туземных евреев (на Чимкентской улице)
19.	Юсуф Давидовнинг хусусий синагоги	Частная синагога Юсуфа Давыдова
<u>Мусулмонларнинг масжидлари:</u>		
1.	Воскресение бозоридаги масжид	Мечеть на Воскресенском базаре
2.	Татар слободқасидаги масжид	Мечеть на Татарской слободке
3.	Хорошхин кўчасидаги масжид	Мечеть на Хорошхинской улице
4.	Қашғар кўчасидаги масжид	Мечеть на Кашгарской улице
5.	2-Қашғар кўчасидаги масжид	Мечеть на 2-Кашгарской улице
6.	Миробод кўчасидаги масжид	Мечеть на Мирабадской улице
7.	Янги Шахрисабз кўчасидаги масжид	Мечеть на Ново-Шахрисабской улице
8.	Головачёв берккўчасидаги масжид	Мечеть на Головачёвском переулке
9.	Қашғар дарвозадаги масжид	Мечеть у Кашгарских ворот
10.	Чаушин бозоридаги масжид	Мечеть на чаушинском базаре
11.	Пир Назаров берккўчасидаги масжид	Мечеть на Пир Назаровском переулке
12.	Скобелев кўчасидаги масжид	Мечеть на Скобелевской улице

Янги шаҳарда XX аср бошларида жами 32 та диний идоралар бўлиб, уларнинг номлари *маъносига кўра* маълум бир авлиё исми, қайси ташкилотга тегишлилиги (Церковь Святого Пантелеймона при Военном госпитале – Ҳарбий госпитал қошидаги Авлиё Пантелеймон черкови), қайси дин ва оқимга мансублиги (Римско-Католическая церковь – Рим-Католик черкови), ибодатхонани курдирган ёки унга эгалик қилган шахс исми (Частная синагога Юсуфа Давыдова – Юсуф Давидовнинг хусусий синагоги), жойлашган ери (Мечеть на Ново-Шахрисабзской улице – Янги Шахрисабз кўчасидаги масжид) билан боғлиқ топонимларга таснифланади.

Диний муассаса, иншоотлари билан боғлиқ топонимлар орасида диний оқим ёки идора тегишли бўлган ташкилот номи билан боғлиқлари кўпроқ учрайди. Шуниси ҳам эътиборлики, мазкур гуруҳ жой номлари кундалик талаффузда одатда қисқартирилиб айтилган (Госпитальная церковь, Католическая церковь).

Хулоса қилиб айтганда, Янги шаҳар худудидаги турли иншоот, муассасаларнинг номлари XIX асрнинг 60–70 йилларидан бошлаб вужудга кела бошлаган ва шаҳар тараққиёти билан боғлиқ ҳолда кўпайиб борган. Уларнинг номлари ўзида маълум тарихийликни акс этган. Мазкур гуруҳ топонимлари маъносига кўра 9, жойнинг турига қараб 7 гуруҳни ташкил қилади. Ўз навбатида, ҳар бир гуруҳдаги топонимлар янада майдароқ турларга бўлинади. Улар антропотопонимлар, этнотопонимлар, ижтимоий-хўжалик ҳаёт билан боғлиқ топонимлар, географик хусусиятларни билдирувчи ва ҳ.к. топонимлардан иборат. Антропотопонимлар Янги шаҳар худудида айниқса кўп. Ундан сўнг ижтимоий-хўжалик ҳаёт ва географик хусусиятлар билан боғлиқ топонимлар келади. Этнотопонимлар энг кам учрайди.

Афсуски, мавжуд ташкилотларни шаҳар топографик харитасида тўла акс этириш иложи йўқ, зеро уларнинг аниқ манзили архив ҳужжатларида қайд этилмаган. Бироқ мавжуд картографик ва ёзма манбалар ёрдамида йирик иншоотларнинг топографиясига бир мунча ойдинлик киритиш мумкин: маъмурий бинолар, дастлабки ҳарбий, ўқув, тиббий, диний, йирикроқ савдо муассасалари, дам олиш жойлари шаҳар марказига яқин ерларда, кейинроқ ташкил бўлганлари эса шаҳарнинг қолган қисмларида, ташқаридаги ерларда жойлашган.

Юқорида олиб борилган изланишлар шаҳар тарихий топонимиясини, ундаги микротопонимларнинг бир гуруҳи саналмиш идоралар, ташкилотлар, муассасалар номларини, топографиясини ўрганиш, ўз навбатида шаҳар тарихининг маълум даврдаги қирраларини маълум бир тизимда олиб қараш учун қимматли материал, янги имкониятлар беришини кўрсатади. Ҳар бир даврда шаҳар худудида қандай ташкилотлар фаолият олиб борганини билиш, унинг ўша даврдаги тарихи қандай кечганини англашга кўмаклашади, муассасалар қандай аталганини билиш ҳам тарих учун муҳимдир.

Ш Б О Б

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АТРОФИДАГИ ТАРИХИЙ ТОПОНИМЛАР

XIX аср охири – XX аср бошларидаги Тошкент шаҳри атрофидаги тарихий топонимлар

XIX аср охири – XX аср бошларидаги Тошкент шаҳрининг атрофи ҳисобланган ерлар ҳозирги вақтда бевосита Тошкент шаҳри ҳудудига тўғри келади. Аниқроғи, XX аср бошларида Тошкент майдони 34 кв.км. атрофида бўлган ва ҳозирги Шайхонтахур туманининг асосий, Юнусобод туманининг жанубий ва Миробод туманининг шимолий қисмларига мос келган бўлса, ҳозирги Тошкент ҳудуди 256 кв.км.ни ташкил этиши ҳисобга олинса, қолган 222 кв.км. майдони XX аср бошларида шаҳардан ташқаридаги ерлар ҳисобланган. Улар ҳозирги Тошкентдаги Юнусобод туманининг шарқий ва ғарбий, Собир Раҳимов туманининг жанубий, шарқий ва ғарбий, Шайхонтахур, Учтепа, Чилонзор, Яккасарой, Миробод, Мирзо Улуғбек туманлари, Ҳамза туманининг ғарбий, шимолий, Сергели туманининг шимолий қисмларига тўғри келади. Ўрганилаётган даврда шаҳар атрофидаги ҳудудларда, асосан, шаҳарликларнинг мавзелари, дала ҳовлилари, ҳарбий бўлинмалар, бир нечта заводлар, мазорлар жойлашган. Уларнинг номлари турли омиллар билан боғлиқ бўлган. Мазкур топонимларни ўрганиш Тошкент шаҳрининг иқтисодий, маданий, сиёсий тарихини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан мазкур диссертацияда XIX аср охири – XX аср бошларидаги Тошкент шаҳри атрофида жойлашган топонимлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шаҳар атрофидаги топонимлар ёзма ва картографик материалларда акс этган. Жумладан, 1890 йилги Тошкент шаҳри харитасида, Н.Г.Маллицкий келтирган чизмасида¹ шаҳар атрофидаги ҳудудлардан оқиб ўтган куйидаги ариқлар кўрсатилган: Бўзсув (Бозсу), Салор (Салар), Қорасув (Карасу), Чирчиқ (Чирчик), Қорақамиш (Кара-камыш), Яланғоч (Ялангач), Янгиариқ (Янгиарык), Бўржар (Бурджар), Анҳор (Анхор), Чўпонота (Чупаната), Кайковус (Кайкавуз), Полвонариқ (Палванарык) (18-илова). Шунингдек, мазкур карталарда жар ва уялар ҳам қайд қилинган: Қорақамиш жари (овраг Каракамыш), Бўзсув жари (овраг Бозсу), Қорақамиш уяси (логово Кара-камыш), Ашисой уяси (логово Ащи-сай). Баъзи манбаларда шаҳар атрофидаги мавзеларнинг номлари қайд этилган². XIX аср ўрталарига қадар мавзелар Тошкент атрофи бўйлаб жойлашган бўлса, руслар босқинидан кейин, шаҳарнинг ўнг томонидаги мавзелар йўқ бўлиб, бу ерларда янги шаҳар барпо этилган. Лекин, қолган мавзелар анча вақтгача (баъзилари XX асрнинг 30-, айримлари эса – 50-йилларигача) сақланган. Ҳатто, вақт ўтиб, шаҳар ҳудуди кенгайиб боргач,

¹ План города Ташкента 1890 года; Эскизный план Ташкентской городской территории с показанием некоторых урочищ (мауза). К статье Г.Г.Маллицкого “Ташкентские махалля и мауза”. – Ташкент, 1927. – с.122.

² Шишкин В.А. О названиях Ташкентских махалля..., – с.17–24; 12–20; Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля... – с.116.

мавзеларнинг ўрнида турли қурилмалар вужудга келганида ҳам, кўп мавзеларнинг номлари шу жойнинг номига айланиб қолган (Оқтепа, Зангиота, Қушбеги, Нўғойқўрғон, Дархон, Қорасув, Чимбой ва б.).

Мавзе – одатда тошкентликларнинг шаҳар деворидан ташқаридаги деҳқончилик ерлари. Тошкент аҳолисининг анчагина қисми қишда бирор-бир касб билан шуғулланиб, эрта баҳорда мавзелардаги қўрғонлари (боғ уйлари)га кўчиб чиққан. Кеч кузда, ҳосил йиғилганидан кейин шаҳардаги уйларига қайтган. Деярли ҳар бир маҳалла ўз мавзесига эга бўлган. Одатда қўшни маҳаллаларнинг мавзелари ҳам ёнма-ён бўлган ва ҳатто маҳалладаги хонадонларнинг жойлашув тартиби мавзедаги боғларнинг жойлашувида ҳам сақланган. Айрим ҳолларда маҳалла ўз мавзеси билан бир номда бўлган. Масалан: Эшонгузар ва Зангиота маҳаллаларнинг мавзелари шу номлар билан аталган. Тошкентга тегишли мавзе ва қишлоқлар катта майдонни эгаллаган: шимоли-шарқда Ниёзбек қалъасидан (ҳозирги Чирчиқ шаҳри ўрнида), жануби-ғарбда Қовунчоқ (ҳозирги Янгийўл шаҳри)гача давом этган. Тошкентнинг даҳаларга бўлиниши шаҳар деворининг ичкарасидаги жойларгагина эмас, ташқарисидаги жойларга, яъни мавзеларга ҳам тегишли бўлган. Н.Г.Маллицкий уларни “мауза”(“урочище”) деган ва аҳоли томонидан “боғ” деб аталишини қайд этган¹. Олимнинг фикрига кўра, қадимда бундай ерларнинг кўпи алоҳида маҳаллалар аҳолисининг умумий ери бўлиб, баъзан шу маҳалланинг номи билан аталган (Чувалачи, Хиёбон, Тахтапул ва б.), лекин XX аср бошларига келиб бундай ерлар деярли қолмаган, яъни улар хусусий мулкка айланган. Аслида ҳам шунга ўхшаш жараён кечган. Нашр этилган адабиётлар ва хариталарда XX аср бошлари учун мавзеларнинг сони турлича кўрсатилган. Масалан, Н.Г.Маллицкий рўйхатида – 174 та, Тошкент энциклопедиясида – 160 та. Н.Г.Маллицкий рўйхатида берилган мавзелар орасида Тошкент атрофидаги қишлоқларнинг номлари ҳам бор. Бироқ рўйхатда мавжуд мавзеларнинг ҳаммаси қамраб олинган эмас ва буни муаллифнинг ўзи ҳам таъкидлаб ўтади².

¹ Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля и... – с.109.

² Ўша жойда.

Тошкент шаҳри атрофида жойлашган мавзелар (XX аср бошлари)¹:

Шайхонтаҳур даҳасига қарашли мавзелар:

1. Авайхон (Аблайхон)
2. Бўзариқ
3. Дархон (Дархонарик)
4. Дегрез (Дироз)
5. Жангалтепа (Чангалтепа)
6. Ертешкан
7. Ёв (Ёвариқ)
8. Ёпуғли (Ёпуғли мазор)
9. (маҳалла ҳам ҳисобланган)
10. Мирзаюсуф
11. Мингўрик
12. Миробод (ҳозир рус шаҳри ҳудудида)²
13. Оққўрғон
14. Олтинтепа (ҳозир Никифор ерлари)
15. Пихна (Пахина)
16. Полвонарик
17. Посра (Фосира)
18. Саврариқ
19. Сарикўл
20. Тарновғадранг (Ғадрангтарнов, Ғадрагантарнов)
21. Тошариқ
22. Турк (Туркарик, Янгишаҳартурк)
23. Чилдухтарон
24. Шивли ёки Шиблимозор (руслар қисмида Чаули)
25. Шўртепа (Саритепа)
26. Эртишкан
27. Яланғоч
28. Янгитарнов
29. Ўртатўқай
30. Қалмоққамаган
31. Қозитарнов
32. Қорамурт (Қорамурутқопка)
33. Қушчи

¹ Рўйхат қуйидаги манбалар асосида тузилган: Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля и мауза. – Ташкент, 1927. – с.113-116; Маллицкий Н.Г. Тошкент маҳаллалари ва мавзелари /Русчадан У.Қўчқор тарж./ – Т., 1996. – 10–22 б.; Пўлатов Ш. Мавзелар 20-аср боши (карта-схема). – Тошкент. Энциклопедия. – Тошкент, 1992. – 177 б.

² Баъзи мавзе номлари учун Н.Г.Маллицкий изох берган; бу ерда ковузда келтирилган.

Сезбор даҳасига тегшли мавзелар:

1. Айрилиш
2. Алвастикўприк
3. Алматқушчи
4. Бақачтепа
5. Боғкўча
6. Бешўчок
7. Бойкўрғон
8. Болтамозор
9. Гурунчарик
10. Дарвозакент
11. Дархон
12. Довултепа
13. Жангал, ёки Чангалзор
14. Жумамасжид
15. Закотхона (Закотсарой)
16. Иброҳимота
17. Ивиш (Туябўғуз)
18. Йўлайрик (Айрик)
19. Калковуз (Кайковуз)
20. Кориз
21. Кохота (Кохотабўзург)
(маҳалла ҳам ҳисобланган)
22. Кенгроқ
23. Кичиккўрик
24. Кулолтепа
25. Кулолтупроқ
26. Куюкхўжа
27. Кўмирхона
28. Кўрхўжаота
29. Кўтарма
30. Лабзакарик
31. Магазинобод
32. Маракажон (Миракижон, Омонбоқолга қаранг)
33. Мойкўрғон
34. Мозорарик
35. Муғол
36. Омонбоқол
37. Отчопар
38. Оқота
39. Оқтепа
40. Савсарик
41. Савурарик
42. Сандиккўрғон
43. Тахтакўприк
44. Тахтапул (ҳозир шаҳар ташқарисида)
45. Тешиққопқа
46. Тиканлиmozор
47. Туябўғуз
48. Тўйчиобод
49. Унқўрғон

50. Хончорбоғ
51. Холматқушчи (Олмотқушчи)
52. Чангалзор
53. Ўнкўрғон
54. Чалақозок (махалла ҳам ҳисобланган)
55. Чархчи
56. Чилтўғон
57. Чимбой
58. Чимзор (Чимдор)
59. Чордара
60. Чувалачи (Чубанчи)
61. Юнусобод
62. Яккатут
63. Янгиарик
64. Яв (Яви, Яву, Явиарик)
65. Қизилкўприк
66. Қинғирик
67. Қизилкўрғон
68. Қорасарой
69. Кулкўча
70. Куюуккўча
71. Кулоқтепа
72. Гишткўприк
73. Ҳасанбой

Кўкча даҳасига тегишли мавзелар:

1. Ачавот
2. Бекларбеги ёки Бекларбегиқўрук (Қорақамишда)
3. Беқобод ёки Беговот
4. Бешқайрағоч
5. Билтепа (ёки Билтепа Чиғатой)
6. Жарарик
7. Жаркечик
8. Жарқулоқ
9. Ингичкакўрук
10. Кампирдевол (Узунтепага қаранг)
11. Кўктўнликота
12. Меҳтармалик (Митармалик)
13. Нишобарик ёки Нишобқулоқ (Оқтепага қ.)
14. Нодиржонкўлаги (Чиғатойга қ.)
15. Оқлон (Оқилон, Аллон)
16. Оқтепа
17. Сағбон Оқтепа
18. Сағбон Қорасув
19. Тахтакўприк
20. Тошликтепа ёки Чоштепа
21. Туятортар
22. Узунтепа ёпи Кампирдевол
23. Учтепа
24. Хиёбон
25. Хотинкўприк

26. Чилламосор ёки Чилмосор
27. Чимбой (Себзор қисмига қаранг)
28. Чимирота
29. Чиғатой Билтепа
30. Чиғатой Нодиржонкўлаги
31. Чиғатой Сўрқичар
32. Чиғатой Қорақамиш
33. Шолиқулоқ ёки Шолиарик
34. Шопайзиқулоқ
35. Эрон
36. Эшонкўприк
37. Юмалоқ
38. Янгикўнчилик
39. Қирғизкўприк
40. Қорасув (Сағбон Қорасув)
41. Кулкўча (куллар кўчаси, форслар)
42. Кулоқликтепа
43. Қурвоқобод (Қурвақабод; зах, қисман ботқоқ жойнинг масхаромуз номи)

Бешизоч даҳасига тегишли мавзелар:

1. Асилбобо (Асилбоб)
2. Аскиягузар
3. Бўрижар
4. Ёпиғликмосор
5. Зангиота
6. Зах
7. Кирхона
8. Кулолтупроқ
9. Кугайтепа
10. Маховзор (моховлар қишлоқчаси)
11. Навза
12. Нўғайтоштепа (Чоштепа)
13. Полвонарик
14. Ракат
15. Сарикўл
16. Саричопон (Саричўпон)
17. Тахтакўприк
18. Терсарик
19. Тешукликтепа
20. Токай
21. Хирмонсўхта
22. Чала (ҳозир шаҳар ташқарисида)
23. Чангаларик
24. Чарх
25. Чилонзор (Чинорзор, яъни чинорлари бор демақдир)
26. Чопонтикти
27. Чўпонота
28. Шойимкўприк (ҳозир шаҳар ташқарисида)
29. Шўрхона
30. Ўрикзор (Ракатга қаранг)
31. Қатортол

32. Қозиравот
33. Қонқус (хозир шаҳар ташқарисида)
34. Қошқўрғон
35. Қутургансой
36. Қушбеги

Ҳ.Ш.Пўлатовнинг харита-чизмасида¹ иловада берилган рўйхатга кирмаган, яна 8 та мавзе ва 12 та қишлоқ номи акс этган. Жумладан, мавзелар: Дамачи, Дойқўрғон, Жўртепа, Олтинтепа, Садалимасжид, Сарикўл, Толариқ, Тузел; қишлоқлар: Айриқўйлак, Бектемир, Бордонқўл, Миробод, Назарбек, Нўғойқўрғон 1, Нўғойқўрғон 2, Сергели, Хонобод, Қатортол 1, Қатортол 2, Ўртаовул.

Умуман олганда, XX аср бошларида Тошкент шаҳри атрофида 200 дан зиёд мавзе ва қишлоқлар бўлиб, уларнинг номлари мавзе тегишли бўлган маҳалла номи (Тахтапул, Жарариқ, Қушбеги, Чувалачи, Самарқанд Дарвоза, Чархчи), географик шарт-шароит (Қатортол, Қутургансой, Яккатут, Кенгрок, Сарикўл, Юмалоктепа, Чангалариқ), шахс исмлари (Зангиота, Назарбек, Чўпонота, Нодиржон қулоғи), қабила, халқ номи (Нўғойқўрғон, Чалақозоқ, Қирғизкўприк, Эрон), ўзига хос хусусиятлардан (Ўртаовул. Хонобод, Маховзор, Айриқўйлак, Қулкўча, Туятортар, Эшонкўприк, Отчопар) келиб чиқиб қўйилган, дейиш мумкин.

Ҳар бир мавзе, қишлоқ номининг этимологиясини аниқлаш мазкур ҳудуд, атрофлари, яшаган аҳолиси, унинг турмуши, умуман, ўлканинг серқирра тарихини ёритишда муҳим аҳамият касб этади ва бунда топонимларни маълум гуруҳлар бўйича ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида таъкидланганидек, рус босқинидан кейин Тошкент шаҳар атрофида муҳим ўзгаришлар содир бўлди, айниқса, шаҳарнинг ўнг томонидаги ерларда. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент нафақат Туркистон генерал-губернаторлиги, балки Сирдарё вилоятининг ҳам маркази бўлган. Умуман Сирдарё вилоятида мазкур даврда Тошкент, Чимкент, Туркистон, Авлиёота каби тўртта йирик шаҳар мавжуд эди. Мазкур шаҳарлар атрофида, вақт мобайнида рус ва бошқа европалик аҳоли келиб ўрнашган жойлар – посёлкалар – вужудга кела бошлади. Асосан, улар шаҳарларнинг шимоли-шарқий, жануби-шарқий томонида қад кўтарган¹.

Тошкент ва атрофидаги ерлар Тошкент уездига тегишли бўлиб, ушбу уезд шимолда Чимкент уезди билан чегарадош эди. Тошкент уездининг ҳудудидан Кўксув, Бискан, Майдонтол, Озотпас, Одамтош, Оқсоқота, Чотқол-Чирчиқ, Сувселес, Қуруқ Келес, Охангарон, Сардоб, Ўктамсиз, Туябўғоз, Қорамозор каби ариқлар оққан. Маъмурий жиҳатдан уезд Тошкент шаҳри ва 28 та волостга бўлинган. Бу Уральская, Абликская, Теляуская, Хурданская, Канджигалинская, Пскентская, Казахская, Букинская, Ак-Курганская, Осмон-атинская, Майданталская, Чиназская, Гаиб-атинская, Зенги-атинская, Той-тюбинская, Джалал-тюбинская, Китай-тюбинская, Джити-кентская, Кош-курганская, Александровская, Ниязбекская, Джитисуйская, Шарапханская, Ак-

¹ Карта русских поселений Сыр-Дарьинской области. (Начало XX века).

джарская, Булатовская, Алтиновская, Джаускумская, Чардаринская, Ирджарская волостлари¹.

Тошкентнинг Янги шаҳар қисмидан шимолий, шарқий, жануби-шарқий томонлардаги шаҳар атрофи ерларни XIX аср охиридан бошлаб европалик аҳоли эгаллай бошлаган ва 14 йирик аҳоли пункти вужудга келган². Улардан тўрттаси, яъни Паркент, Ниёзбоши, Тўйтепа, Пскент туб ерли аҳолига, ўнтаси, яъни Кауфманское, Константиновка, Черняевка, Троицкое, Никольское, Успенское, Когородицкое, Чиноз, Самарскоелар эса рус аҳолисига тегишли ҳисобланган. Булар ичида Никольское ва Успенское посёлкалари худудий жиҳатдан Тошкентга энг яқин жойлашган.

Шаҳарга яқинроқ бўлган атрофдаги ерларда, яъни Салор ариғининг чап соҳилидан бошлаб, русларнинг ҳарбий бўлинмалари, турли саноат объектлари, экинзорлар (плантации), дала-ҳовлилар (дачи), қабристон, отчопар, ҳарбий далалар жойлашган эди. Шунингдек, манбаларда маҳаллий тадбиркорларга тегишли тегирмон, завод, фабрикалар ҳам бўлгани қайд этилган. XIX аср охири – XX аср бошларига оид ёзма ва картографик маълумотларга таяниб, Тошкент атрофидаги объектларнинг номлари ва жойлашиш ерини бирмунча аниқлаш мумкин. Янги шаҳар атрофида аниқланган жой номлари рўйхати қуйида жадвал шаклида берилди (жами – 38 та топоним)³.

13-жадвал

Янги шаҳар атрофида аниқланган жой номлари

<i>№</i>	<i>Топонимнинг ўзбекча шакли</i>	<i>Топонимнинг русча шакли</i>
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>
1.	Чимкент йўли	Чимкентский тракт
2.	Разъезд I	Разъезд I
3.	Никольское қишлоғига йўл	Дорога в сел.Никольское
4.	1-лин.батальон лагери	Лаг.1-го лин.бат.
5.	Кадетлар корпуси	Кадетский корпус
6.	10-лин.батальон лагери	Лаг.10-го лин.бат.
7.	5-Оренбург қозоқ полки лагери	Лаг.5-го Оренб.каз.полка
8.	Сифон	Сифон
9.	Первушин меросхўрларининг вино заводи	Винокурный зав.насл.Первушина
10.	Темир йўл устахоналари	Железно-дорожные мастерские
11.	2-ўқчи баталёни лагери	Лаг.2-го стр.б.
12.	3-ўқчи баталёни лагери	Лаг.3-го стр.б.
13.	4-ўқчи баталёни лагери	Лаг.4-го стр.б.
14.	1-ўқчи баталёни лагери	Лаг.1-го стр.б.

¹ Сорник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, 1891. – с.119.

² Карта русских поселений Сыр-Дарьинской области. (Начало XX века).

³ План Русской части г.Ташкента 1890 года; Карта г.Ташкента 1905 года. Ўз Р МДА жамғармаларида сақланаётган 1-, 718-, И-36, И-37, И-17-жамғармалар ҳужжатлари.

1	2	3
15.	Ҳарбий госпитал	Военный госпиталь
16.	9-паравоз депоси	Депо 9-ти паровозов
17.	Савдогар Иванов дала-ҳовлиси	Дача купца Иванова
18.	Мозор	Кладбище
19.	Сапёрлар яримбаталёни лагери	Лаг.сапёрн.полуб.
20.	Савдогар Первушин дала-ҳовлиси	Дача купца Первушина
21.	Чилдухтарон қишлоғи	Сел.Чилдыхтуран
22.	Отчопарлар жамияти отчопари	Ипподром Скаковского общества
23.	Ҳарбий дала	Военное поле
24.	Отхоналар	Конюшни
25.	3-Оренбург казак полки	3 оренб.каз.п.
26.	2-Хўжанд заҳира баталёни казармалари	Казармы 2 Ходж.резерв.бат.
27.	5-Оренбург казак полки казармалари	Казармы 5-го оренб.каз.полка
28.	Озиқ-овқат дўкони	Продоволств.магазин
29.	Артиллерия ўрмони	Артиллерийская роща
1	2	3
30.	Жазо рота казармалари	Казармы дисциплинированной роты
31.	Жемчужников пиво заводи	Пивоваренный завод Жемчужникова
32.	Вокзал черкови	Вокзальная церковь
33.	Вокзал	Вокзал
34.	И.Гримберг тамаки плантацияси	Табачная плантация И.Гримберга
35.	Генерал-губернатор дала-ҳовлиси	Дача Генерала-Губернатора
36.	Голицин дала-ҳовлиси, кейинроқ у Губернатор Югансон дала-ҳовлиси бўлган	Дача Голицина, позже это - дача губернатора Югансона
37.	Абдувосиқ Абдуғаниевнинг Гуруч заводи	Рисовый завод Абдувосика Абдуғаниева
38.	Абдулла Умаров тегирмони	Мельница Абдуллы Умарова
39.	Каримбоевнинг тери ишлаб чиқариш заводи	Кожевенный завод Каримбаева
40.	Ортиқ Саитбоев тери заводи	Кожевенный завод Артика Саитбаева
41.	Салор шоҳкўчаси	Саларский проспект
42.	Дачная кўчаси	Дачная улица
43.	Чимкент йўли	Чимкентский тракт
44.	Паркент кўчаси	Паркентская улица
45.	Никольское қишлоғи	Селение Никольское
46.	Никольское қишлоғига йўл	Дорога в село Никольское
47.	Қўйлик қишлоғи	Селение Куйлюк
48.	Қўйлик қишлоғига йўл	Дорога в селение Куйлюк

Мазкур ҳудуддаги топонимлар объектнинг бирор шахс ёки ташкилотга тегишли экани, унинг фаолият тури ва тартиб рақами (Савдогар Иванов дала-ҳовлиси, 3-Оренбург казак полки), муассаса яқинидаги объект (Вокзал черкови), муассаса тури (Вокзал, Ҳарбий дала), жойлашган ҳудуднинг номи (Чилдухтарон қишлоғи, Никольское қишлоғига йўл) кабилар билан аталган.

Мисол тариқасида Никольское қишлоғи тарихини олиб кўрамиз (Тошкент атрофидаги яна бир нечта топонимга оид этимологик маълумотлар лугатда берилди).

Никольское посёлкаси (Никольское) – Тошкент шаҳрига энг яқин масофада жойлашган қишлоқ. Руслар босқинига қадар бу ерлар Шўртепа ва Саритепа деб номланиб, қисман жалойир, сирғали, қипчоқ, қирғиз каби уруғлар, қисман шу атрофда ва шаҳарда яшовчи ўзбеклар (сартлар)га тегишли бўлган¹. Мазкур жойнинг рус посёлкасига айланиши ҳақидаги маълумотлар турлича.

Рус манбаларида Саритепадаги ерлар, гарчи шаҳарликларнинг қир-адирлари деб саналса ҳам, шаҳардан узоқ, ўсимлиги жуда кам бўлгани учун, улардан ҳеч ким фойдаланилмади², улар генерал Черняевнинг буйруғига биноан, шу ерда қамиш ўриш билан машғул бўлган қирғизлардан тортиб олингани ва давлат ҳазинаси ҳисобига ўтказилиб, фойдаланиш учун 1864 йилдан 1872 йилга қадар аскарларга берилгани ёзилган³. Никольское посёлкаси учун Яланғочдаги ерлар ажратилган бўлиб, улар Тошкент аҳолисига тегишли экани кўрсатилган⁴.

Архив ҳужжатларида бу ердаги баъзи жойлар Тошкентнинг Шайхонтахур қисмидаги Дархон маҳалласида яшаган Ашурмуҳаммад Табаопалов, Расулмуҳаммад Қурбонбоев ва Раҳматулла Мирзаевлардан тортиб олингани ва бу шахслар 1895 йилда ҳам ҳали бу жойлар учун шаҳар бошқармасига мурожаат қилиб, пул талаб қилиб юрганлари ҳақида баён қилинади. Шунингдек, ҳужжатлардан бундай даъвогарлар кўплиги, улар орасида собиқ рус аскарлари ҳам бўлгани маълум. Рус аскарлари тортиб олинган ерлар эвазига, асосан пул ёки бошқа жойдан ер сўраган бўлсалар, маҳаллий аҳоли кўпроқ пул ёки шу ерларнинг ўзини қайтарилишини талаб қилган. Бунга жавобан 1873 йили баъзи даъвогарларга, чорва боқиш учун қулай, Ниёзбек атрофидан ер ажратилган, айримларига маълум миқдорда пул берилган, қимларгадир ҳеч нарса берилмаган⁵. Демак Никольское посёлкаси таркибига Шўртепа, Саритепадаги қирғиз, ўзбекларнинг ва Яланғочдаги тошкентликларнинг ерлари киритилган.

XIX аср охирида асос солинган мазкур рус қишлоғининг “Никольское” деб номланишига сабаб, бу ерда 1865 йили май ойида рус қўшинлари Қўқон хонлиги аскарлари устидан ғалаба қозонишган. Шу боис генерал Черняев шу ерда “намунали рус турар жойи барпо этиш ниятида” махсус комиссия тузган ва “Тошкент шаҳри тақдирини ҳал қилган кун”, 1865

¹ Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, 1891. – с.152.

² Ўз Р МДА. 1-жамғарма, 27-рўйхат, 1129-ҳужжат, 109-варақ.

³ Сборник материалов для статистики... – с.154.

⁴ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 32063-ҳужжат, 10, 522-варақлар.

⁵ Ўша жойда.

йил 9 май – Никольский кунига тўғри келгани учун, рус аскарларининг қўлга киритган ғалабаси шарафига “Никольское” деб ном қўйган⁶.

Никольское посёлкаси учун ажратилган жой тахминан 500 десятинани ташкил қилиб, Тошкентдан 10 чакрим масофада, шаҳарнинг шарқий томонида бўлиб, у ерларда ботқоқлик, қамишзолар кўп эди; қисман шоли ва беда экилган, Сарисув қишлоғи ва атрофларида қамиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу ердаги асосий ариқ Кичик Қорасув¹ бўлиб, ундан суғориладиган ерларда, кейинроқ эса, ботқоқларни қуритиш натижасида вужудга келган майдонларда ҳам ғалла етиштирилган.

1890 йили 2 октябрда Никольское қишлоғининг аҳолиси рўйхатдан ўтказилганда, у ерда 748 киши яшагани аниқланди. 1895 йилда оилалар сони 260 та эди². Эркаклар, асосан деҳқончилик (120 оила деҳқончилик билан шуғулланган), қисман ҳунармандчилик билан машғул бўлганлар, аёллар эса кўпинча шаҳарда яшаганлар, фарзандларининг таълим-тарбияси билан шуғулланганлар.

1890 йили бутун қишлоқда 167 турар-жой биноси бўлиб, иккита асосий кўча ўтган. Бу кўчаларни бир-бири билан боғловчи яна бир катта кўча кейинроқ, 1884–1895 йилларда, полковник Абграль бошчилигида қурилган³. Кўчалар бир-бирига параллел ётқизилган бўлиб, шимолдан жанубга томон йўналган, берк кўчалар уларга перпендикуляр тарзда жойлашган. Никольскоеда мактаб (1885 йили Айходжинов томонидан қурилган, майдони 300 сажень, 1 бино, 6 хона)⁴, қишлоқ хўжалиги билим юрти (1891 йили қишлоқнинг жанубий қисмида Турқарикқа яқин ерда)⁵, Турбат (Туркистон баталёни) амбулатория пункти (1891 йили Зокирхўжа Имонов уйини ижарага олган), полиция пункти, Минерал сувлар ва вино маҳсулотлари заводи (1889 йили Белоклоновнинг уйида очилган; Никольскоенинг ўзида 1890 йилдан вино сотиш ман этилган, гўё қишлоқнинг ҳали бутунлай қуриб битказилмаганлиги сабабли, шу боис завод виноси Тошкентда сотилган)⁶ каби муассасалар бўлган. Қишлоқ аҳолиси ғаллачилик ва чорвачилиқдан ташқари устачилик (15 киши), этикдўзлик (4), тикувчилик (14), аравакашлик (6), ғилдирак ясаш (3), темирчилик (3), қандолатчилик (1), виночилик (2), уй қуриш ва таъмирлаш (11), печкачилик ва уй қуриш (5), ичак тозаловчилар (2), кўнчилик (10), каштачилик (4), кир ювиш (1) кабилар билан машғул бўлган⁷.

Никольское қишлоғининг аҳолиси кўпайиб бориб, турар жойлар сони ортган. Бозор кунлари, Тошкентга яқинликни ҳисобга олган ҳолда, сешанба ва

⁶ Ўз Р МДА. И-1-жамғарма, 27-рўйхат, 1133 а-ҳужжат, 3-орқа-варақ.

¹ Рус манбаларида “Малый Карасу” деб номланган.

² Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 32063-ҳужжат, 10, 522-варақлар.

³ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 20133-ҳужжат, 6-варақ; 20135-ҳужжат, 9, 19, 23-варақлар.

⁴ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 25936-ҳужжат, 40-43-варақ.

⁵ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 14816-ҳужжат, 22-23-варақ.

⁶ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 20852-ҳужжат, 10-24-варақ.

⁷ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 20672-ҳужжат, 14-варақ; Маев Н. Русский Ташкент... – с.126–162.

шанба кунларига белгиланган⁸ (Тошкентда бозор кунлари, асосан – чоршанба ва якшанба кунлари бўлган). Сабаби, бу ерда одамлар Чирчиқ ва бошқа узокроқ жойлардан келиб маҳсулотларини сотиб кетганлар. Никольское аҳолиси кўпинча воситачи савдогарлар вазифасини бажарган, шунингдек, тошкентлик савдогарлар шу ердан мол харид қилганлар.

Никольское қишлоғининг тарихига оид маълумотлар ўрганилаётган даврда мазкур ҳудудда маҳаллий ва кўчиб келган европалик аҳоли ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар, уларнинг турмуш тарзи билан таништиради ва Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида вужудга келаётган рус қишлоқларининг шаҳар билан алоқалари ҳақида ҳам тасаввур беради.

Тошкентнинг Янги шаҳар чегараси ортида жойлашган топонимларга келса, уларнинг таркибида ижтимоий-хўжалик ҳаётни акс эттирувчи топонимлар ва антропотопонимлар кўпчиликни ташкил қилади, гидроним, этнотопоним, географик шароит билан боғлиқ, келиб чиқиши ноаниқ топонимлар кейинги ўринларда туради.

Шаҳар атрофи топонимлари таркибида кўчаларнинг (йўлларнинг) номлари ҳам мавжуд. Улар Чимкент йўли (Чимкентский тракт), Никольское қишлоғига йўл (Дорога в сел.Никольское), Паркент кўчаси (Паркентская улица), Салор шоҳкўчаси (Саларский проспект), Кўйлик шоҳкўчаси (Куйлюкский проспект), Дачная кўчаси (Дачная улица) каби номлар билан аталган ва асосан, шаҳардан чиқиладиган йўналишлар билан боғлиқ бўлган. Никольское қишлоғига йўл шаҳардан Никольскога олиб борса, Паркент кўчаси Паркентга, Салор шоҳкўчаси Салор ариғига, Кўйлик шоҳкўчаси Кўйлик қишлоғига, Дачная кўчаси эса Туркистон генерал губернаторининг дала ҳовлисига олиб борарди.

Топонимларининг тарихий таҳлили: Нўғойқўрғон топоними мисолида

Этнотопонимлар – бу маълум бир қабила, уруғ, халқ, миллат номи билан аталган географик номлар саналади. Ўрта Осиё этнотопонимларини ўрганиш, шу жумладан, топонимик нуқтаи назардан уларни таҳлил қилиш ўлка тарихини ёритишда катта аҳамиятга эга ва ҳар бир этнотопонимни алоҳида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Этнотопонимлар Тошкент топонимларининг рўйхатида ҳам мавжуд. Масалан: Қалмоққамаган, Лўликўча, Қирғизкўприк, Қозоқбозор, Турктепа, Чиғатой, Мўғулкўча, Қорасарой, Нўғойқўрғон ва бошқалар. Қуйида “Нўғойқўрғон” топонимининг тарихига тўхталиб ўтамиз. Илмий адабиётларда бу мавзу Ўрта Осиё тарихига доир турли масалаларни ёритиш мобайнида (Н.А.Аристов, Н.Г. Маллицкий, В.В.Бартольд, Т.Нафасов, С.Қораев ва б.) қисман тилга олинган, бироқ “Нўғойқўрғон” этнотопонимига бевосита бағишланган дастлабки мулоҳазаларни биз “Тошкент шаҳри ва вилояти

⁸ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 20613-ҳужжат, 6-варақ.

топонимлари муаммолари” илмий анжуманидаги маъруза тезисларида келтирган эдик¹.

Умуман, таркибида “нўғой” сўзи мавжуд топонимлар Ўзбекистоннинг турли районларида учрайди. Масалан: Нўғойкон (Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги қишлоқ), Нўғойли (Қашқадарё вилоятининг Яқкабоғ туманидаги қишлоқ), Нўғойшоҳ (Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги дарё)², Нўғойқўрғон (Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида) ва б.

Тошкент шаҳри ҳудудида ҳам “Нўғойқўрғон” номли иккита жой мавжуд.

1) Нўғойқўрғон – Тошкент яқинида жойлашган қишлоқ бўлган. Ҳозирги вақтда у Чочтепа кўчасида (Сергели тумани), яъни шаҳар ҳудудига киради. Н.Г.Маллицкий “Тошкент маҳаллалари ва мавзелари” (1927 й.) асарида мазкур топонимни Ногай-тош-тепа (Чош-тепа) шаклида ёзган³.

Баъзи маълумотларга кўра, нўғойлар бу ерда XIX асрнинг охирида, Тошкент шаҳри Қўқон хонлиги томонидан босиб олингандан сўнг келиб жойлашганлар. Ўша вақтда Қўқон хони Мадалихон (1822-1842) бу тоифа учун ғарбда Дархон ариғидан шарқда Қорасув ариғигача, жанубда Совукбулоққача, шимолда Салор ариғигача бўлган ерларни солиқдан озод этиб берган. Шу сабабли мазкур жой Нўғойқўрғон деб аталган экан.¹ Мазкур ҳудудга нўғойларнинг келиб ўрнашиши ҳақида “Туркестанские ведомости”да қуйидаги маълумотни ўқиймиз: “Нўғойқўрғон татар колонияси Салорнинг чап соҳилида жойлашган, тўғри тақсимланган ва анчагина кенг кўчаларга эга. Бир сўз билан айтганда, кўриниши билан осиеликлар турар жойларига ўхшамайди. Қишлоқ 33 та ҳовлидан иборат ва унда Россиянинг турли ерларидан ҳар хил даврлар давомида (кўпроқ Қозон ва Оренбургдан) қочиб келган татарлар истиқомат қиладилар, натижада [қишлоқ] шундай ном олган. (Ўрта Осие хонликларида татарларни нўғойлар деб атайдилар. Аввал бу ном катта бўлмаган татар халқига берилган, энди эса Ўрта Осиедаги умуман барча татарларни шундай аташади. Айни нўғой уруғидан бўлган татарларнинг катта бўлмаган сонли аҳолиси эса ҳозир ҳам Таврик яриморалини эгаллайдилар). Бу қишлоқ қирқ йилча аввал ташкил топган; бу ерда ўрнашиб олган татарлар асосан, асирга тушиб қолишдан кўрқиб кўчиб келишган. Нўғойқўрғоннинг асосчиси Мулла Губайдуилаҳдир. Мулла Губайд-Уллаҳ Қўқон вазири Мулла-Аҳмад номли Муҳаммад-Гали хоннинг укаси (акаси) бўлиб, Бегларбегидан Тошкент атрофларидан ер олишга муяссар бўлган эди, ва Нўғойқўрғоннинг ҳозирги ҳудудининг мана шу ерида Россиядан қочиб келган ўзининг қабиладошларига, кейинчалик маблағлари бўлганда, ернинг нарҳини тўлашлари шарти билан

¹ Бўриева Х. Нўғойқўрғон топонимининг тарихи хусусида // Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммолари: Илмий-амалий конференция докл. тез. – Т., 1994. – 82–83 б.

² Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Т., 1989. – 132 б.; Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? – Т., 1970. – 89 б.

³ Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля... – с.113.

баъзиларига икки, баъзиларига тўрт танобдан, ер бўлиб берган эди”¹. П.И.Пашинонинг ёзишича, Нўғойқўрғон қишлоғи (“деревня Ногай-Курган”) нисбатан катта бўлиб, унда бир нечта юз уйлар бўлган. Мазкур уйларда Россиядан турли даврларда қочиб келган татар оилалари яшайдилар, уларни маҳаллий аҳоли “нўғойлар” деб атайдилар. Муаллифнинг таъкидлашича, “бу ер шуниси билан ажойибки, бутун ўлкада фақат шу ҳудудда картошка етиштирилади”².

2) Чилонзор тумани Қатортол кўчасида жойлашган Нўғойқўрғон; бу ерда “Нўғойқўрғон” қабристонини ҳам бор. “Қўрғон” сўзи “могильный холм” маъносини англатиши³ ҳисобга олинса, мазкур “Нўғойқўрғон” этнотопоними нўғойларнинг қабристонини билан боғлиқлигини тахмин қилиш мумкин. Юқорида келтирилганлардан Чилонзор туманидаги “Нўғойқўрғон” этнотопоними ҳақидаги тахмин “татар” этнотопоними тарихи билан боғлиқ, дейиш мумкин.

“Нўғойқўрғон” хусусида қуйидаги ривоят ҳам бор:

Айтишларича, татар қабиласининг ўғлони Хайробод бир туш кўрган экан, унда оқ туя бу ерга келиб, дам олиш учун ерга чўкибди. Сўнг Хайробод шу ерда уй қуради ва яшай бошлайди..., унинг авлодлари эса уйни қалъага айлантириб, унда тинч-тотув яшайдилар. Маълум вақт ўтиб, шу ернинг аҳолиси бу жойни “Нўғойқўрғон” деб атай бошлаганлар. Мазкур ривоятда қанчалик ҳақиқат борлигини аниқлаш қийин, бироқ вақф ҳужжатларидан бирида Хайробод исми қайд этилган. Унда ёзилишича, бу ерни 1625 йили аллақандай Қажом Хайробод ўз ўғлига ҳадя қилган экан. Ҳозирги вақтда ҳам ушбу мақбара ходимлари томонидан Хайробод эшон ҳақида қизиқарли манбалар тақдим этилди ва уларга кўра, бу мақбара Хайробод эшонга тегишли. Бироқ унинг ўзи нўғой қабиласига мансуб эмаслиги ҳам бу манбаларда таъкидланади. Фикримизча, “Нўғойқўрғон” топоними “могильный холм” маъносини англатиши ҳақидаги тахмин кўпроқ илмий жиҳатдан асосланганроқ, яъни ушбу жой номи, гарчи мақбара Хайробод эшонга тегишли бўлса-да, унинг исми билан эмас, балки шу ерга келиб ўрнашган нўғой қабилалари билан боғлиқ.

“Нўғойқўрғон” – “нўғой” ва “қўрғон”, яъни икки сўздан ташкил топган; “нўғой” – татар қабилаларидан бирининг номи; “қўрғон” қалъа, ҳимоя, қабр ёнидаги баланд пахса девор ёки қабр, қабристон тепалиги, дўнглик каби маъноларни англатади⁴. Айрим тадқиқотларда “Нўғойқўрғон” этнотопоними турк-мўғул гуруҳига оид ва “нўғой” сўзининг этимологияси “нохой” тотемига тегишли, деб қайд этилади. Бу сўз ҳозирги мўғул тилида кучук (ит) маъносини англатади. Кейинчалик “нўғой” сўзи қабилани номини билдирадиган бўлган ва мазкур қабилани аъзолари яшайдиган ерларга тарқалган.

¹ “Туркестанские ведомости” газ. 1873. – №2. (рус тилидан диссертант таржимаси).

² Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки. – СПб., 1868. – с.98.

³ Мурзаев Э.М. Словарь народных терминов. – М.: Мысль., 1984. – с.316.

⁴ Ўша жойда.

Этнотопонимнинг шаклланиши турк-мўғул қабилаларининг миграцияси билан боғлиқ. Чунончи, “нўғой” этноними турли манбаларда тилга олинган. Рус манбаларида Аштархон (Астрахань) шаҳрида яшаган турк қабилаларини шундай деб атаганлар. Бу этноним кейинчалик ҳам сақланиб қолган. Масалан, XX асрда эса Ўрта Осиёдаги ўзбеклар Волга бўйларида яшайдиган халқларни “нўғой” деганлар, руслар уларни “татарлар” деб атаганлар.

Татарлар Марказий Осиёнинг энг қадимги қабилаларидан бири. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарининг “Муқаддима” қисмида Амир Темур аждодлари ҳақида сўз борганда туркий халқлар ҳақида ҳам маълумот келтирилган. Унда ёзилишича, туркий подшоҳ Алинжаҳоннинг эгизак икки ўғли бўлиб, буларнинг бирини Татар, иккинчисини Мўғул дейишган¹. Демак татарлар келиб чиқишини туркий деб хулоса қилиш мумкин. Лекин Маҳмуд Кошғарий татар тилини турк тилидан фарқлаган² (эҳтимол, бу ерда гап диалектик фарқланиш ҳақида бораётгандир). VII асрдан бошлаб турк-мўғул қабилаларининг Марказий Осиёдан ғарбга кўчиши бошланган, буларнинг таркибида татарлар ҳам бўлган. Чингизхон истилоларида (1211–1227 йй.) қатор қабилалар “мўғул” деб атала бошланган, лекин “татар” номи Олтин Ўрда аҳолиси орасида шунда ҳам сақланиб қолган³.

“Нўғой” этнонимининг “татар” этноними билан уйғунлашиши ўз тарихига эга. Жумладан Н.А.Аристов бу ҳақда шундай ёзади: “... Жўчи улусининг парчаланиши даврига келиб (XIV аср) Уралдан Кубон ва Дукайгача бўлган ерлардаги кўчманчи турк қабилалари Берка-хоннинг (655/1257–666/1267) жияни бўлмиш Нўғойнинг исмидан “нўғойлар”, деган умумий ном билан аталганлар, Нўғой XIII асрнинг охирида ўзининг хукмронлиги остида бир нечта кучли уруғларни бирлаштириб, уларнинг ёрдамида Олтин Ўрда хонларини тайинлай олган ёки тахтдан маҳрум қила олган”⁴.

Умуман тарихда Нўғой исмли бир нечта таниқли шахслар яшаб ўтгани маълум. Масалан, Рашид ад-Дин “Сборник летописей” асарида⁵ куйидаги шахслар ҳақида ёзган:

“1) Нўғой – Чингизхон ҳузуридаги қози (судья), унинг аждодлари Чингизхонга-Темучинга ёшлигида яқин бўлишган;

2) Нўқой – сарой аъёни, Чингизхон давридаги баяут (боёвут) қабиласидан бўлган Кукужунинг ўғли;

3) Нўқой – баарин (бахрин) қабиласидан бўлган Баян-нўённинг ўғли Нангяс вилоятида хукмронлик қилган;

¹ Бўриев А. Амир Темур аждодлари. – Т., 1992. – 9 б.

² М.Кошғарий. “Девону лоғотит турк”..., ўша манба – Т.2. – 234 б.

³ Бартольд В.В. Мангыты. Статьи из “Энциклопедии ислама”. Сочинения. В 10-ти т. – М.: Наука, 1968. Т.5. С.556.

⁴ Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племён и народностей. Сведения об их численности // Живая старина. Вып. IV. Год шестой. СПб., 1896. – С.277–456.

⁵ Рашид ад-дин. Сборник летописей. – Т I. М.-Л., 1952; Т. II. М.-Л., 1960; Т. III. М.-Л., 1956.

4) Нўқой-ёрғучи, туман беги, Жўчининг невараси бўлмиш Татарнинг ўғли, Жўчи улусига мансуб Тўқтой улуси қўшинининг ўнг қанотининг бошлиғи бўлган.”

Бироқ “нўғой” этноними йирик сиёсий ва этник ўзгаришлар тарихида кўпроқ танилган шахс, Берке даврида Жўчи улусининг ўнг қанотини бошқарган, Жўчининг невараси, Татарнинг ўғли туман беги Нўғой (Нўқой) номи билан боғлиқ. Берке вафот этгандан сўнг, у Олтин Ўрданинг ғарбий чегараларидан ғарбга ҳарбий юришлар қилиб, Турку-Северин номли венгер қалъасигача бўлган Дунай ва Карпат тоғларининг тоғолди ҳудудлари орасидаги ерларни ўзига бўйсундирди; Тирково подшолиги, Браничев ва Видин князликлари, қирол Сербин Милутин Нўғойга вассал бўлганлар; Нўғой ўзига бўйсунмаган Қрим шаҳарларини ҳам вайрон қилган. Бекларбеги Тўқтахон билан рақиблашган ва 1300 йили икки ўртада бўлган жангда Нўғой ўлдирилган, ерлари эса Тўқтахоннинг тасарруфига ўтган¹. Бироқ Н.А.Аристов таъкидлаганидек, Берка даврида ва ундан кейин ҳам Нўғойнинг таъсири кучли бўлган ва бу Жўчи улуси парчаланганидан сўнг Уралдан Дунаигача жойлашган барча турк-мўғул халқларининг “нўғойлар” деб аталишига сабаб бўлган.

Воқеаларнинг кейинги кечиши Каспий ва Орол денгизларидан шимолроқда, Волгадан Иртиш дарёсигача бўлган ерларда Нўғой (Манғит) ўрдасининг ташкил топганини кўрсатади. У Олтин Ўрдан XIV аср охири-XV аср бошларида ажралиб чиққан, маркази Саройча шаҳри бўлган; XVI асрнинг иккинчи ярмида Нўғой Ўрдаси Катта Нўғойлар, Кичик Нўғойлар ва Олтиул ерларига парчаланиб кетган². Мазкур воқеалар географик харитада ҳам акс этган, яъни Кавказолди ҳудудининг шарқида, Терек ва Кума оралиғидаги чалачўл ерлар Нўғой дашти номини олган.

Шарқ манбаларида нўғойлар, шу жумладан, Абулғозида³ ҳам, XV асрдан бошлаб “манғитлар” деб тилга олинади.

Манғит, бу мўғул қабилаларидан бири. Уларнинг аждодлари Мўғулистондан мўғул истилоси даврида келган ва Қуйи (Шимолий) Поволжье ҳудудига бостириб кирган, улар кейинчалик, ҳозирги Ўзбекистон ерларига келиб ўрнашганлар. Бу ерда улар, асосан, “манғит” номи билан танилиб кўпгина кичик қабилаларга (оқ манғит, темирхўжа, бешкал) бўлиниб кетганлар. Манғит қабиласи Ўрта Осиё ҳудудидаги энг кенг тарқалган ва кўпсонли қабилалардан саналган. Маҳмуд ибн Валий ўзининг “Баҳр ул-асрор” асарида манғит (улус) ва қўнғирот (эл) уруғларини икки энг нуфузли ўзбек қабилалари сифатида таърифлаган⁴. Манғитларнинг катта қисми Бухоро, Қарши, Чоржўй, Жиззах, Шимолий Афғонистонда яшаган. Улар ушбу ҳудуднинг, жумладан, Бухоро ва Хоразмнинг иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок

¹ Егоров В.Л. Историческая география Золотой Орды в XIV-XV вв. – М., 1985. – с.196, 201.

² Ўзбек Совет энциклопедияси. Нўғой Ўрда. Бош муҳаррир К.А.Зуфаров. – Т.: Ўз Сэ Бош редакцияси, 1976. Т.8. – Б.108.

³ Бартольд В.В. Мангыты. Статьи из “Энциклопедии ислама”... – с.556.

⁴ Маҳмуд ибн Валий. Баҳр ул-асрор..., ўша манба – 45 б.

этганлар. Бухорода улар ҳокимиятни қўлга олиб 1753 йилдан 1820 йилга қадар бошқарганлар.

Шарқ манбаларида айтилишича “манғит” этнонимининг “нўғой” этнонимига синоним сифатида тилга олиниши манғитлар нўғойларнинг таркибий бир қисми бўлганини англатади. Улар Ўрта Осиё худудига “Сирдарёнинг нариги томонига бутун уруғлар ва катта қисмлар эмас, балки турли уруғларнинг майда бўлақларидан тузилган дружиналар шаклида, ўзбек қабила уюшмалари” таркибида келганлар¹. Демак нўғойларнинг Ўрта Осиёга миграцияси ўзбек қабилалари таркибида XV асрдан бошланган.

Аммо, ҳозирги Ўзбекистон худудида “нўғой” сўзининг пайдо бўлиши билан боғлиқ яна бир қизиқарли маълумот ҳам мавжуд. Бу ҳақда Ўтамиш хожи ибн мавлоно Муҳаммад Дўстий (XIV аср)нинг “Чингизнома” асарида қайд этилган. Муаллиф дашт оғзаки ижоди тарихнавислигига таяниб, Дашти Қипчоқнинг XIV асрдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ёритиб берган². “Чингизнома”да Қозоғистон худудидаги ҳозиргача кам таниш Тенгиз Буғо Ўрдаси ҳақида сўз боради. Исатой ўғли Жир Қутлиғнинг ўғли Қиёт Тенгиз-Буғонинг Сирдарёнинг қуйи қисми ҳавзасига келгани, ҳокимиятнинг ундан Жўчи уруғидан бўлган Қора Нўғой қўлига ўтгани, охиргиси уч йилдан сўнг ўрнини укаси Туғлуқ Темур эгаллагани ҳақидаги воқеалар батафсил ёритилган³. Нўғой ҳокимият тепасига 1359 йили келган, яъни “Нўғой” исми Ўрта Осиё худудида XIV аср ўрталарида Ўрда ҳукмдори сиймосида маълум. Бироқ, бу ерда Қора Нўғойнинг исми эл, улус ёки бирор-бир жой номи сифатида тарқалгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Шундай қилиб, “Нўғойқўрғон” этнонимини тадқиқ этиш натижасида унинг “нўғой” этноними билан бевосита боғлиқлиги аниқланди. Турли тарихий воқеалар натижасида “нўғой” этноними Евросиёнинг кенг худудига тарқалган.

Нўғойлар Ўрта Осиёга гуруҳ бўлиб XV асрнинг бошларидан, ўзбек қабила уюшмалари таркибида, кириб кела бошлаганлар (Тенгиз-Буғо Ўрдаси таркибида).

“Нўғойқўрғон” этнотопонимининг Тошкент топонимлари рўйхатида пайдо бўлиши эса, бу ерга нўғойларнинг XVII-XVIII асрларда келиб жойлашгани билан боғлиқ. Чилонзор худудидаги “Нўғойқўрғон” қабристонининг номи шу ерлик аҳолининг “татар” этнонимини “нўғой” этнонимига тенглаштиргани натижасида тарқалган.

¹ Аристов Н.А. Заметки об этническом составе... – с.305.

² Утемиш-ходжи ибн Маулана Муҳаммад Дасти. Чингиз-наме. – Алма-Ата, 1992. – с.25.

³ Ўша манба – 61 б.

Х У Л О С А

XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳри тарихий топонимиясининг ёритилиши шаҳарнинг маъмурий ҳолати, аҳолиси, табиий шароити, хўжалиги, маданий тараққиёти, иқтисодий алоқалари ва тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки топонимларнинг юзага келиши тарихий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ ва улар шаҳар топографиясида ўз аксини топган. Топонимларни йиғиб, уларни рўйхат қилиш, таснифлаш, таҳлил этиш, таркиби ва хусусиятларини аниқлаш маълум илмий хулосалар чиқаришга, шаҳар топонимияси ва топографиясига оид маълумотларга эга бўлишга имкон яратади.

Ҳозиргача олимлар томонидан Тошкент шаҳри жой номлари билан боғлиқ маълум илмий изланишлар олиб борилган. Вақт жиҳатдан улар катта даврни қамраб олади (қадимдан ҳозирги давргача), яъни Тошкент шаҳри топонимияси мунтазам илм-фан аҳли эътиборида бўлган. Мазкур илмий ишларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1) XIX аср охири – XX аср бошлари 2) 1920-1990 йиллар ва 3) 1991 йилдан кейин, яъни мустақиллик даврида яратилган асарлар. Тадқиқотларнинг бир қисми шаҳар топонимиясига бевосита дахлдор, яна бир қисми эса бошқа мавзуларга оид, бироқ уларда ҳам қисман топонимик маълумотлар берилган. Айни пайтда, XIX аср охири – XX аср бошларидаги Тошкент шаҳри тарихий топонимлари махсус илмий тадқиқ этилмаган ва шу боис диссертацияда мазкур мавзуни атрофлича тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Мазкур китобда Тошкент шаҳри топонимияси манбалари кенгрок миқёсда, аниқроғи 3 гуруҳга бўлиб таҳлил қилинди: қадимги, ўрта асрлар, XIX аср – XX аср бошлари ёзма манбалари.

Биринчи гуруҳни қадимги хитой солномалари, сосоний ва суғд манбалари ташкил этади. Уларда Тошкентнинг “Ши”, “Чже-ши”, “Чоч” деб номлангани таъкидланган.

Иккинчи гуруҳ, яъни ўрта асрларда ёзилган араб, форс ва туркий тиллардаги ёзма манбаларда шаҳарнинг “Чоч”, “Шош”, “Бинкат”, “Тошкент” деган номлари, дарвозаларнинг сони, номланиши, жойлашуви, шаҳарнинг тузилиши, ундаги баъзи мавзе, масжидлар, иқлими, боғлари ҳақида сўз боради.

Учинчи гуруҳ, яъни XIX аср иккинчи ярмидан кейинги давр манбалари (форсий ва туркий тиллардаги маҳаллий манбалар, рус олимларининг асарлари, сайёҳ ва ҳарбийларнинг кундаликлари, маъмурий ҳужжатлар, генерал-губернатор, ҳарбий губернатор ва давлат хизматчиларининг, тафтиш комиссияларининг ҳисоботлари, статистик материаллар, даврий матбуот материаллари, турли харита, расм ва фотосуратлар) шаҳарнинг даҳалари, дарвозалари, ариқлари, маҳалла, мавзелари, кўча, майдон, боғлари, маъмурий, ҳарбий иншоотлари, завод, фабрика, тиббий, ўқув, илм-фан муассасалари, театр, кино, клуб, ибодатхоналари ва бошқа жойларнинг номлари, жойлашуви ва тарихига оид ахборотларни ўз ичига олади.

XIX аср охири – XX аср бошлари Тошкент шаҳри топонимлари илгариги даврларга караганда, сон жиҳатдан кўп ва мазмунан хилма-хил бўлгани боис, тадқиқотда уларни маълум гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинди.

Ўша даврда шаҳар худудидаги сув тармоқлари – гидронимлар 17 та катта ариқ, 76 та ўртача узунликдаги ариқ ва 83 та уларнинг кичик тармоқларини, 500 га яқин ҳовуз, 600 га яқин қудуқни ўз ичига олган. Демак, шаҳар ҳаётида сув иншоотларининг аҳамияти жуда катта бўлган. Айниқса шаҳар худудидан оқиб ўтган ариқлар аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда, деҳқончилик билан шуғулланишда муҳим аҳамият касб этган. Умуман олганда, ариқларнинг вужудга келиши вақт жиҳатдан турли даврларга тўғри келади, шу сабабдан, уларнинг номланишида форсча, арабча, туркий, русча топонимик қатламларга мансублик кузатилади.

Таҳлиллардан маълум бўладики, гидронимларнинг келиб чиқиши мазмунан жойнинг табиати, номланиши, яқинидаги ижтимоий-хўжалик иншоотлари, маҳаллалар, таниқли шахслар, тарихий воқеалар билан боғлиқ. Вақт ўтиши мобайнида баъзи гидронимлар асл шаклида сақланган, айримлари эса истеъмол давомида бир мунча ўзгарган. Бунга турли тарихий воқеалар ва номнинг талаффуз давомида ўзгариши, яъни оддийроқ шаклда атай бошлангани сабаб бўлган.

Эски шаҳар қисмидаги топонимлар таркибига гидронимлар, даҳа, дарвозалар номлари; маҳалла ва кўчалар номлари; турли муассаса ва бошқа турли жойларнинг номлари киради.

Шаҳарнинг тўрт даҳаси (Шайхонтахур, Ҳазрат Имом Қаффоли Шоший, Шайх Зайниддин, Зангиота) шахс номлари – антропотопонимлар билан аталган. Шайхонтахур даҳасидан ташқари, қолган уч даҳанинг халқ орасида кенг тарқалган Себзор, Кўкча, Бешоғоч деган номлари ҳам бўлган. Булар турли омиллар билан боғлиқ, масалан, Себзор даҳасининг шундай аталиши ҳудуднинг табиати, Кўкча ва Бешоғоч топонимлари эса мазкур даҳалар худудидаги шаҳар дарвозалари ва ўша атрофдаги жойларнинг номланишидан олинган.

Тошкент дарвозаларининг номлари турли давр ёзма манбаларида асосан даҳалар бўйича қайд этилган. Жумладан, ўрганилаётган давр учун қуйидагича: Шайхонтахур даҳасида – Қўймас, Қўқон, Қашқар; Себзор даҳасида – Лабзак, Тахтапул, Қорасарой; Кўкча даҳасида – Сағбон, Чиғатой, Кўкча; Бешоғоч даҳасида – Самарқанд дарвоза, Камолон, Бешоғоч. Дарвозаларнинг номлари этнотопоним (Қорасарой, Чиғатой, Кўкча, Бешоғоч, Қўймас, Кенагес, Қашқар, Лабзак, Камолон), бошқа шаҳарлар номлари (Самарқанд, Қўқон), яқин-атрофдаги объект билан боғлиқ (Тахтапул) ҳолда қўйилган. Мазкур топонимларнинг баъзилари ҳозирги кунга қадар Тошкент худудида туман, мавзе, маҳалла, айрим худуд, кўча, қабристон, масжид номи сифатида сақланган.

Эски шаҳардаги маҳаллалар шаҳар ривожланиши ва кенгайиб бориши жараёнида маъмурий-худудий бирлик сифатида ташкил топган. Вақт ўтиши билан шаҳар худуди кенгайиб, аҳоли кўпайиб борган, бу ҳол маҳалла ва кўчалар сонининг ортишига олиб келган. Ёзма ва картографик манбаларда XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чорагида Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида

280 га яқин маҳалла қайд этилган. Уларнинг номларини мазмун жиҳатдан 8 гуруҳга бўлиш мумкин. Жумладан, Эски шаҳар маҳаллаларининг номлари кўпроқ аҳолининг касб-хунари, маҳалладаги табиий-географик объект, ҳудудидаги кўча, масжид, қабристон ёки хўжалик объекти, дарвоза, даҳа номлари билан боғлиқ; қисман антропотопоним, этнотопоним, рельеф, бирор тарихий воқелик билан боғлиқ номлар ҳам учрайди.

Эски шаҳарда ўрганилаётган даврда қанча кўча бўлганини аниқ кўрсатиш қийин. Умуман олганда, маҳаллалар сони 280 га яқин эканлиги ҳисобга олинса, у ҳолда маҳаллалардан ўтган катта, ўрта ва кичик узунликдаги кўчаларнинг жами сони 700 дан зиёд бўлади. Бироқ кўчаларнинг номлари ёзма манбаларда жуда кам учрайди. Мазкур ҳол маҳаллий аҳоли ўртасида истеъмолда асосан кўча номлари эмас, балки маҳалла номлари кўпроқ бўлгани билан боғлиқ. Тошкент шаҳар Думасининг ҳужжатларида расмий равишда 18 та кўча номи қайд этилган ҳолос. Таҳлил давомида мазкур кўчалар номлари маҳалла, дарвоза, даҳа, хўжалик объекти, антропотопоним, этнотопоним, гидроним, рельеф, бошқа турли омиллар билан боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

Тадқиқотда Эски шаҳардаги турли муассаса ва бошқа жойлар билан боғлиқ топонимлар аҳолининг ўсиши, шаҳар ҳудудининг кенгайиши, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ўзгаришлар натижасида кўпайиб борган. Чунончи, ўрганилаётган даврда Эски шаҳар ҳудудида 12143 уй, 23 мадраса, 7 рус-тузем мактаби, 333 масжид, 4 тиббий муассаса, 6 йирик бозор, 1671 савдо растаси, 1700 дан ортиқ ишлаб чиқариш билан боғлиқ иншоотлар ва уларнинг қошидаги дўконлар, 2 кушхона, 36 ҳаммом, 400 га яқин чойхона, 9 йирик ва кўплаб кичикроқ ошхоналар, 17 йирик ва анча миқдордаги кичикроқ нонвойхоналар, 45 карвонсарой, 5 йирик ва 229 кичикроқ тегирмон, 11 қабристон (дастлаб 84 қабристон ва алоҳида қабрлар бўлган) жойлашгани маълум. Бу соҳадаги топонимлар 8 гуруҳни ташкил қилади: 1) тарихий ёдгорликлар; 2) маъмурий-бошқарув ва суд идоралари 3) ўқув муассасалари; 4) тиббий муассасалар; 5) савдо объектлари; 6) ишлаб чиқариш объектлари; 7) маиший хизмат кўрсатиш жойлари; 8) қабристон ва мақбаралар.

Мазкур гуруҳлар таркибида антропотопонимлар ва шахс исмига объектнинг фаолият тури қўшилиб ҳосил бўлган қўшма топонимларнинг салмоғи катта; иккинчи ўринда айрим ҳудуд, маҳалла, шаҳар дарвозалари номлари ва учинчи ўринда маълум бирор объектнинг яқин-атрофидаги жой номи ҳамда объект фаолиятининг йўналиши билан боғлиқ топонимлар туради.

XIX асрнинг 60-йилларида Тошкент руслар томонидан босиб олиниб янги ташкил топган Туркистон генерал губернаторлигининг марказига айлантирилиши муносабати билан Янги шаҳар қисми барпо бўлди ва кўплаб янги топонимлар вужудга келди. Янги шаҳар қисмидаги топонимларни икки гуруҳ – кўчалар номлари ва турли муассаса ҳамда жойлар билан боғлиқ номларга ажратиш мумкин.

Кўчалар билан боғлиқ топонимлар ўз навбатида мазмун жиҳатдан 9 гуруҳни ташкил қилади. Унда антропотопонимлар, Россия шаҳарлари номлари, кўчанинг йўналиши, ҳар бир кўчада жойлашган йирик муассаса ва бирор жой билан боғлиқ топонимлар айниқса кўп. Ўрта Осиёнинг айрим шаҳар ва

қишлоқларининг номлари, ўша ердан оқиб ўтган ариқ номи, касб-хунар билан боғлиқ номлар ва этнотопонимлар нисбатан камроқ. Бу топонимлар тил жиҳатдан европача ва маҳаллий тилларга мансуб.

Янги шаҳар ҳудудидаги турли муассасалар ва жойлар номлари шаҳар ҳудудининг кенгайиши, аҳоли сонининг ортиши, шунингдек Туркистон ўлкасининг турли ҳудудларида кечган тарихий воқеалар билан боғлиқ топонимлардан иборат. Уларнинг номлари орасида русча жой номлари айниқса кўп. Ўрганилаётган даврда Янги шаҳар ҳудудида 76 маъмурий-ҳарбий ва ҳарбий идора ташкилотлари, 6 йирик боғ, майдонлар, 1300 дан ортиқ саноат ва савдо билан боғлиқ объектлар, 60 дан зиёд ўқув муассасалари, 40 га яқин тиббий хизмат билан боғлиқ, 105 дан зиёд илмий, маданий ва ҳ.к. муассасалар, 31 диний иншоотлар бўлган. Мазкур топонимлар тадқиқотда жойнинг турига қараб 7 гуруҳга ажратиб ўрганилди: 1) маъмурий-ҳарбий бошқарувга ва ҳарбийларга тегишли жойлар; 2) майдон, боғлар; 3) саноат ва савдо билан боғлиқ объектлар; 4) ўқув муассасалари; 5) тиббий муассасалар; 6) илмий, маданий ва ҳ.к. муассасалар; 7) диний идоралар номлари. Улар маъносига кўра хилма-хил. Бунда антропотопонимлар, муассасанинг вазифасига қараб қўйилган номлар, шахс исми ва объектнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаклланган қўшма топонимлар кўп; кейинги ўринда идора ёки ташкилотнинг ҳудудий мансублигига қараб қўйилган номлар ҳамда касб-хунар, соҳа билан боғлиқ топонимлар ва этнотопонимлар туради.

Тошкент шаҳри топонимларининг XIX аср охири – XX бошларидаги ҳолатини ёритишда шаҳар атрофидаги жой номларини ҳам таҳлил қилинганлиги диссертация моҳиятига мос келади. Зеро ўрганилаётган даврда шаҳар атрофида шаҳарликларнинг ерлари – мавзелар, дала ҳовлилар, ҳарбий бўлинмалар, заводлар, мозорлар жойлашган. Шаҳар атрофидаги жой номларни ўрганишда ўша давр картографик ва бошқа турли ёзма материаллар муҳим манба ҳисобланади. Тадқиқотда мазкур ҳудудлардаги топонимлар икки гуруҳ – Эски шаҳар атрофидаги ва Янги шаҳар атрофидаги топонимларга ажратилди.

Эски шаҳар қисми атрофи бўйлаб шаҳарликларнинг мавзелари ва бир нечта қишлоқ жойлашган. XX аср бошларида уларнинг умумий сони 200 дан зиёд бўлган. Аксари мавзелар шаҳар ичидаги маҳаллалар номлари билан аталган ва улар у ёки бу маҳаллада яшовчи аҳоли томонидан ўзи яшаган жойга мослаб қўйилганлиги аниқ. Кейинги ўринда жойнинг табиий шароити билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган топонимлар, этнотопонимлар, антропотопонимлар ва бошқа турдаги топонимлар туради.

Тошкентнинг Янги шаҳар қисми атрофидаги ерларни XIX аср охирларидан бошлаб европалик аҳоли эгаллай бошлади ва бу ерда 14 йирик аҳоли пункти (посёлкалар) вужудга келди. Натижада Салор ариғининг чап соҳилидан бошлаб шарққа томон ҳудудларда русларга тегишли ҳарбий бўлинмалар, турли саноат объектлари, экинзорлар, дала-ҳовлилар, мозор, отчопар, ҳарбий дала, дарахтзорлар, шунингдек айрим маҳаллий мулкдорларнинг завод ва фабрикалари ўрин олди. Табиийки, бу қисмдаги топонимлар асосан русча бўлган. Уларнинг номлари таркибида шахс исми ва объектнинг фаолият тури билан боғлиқ мураккаб топонимлар айниқса кўп

учрайди. Рақамларда ифодаланган ва муассасанинг фаолиятини билдирувчи топонимлар, шунингдек, объект яқинидаги жой, объектнинг тури ва жойлашган ҳудуди билан боғлиқ топонимлар ҳам мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳри ва атрофида қайд этилган топонимлар турли тарихий даврлар мобайнида шаклланган ва тил жиҳатдан ҳар хил. Таъкидлаш жоизки, мазкур даврда шаҳар топонимияси таркибига европача (кўпроқ русча) жой номлар кириб келди ва бу ҳолат Туркистон ўлкасининг Россия империяси томонидан босиб олинishi ва Туркистон генерал-губернаторлигига айлантирилиши билан боғлиқ. Мазкур босқин оқибатида Тошкент шаҳри генерал-губернаторлик марказига айлантирилди ва унинг ҳудудида руслар яшайдиган қисм барпо этилди. Натижада Тошкент Эски шаҳар ва Янги шаҳар қисмларига бўлинди, ўз навбатида ундаги жой номлар ҳам тили ва тузилиши жиҳатидан фарқланиб қолди. Айти вақтда шаҳар топонимлари таркибига русча (европача) жой номлар кўшилди.


Демак, Тошкент, умуман Туркистон диёрида Россия ҳарбий маъмуриятининг ўрнатилиши билан унинг капиталини кириб келиши, русий забон аҳоли учун янги турар жойлар барпо этилиши ва унинг иқтисодий ҳамда маънавий ҳаёти билан боғлиқ маконларнинг қад кўтариши янги топонимларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бу топонимлар, шубҳасиз, аввало Россиянинг мустамлакасини ўрнатилишини намоён қилса, қолаверса унинг оқибати қай шаклларда ўз иникосини топганидан далолат беради.

Тошкентнинг Эски шаҳар




қисми

Ўроқ Алибой масжиди




Шайхонтахур мақбараси



Кўкалдош мадрасаси



Бароқхон мадрасаси



Зангиота мақбараси



Ҳазрати Уккоша мозори



Устахона



Шойи сотувчи



Эски шаҳардаги Азимбоев дўкони



Дон бозори





Бозордаги сотувчилар



Арава (транспорт воситаси)



Карвонсарой



Обикаш (аҳолини ичимлик суви билан таъминловчи одам)



Мой согувчи



Чойхонада



Типы Средней Азии. Сарты дома за чаепитиемъ.
Types de l'Asie centrale. Des Sartes prenant le thé chez soi.

Хонадонда.

Тошкентнинг Янги шаҳар қисми



Генерал К.Черняев уйи ва боғи.



Тошкент Тупроққўргони қалъаси



Кўйлик шоҳкўчаси



Махрам кўчаси



Ўқитувчилар семинарияси



Реал билим юрти



Ҳарбий йиғилишлар биноси



Ҳарбийлар черкови



Волга-Кама тижорат банки



Вокзал. Вокзалолди майдони



Воскресение базори



“Хива” театри биноси



Марьино билим юрти



Эркаклар гимназияси



Дилижанс (транспорт воситаси)



Махрам кўчаси. Трамвай (транспорт воситаси).

ТАРИХИЙ-ТОПОНИМИК ЛУҒАТ

Г и д р о н и м л а р

Анҳор канали – Бўзсувнинг чап тармоқларидан бири, узунлиги 8,7 км. Шаҳар ичида шимоли-шарқдан жануби-ғарбга қараб оқади¹. XIX аср охири – XX аср бошларида Анҳор Тошкентнинг Эски шаҳар ва Янги шаҳар қисмлари ўртасидаги чегара вазифасини ҳам ўтаган. Унинг ўнг ва чап томонларидан бир нечта ариқ сув олган.

“Анҳор” гидроними арабча “наҳр” – “дарё” сўзининг кўплик шакли бўлса-да, бу ерда “катта ариқ” маъносини билдиради. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, “Анҳор” гидроними маҳаллий аҳолининг талаффузида кўпинча “ариқ”, “сой” маъноларини англатади. Анҳор шаҳардан оқиб чиққач, Бўрижар номини олган.

Анҳор каналининг номи турли давр ёзма манбаларида қайд этилган. XIX аср рус ёзма манбаларида мазкур гидроним кўпроқ “Ангор”, шунингдек, “Анхор” деб ёзилган. Ўша даврда нашр этилган хариталарда мазкур ариқнинг номи “Анхор” шаклида қайд этилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Анҳор ариғи Шайхонтахур даҳасининг Ертешган, Янги шаҳар Лабзак, Турк, Янги шаҳар, Минор, Янги шаҳар Қиёт, Тожик маҳалла мавзе-маҳаллалари, Шатак, Турктепа, Қашқар, Ҳиёт каттакўча, Қалтатой, Қаймоқ бозор, Қиётторкўча, Пастак, Қорёғди, Қудукбоши, Ўрда, Қиёттепа, Қиёт, Қуйи Мерганча маҳаллалари ҳудудидан оқиб ўтган ва уларни сув билан таъминлаган.

Бўрижар (Бўржар) ариғи – Бўзсувнинг чап тармоғи, узунлиги 5,4 км. Ҳозирда Чилонзор ва Яккасарой туманлари ҳудудидан оқади, Салор каналига қуйилади. Мазкур ариқ Анҳор ариғининг шаҳар ташқарисидаги давомидир.

“Бўрижар” гидроними тадқиқотларда ҳар хил талқин қилинган: “Бўржар” аслида “бўз (оқиш, оқимтир) ва жар” сўзларининг ўзгарган шакли²; бу ерда чиябўри кўп бўлганидан халқ ариқ оқиб ўтган жарни ва ариқни “Бўрижар” деб атаган³.

Бизнингча, “Бўржар” гидронимининг этимологиясини “Бўзсув”дан олиб қараган тўғрироқ, чунки Бўрижар ариғи Бўзсув каналининг давоми ва “Бўржар” – “Бўз жар” – “Бўзсув оққан жар” иборасининг қисқарган шаклидир.

XX аср бошларида Бўрижар ариғи Тошкент шаҳри атрофидаги Ракат, Чилонзор, Тахтакўприк, Хайробод, Катта Қозирабод, Кичик Қозирабод, Зангиота, Бўрижар мавзеларидан оқиб ўтган ва бу сувдан экинзорларни суғоришда фойдаланилган.

¹ Мазкур луғатда номлари таҳлил этилган ариқларнинг узунлиги ва йўналишига оид маълумотлар қуйидаги адабиётдан олинган: Холматов Қ., Баратов П. Тошкент шаҳрининг ирригация шохобчалари. – Т.: Фан, 1983. – 23–29, 33–39 б.

² Қораев С. Географик номларнинг маъносини биласизми? – Т.: Ўзбекистон, 1970. – 67 б.

³ Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. – Т.: Фан, 1982. – 91 б.

Ғадир ариғи – Бўзсувнинг чап тармоғи, узунлиги 4,7 км. Ҳозирги вақтда Миробод туманидан оқиб ўтади. Ракат ариғига қуйилади.

XIX аср 2-ярми – XX аср бошларига оид рус манбаларида Ғадир ариғи “Ғадрачако”¹, “Ғадра”², “Ғадраган”³ шаклларида ёзилган. Мазкур даврда Ғадир ариғи Янги шаҳарнинг шарқий, марказий ва жануби-шарқий қисмларидан шимолдан жанубга бўлган йўналишда оққан ва шу ҳудудда жойлашган Минор, Янги шаҳар Минор кўчалари, Махрам шоҳқўчаси, Қашқар, Самарқанд, Чимкент, Колжент /Хўжанд/ кўчалари, Крепостной, Туркменский берк кўчаларини сув билан таъминлаган.

Жарарик – Чиғатой ариғининг тармоғи. Ҳозирги кунда узунлиги 1,8 км., Собир Раҳимов ва Шайхонтаҳур туманларидан оқиб ўтади⁴.

“Жарарик” гидроними рельеф билан боғлиқ бўлиб, “жарликда ҳосил бўлган ариқ”, “жардан оқиб ўтган ариқ” маъноларига яқин. Маълумки, Чиғатой баланд ерлардан оққан, ундан ўнг томонга тармоқланган ариқлардан энг каттаси саналган Жарарик оқиб ўтган ерлари нисбатан пастлик жойларга тўғри келади.

XX аср бошларига оид рус манбаларида⁵ Жарарик “Джар” шаклида берилган. Мазкур даврда Жарарик Тошкент шаҳри Кўкча даҳасининг Шаҳидонтепа маҳалласи ҳамда шаҳар атрофидаги Жарарик мавзесини сув билан таъминлаган.

Кайковус канали – Бўзсувнинг ўнг қирғоғидан сув олган. Кайковус каналдан ўнг ва чап томонга 13 та ариқ сув олади. Кайковус канали ҳозирги Собир Раҳимов ва Шайхонтаҳур туманлари ҳудудларидан оқиб ўтади.

Кайковус канали қадимги ариқлардан бўлиб, унинг қазилган вақти ўрта асрларга тўғри келади. Мазкур ариқ ҳақида ёзма манбаларда ҳам маълумотлар учрайди. Жумладан, Муҳаммад Солиҳнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида ариқ номига дахлдор шундай ривоят келтирилади: “Кайкобус ва подшоҳ Салор замонларида Кайкобуснинг буйруғи билан шаҳардан уч фарсах ерда Фаррак дарёсининг Банди подшоҳ деган жойидан катта канал қазиб чиқарилди. Тўғондан 2 фарсах масофада канал икки тармоққа бўлинган: биринчи тармоқ шаҳардан чорак фарсанг (тахм.1,5 км.) жанубдан оқиб ўтган ва Салор деб аталган; иккинчиси – бевосита шаҳардан ўтиб, Кайкобус номи билан машҳур бўлган”⁶. Муҳаммад Солиҳ қадимги даврда Бўзсув ариғи Кайкобус (Кайковус) аталганлиги, кейинроқ эса ушбу ном Бўзсувнинг фақат шаҳардан оқиб ўтган шимолий тармоғи учунгина сақланиб қолганлигини қайд этган. Кайковус канали ҳақида Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома”

¹ План города Ташкента. – Ташкент, 1890 г.

² Маев Н. Русский Ташкент // Ежемесячные приложения к Журналу “Нива” на 1894 г. – СПб., 1894. – с.126–162.

³ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент, 1912. – с.140.; План-путеводитель по городу Ташкенту. – Ташкент, 1936 г.

⁴ План города Ташкента. – Ташкент, 1890 г.

⁵ План-путеводитель по городу Ташкенту. – Ташкент, 1936 г.

⁶ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. – Т.: Фан, 1983. – 44 б.

(“Шарафномаи шоҳий”)¹ асарида ҳам маълумотлар бор. Унда ёзилишича, XVI асрда Кайковус бўйида (шаҳар кўрғони ташқарисида) шу ариқ номи билан аталган боғ бўлган, ва бу боғ “Кайковус боғи” деб аталган, унда Тошкент султонлари яшаган. Бизнинг давримизда халқ талаффузида Кайкобус каналининг номи “Калковуз” шаклида оммалашган.

“Калковуз” гидроними “Кайковус”, “Кайкобус” топонимларининг ўзгарган шаклидир. Мазкур топоним “Кайковус” антропотопоними билан боғлиқ. X-XI аср форс шоири Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида ёзилишича, Кайковус эрон шоҳларидан бири бўлган².

XIX аср охири – XX аср бошларида Кайковус ариғи Себзор даҳасининг Коҳота, Отбозор, Янги шаҳар мавзе-маҳаллалари, Шатак, Қошиқчилик, Қанғликўча, Юқори Тахтапул, Ўрта Тахтапул, Қуйи Тахтапул, Чилтўғон, Чақар, Қумлоқ, Мозорхон, Ҳалимкўп маҳаллалари, шунингдек, Кўкча даҳасининг Қўштут, Қозиобод, Шаҳидонтепа, Чигатойтепа маҳаллалари, ҳамда Янги шаҳар, Жарарик, Аллон мавзе-маҳаллаларининг ҳудудларидан оқиб ўтган. Ариқнинг сувларидан мавзелардаги дала-боғларни, шаҳардаги томорқаларни суғоришда, аҳолининг сувга бўлган бошқа эҳтиёжларини кондиришда кенг фойдаланилган. Ариқ бўйлари баҳор, ёз фаслларида одамларнинг дам оладиган ерлари бўлган.

Кўкча ариғи – Кайковус ариғининг чап тармоғи, Шайхонтахур ва Собир Раҳимов туманлари ҳудудидан оқиб ўтади, Қорақамишга бориб қуйилади; узунлиги – 5,5 км.

“Кўкча” гидроними “кўкча” топонимидан келиб чиққан; сабаби, мазкур ариқ Кўкча даҳасидан оқиб ўтган. Топонимнинг этимологияси хусусида фикрлар турлича: Кўкча даҳаси дарахтзор, кўкаламзор, экинзор кўп бўлганидан шундай ном олган³; “кўкча” - форсча “коҳча” сўзининг талаффузда ўзгарган шакли бўлиб, “кичик қароргоҳ” – “қалъача” маъносини англатади⁴. Кўкча ариғи шу қароргоҳ ҳудудидан оқиб ўтганлиги туфайли кейинчалик бу жойнинг номини олган; “Кўкча” шахс номи сифатида XIY асрда, аниқроғи, Рашид ад-Дин Фазлуллоҳнинг “Жомеъ-ат-Таворих” асарида учрайди⁵. Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, “кўкча” бу туркий қабилалардан бирининг номи⁶.

Биз кўриб чиқаётган даврда мазкур ариқ Кўкча даҳасининг Жарарик, Оқтепа, Хиёбон, Шолиқулоқ мавзе-маҳаллалари ҳамда Шаҳидонтепа, Баланкўприк, Чақар, Обиназир, Шаршин маҳаллаларидан оққан ва шу ерларни сув билан таъминловчи асосий ариқ бўлган.

¹ Тошкент. Энциклопедия. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – 443 б.

² Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. 3 китобда / Форсийдан Ш.Шомухамедов тарж. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1975. Биринчи китоб. Б.303–325.

³ Қораев С. Географик жой..., ўша манба – 67 б.

⁴ Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. – Т.: Шарқ, 2002. – 24 б.

⁵ Рашид ад-Дин. Сборник летописей. – пер.с персидского О.И.Смирновой.

Прим.Б.И.Панкратова и О.И.Смирновой. Ред.А.А.Семенова. – М.-Л., 1952. Т.1. Кн.2. С.74.

⁶ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 19 б.

Лабзак (ёки Жангоб) ариғи – Бўзсув каналининг ўнг тармоқларидан бири, шаҳар худудида шарқдан ғарбга йўналишда оқади, суви Қуйи Бўзсув ариғига қўшилади. Узунлиги тахминан 4 км.

“Лабзак” гидроними “Лабзак” топоними билан боғлиқ. Мазкур жой номи форсча “лаб” – “бўйи”, “чеккаси” ва арабча “зах” – “нам, зах ер” – сўзларидан ташкил топган. Яъни “лабзак” сўзи “зах ер” маъносига яқин. Аслида ариқнинг номи шу номли худуддан оқиб ўтганидан келиб чиққан. Манбаларда Лабзак номли ариқ XIX асрдан бошлаб учрайди. Унинг халқ орасида “Жангоб” деган номи ҳам машҳур бўлган ва бу ном қадимийроқдир. Бу ариқ XVIII асрда шаҳар марказидан оқиб ўтган. Чорҳокимлиқ даврида (XVIII аср) унинг икки соҳили (асосан, ҳозирги Себзор мавзеси қисмида) даҳалараро бўлиб ўтадиган жанглар майдонига айланган. Шу боисдан ҳам сувининг номи шаҳарликлар орасида “Жангоб”, яъни “уруш суви” деб шуҳрат топган эди¹. Кейинги даврларда ҳам Жангобда тўкнашувлар бўлгани ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар учрайди. Жумладан, “Азиз парвоначи халқдан ортиқча ифтор пули олгани учун кўзғолон кўтарилган... Жангобда жанг бўлган”². “Жангоб” гидроними XIX аср рус манбаларида “Янгоб” шаклида хато ёзилган ҳоллар ҳам бор³.

Ўрганилаётган даврда Лабзак ариғи Шайхонтаҳур даҳасининг Турк, Лабзак мавзе-маҳаллалари, Мараим халфа, Раискуча, Оркакўча маҳаллалари, марказий бозордаги Қошиқчилик маҳалласи, Себзор даҳасининг Дарвозакент мавзе-маҳалласи, Занжирли, Ёиштмасжид, Қозикўча, Тинчоб, Кичик Жангоҳ, марказий бозорда жойлашган Поякилик, Ҳожикўча-2, Ҳожикўча-3 маҳаллалари, Кўкча даҳасининг Ишқобод, Маҳкама, Ходабозор, Бешоғоч даҳасининг Сарчопон, Эски Намозгоҳ, марказий бозордаги Ҳовузбоғ 1, Гулбозор, Чорсу маҳаллаларидан оқиб ўтган. Шаҳарнинг кўп аҳолили жойларини сув билан таъминлаган бу ариқ Себзор ва Шайхонтаҳур, Кўкча ва Бешоғоч даҳалари ўртасида чегара ҳам саналган.

Оққўрғон ариғи – Бўзсув каналининг чап тармоғи. Узунлиги 8,2 км. Ҳозирги кунда Юнусобод ва Мирзо Улуғбек туманларидан оқиб ўтади ва бир нечта шохобчаларга бўлиниб кетади, уларнинг энг каттаси – Дархон ариғи.

“Оққўрғон” гидроними шу шаклдаги топонимдан ҳосил бўлган. XV асрда Тошкент атрофидаги мавзелардан бири Оққўрғон деб аталган ва шаҳарнинг шарқий чеккасида, Шибли ариғидан шарқда жойлашган; унинг шарқий чегараси Салор каналигача етган. Оққўрғон канали ўрта асрларда қазилган. Унинг сувидан Хожа Аҳрорнинг Оққўрғон мавзесидаги вақф ерлари суғорилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Оққўрғон ариғи Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида шимолдан жанубга оққан ва Салор каналига қуйилган. Унинг сувидан Карамурут (Қорамурут), Ниязбек (Ниёзбек), Уездная, Огородная 1 пр. (Огородний кўчаси 1-тор кўча), Аккурган (Оққўрғон), Пушкинская (Пушкин),

¹ Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент..., ўша асар. – 60 б.

² Муҳаммад Солиҳ. Тарихи жадидаи Тошканд. Ўз ФА ШИ кўлёмаси № 7791. в.482 а.

³ План города Ташкента. – Ташкент, 1890.

Балыкчинский (Балиқчи), Наманганский (Наманган), Куйлюкский (Кўйлик) шоҳкўчаси, Жуковская, Хирургическая кўчаларини обод қилишда, ўша ерлардаги аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжларини қондиришда кенг фойдаланилган.

Регистон ариғи – Кайковус каналнинг чап қирғоғидан (Зарқайнар кўчасига яқин жойдан) бошланган; узунлиги 2,5 км. Зарқайнар кўчаси бўйлаб Имомсоиб масжиди, аҳоли зич яшайдиган маҳаллалар орқали ўтиб, Жангоб ариғига қуйилган.

“Регистон” гидроними “Регистон” топонимидан олинган. Аслида “регистон” топоними форсча “рег” – “қум” ва “стон” – “ўлка, жой” – сўзларидан ташкил топган. Ўрта асрлар шаҳарларидаги Регистон қум-шағал тўкиб текисланган марказий майдондан иборат эди. Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларида, жумладан, Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда ҳам Регистон бўлган. Тошкентдаги Регистон бозори ҳозирги “Чорсу” метро бекати ҳудудига тўғри келади¹. Ушбу жойдан оқиб ўтган ариқ ҳам “Регистон” номини олган.

XIX аср охири – XX аср бошларида мазкур ариқ Себзор даҳасининг Учкўча, Асувот, Чувалачи, Хасанбой, Себзор, Чигитбоши, Охунгузар-1, Охунгузар-2, Охунгузар-3, Гишткўприк, Эскижува, Хожикўча-1, Хожикўча-2, Хожикўча-3 маҳаллаларидан оққан. Шаҳарликлар ариқ сувидан суғоришда ва ичимлик суви олишда кенг фойдаланганлар. Регистон ариғининг шаҳарнинг марказий бозоридан ўтган қисмида эса, ариқ бўйлаб ҳордиқ чиқариш жойлари, ошхона ва чойхоналар барпо этилган.

Салор ариғи – Бўзсув ариғидан бошланиб, Чирчиқ дарёсига қуйилади, узунлиги 65 км. Икки қисмдан иборат: бир қисми шаҳар ҳудудида – Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Ҳамза, Миробод, Яккасарой ва Сергели туманларидан, иккинчи қисми Тошкент вилояти – Зангиота, Янгийўл туманларидан оқиб ўтади.

Салор қадимий ариқ, қазилган вақти, археологик тадқиқотларга кўра, милoddан аввалги биринчи мингйилликка тўғри келади. Ариқ соҳили бўйлаб олиб борилган археологик қазилмалар чоғида Қовунчитепа, Ниёзбошитепа, Кўгайтепа ва бошқа жойларда мил.ав.V-I асрларга оид қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликлари топилган. IV-XI асрларда Салор бўйида Тошкентнинг қадимги маркази – Мадинат аш-Шош, шунингдек Данфиғанкат, Шутуркат ва бошқа аҳоли масканлари жойлашган. XIII асрда Ўрта Осиёга бостириб кирган мўғуллар каналнинг кўп қисмини бузиб юборганлар. Ҳозирги вақтда ундан сув олувчи ариқлар ичида энг каттаси Полвон ариқдир².

“Салор” гидроними аслида ҳарбий-тарихий атама. Арабчада “солор” – “сипоҳ”, “саркарда”, “бош қўмондон”, “бошлиқ” деган маънони англатади. Шунингдек, унинг “подшоҳ” деган маъноси ҳам бор³. Мазкур гидронимнинг пайдо бўлиши ҳақида бир нечта фикрлар мавжуд: Салор – ушбу ариқни сипоҳ

¹ Қораев С. Географик номлар..., ўша асар. – 99 б.

² Холматов Қ., Баратов П. Тошкент шахрининг..., ўша асар. – 22 б.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. З.М.Маъруфов таҳрири остида. Икки томли.– М.: Рус тили, 1981. Т.2. С–Х. Б.67.

солор, яъни бош кўмондон қаздирганини билдиради; Муҳаммад Солих келтирган ривоятда Салор ариғи Кайкобус ва подшоҳ Салор замонларида қаздирилган ариқнинг номи ва у (XIX аср 2-ярмида) шаҳардан чорак фарсанг (тахм. 1,5 км.) жанубдан оқиб ўтган. Демак, “Салор” қадимги подшоҳнинг исми бўлган. Ривоятдан ариқнинг номи подшоҳ Салор исмидан олинган, деб тахмин қилиш мумкин. Бошқа фикрга кўра, “салор” – бу этнотопоним, қадимги туркий қабила номидан олинган¹. Хитой олимларининг тадқиқотлари натижасига қараганда, солорлар ўғузлар авлоди бўлиб милодий I–IV асрларда “туро” номи билан аталган 44 туркий қабиланинг бири ҳисобланади. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида қадимги солур (силғур) ўғузлар таркибига кирган бир қабиланинг номидир, деб кўрсатилган. Ушбу фикр “Ислом” қомусида ҳам учрайди. Қомусда, шунингдек, солур атамаси Ўғузхоннинг олти ўғлидан бирининг исми билан боғлиқ бўлганлиги ва бу атама билан аталган қабила қадимги даврларда Сайхун дарёси (Сирдарё), Исикқўл атрофида ва Хуросонда яшаганлиги, кейинги даврларда улар бўлиниб, ҳар тарафга тарқалганлиги қайд этилган. Хитой йилномаларида салорлар XIV асрдан тилга олина бошланган². Йирик туркшунос олим Э.Р.Тенишев солорлар Тангритоғ томонидан ғарбга кўчганда, уларнинг бир қисми Самарқандда ўтроқлашиб қолганлиги ва яна бир қисми Туркменистон ҳудудига бориб жойлашиб, туркман миллати таркибига кирганлигини кўрсатади³. Солор қабилалари келиб ўтроқлашган баъзи ҳудудлар кейинчалик уларнинг номи билан атала бошлаган.

Рус тилида “салор” гидроними “салар” шаклида талаффуз қилинади ва ёзилади.

XX аср бошларида Тошкент шаҳрининг шарқий чегараси Салор ариғининг ўнг қирғоғи бўйлаб ўтган ва унинг сувидан Тошкентнинг Янги шаҳар қисми аҳолиси кенг фойдаланган. Салорнинг кичик тармоқлари Паркент, Ульянов, Ассака йўли, Садовая, Наманганский, Саларский, Куйлюкский, Марьинский, Махрамский шоҳкўчаларидан ўтган. Шунингдек, ариқнинг ўнг соҳилида шаҳарнинг от бозори барпо этилган. Каналнинг чап соҳили бўйлаб эса, асосан ҳарбий бўлинма, завод, дала ҳовлилар жойлашган. Ва Салор ариғи мазкур ерлар аҳолисини сув билан таъминлашда, далаларни суғоришда, заводларнинг фаолият юритишида муҳим сув манбаи бўлган.

Танишаҳар ариғи – Бўзсув каналининг чап тармоқларидан, узунлиги 4,7 км. Шайхонтахур туманида, ғарб томонга йўналиб, Абай, Олмазор кўчаларини, Халқлар дўстлиги шоҳкўчасини ва Бешёғоч ҳамда Самарқанд дарвоза кўчаларини кесиб ўтади.

“Танишаҳар” гидроними “тан” ва “шаҳар” морфемаларидан ташкил топган. “Тан” форсча-тожикча сўз бўлиб, бир нечта маъноларга эга, бу ерда

¹ Хўжаев А. Чинга бориб қолган самарқандлик солорлар // Мозийдан садо. – Т., 2003. – № 3-4. – Б.33–36.

² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т., 2004. Т.7. “Парчин-Солиқ”. Б.450.

³ Хўжаев А. Чинга бориб қолган..., ўша асар. – 35–36 б.

“тан” сўзининг “кимсага тегишли қисм, улуш ёки нарса”¹ деган маъноси тўғри келади. Яъни Танишаҳар – бу “шаҳарга тегишли” дегани. Шу боис “Танишаҳар” гидроними мазкур ариқнинг айнан шаҳар ҳудудида оқишини англатиши мумкин.

XX аср бошларида Танишаҳар ариғи Эски шаҳар ҳудудида шарқдан ғарбга томон йўналган бўлиб, Шайхонтаҳур даҳасининг Юқори Мерганча, Эски Ўрда, Шаҳидонтепа, Қоратош, Бешоғоч даҳасининг Мурод, Кўкмасжид, Хонақоҳ, Баландмасжид, Тиканлимосор, Бадирбой, Қабсота, Мирлар, Андижон маҳаллаларидан оққан ва шаҳарнинг ғарбий чегарасида Қуйи Бўзсувга қуйилган. Мазкур ҳудудларнинг аҳолиси Танишаҳарнинг сувидан ичимлик суви олишда, дала-боғларни суғоришда кенг фойдаланган.

Чилонзор ариғи – Анҳор каналининг чап тармоқларидан бири, узунлиги 2,2 км. Ҳозирги Чилонзор туманидан оқиб ўтади.

Гидроним “чилонзор” топоними билан боғлиқ. “Чилонзор” топоними “чилон” ва “зор” сўзларидан иборат бўлиб, “чилон жийда ўсадиган боғ” маъносини англатади². Бироқ, Н.Г.Маллицкийнинг фикрича, Чилонзор аслида Чинорзор, яъни “чинор боғи” демакдир³.

XX асрнинг биринчи чорагида Чилонзор ариғи Тошкентнинг жанубий ҳудудини ва унга туташ бўлган шаҳар атрофи ерлари (ҳозирги Яккасарой) туманининг Чилонзор кўчаси ва унинг тор кўчаларини сув билан таъминлаган.

Чиғатой ариғи – Кайковус каналининг ўнг тармоқларидан бири; узунлиги 3 км. Бу ариқ Собир Раҳимов ва Шайхонтаҳур туманларидан оқиб ўтади, ундан 9 та шохобча сув олади, Қорақамиш ариғига қуйилади.

“Чиғатой” гидронимининг пайдо бўлиши тахминан XIV асрга тўғри келади, “Чиғатой” антропоними ва “чиғатой” этноними билан боғлиқ. Маълумки, Чиғатой (XIV аср) Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган Чингизхоннинг иккинчи ўғлининг номи. Ўша даврда Ўрта Осиё ҳудуди “Чиғатой улуси” деб номланган. Кейинроқ ушбу атоқли отдан Амир Темурнинг буйруғи билан Тошкент шаҳри деворлари тикланиб, унда 12та дарвоза бунёд этилган. Дарвозаларнинг бири ушбу туркий қабила номи билан “Чиғатой дарвозаси” деб номланган. Чиғатой ариғи эса Чиғатой дарвозаси ёнидан оқиб ўтганлиги туфайли, унинг номи билан аталган.

Асримизнинг бошларида Чиғатой ариғи Кўкча даҳасининг Чиғатойтепа маҳалласи, шунингдек, даҳага тегишли бўлган, шаҳар ташқарисида жойлашган Янги шаҳар мавзе-маҳалласи, Кичик-қўриқ, Бекларбеги-қўриқ, Ингичка-қўриқ, Кўксарой мавзеларидан ўтган ва унинг сувидан шу ерлардаги дала ва боғларни суғоришда, аҳолини сув билан таъминлашда кенг фойдаланилган.

Чорсу ариғи – Бўзсув каналининг ўнг қирғоғидан сув олиб ғарбга томон оққан. Ариқнинг йўналиши ҳозирги Шайхонтаҳур тумани ҳудудига тўғри келади; узунлиги тахминан 4,4 км. Гидроним “Чорсу” топонимидан келиб чиққан. “Чорсу” топоними форсча “чор” – “тўрт” ва “су” -“томон” сўзларидан

¹ Ўзбек тилининг изоҳли..., ўша асар. – 115 б.

² Қораев С. Географик номлар..., ўша асар. – 133 б.

³ Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля... – с.18.

ташкил топган; луғавий маъноси: “тўрт томон” демакдир. Бу шартли тушунча бўлиб, фақат тўрт кўча эмас, балки бешта, ҳатто олти-еттита кўчанинг ҳам кесишган жойини англатган. Чорсу – марказий бозорнинг, аниқроғи усти ёпиқ (тим) кўчаларнинг бошланиши бўлган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Чорсу ариғи Шайхонтахур даҳасининг Қуйи Мерганча, Юқори Мерганча, Қозикўча, Қўрғонтаги, Ўроқчилик, Эгарчи, Тарлоқ, Шўртепа маҳаллалари, шунингдек, Кўкча даҳасининг Жарлимасжид, Қаландархона, Сирлимасжид, Қуғирмоч, Темирчи, Мирзағози, Мирлар, Эски Намозгоҳ маҳаллаларидан оққан; бозор худудидан ўтган қисмида ёз фаслида сув бўйи ўзига хос оромгоҳ саналган.

Човли ариғи – Бўзсув каналининг чап тармоғи. Шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмидан жанубга йўналган бўлиб, Салор каналига қуйилган. Узунлиги 7 км. Ҳозирги вақтда ариқ Мирзо Улуғбек, Юнусобод ва Миробод туманлари худудидан оқади.

Мазкур гидроним маъноси ҳақида икки хил фикр мавжуд. Биринчисига кўра, “шибли” – бу “зах ерлар, ўтлоқ” демакдир, яъни бу ариқ шундай жойлардан оққанлиги боис Човли деб аталган.

Иккинчи фикрга кўра, бу гидронимнинг тўғри аталиши “Шибли”. Ариқнинг номи машҳур тарихий шахс Шайх Шибли исмидан олинган. Кейинчалик аҳоли томонидан “Шибли” сўзи “Човли” шаклида талаффуз қилинадиган бўлди.

Шайх Шибли – тасаввуфнинг машҳур шайхи, комил авлиёлардан. Унинг тўла исми Шиблий Абу Бакр Жаъфар бинни Юнус (862–947)¹.

Шибли ариғи ҳақида Муҳаммад Солиҳнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида ҳам маълумотлар қайд этилган. Муаллиф, Шайхонтахур даҳасини таърифлаганда, даҳанинг учта асосий ариқларидан бири – Шибли ариғи эканлигини таъкидлаб, шундай ёзган: “Учинчи ариқ Шайх Шибли ёки Шибли ариғи бўлиб, у ҳам булоқдан сув олади, бошланиш ери шаҳар деворидан ташқарида, Ўзбеклар (Лабзак) дарвозаси яқинидаги Мирзо Юсуфнинг ерида. Шу жойда шаҳарга дохил бўлиб, Хўжа Дарвозанинг ерларидан ўтади ва Қиёт дарвозаси яқинида шаҳардан оқиб чиқади, сўнгра давом этиб, Миробод мавзеини сув билан таъминлайди”². 1936 йилги Тошкент харитасида Човли ариғи “Чаули” шаклида ёзилган³. Мазкур даврда Човли ариғи шимолдан жанубга йўналган бўлиб, Янги шаҳарнинг марказий қисми бўйлаб асосий кўчалардан ўтган ва жануби-шарқда Салор каналига қуйилган. Жумладан, у Обух, Воронцовский прспектлари, Николенская, Петербург, Жиззах кўчалари, сўнг Московский шоҳкўча, Владимирская, Варварьинская кўчалари, Махрам шоҳкўча кабиларни ободонлаштиришда, аҳолини сув билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этган.

¹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. – Т.: Фан, 1991. Т.7. Б.372.

² Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 45 б.

³ План-путеводитель по городу Ташкенту. – Ташкент, 1936 г.

Чуқуркўприк ариғи – Анҳор каналининг ўнг тармоғи, Тошкентнинг қадимги ариқларидан, ҳозирги вақтда қирғоқлари ўпирилиб, кенгайиб, жарликка айланган; Бўзсувга қуйилади. “Чуқуркўприк” гидроними “чуқур” ва “кўприк” сўзларидан тузилган. Рельеф шакли билан боғлиқ, яъни ариқнинг қирғоқлари паст қисмига қурилган кўприк мавжудлигидан шундай ном олган. Мазкур гидроним 1890 йилиги Тошкент харитасида “Уч Кур Купрюк” шаклида хато ёзилган¹.

XX аср бошларида Чуқуркўприк ариғи Эски шаҳарнинг жанубий қисмида шарқдан ғарбга оққан. У Шайхонтахур даҳасининг Ўқчидарвоза, Юқори Мерганча, Ўқчи, Қози Низомиддин ва Бешоғоч даҳасининг Зевак, Яланқар 1, Чақар, Маъдалихон, Лаклак, Чуқуркўприк маҳаллалари аҳолиси учун муҳим сув манбаи бўлган.

Шайхонтахур ариғи – Бўзсувнинг ўнг тармоқларидан бири, узунлиги 2,1 км. 1966–1974 йилларда ариқнинг суви бетон қувурларда оқадиган қилинди, у ўз йўлида М-13, М-14, Жангоҳ мавзелари худудига ва кўшни кўчаларга ҳам сув беради, қолган суви Жангоб ариғига туширилган.

“Шайхонтахур” гидронимининг пайдо бўлиши анча қадимги тарих, XIV асрга боради ва “Шайхонтахур” антропотопоними билан боғлиқ. Аниқроғи, бу топоним машҳур тарихий шахс – шайх Хованди Тахур исмининг қисқартирилган шаклидир. Мазкур шайх Тошкентда XIV асрда яшаган ва вафот этганлар, қабри устига кейинчалик мақбара бунёд этилган ва у ҳозиргача сақланган². Тошкент шаҳрининг ана шу қисми кейинчалик “Шайхонтахур” номини олди ва тўрт даҳадан бирининг номига айланди. Шайхонтахур ариғи ҳам ушбу даҳа номи билан аталган.

Шайхонтахур ариғи ҳақидаги маълумотлар Муҳаммад Солиҳнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида ҳам берилган: “Шайхонтахур даҳасида учта ариқ бор. Биринчиси – Шайхонтахур ариғи бўлиб, Кайкобус каналдан сув олади. Бошланиш жойи Анҳордан, Ганжтепа деган жойдан. Бу ариқ даҳа ўртасидан шарқдан ғарбга оқиб ўтиб, даҳанинг бир қисмини сув билан таъминлайди. Шайхонтахур ариғи Ганжтепадан бошлангандан сўнг Хўжа Аҳрор жоме масжиди томон оқиб келади, сўнгра шаҳар бозоридан, кейин Дарвишхон Намозгоҳининг шимолидан ўтади ва Кўкча дарвозаси ёнидан шаҳар ташқарисига чиқади. Бу ер Шайхонтахур даҳасининг ғарбий чегарасидир. Бу ариқда бир нечта тегирмон ва обжувозлар қурилган”³.

XIX аср охири – XX аср бошларида мазкур ариқ Шайхонтахур даҳасининг Пастак, Занжирли, Шайхонтахур Қуйи Оқмасжид, Юқори Оқмасжид, Дархон, Орқакўча, Раискўча маҳаллаларидан оқиб ўтиб, Жангоб ариғига қуйилган. Шайхонтахур ариғи мазкур маҳаллаларда яшовчи аҳолининг асосий сув манбаи бўлган.

Шаҳар ариғи – Кайковус каналининг чап қирғоғидан, Янгиш кўчаси олтидан бошланади, узунлиги 5 км. Собир Раҳимов туманидан оқиб ўтади. Бу

¹ План города Ташкента. – Ташкент, 1890 г.

² Шайхонтахур топоними ҳақида юқорида батафсил маълумотлар келтирилган.

³ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 45 б.

арик Янгиш, Сағбон, Форобий кўчаларини ҳамда Беруний шоҳкўчасини кесиб ўтади ва қолган суви Кўкча ариғига кўшилади.

Мазкур арик Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидан оқиб чиққанлиги сабабли, “Шаҳар” ариғи номини олган. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, 1936 йилги Тошкент шаҳар харитасида “ар.Шаҳар” деб номланган сув тармоқлари Кайковус каналидан ҳам чап, ҳам ўнг томонларга оққан шаклда тасвирланган¹. Чап тармоғи Эски шаҳарга, Кўкча даҳасининг Қозиобод, Ҳастимом, Ҳофизи Кўҳаки, Лангар, Сархумдон маҳаллалари ҳудудидан оқиб, Жангоб ариғига қуйилган. Ўнг томонга оққан Шаҳар ариғи эса Тошкентнинг шимолий чегараси томон йўналган ва шаҳардан оқиб чиқиб, Кўкча даҳасининг Сағбон маҳалласи, шаҳар атрофидаги Ачавот, Янги шаҳар мавзе-маҳаллалари ҳудудини сув билан таъминлаган.

Қуйи Бўзсув – ҳозирги вақтда Тошкентнинг жануби-ғарбий қисмидан ўтувчи ва шу ҳудуддан оқиб чиқувчи оқова, ташлама ва грунт сувларини ўзига йиғиб боровчи жарга айланиб қолган канал. Аслида у Бўзсув каналининг давоми ҳисобланади. Маълумки, Бўзсув – бу Чирчиқдан сув олувчи ва Тошкент шимолидан оқиб кировчи йирик арик. Шаҳар ҳудудида ундан Кайковус, Анҳор, Бўржар каби тармоқлар оқиб чиқади. Ўз навбатида, ушбу ариқлардан майда ариқлар сув олади. Мазкур ариқларнинг баъзилари маълум бир жойда йирикрок ариққа кўшилади. Бундай ариқлардан бири – Жангоб ва Чорсу ариқларининг кўшилишидан ҳосил бўлган Қуйи Бўзсув ариғидир. Бу арик Бўзсувдан оқиб чиққан тармоқларнинг бирлашиши натижасида вужудга келганлиги сабабли аҳоли томонидан шундай деб номланган. “Қуйи Бўзсув” гидроними “Бўзсувнинг пастки қисми” деган маънони англатади.

Мазкур ариқнинг номи XIX аср охири – XX аср боши рус манбаларида турлича келтирилган. Жумладан, 1890 йилги Тошкент картасида у “ар.Боз-су”², 1936 йилги картада эса “Ниж.Боз-су”³ шаклларида берилган. Бу даврда “Бўзсув” номли арик шаҳарнинг жануби-ғарбий томонидаги чегараси ортидаги ерларда оққан, бироқ у шаҳардан анча пастроқда, Қуйи Бўзсув ва Чўпонота ариқлари сувининг кўшилишидан вужудга келган.

XX аср бошида Қуйи Бўзсув ариғи шаҳар ҳудудида Мирлар, Чуқурқишлоқ, Андижон, Чақар, Сузукота маҳаллалари, шаҳардан оқиб чиққач, Шофайзи, Учтепа, Чўпонота, Тешикли-тепа, Бешқайрағоч мавзеларини ичимлик суви билан таъминлаган муҳим манба бўлган.

¹ План-путеводитель по городу Ташкенту. – Ташкент, 1936 г.

² План города Ташкента. – Ташкент, 1890 г.

³ План-путеводитель по городу Ташкенту. – Ташкент, 1936.

Эски шаҳар худуди Даҳа ва дарвозалар

Зангиота даҳаси, халқ орасида кўпроқ “Бешоғоч” деб номланган. “Зангиота” – қўшма топоним, (“занги” – “қора”, “ота” – “шайх”, “пир”) антропотопонимлар гуруҳига мансуб.

Даҳанинг номи Зангиота лақаби билан машҳур бўлган мутасаввиф шайх Ойхўжа ибн Тожхўжа (вафоти 1258 й.) шарафига шундай аталган. Зангиота “подачилар пири” сифатида машҳур бўлган, шу сабабдан уни кўпинча Чўпонота деб ҳам атаганлар¹. Зангиота – авлиё, тассавуфнинг таниқли вакили бўлган. Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза кўчасидаги Зангиота маҳалласида туғилиб ўсган деган тахмин бор. Араб наслидан, қора танли бўлгани учун занги (занжи), хурмат юзасидан ва олий ҳимматлиги учун Зангибобо Ҳимматий деб аташган. Зангиотанинг қabri Зангиота туманидаги Зангиота қишлоғида. Зангиота дафн этилган мазор ёнида масжид ва мадраса қад кўтарган. Бу жой зиёратгоҳ саналади².

Даҳанинг иккинчи аталиши “Бешоғоч”, қўшма топоним бўлиб, “беш” ва “оғоч” ўзакларидан ташкил топган (“оғоч” ёки “ёғоч” – масофа ўлчов бирлигини англатган, тахминан 7-8 км.). Бешоғоч – “бешинчи ёғоч”, яъни “бешинчи станция”, Эски Тошкентдан ҳисоблаганда бешинчи карвонсарой маъносида ҳам талқин қилинади³. Тарихчи Муҳаммад Солиххўжа асарида мазкур топоним “Бешоғоч” шаклида берилган ва қабила номи эканлиги қайд этилган⁴. Бешоғоч даҳаси Тошкентнинг жанубий қисмини ташкил этиб, Кўкча, Себзор, Шайхонтахур даҳалари билан туташган. Чегараси шимоли-ғарбдан Қуйи Бўзсув бўйлаб (ҳозирги Уйғур ва Самарқанд дарвоза кўчалари оралиғидан), шарқ тарафдан Бешоғоч – Хадра йўналиши бўйлаб (ҳозирги Фурқат кўчасидан) ўтган. Даҳанинг жанубида бешоғочликларнинг боғлари ва деҳқончилик ерлари (мавзелари) жойлашган. Бешоғоч даҳасининг ерлари анча нотекис бўлган, унда Чуқуркўприк ва Заҳарик ариқлари жарликлар ҳосил қилган эди. XIX аср охирида Бешоғочда уч дарвоза (Самарқанд, Камолон, Бешоғоч), 75 масжид, 3 мадраса (энг каттаси – Абулқосим мадрасаси) бўлган⁵. Н.Г.Маллицкийнинг рўйхатида даҳа худудида 76 маҳалла ва шаҳар атрофидаги ерларда унга тегишли 36 мавзе қайд этилган. 1876 йилги “Туркистон ўлкаси йилномаси” (“Ежегодник Туркестанского края”) хабарларига кўра, Бешоғочда 1400 хонадон бўлиб, уларда 12450 киши яшаган; аҳолиси мисгарлик, эгарчилик, тикувчилик, пишиқ ёшт тайёрлаш каби касблар билан машҳур эди. Даҳа худудида боғлар ҳам кўп бўлган.

Бешоғоч даҳаси ҳозирги Шайхонтахур тумани худудига тўғри келади.

¹ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих..., ўша асар. – 27-б.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зангиота. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2002. Т.3. Б. 666.

³ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т., 1965. – 19 б.

⁴ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих..., ўша асар. – 25 б.

⁵ Тошкент. Энциклопедия... – 75 б.

Шайх Зайниддин даҳаси, халқ орасида кўпроқ Кўкча деб аталган. “Шайх Зайниддин” жой номи икки сўздан ташкил топган мураккаб топоним бўлиб, антропотопонимлар гуруҳига киради ва XII асрда яшаб ўтган машҳур шайх Зайниддин исмидан олинган.

Шайх Зайниддин бобонинг тўлиқ исми Шайх Зайниддин бобо Кўҳи Орифон Тошкандий бўлиб, мазкур шайх 1164–1259 йилларда яшаган, тошкентлик. Отаси Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий Бағдоднинг катта мутасаввифларидан бўлиб, суҳравардия тариқатини яратган. Ўғли Зайниддинни Шош (Тошкент)га юборган. Зайниддинбобо ҳозирги Кўкча даҳасида ҳаёт кечирган ва тасаввуф илми билан шуғулланган. Тарихий манбаларда Зайниддинбобо “сайидларнинг улуғи ва шариф кишиларнинг кароматлиси ва буюғи”, “орифларнинг кутби ва ишончли раҳнамози” деб таърифланади. Амир Темур 1391–92 ва 1402 йиллар Зайниддинбобо мақбарасини зиёрат қилган ва таъмир эттирган¹.

Даҳанинг иккинчи номи – “Кўкча” ҳақида аниқ маълумот мавжуд эмас. Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, Кўкча дарвозасининг номи қабила номидан олинган, яъни кўкча қабиласидан². Тарихчи олим А.Р.Муҳаммаджоновнинг фикрига кўра, “кўкча” сўзи аслида “коҳича” сўзининг ўзгартирилган шакли, “коҳича”, “коҳак” сўзи “қалъача” деган маънони англатади ва бу ерда ўрта асрларда ҳарбий қалъа бўлганидан даолат беради³.

Кўкча даҳаси шаҳарнинг шимолий-ғарбий, ғарбий қисмларида жойлашган; Себзор, Шайхонтаҳур ва Бешоғоч даҳалари билан чегарадош бўлган. Чегараси шарқдан Сағбон кўчасининг жануби-шарқий тарафидан Қуйи Бўзсув бўйлаб (ҳозирги Уйғур ва Самарқанд дарвоза кўчаларининг оралиғида) ўтган; даҳанинг ғарбида кўкчаликларнинг боғлари ва полизлари (мавзелари) бўлган. Подахона ариғи даҳадаги йирик ариқлардан саналган. Ер юзаси ур-қир бўлса-да, унда боғ ва экинзорлар ҳам анчагина эди. Даҳа аҳолисига қарашли чорбоғлар Назарбек, Келес дарёлари бўйида ҳам жойлашганди. XIX аср охирларида Кўкчада 3 дарвоза (Сағбон, Чиғатой, Кўкча), 60 масжид ва 2 мадраса бўлган. Н.Г.Маллицкий рўйхатида мазкур даҳада 56 та маҳалла ва шаҳар атрофидаги ерларда унга тегишли 43 мавзе қайд этилган⁴. Даҳа аҳолиси асосан кўнчилик, косибчилик ва тўқимачилик, мавзеларда деҳқончилик билан шуғулланган. Эскижўва бозорининг жанубий қисми Кўкчага кирган.

Кўкча даҳасининг ерлари ҳозирги Шайхонтаҳур туманига тўғри келади.

Шайхонтаҳур даҳаси. “Шайхонтаҳур” топоними кўп ўзакли мураккаб антропотопоним бўлиб, “шайх”, “хованд”, “тахур” сўзларидан таркиб топган ва XIV асрда яшаган машҳур шахс – Шайх Хованд Таҳур исмининг бироз қисқартирилган шаклидир.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Шайх Зайниддин бобо мақбараси. – Т., 2005. Т.9. Б.679.

² Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 19 б.

³ Муҳаммаджонов А Қадимги Тошкент..., ўша асар. 57 б.

⁴ Маллицкий Н.Г. Тошкент маҳаллалари ва мавзелари. /Русчадан У.Кўчқор тарж.– Т., 1996. – 16 б.

Шайх Хованди Тахур 1355 йили вафот этган. Шайх Хованди Тахур ҳозирги Тошкент вилояти Бўстонлик районининг тоғли Боғистон кишлоғидан бўлиб, Шайх Умар Боғистонийнинг ўғлидир. XIV асрда яшаб ўтган Шайх Хованди Тахур ўша вақтларда Шош шаҳрида энг муътабар, ўз даврининг ўқимишли шахсларидан, таниқли дин уламоларидан бири бўлиб, урф-одат, одоб-ахлоқ мавзуида оид китоблар, хатто шеърлар ҳам ёзгани маълум. Вафотидан сўнг бироз вақт ўтгач у киши дафн этилган кўримсиз мазор мурид ва шогирдлари томонидан ободонлаштирилиб кенгайтирилган, турли ҳажмдаги бинолар қурилиб, шаҳарнинг энг катта қабристонига айлантирилган. XIV асрнинг охирларида бу ерга Шайхонтахур номи берилган. XIX-XX аср бошларида шаҳарнинг тўрт даҳасидан бири, яъни шу мақбара жойлашган даҳа, унинг номи билан юритилган. 1992 йилдан бошлаб Тошкентнинг энг катта районларидан бирига Шайхонтахур номи берилган.

XV асрда яшаган машҳур шайх тошкентлик Хожа Убайдулло Аҳрор Валий Шайх Хованди Тахурнинг невараси бўлган. У Шайх Хованди Тахур қабри устига ихчам ва нақшинкор мақбара қурдирган. Мазкур мақбара кейинчалик таъмирланиб турган. Шайх Хованди Тахур ўғилларининг қабрлари ҳам шу мақбара атрофида бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бундан ташқари мақбаранинг шимолий томонидан Шайхонтахур номи билан юритилиб, доимий оқиб турувчи шифобахш зилол сув ариғи бўлиб, унинг бўйида беш юз йиллик қадимий катта чинорлар қабристонга соя-салқин солиб, қатор тизилиб турган.

Шайхонтахур даҳаси XVIII аср охирларида ташкил топган бўлиб, шаҳарнинг шарқий томонида жойлашган (ҳозирги Шайхонтахур тумани ҳудудида), Бешоғоч, Кўкча, Себзор даҳалари билан туташган. Чегараси шимолдан Жангоб ариғидан, ғарбдан Бешоғоч – Хадра йўналиши бўйлаб (ҳозирги Фуркат кўчасидан) ўтган. XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб Анҳорнинг чап соҳилида Бекларбеги ўрдаси ва мавзелар ўрнида Янги шаҳар барпо этилган. Даҳада Шайх Хованди Тахур мақбараси катта зиёратгоҳ жой бўлган, бу ерда сайиллар ҳам ўтказилган. Даҳа ерлари Анҳордан бошланган ариқлардан суғорилган ва бошқа даҳаларга нисбатан бу ерда боғлар, экинзорлар кўп бўлган. XIX аср ўрталарида Шайхонтахур даҳаси ҳудудида учта дарвоза (Куймас, Кўкча ва Қашғар) бўлган, улар Янги Ўрда қурилган вақтда ўрнатилган; 70 масжид, 3 мадраса, шунингдек карвонсаройлар, тегирмонлар, ҳар маҳаллада 1-2 тадан чойхона бўлган¹. Шайхонтахур Эски шаҳар бозори (ҳозирги Эскижўва бозори)нинг бир қисмини ўз ичига олган. Аҳолиси ҳунармандчилик - дегрезлик, эгарчилик, газлама тўқиш ва бошқа соҳаларда банд бўлган, айти пайтда, шаҳар ташқарисидаги ерлар (Оққўрғон, Яланғоч, Қорасув, Бўз, Шўртепа, Посира ва бошқа мавзелар)да деҳқончилик ва боғдорчилик билан ҳам машғул бўлган. Н.Г.Маллицкийнинг рўйхатига кўра, даҳада 70 маҳалла ва шаҳар атрофидаги ерларда унга тегишли 31 мавзе бўлган².

¹ Тошкент. Энциклопедия... – 388 б.

² Маллицкий Н.Г. Тошкент маҳаллалари..., ўша асар. – 57–59 б.

Ҳазрат Имом Қаффоли Шоший даҳаси, истеъмолда кўпроқ Себзор деб аталган. “Ҳазрат Имом Қаффоли Шоший” даҳасининг номи мураккаб антропотопонимлар гуруҳига киради ва X асрда яшаган тарихий шахс исмидан олинган. Имом Қаффоли Шошийни исми кундалик истеъмолда қисқартирилиб, “Ҳастимом” шаклида талаффуз қилинган. Айни пайтда даҳанинг “Себзор” деган номи ҳам сақланган.

Қаффол Шошийнинг тўлиқ исми – Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шоший (904–976 йй.), шофиъия мазҳабининг етакчи олимларидан, фикхшунос. Шошда туғилган. Дастлабки маълумотни шу ерда олган. Ироқ, Шом мамлакатларига сафар қилган. Ислом дунёсининг энг машҳур имомларидан Абул Аббос Аҳмад ибн Умар ибн ас-Сурайжий (850–918 йй.)нинг шогирди бўлган. Ҳар томонлама ўқимишли в ақл-заковат соҳиби бўлган. Ватанига қайтгач, Мовароуннаҳрда, жумладан, Шош вилоятида шофиъия мазҳабини тарғиб этган, илоҳиётга доир бир қанча асар ёзган. Қуръон, ҳадис ва шариат илми, шунингдек тилшунослик соҳасида билимдон бўлган. “Одоб ул-қози” (“Қози одоби”), “Одоб ул-бахс”, “Хусни жадал” номли асарлар ёзган¹.

Қаффоли Шоший Тошкентда вафот этиб, Кайковус ариғига яқин ерга дафн этилган. Кейинчалик қабри устига мақбара бунёд этилган. Бу даҳа Муҳаммад Солиҳнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида Имом Қаффол Шоший даҳаси дейилган. Қаффол Шоший мақбараси халқ орасида Ҳазрат Имом (қисқача Ҳастимом) номи билан шуҳрат топган, муқаддас зиёратгоҳга айланган. Ҳозирги кунда Ҳастимом – бу фақат бир мақбаранинг эмас, балки Тошкент шаҳридаги архитектура мажмуининг номланиши. Унинг таркибига Қаффол Шоший мақбараси (XVI а.), Тиллошайх масжиди (XIX а.), Жума масжид (XX а.) иморатлари киради.

Қаффол Шоший кулфсозлик касби билан тирикчилик қилган. Оғирлиги ярим грамм келадиган ажойиб кулф-калит ясаганлиги учун “ал-Қаффол” (“Кулфчи”) лақабини олган. Араб тарихчиси ва географи Абул Фидо (1273-1331 йй.) нинг ёзишича, Қаффол Шоший ўз замонасининг етук олимларидан бўлиб, Мовароуннаҳрда унга тенг келадиган аллома бўлмаган. Тошкент кўчаларидан бири Қаффол Шоший номига қўйилган.

Қаффоли Шошийга атаб қурилган дастлабки мақбара сақланмаган. Кейинги мақбара меъмор Ғулом Ҳусайн томонидан қурилган (1541-42 йй.). Эшик тепасидаги китоба ва гумбазнинг пастки қисмидаги ёзувлар сақланган. Ҳозирги кунда у тарихий ёдгорлик сифатида машҳурдир.

Юқорида қайд этилганидек, даҳанинг иккинчи номи – “Себзор”. “Себзор” – қўшма топоним, “себ” ва “зор” қисмлардан (форсча “себ” – “олма”) тузилган, “олмазор” деган маънони англатади. Яъни Себзор даҳаси олмазор, умуман боғлари кўп ер бўлган.

¹ Ҳакимжонов А. Ҳалифани лол этган заковат / Газ. “Тошкент окшоми”. 1993 йил 10 март.; яна қаранг: Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.75–76; Эварницкий Д.И. Путеводитель по Средней Азии от Баку до Ташкента. В археологическом и историческом отношении. – Ташкент, 1893. – с.191–193.

Ҳазрат Имом Қаффоли Шоший (Себзор) даҳаси XVIII аср бошларида шаклланган ва шаҳарнинг шимолий қисмини эгаллаган, Кўкча, Шайхонтахур, Бешоғоч даҳалари билан туташган, Тошкентдаги тўртта даҳадан энг кичиги. Чегараси ғарбдан Сағбон ва Қорасарой кўчаларининг оралиғидан (ҳозирги Зарқайнар кўчасининг ғарбидан), жанубдан Жангоб ариғидан ўтган, даҳанинг шимолий-шарқий қисмида себзорликларнинг боғлари ва деҳқончилик ерлари (мавзелар) ўрин олган; ундан Кайковус, Шаҳар (Танишаҳар) каби йирик ариқлар оқиб ўтган¹. Даҳада шаҳарнинг энг катта молбозори жойлашган. Маллицкий рўйхатида кўра, даҳада 79 маҳалла ва шаҳар атрофида унга қарашли 64 мавзе бўлган². XIX аср охирларида Себзорда 3 мадраса, 78 масжид бор эди. Тошкентнинг 3 дарвозаси (Лабзак, Тахтапул, Қорасарой) ва Эскижўва бозори Себзор худудида жойлашган. Аҳолиси ҳунармандчилик (косибчилик, тўқувчилик, читга гул босиш ва б.), савдо-сотик, шаҳар ташқарисидаги ераларда эса деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган. Даҳада кўхна қабристонлар (Кохота маҳалласидаги Войвойота, шаҳар дарвозасидан ташқарида жойлашган Дарвишқофқа) бор эди. Даҳа худудида 1970 йилларда 2230 хонадон бўлиб, улардаги аҳоли сони 18650 кишини ташкил этган³. Себзор даҳаси, асосан, ҳозирги Собир Раҳимов тумани худудига тўғри келади.

Бешоғоч дарвозаси – Кўкча даҳасининг жанубий қисмида. Юқорида қайд этилганидек, Муҳаммад Солиҳ бу дарвоза номини “бешоғоч” қабиласи номидан олинганини қайд этган⁴. У ҳолда мазкур топоним этнотопонимлар гуруҳига мансуб бўлади. Баъзи тадқиқотларда эса бу сўз “бешинчи манзил” маъносини англатиши ҳақида ёзилган (мазкур луғатнинг “даҳалар” бўлимига қаранг).

Мазкур дарвозанинг номи Муҳаммад Солиҳнинг XIV-XV асрлар учун берган рўйхатида мавжуд. Кейинги давр рус манбаларида ҳам у қайд этилиб, “Бешагач” шаклида берилган. Бешоғоч дарвозаси XX аср бошларигача бўлган, бу ерларда Бешоғоч маҳалласи жойлашган. Ҳозир мазкур худуд “Бешёғоч” деб аталади, сабаби, вақт мобайнида “Бешоғоч” топоними халқ талафузида бир мунча ўзгариб “Бешёғоч” шаклини олди.

Камолон дарвозаси – Бешоғоч даҳасининг жанубий қисмида бўлган. Муҳаммад Солиҳ бу топонимни Тошкентнинг Амир Темур давридаги дарвозалар рўйхатида эслатади. Муаллиф уни “Камондарон дарвозаси” деб атади ва этимологияси хусусида сўз юритиб, дарвоза номи камондаронлардан, яъни бузуқ қабиласи номидан олинганини таъкидлайди. Ёзма манбаларда қайд этилишича⁵, бузуқлар қадимги туркий қabila бўлиб, Ўғузхон авлодига мансуб. Бу ҳақда у шундай ёзади: “Ўғузхоннинг ўғиллари бир куни тўпланиб овга чиқдилар. (Улар) овда битта ёй, учта тилла ўқ топиб

¹ Тошкент. Энциклопедия... – 263 б.

² Маллицкий Н.Г. Ташкент маҳаллалари..., ўша асар. – 12-14 б.

³ Тошкент Энциклопедия... – 263 б.

⁴ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 19 б.

⁵ Амир Темур аждодлари /Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи Омонулла Бўриев. – Тошкент, 1992. – 13 б.

олдилар ва Ўғузхонга келтириб бердилар. (Подшоҳ) уччала катта ўғилларига ёйни ва кичик ўғилларига эса учта ўқни (бўлиб) берди. Катта ўғиллар ёйни уч қисмга бўлдилар. Шу сабабдан уларни бузуқ, кичик (ўғилларини эса) уч ўқ атадилар. (Шу билан бирга) бузуқларнинг ҳукми уч ўқларникига қараганда юқорироқ бўлсин, деб қарор қилдилар, чунки ўқ элчиликни ва ёй подшоҳликни англатади”.

С.Қораевнинг тахминича, “Камондарон” ёки “камонгорон” топоними “камон ясовчи усталар” маъносини билдиради¹. Яъни “камондарон” сўзи мазкур ерда камон, ўқ тайёрлаган кишиларнинг яшаганлигидан далолат беради.

Тошкентда камон ясайдиган усталар яшагани ҳақида ёзма манбаларда ҳам қайд этилган. Жумладан, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида XVI асрда Тошкентда камон ва камон ўқи ясайдиган усталарнинг маҳорати бутун вилоятга тарқалгани ҳақида ёзилган².

Камолон дарвозаси XX аср бошларигача сақланган. Унинг атрофида XIX аср охирида Камолон-1, Камолон-2, Чархкамолон-1, Чархкамолон-2 номли маҳаллалар бўлган. Ҳозирги кунда ҳам бу ҳудудда Камолон маҳалласи ва шу номдаги масжид мавжуд.

Кўкча дарвозаси – Кўкча даҳасининг жануби-ғарбий қисмида. “Кўкча” топоними ҳақида юқорида сўз юритилганди, Муҳаммад Солиҳ маълумотларига кўра, қабилани номидан келиб чиққан ва этнотопонимлар гуруҳига оид. Кўкча дарвозасининг номи XX аср бошигача сақланган. Кўкча дарвозаси шаҳарнинг ғарбий деворига қурилган ва ундан Қорақамиш ва Самарқандга йўл кетган.

Лабзак дарвозаси – Себзор (XIX аср ўрталарига оид Эски Тошкент планида – Шайхонтахур) даҳасининг шимоли-шарқий қисмида, Тахтапул ва Оққўрғон дарвозалари оралиғида жойлашган эди. Топоним “Тарихи жадида”да эслатилган “Ўзбек дарвозаси” билан турдошга ўхшайди. Муҳаммад Солиҳ ўз асарида Шайх Шибли ариғи Ўзбеклар дарвозасидан шаҳарга кириб, Қиёт дарвозасидан ташқарига оқиб чиқади, дейди. Ана шу мулоҳазадан келиб чиқиб Ўзбек ва Лабзак номлари битта дарвозага тегишли, деб фараз қилиш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам Шайх Шибли (Човли) ариғи Лабзак дарвозаси яқинидан шаҳарга оқиб кириб, Қиёт (Кўқон) дарвозасининг ёнидан Эски шаҳардан оқиб чиқади³. Яна бир сабаб, “Тарихи жадидаи Тошканд” асари араб ёзувида ёзилган бўлиб, мазкур графика бўйича Лабзак ва Ўзбек сўзларининг кўриниши бир-бирига жуда ўхшайди. “Ўзбек” деган дарвоза Муҳаммад Солиҳ келтирган XIV аср охири – XV аср дарвозалари рўйхатида ҳам бор. Унда муаллиф Ўзбек дарвозасининг номи ўзбек қабиласи номидан олинганини таъкидлайди⁴. Ҳозир ҳам Лабзак дарвозасининг ўрни ва атрофидаги ерлар Лабзак деб аталади.

Самарқанд дарвоза – Бешоғоч даҳасининг ғарбий қисмида. “Самарқанд дарвоза” топоними Тошкент шаҳрининг халқаро алоқалар тарихи билан боғлиқ.

¹ Қораев С. Географик номлар..., ўша асар. – 63 б.

² Бобур-наме. Записки Бабура / Пер. М.Салье. – Ташкент: Главная редакция энциклопедий, 1993. – с.21.

³ План города Ташкента 1890 года.

⁴ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 19 б.

Сабаби, бу дарвоза орқали Тошкентдан Самарқандга олиб борувчи йўл ўтган. Мазкур дарвоза нисбатан кечроқ қурилган, тахминан XVII асрда. Зеро унинг номи Муҳаммад Солиҳнинг XIV–XV асрлардаги Тошкент дарвозалари рўйхатида келтирилмаган. Бироқ, кейинги даврга оид манбаларда (Миллер, А.К.Гейнс, Н.А.Маев, А.И.Добросмислов маълумотлари, Тошкентнинг 1890 йилги харитаси) Самарқанд дарвоза номи қайд этилган. Ҳозирги кунда ушбу дарвозанинг ўрнида рамзий дарвоза ўрнатилган бўлиб, бу ерда “Самарқанд дарвоза” номли кўча, маҳалла ва “Самарқанд” ошхонаси мавжуд.

Сағбон дарвозаси – Кўкча даҳасининг шимолий қисмида. “Сағбон” топонимининг этимологияси ҳақида аниқ маълумот йўқ. Муҳаммад Солиҳ “Тарихи жадидаи Тошканд”да келтирган XIV аср охири – XV аср дарвозалари рўйхатида Суьбониён, XIX аср дарвозалари рўйхатида эса, Сағбон шаклларда берилган. Эҳтимол, “Суьбониён” сўзи даврлар мобайнида халқ талаффузида ўзгариб, қисқарган ва “Сағбон” шаклини олгандир. Сағбон дарвозаси XX аср бошларида бор эди ва унинг номи Сағбон маҳалласи номида кейинчалик ҳам сақланиб қолди. Н.Г.Маллицкий “Сағбон” маҳалласида ит боқарлар (псари) кўп бўлгани учун, шундай аталган, деган тахминни айтган¹.

Тахтапул дарвозаси – Себзор даҳасининг шимолий қисмида жойлашган. “Тахтапул” – форсча қўшма топоним (“тахта” ва “пул”), таржимаси “ёғочкўприк” деган маънони англатади.

Мазкур дарвозанинг номи Муҳаммад Солиҳ XIV аср охири – XV аср боши учун берган рўйхатида ҳам бор. Дарвозанинг номи XIX аср охири – XX аср бошларида чоп этилган ёзма ва картографик манбаларда ҳам акс этган. Миллер рўйхатида у “Тахтакус” шаклида ёзилган². Мазкур дарвоза XX аср бошларигача сақланганига қарамай, унинг номи кейинроқ ҳам маҳаллалар номларида акс этган: Юқори Тахтапул, Ўрта Тахтапул, Қуйи Тахтапул маҳаллалари. “Тахтапул” топоними ҳозир ҳам шу маҳаллалар ўрнидаги бир нечта маҳаллаларни бирлаштирган ҳудуднинг номи сифатида сақланиб қолган.

Чиғатой дарвозаси – Кўкча даҳасининг шимоли-ғарбий қисмида, антропотопоним; номининг келиб чиқиши Чингизхоннинг (1155–1227) ўғли Чиғатойнинг (вафоти 1242 й.) исмини билдиради.

Маълумки XIII асрда Чингизхон ўғилларига ўз салтанатини тақсимлаб, Ўрта Осиё ерларини иккинчи ўғли Чиғатойга берган ва кейинчалик мазкур ҳудуд Чиғатой улуси деб аталган. Чиғатой дарвозасининг номи хоннинг шарафига қўйилган. Мазкур дарвоза номи Муҳаммад Солиҳнинг иккала рўйхатида ҳам келтирилади. Чиғатой дарвозасининг номи XX аср бошларида маҳаллалар номларида ҳам учрайди: Чиғатой тепа, Чиғатой-чақар, Чиғатой-Янги-шаҳар³. Ҳозирги вақтда мазкур ҳудуд Собир Раҳимов туманига тегишли саналиб, бу ердаги маҳаллага “Чиғатой дарвоза” номи берилган⁴.

¹ Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля... – с.6.

² Соколов Ю. Ташкент, ташкенцы и Россия. – Ташкент: Узбекистан, 1965. – с.34.

³ Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля... – с.13.

⁴ Толипов А. “Чиғатой дарвоза” деб аташди // Газ. “Маҳалладош”. 1991 йил 31 октябр.

Қашқар дарвозаси – Шайхонтахур даҳасининг шарқий томонида жойлашган.

Дарвоза номи XIX асрда Қашқар шаҳридан бир миқдор аҳолининг Тошкентга кўчиб келиб ўрнашиб қолганлиги билан боғлиқ. XIX асрнинг 40-йилларида шаҳарнинг янги ташкил топган мазкур қисмида, Қашқардан чекиниб қайтаётган кўқонлик Муҳаммадалихон (1822–1842) кўшини билан келган қашқарликлар яшардилар. Бу ерлар то 1966 йилги зилзилагача Қашқар – маҳалла деб аталарди.

Умуман, тарих мобайнида бу дарвоза номи ўзгариб келган. Муҳаммад Солиҳ келтирган рўйхатларда у XV асрда Турк, XIX асрда Хитой ва Оққўрғон номлари маълум бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мазкур дарвозанинг номи манбаларда Қашқар дарвоза шаклида учрайди.

Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, Турклар дарвозасининг номи турк қабиласи номидан, XIX аср бошларида бу ерда Турк маҳалласи ҳам бор эди. Дарвозанинг Хитой деган номи ҳақида аниқ ёзма маълумотлар ҳозирча учрамаган бўлса-да, уни Буюк Ипак йўлининг бир йўналиши, аниқроғи, шимолий тармоғи Тошкент шаҳри орқали ўтганлиги ва бу ерга Хитойдан савдо карвонлари келгани, мазкур йўлдан Хитойга борилганлиги билан боғлаш мумкин. Сўнг мазкур дарвоза Оққўрғон номи билан машҳур бўлган. Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, шаҳарнинг шарқий қисми яқинидаги Хўжа Аҳрорнинг вақф ерлари Оққўрғон деб аталган. Бу ерлар Шайх Шибли (Човли) ариғининг шарқий томонида бўлган, яъни дарвоза орқали шаҳардан айнан шу ерга чиқилган¹.

Қорасарой дарвозаси – Себзор даҳасининг шимолий қисмида жойлашган. “Қорасарой” – икки ўзақли кўшма этнотопоним. Аслида бу туркий сўз, қадимги туркий қабилалардан бирининг номини билдиради².

Мазкур дарвоза, Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, XIV асрда Амир Темур буйруғи асосида қурилган. XIX асрда ҳам шу ном билан сақланган. XX аср бошларида, бошқа дарвозалар каби, бузилиб кетган ва номи дарвоза турган ҳудуд учун сақланиб қолди. Қорасарой кўчаси ва шу номли аҳоли турар жойлари ҳам мавжуд.

XIX аср ўрталарига оид Эски Тошкент тарихида Себзор даҳасида Тахтапул ва Қорасарой дарвозалари оралиғида Тешик қопқа дарвозаси ҳам кўрсатилган. Миллер бу дарвоза номини “Капкан” (“Қопқа”) шаклида ёзган³. Муҳаммад Солиҳ мазкур дарвозанинг икки хил номини келтиради: Тешик-қофқа (Дарвишак-қофқа). “Тешик-қопқа” – икки сўздан иборат топоним бўлиб, “шаҳар деворига ўйиб қурилган кичик эшик” маъносини англатади. Мазкур дарвоза XIX аср охиригача бор эди.

Қўймас дарвозаси – даҳанинг жануби-шарқий қисмида, Анҳор каналининг Тошкентдан оқиб чиқадиган ерида жойлашган. Муҳаммад Солиҳ мазкур топонимни XIX аср Тошкент дарвозалари ҳақида ёзганда, уни “Қўймас-

¹ Ўринбоев А., Бўриев О., Тошкент Муҳаммад Солиҳ., ўша асар. – 22 б.

² Ўша жойда. – 19 б.

³ Ўша жойда. – 20 б.

кенагас” шаклида бериб, у XV асрдаги Қатағон дарвозаси эканлигини ва мазкур топоним эса катағон қабиласи номидан олинганини қайд этган.

Қатағон қабиласи – туркий қабилалардан бири – ўзбеклар таркибидаги йирик қабила. Афғонистон, Бухоро воҳаси, Хоразм, Каттакўрғон тумани, озроқ қисми Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида яшаган. XVIII-XIX асрларда батамом ўтроқ ҳаётга ўтган. Қатағонлар бир неча уруғларга бўлинган. Ўтмишда чорвачилик билан шуғулланганлар. Асрлар давомида катағонларнинг кўпчилиги маҳаллий халқ таъсирида ўтроқлашиб, деҳқончилик қилганлар¹.

Муҳаммад Солиҳ яна Қўймас-кенагас дарвозаси номи XIX асрда Қирилмос дарвозасига тўғри келиши ва бу дарвоза яқинида Қўймас ёки Қирилмос тепалиги бўлганлигини айтади. Қирилмос дарвозаси Қўқон дарвозаси билан Бешоғоч дарвозаси оралиғида жойлашган. А.К.Гейнс бу дарвоза номини “Коймас” шаклида ёзади. Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, Қирилмос дарвозаси олдида чуқур жарлик бўлган ва бу жарлик ҳоким саройига ўтадиган йўлда табиий тўсиқ вазифасини ўтаган. Жарлик тарафидан кўрғонга фақат Қирилмос дарвозаси ёнидаги торгина йўлакдан ўтиб бўларди, холос². Бу йўлак ҳақида Филипп Назаров ҳам (XIX аср бошлари) эслатиб, ҳоким кўрғонига фақат тор сўқмоқ орқали ўтилади, деб ёзган эди³. Қўймас ёки Қирилмос дарвозаси XIX асрда Лашкар бегларбеги даврида аввалги ўрнида қайта тикланган. Дарвозанинг номи шу ердаги Қўймас ёки Қирилмос тепалиги билан боғлиқ бўлиб, манбаларда “Қўймас дарвозаси”, “Қирилмос дарвозаси” шаклларида учрайди. Шунга кўра, “Қўймас” дарвозасининг номи дарвозанинг ўтиш жуда қийин жойга ўрнатилганлигини англатади, дейиш мумкин. Бошқа фикрга кўра, Қўймас – қадимги топоним бўлиб, у “катта йўл” ёки “катта кўча” маъноларини англатган⁴.

Кенагас эса, бу – этноним.

Дарвозанинг XIX асрдаги Қўймас-кенагас номи унинг Қўймас номли тепаликда жойлашгани ва бу ҳудудда кенагаслар яшаганидан далолат беради, деган фикр мавжуд.

Кенагаслар – йирик ўзбек қабилаларидан бири, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига қаердан, қачон келганлиги ва шаклланиш тарихига оид аниқ маълумотлар йўқ. Айрим манбаларда уларнинг XV асрда нўғой элатининг шаклланишида қатнашганлиги қайд этилган. Кенагасларнинг асосий қисми XVII-XIX асрлар давомида Қашқадарёнинг юқори ҳавзасида яшаб, Бухоро хонлигининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашган, амирлик тобелигидан чиқиш ва ўз мустақил беклигини ўрнатиш учун кураш олиб борган. 1856 йили амир Насруллонинг қирғинидан омон қолган кенагаслар қочиб тарқалдилар. Сўнгги йилларда уларнинг маълум қисми яна Шаҳрисабз ва Китобни эгаллаган.

¹ Ўбек совет энциклопедияси. Қатағон. – Т., 1980. Т.14. Б.43.

² Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 21 б.

³ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – М., 1968. – с.60.

⁴ Муҳаммаджонов А.Р. Айрим топонимлар семантикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2004. – № 2. – Б.41.

Кенагаслар чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. XIX аср охири – XX аср бошларида, кўпчилиги бошқа ўзбеклар билан аралашиб кетган¹. Мазкур қабила номининг Тошкентнинг тарихий топонимияси билан боғлиқ тарихи бизга ҳозирча номаълум.

Кўкон дарвозаси – Шайхонтаҳур даҳасининг шарқий қисмида жойлашган. “Кўкон” топоними Кўкон шаҳри номидан олинган. Сабаби, ушбу дарвоза орқали Тошкентдан Кўкон томон бориларди. Бу йўлнинг бошланиши ҳозирги Тошкентнинг Йўлдош Охунбобоев кўчаси ва Фарғона йўли билан Қўйлик ёнида Чирчиқ дарёси орқали, сўнгра Тўйтепа йўналиши билан Кўконгача давом этган ва XIX асрда Фарғона водийси билан Тошкент шаҳри ўртасидаги асосий йўл саналган.

Муҳаммад Солиҳ XIX асрдаги Кўкон дарвозаси XIV–XV асрлардаги Қиёт дарвозасига тўғри келишини таъкидлайди². Унинг ёзишича, Қиёт дарвозасининг номи – қиёт қабиласи номидан.

Қиёт – ўғузлар таркибидаги қадимги туркий қабилалардан; VII–X асрларда Дашти Қипчоқда яшаб, кўчманчи чорвачилик билан шуғулланган. Ўғузлар давлати емирилгач (XI аср), қиётлар ҳам бўлиниб кетган. Катта қисми Туркманистонга, бир қисми Болқон ярим оролига кетган, Дашти Қипчоқда қолган қисми эса кейинчалик ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ халқлари таркибий қисмларидан бирини ташкил этган³.

Улар XX аср бошларида, асосан, ўтроқлашиб, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишган. Лекин, қиётлар бутун Ўрта Осиё ҳудуди бўйлаб аста-секин тарқалганлар. Шу жумладан, XIV–XV асрларда ва ундан сўнг ҳам Тошкентда ҳам қиётларнинг маълум бир гуруҳи яшаган ва ўн икки дарвозадан бири уларнинг номи билан аталгани бунга далилдир.

Маҳаллалар

Гулбозор маҳалласи, асосий қисми Шайхонтаҳур даҳасида бўлган; мазкур маҳалла Хадра ва Себзор даҳасининг Қошиқчилик маҳаллалари, Чорсу бозори ва Шайхонтаҳур кўчаси билан чегарадош эди. “Гулбозор” қўшма топоним (“гул” ва “бозор”), маъноси – “гул сотиладиган бозор”.

Маҳалланинг бундай номланишига сабаб, бу ерда Чорсу бозорининг гуллар, кўчатлар сотиладиган расталари ўрин олганди. Археологик маълумотларга кўра, IX–XII асрларда бу маҳалла ўрнида Бинкатнинг арки ва шаҳристонини жойлашган экан.

XX аср охирида Гулбозор маҳалласида 200 га яқин хонадон яшаган. Аҳолиси савдо, хунармандчилик (тунукасозлик, бўз тўқиш), мавзелари — Назарбек, Қорасув, Чўпонотада боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Маҳаллада учта масжид, бир нечта раста, 2 қаватли меҳмонхона,

¹ Ўзбек совет энциклопедияси. Кенагас.– Тошкент, 1974. Т.5. Б.433-434.

² Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 18 б.

³ Ўзбек совет энциклопедияси. Қиёт. – Тошкент, 1980. Т.14. Б.62.

дўконлар бўлган. XX аср бошларида бу ерда Германиянинг “Зингер” фирмаси ишлаб чиққан тикув машиналари сотилган¹.

Дегрез маҳалласи, Шайхонтахур даҳасида; Дероз ва Дегрезлик шаклларида ҳам аталган. Ғиштмасжид, Сўғалмасжид, Шўртепа, Ҳовузбоғ ва Хўжарўшной маҳаллалари билан чегарадош бўлган, Қуйи Дегрез ва Юқори Дегрезга бўлинган. Ҳозир бу ерда Ўзбекистон Миллий театри, цирк бинолари жойлашган.

“Дегрез” сўзи икки ўзакли топоним, (“дег” ва “рез”), форсча “дег” – қозон, “рез” – қуй; “рехтан” – қуймоқ маъноларини билдиради; “дегрез” – қозон қуёвчи, деган маънони англатсада, умуман олганда темирчилар маҳалласи назарда тутилган.

Дегрез маҳалласи қадимий маҳаллалардан бири бўлиб, унда 200 хонадон яшаган. Аҳолиси ҳунармандчилик, мавзеларда деҳқончилик билан шуғулланган. Асосий касби чўян, жез, абжўли (ҳафтжўш) – “етти қотишма” – қуйиш эди. Маҳаллада 20 га яқин чўян қозон қуйиш (дегрезлик) устахоналари (уларда омов тишлари, кумфонлар, ховонча ҳам қуйилган), 2 масжид, мадраса бўлган².

Жанггоҳ (ёки Жангоб) маҳалласи, Шайхонтахур даҳасида; Эскижува, Ғиштмасжид, Ҳадра, Чуқурқишлоқ маҳаллалари билан чегарадош, Шайхонтахур кўчасига туташган. Ҳозирги А.Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғининг ўрни.

“Жанггоҳ” сўзи икки ўзакли қўшма топоним бўлиб “жанг” ва “гоҳ” морфемаларидан ташкил топган, “жанг-уруш”, “гоҳ”- форсча “жой”, “ер” маъноларидаги топоним ясовчи аффикс. “Жанггоҳ” – “уруш қиладиган жой” демақдир³. Иккинчи маъноси – “жангоб”, яъни “уруш суви”, шу ердан оқиб ўтадиган Лабзак ариғининг яна бир номидир. Шу боис маҳаллани ҳам баъзан “Жангоб” деб атаганлар. Маҳалла номининг этимологияси шаҳар тарихи билан боғлиқ. XVIII асрда Тошкентнинг тўрт даҳаси ўртасида (“Чор ҳокимлик” даври) уруш-талаш бўлиб турган. Бу даврда шаҳар ҳокимининг ўзаро низолари кучайиб, шаҳар гоҳ у, гоҳ бу ҳоким қўлига ўтган. Кўпинча Себзор даҳаси билан Кўкча даҳаси одамлари қўшилиб Шайхонтахур даҳасига қарши урушган; баъзида Шайхонтахур даҳаси билан Бешоғоч даҳаси бирлашган. Шаҳар марказидан оқиб ўтадиган Лабзак сувининг бўйи уларнинг жанг майдонига айланган. Шу боисдан ҳам халқ орасида бу ер “жанггоҳ”, ариқ эса “жангоб” деб ном олган⁴.

XX аср бошларида Жанггоҳ маҳалласида 60 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси 400 га яқин киши; ҳунармандчилик, майда савдо билан шуғулланган. Маҳаллада масжид, чойхона, дўкон бўлган.

¹ Тошкент. Энциклопедия... – 103 б.

² Ўша жойда. – 108 б.

³ Ўша жойда. – 52 б.

⁴ Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент..., ўша асар. – 57 б.

Зангиота маҳалласи¹ Бешоғоч даҳасида; Сузукота, Чақар, Ўқчи, Чуқуркўприк, Захарик, Самарқанд дарвоза, Эшонгузар маҳаллалари билан чегарадош.

“Зангиота” сўзи икки ўзакли кўшма топоним, аниқроғи антропотопоним. Зангиота машҳур сўфийлик тарғиботчиси шайх Ойхўжа ибн Тожхўжанинг таҳаллуси. Маҳаллага унинг номи қўйилган.

Зангиота (вафоти 1258 йили) – авлиё, тасаввуфнинг таниқли вакили, Туркистонлик машҳур сўфий (тахминан XI аср) Арслонбобонинг² авлоди (авараси). Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза кўчасидаги маҳаллада (кейинчалик Зангиота маҳалласи деб номланган) туғилиб ўсган, деган тахмин бор. Араб наслидан, қора танли бўлгани учун занги (занжи), ҳурмат юзасидан ва олий ҳимматлиги учун Зангибобо Ҳимматий деб аташган. Отасидан таълим олди, сўнг Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийлардан Яссавийлик тариқатининг сир-асрорларини ўрганди, унинг етук намояндаси бўлиб етишди. Шош вилоятига қайтиб келиб, аҳолини илоҳий-ахлоқий, тасаввуфий йўл-йўриқлар билан тарбиялаб, кўплаб мутасаввуфлар тайёрлади. Унинг шогирдлари: Узун Ҳасанота, Саййидота, Садрота ва Бадрота. Дашти Қипчоқ ўзбеклари, Волгабўйи ва Урал тоғи этақларидаги татар ва бошқирдлар орасида ислом динининг ёйилишига ҳисса қўшди. Зангиота подачилик қилиб, ҳалол ризқ топиб ҳаёт, кечирган. Намоз ва зикрни қанда қилмаган. Фарзандлари ҳам инсофли кишилар бўлиб етишадилар, халқни ҳақиқат йўлига бошлашда раҳнамолик қилардилар. Зангиота ва аёли Анбар Бибининг қабри Зангиота туманидаги Зангиота қишлоғида. Зангиота дафн этилган мазор ёнида масжид ва мадраса қад кўтарган. Бу жой зиёратгоҳ ҳисобланади³.

XX аср бошида Зангиота маҳалласида 100 хонадон яшаган. Аҳолиси косибчилик, савдо, мавзелари – Зангиота, Қатортол, Нуғойқўрғонда деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланган. Маҳаллада мактаб, масжид, чойхона, сартарошхона, бақоллик ва косибчилик дўконлари бўлган. Архитектура ёдгорлиги – Хўжа Нуриддин мақбараси (XVI аср) сақланган.

Занжирлик маҳалласи Шайхонтахур даҳасида; Кудукбоши, Мерганча, Падаркуш маҳаллалари билан чегарадош бўлган, Қуйи ва Юқори Занжирликка бўлинган. Ҳозир бу ерда Тошкент телестудияси, Ўзбекистон ФА Адабиёт музейи жойлашган.

“Занжирлик” топоними “занжир” сўзи ва “лик” кўшимча бирикмасидан иборат. Маъноси – “занжир ясовчилар яшайдиган жой” демакдир. В.А.Шишкиннинг ёзишича, Занжирлик маҳалласида занжирчи усталар яшаганлиги учун маҳалла шундай аталган⁴. Н.Г.Маллицкий фикрича, ушбу маҳаллада жойлашган Шайхонтахур қабристонига кираверишда хайвонлар

¹ Маллицкий Н.Г. рўйхатида – “Зенги-ата”.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зангиота. – Т., 2000. Т.1. Б. 666.

³ Ўша жойда.

⁴ Маллицкий Н.Г. Ташкент маҳаллалари..., ўша асар. – 111 б.

ўтаолмаслиги учун катта темир занжир илинган экан ва шундан маҳалла “Занжирлик” деган ном олган экан¹.

Каттаҳовуз маҳалласи, Кўкча даҳасида; Обиназир, Дарвоза, Айрилиш, Сархумдон маҳаллалари билан чегарадош. Ҳозир бу ерда Гулобод турар жой микрорайони қурилган. “Каттаҳовуз” кўшма топоним (“катта” ва “ҳовуз”). Топоним маълум бир даврда ушбу маҳаллада каттароқ ўлчамдаги ҳовуз қазилганини англатади.

Каттаҳовуз маҳалласида XX аср бошларида 350 хонадон яшаган. Аҳолиси кўнчилик, мавзелари – Кўриқрабод, Чўпонота, Оқтепа, Дамачиларда деҳқончилик билан шуғулланган. Маҳаллада масжид, чойхона, сартарошхона, баққолик дўконлари бўлган².

Олмазор маҳалласи, Шайхонтаҳур даҳасида; Эгарчи, Девонбеги, Қоратош, Мерганча маҳаллалари билан чегарадош. Ҳозир бу ерда кўп қаватли уйлар ва жамоат бинолари бор, Олмазор турар жой мавзесига яқин.

“Олмазор” сўзи икки ўзакли кўшма топоним бўлиб, “олма” ва “зор” морфемаларидан иборат. Маҳалла ҳудудида олма боғлари кўп бўлгани учун шундай ном олган.

Олмазор маҳалласида 70 га яқин хонадон яшаган, аҳолиси хунармандчилик, боғдорчилик, деҳқончилик билан шуғулланган. Маҳаллада 3 масжид, 3 карвонсарой, баққолик ва гўшт дўконлари бўлган³.

Самарқанд дарвоза маҳалласи, Бешоғоч даҳасида; Зангиота, Чақар, Захарик, Камолон маҳаллалари билан чегарадош бўлган, бир чеккаси Чақарариққа туташган. Ҳозир ҳам бу ерда. Самарқанд дарвоза маҳалласининг асосан бир қаватли хонадонлар жойлашган.

Маҳалла ҳудудида Тошкентнинг 12 дарвозасидан бири – Самарқанд дарвоза жойлашган. Ҳ.Ҳасановнинг фикрига кўра, маҳалланинг номи Самарқанд дарвозаси номидан ҳосил бўлган⁴. Ушбу маҳалланинг шаклланиши тахминан XV асрга тўғри келади. XIX аср охирида маҳаллада 50 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси хунармандчилик (кўнчилик, дурадгорлик, аравасозлик ва б.), Новза, Чўпонота, Қозиравог мавзеларида деҳқончилик билан шуғулланган. Маҳаллада мактаб, масжид, бозорча, баққолик дўконлари бўлган. А.Қодирий шу маҳаллада яшаб ижод этган⁵.

Тахтапул маҳалласи, Себзор даҳасида; Тешиққофқа, Тарновбоши Тахтапул, Коҳота, Чилтўғон маҳаллалари билан чегарадош бўлган; Тахтапул-тепа, Юқори Тахтапул, Миён, Ўрта Тахтапул, Қуйи Тахтапул ва бошқа – жами 10 қисмга бўлинган ва шимолий чеккаси шаҳар деворига туташган; шаҳар дарвозаларидан бири – Тахтапул дарвоза шу маҳаллада бўлган.

¹ Ўша жойда.

² Тошкент. Энциклопедия... – 148 б.

³ Ўша жойда. – 221 б.

⁴ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё..., ўша асар. – 41 б.; Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 42 б.

⁵ Тошкент. Энциклопедия... – 257 б.

“Тахтапул” топоними ҳақида юқорида айтилди. Шунингдек, Ҳ.Ҳасановнинг фикрича, маҳалланинг “Тахтапул” дейилиши унинг Тахтапул дарвозасига яқин ҳудудда жойлашгани сабаблидир¹.

Агар Тошкентнинг 12 та дарвозасидан бири Тахтапул аталгани ва бу ном Амир Темур даври дарвозалар рўйхатида борлигини эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда, бу ерда маҳалла шаклланиши анча илгари бошлангани билинади. Табиийки, аста-секин маҳалла кенгайиб борган.

XX аср бошларида Тахтапулда 900 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси савдо-сотик, мавзеларда деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган. Маҳаллада баққоллик дўконлари, чойхоналари, 2 тегирмон, жувозхона ва б. бўлган².

Чуқуркўприк маҳалласи, Бешоғоч мавзесида; Мирлар, Зангиота, Бадрбой, Эшонгузар маҳаллалари билан чегарадош бўлган.

“Чуқуркўприк” кўшма топоним (“чуқур” ва “кўприк”) ва “чуқурроқ, пастроқ жойда қурилган кўприк” дегани. Шу атрофда аста-секин маҳалла шаклланиб, у кўприк номи билан аталган. Дарвоқе, мазкур маҳалладан оқадиган ариқнинг номи ҳам Чуқуркўприк эди, у Эски шаҳарнинг Бешоғоч ва Шайхонтахур даҳаларидан оқиб ўтган.

XX аср бошида Чуқуркўприк маҳалласида 300 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси ҳунармандчилик, мавзеларда боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Маҳаллада мактаб, бир қанча тикувчилик устахонаси, чойхоналар, 2 масжид, савдо дўконлари растаси бўлган³.

Чувалачи маҳалласи Себзор даҳасига тегишли, Тешик қофқа, Чигитбоши, Кадувот, Ҳасанбой маҳаллалари билан чегарадош.

С.Қораевнинг фикрига кўра, “чувалачи” сўзи этнотопоним бўлиб, ўзбек қабиласи номини билдиради⁴. Маҳалланинг номи Чувалачи қабиласи билан боғлиқ. Бу ҳақда ёзма манбаларда маълумотлар учрамади. Эҳтимол маҳалла ҳудудида чувалачи қабиласидан бўлган аҳоли яшагани туфайли уни “Чувалачи” деб аташган. Маҳалла тахминан XV-XVI асрларда шаклланган. XX аср бошларида қарийб 100 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси ҳунармандчилик, кўпроқ, кўнчилик, мавзеларида деҳқончилик билан шуғулланган. Чувалачи маҳалласида тегирмон, бир неча баққоллик дўконлари, чойхона, масжид бўлган.

Шоҳнишинтепа маҳалласи⁵ Кўкча даҳасида; Чақар, Тўкли Жаллоб, Чиғатой маҳаллалари билан чегарадош. Чиғатой дарвозаси ёнида жойлашган.

“Шоҳнишинтепа” – уч ўзакли кўшма топоним бўлиб, “шоҳ”, “нишин” ва “тепа” морфемаларидан иборат. Яъни “шоҳнишин” – “шоҳ ўтирган ер” маъносини англатади. Бу ер кейинроқ тепаликка айлангани сабабли “тепа” морфемаси қўшилиб “шоҳнишинтепа” топоними ҳосил бўлган.

¹ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой..., ўша асар. – 41 б.

² Тошкент. Энциклопедия... – 285 б.

³ Тошкент. Энциклопедия... – 384 б.

⁴ Қораев С. Географик номлар... – 134 б.

⁵ Маллицкий Н.Г. рўйхатида кўрсатилмаган.

Мазкур маҳалланинг номи шу ерда жойлашган Шоҳнишинтепа билан боғлиқ. Бу жойда VII-XIII аср бошларида қаср — кўшк бўлган, Кайковус канали бўйида жойлашган. Ривоятга кўра, Тўрон подшоси Афросиоб ўзига тобе халқни шу ерда қабул қилган. Кейинчалик кўшк бузилиб, ўрни тепалик бўлиб қолган. Тепаликдаги кўшк ўрнини XX асрнинг 20-йилларида М.Е.Массон қайд қилган; 1968–69 йилларда Тошкент археология экспедицияси текширган ва бу тепалик ўрнида XIII асргача (мўғул босқинига қадар) Бинкат рабодининг маҳалласи бўлган, деган хулосага келинган.

Шоҳнишинтепа майда хунармандчилик, савдо-сотик, Захарик, Оқтепа, Белтепа, Дамарик мавзеларида боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Маҳаллада чойхона, бақоллик дўконлари, масжид бўлган.

Эгарчи маҳалласи, Шайхонтахур даҳасида; Қатортерақ, Олмазор, Девонбеги, Тиллак ва Мерганча маҳаллалари билан чегарадош. Ҳозир бу ерда Алишер Навоий номидаги Санъат саройи ва унинг ёнверигади Архитектура институти ва бошқа бинолар жойлашган.

“Эгарчи” топоними “эгар” сўзи ва -чи кўшимчасидан иборат, “эгар ясовчи” маъносини англатади. Мазкур маҳалла аҳолисининг асосий касби эгар ясаш бўлгани сабабли, маҳалла “Эгарчи” деган ном олган. Баъзи тадқиқотларда бу маҳалладаги 200 оиладан 100 таси фақат эгар-жабдуқ тайёрлаш билан шуғулланган. Хунар авлоддан-авлодга ўтиб, буюртмаларни ёки бозор учун зарур маҳсулотларни тайёрлашда болалар, хотин-қизлар ҳам иштирок этганлар Эгар ясашда дўвора хўрди (қайта майдалаш), туз пушди (текислаш, силликлаш) ва сирлар ишларини аёллар бажарганлар¹. Маҳаллада 200 дан ортиқ хонадон яшаган, аҳолиси кўнчилик, савдо-сотик билан ҳам шуғулланган; унда 2 масжид, 2 мактаб, дўкон бўлган².

Эскижува маҳалласи Себзор даҳасида; Оҳангузар, Жангоҳ, Пушти Ҳаммом, Тинчоб маҳаллалари билан чегарадош. Ҳозир бу ерда Эскижува бозори майдони ва атрофидаги иморатлар жойлашган.

“Эскижува” кўшма топоним (“эски” ва “жува”). “Жува” аслида “жўба” сўзининг ўзгартириб, талаффуз қилиниши; “жўба” – “ҳарбий аслаҳалар” дегани. Наршахий асарида “жуба” – “бозор”, “майдон” маъносида келган. Демак, “эски жўба” – “қадимги, илгариги бозор” демакдир³. Аслида ҳам бу ерда қадимдан Тошкентнинг катта бозори бўлган ва ўша яқин-атрофда янги бозор очилиб, илгаригиси эски жўба-бозор дейилгандир. Бироқ, баъзи олимлар “эски жўва” – “хон аркининг чеккасидаги эскирган ҳарбий аслаҳалар омбори”, деган фикрни айтганлар⁴.

¹ Охунов Н. Жой номлар..., ўша асар. – 65 б.; Рўзиева М. Тошкентнинг ўтмиш қиёфаси. – Т., 1984. – 25-24 б.

² Тошкент. Энциклопедия... – 402 б.

³ Наршахий. Бухоро Тарихи. / Форс тилидан А.Расулев тарж. – Т.: Камалак, 1991. – 128 б.

⁴ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой..., ўша асар. – 40 б.

Эскижува маҳалласининг номи эса, бевосита мавжуд Эскижува бозори номидан таркиб топган.

XX аср бошларида Эскижува маҳалласида 100 хонадон яшарди. Аҳолиси савдо-сотик билан шуғулланган. Маҳаллада карвонсарой, чойхона, мадраса, масжид, бақоллик дўконлари ва б. бор эди¹.

Қашқар маҳалласи Шайхонтахур даҳасида жойлашган, Турк-Янги шаҳар, Ила, Тожик маҳаллалари билан чегарадош. Бир чеккаси янги шаҳарга туташган. Маҳалланинг шарқий чеккасида шаҳар дарвозаларидан бири – Қашқар дарвозаси жойлашган эди. Ҳозир унинг ҳудудида Ўзбекистон халқлари дўстлиги уйи, “Жасорат” комплекси, Қашқар маҳалла турар жой микрорайони барпо этилган.

Қашқар ёки қашғар – бу туркий қабилалардан бири. Бу этнотопоним ҳақида юқорида сўз юритилган эди. Маҳалланинг номи ўтган асрнинг 40-йилларида Қашқардан энгилиб қайтган Қўқон хони Мадалихон билан анчагина қашқарликлар ҳам бирга Тошкентга келиб ўрнашгани билан боғлиқ.

XX аср бошларида маҳаллада қарийб 130 хонадон яшаган. Аҳолиси савдо-сотик, мавзелари – Оққўрғон, Бўз, Яланғоч ва б.да деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланган. Қашқар маҳаллада тўртта карвонсарой, бозор, масжид, бақоллик дўконлари бўлган. Қашқар дарвозаси маҳалланинг шарқий томонида бўлган. Маълумки, Черняев бошлиқ рус қўшинлари дастлаб 4 октябр 1864 йилда Тошкентга Қашқар дарвозаси томонидан ҳужум қилган, лекин кўп талофат билан чекинган. 1865 йили Тошкентни рус қўшинлари босиб олгач, Қашқар маҳалладаги эгасиз қолган хонадонларга рус офицерлари жойлашиб олган. 1867 йилнинг кузида Қашқар маҳаллада Туркистон ўлкасини қилич ва ўт билан босиб олиш манзаралари альбомини тайёрлаш учун Россиядан таклиф этилган ва кейинчалик ўзи ҳам ушбу қирғиннинг фаол иштирокчисига айланган рус расоми В.Верешчагин (1842–1901) яшаган. Қашқар маҳаллада Ҳамза мактаб очиб бир муддат ишлаган. Маҳаллада маърифатчи ва адабиётшунос олим Миёнбузурк Солиҳов (1892–1939) яшаган. Тошкент zilzilаси (1966) эпицентри Қашқар маҳаллада бўлган.

Қўрғонтепа маҳалласи, Себзор даҳасида; Чимбой, Ёв, Тепа-маҳалла ва Аллон маҳаллалари билан чегарадош. Қуйи Қўрғонтепа ва Юқори Қўрғонтепага бўлинган.

“Қўрғонтепа” қўшма топоним (“қўрғон” ва “тепа”), “Қўрғонтепа” – “баландликда қурилган қўрғон”, яъни маҳалланинг тепалик қисмига қўрғон қурилганини англатади.

XX аср бошларида Қўрғонтепа маҳалласининг аҳолиси хунармандчилик, мавзеларда деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган. Полвонлари билан шуҳрат топган. Маҳаллада 10 га яқин жувозхона, 2 масжид, чойхона бўлган².

¹ Тошкент. Энциклопедия... – 407 б.

² Ўша жойда. – 453 б.

Хадра маҳалласи, Шайхонтахур даҳасида; Жанггоҳ, Ҳовузбоғ, Гулбозор, Дегрез, Шўртепа маҳаллалари билан чегарадош ва бир томони Тошкўчага туташган бўлган. Ҳозир бу ерда “Хадра майдони”, “Хадра” меҳмонхонаси жойлашган.

“Хадра” сўзи кўшма топоним (арабча “хад” – чегара, форсча “роҳ” – “йўл”, “кўча”) “йўлнинг чеккаси” деган маънони англатади. “Хадра” топоними ҳақида турли фикрлар мавжуд. Жумладан, Я.Ғ.Ғуломов, Ҳ.Т.Зарифовлар “хадра” – “хадди роҳ” – “йўлнинг чеккаси”, “чегараси”, “шаҳарнинг чеккаси” деган маънони билдиради, дейишади¹. Ҳ.Ҳасанов ҳам “хадра” – “хон ўрдасининг чегарасидаги йўл” деб шарҳлайди². Ф.А.Абдуллаев эса Хадра “нотекис”, “паст-баланд”, “яроқсиз” маъносини билдиради, дейди (адранг-адра-хадра). А.Р.Муҳаммаджонов “хадра” сўзи “адирли ер”, “йўлнинг чеккасидаги ер” маъносини англатишини ёзади³. Эҳтимол, шаҳристоннинг шарқий дарвозаси орқали ўтган йўл шаҳарнинг баланд қисми – “хадра” “нотекис”, “паст-баланд”, “яроқсиз” маъносини билдиради дейди (адранг-адра-хадра). Олимнинг фикрига кўра, қадимда Хадра маҳалласининг майдони Регистон номи билан машҳур бўлган. Демак, Хадра маҳалласининг номи маҳалланинг унинг нотекис, адрли ерда, шаҳарнинг чеккасидаги йўл бўйида жойлашганидан далолат беради. У тахминан X–XI асрларда вужудга келган. XIV асрга келиб шаҳар худуди кенгайган. XIX асрга келиб Хадра маҳалласи ерлари шаҳар марказига тўғри келиб борган, бироқ унинг номи аввалгидек сақланиб қолган⁴.

XX аср бошларида Хадра маҳалласида 100 га яқин хонадон яшаган. Аҳолиси савдо ва ҳунармандчилик, мавзеларда боғдорчилик билан шуғулланган. Маҳаллада этикдўзлик, темирчилик устахоналари, 2 новвойхона бўлган⁵.

Муассасалар

Бароқхон мадрасаси Себзор даҳасида жойлашган (ҳозирги Зарқайнар кўчасида). Бир неча даврда қурилган иморатлардан таркиб топган (XV–XVI асрлар). Дастлаб бинонинг шарқий бурчагидаги муъжаз мақбара (кимга мансублиги номаълум) қурилган. Сўнг (1503 й.) шайбонийлар сулоласининг Тошкентдаги ҳокими Суюнчхўжахон (вафоти 1525 й.) мақбараси қад кўтарган. Бароқхон мадрасаси мемориал комплексининг учинчи босқичи XVI аср ўрталарида яшаган Бароқхон билан боғлиқ. Бароқхон унинг учинчи қисмини (Хорошхинда 1648 йили қурилган) қурдирган ва шу боис мажмуага унинг номи берилган.

Бароқхон, ҳақиқий исми Наврўз Аҳмадхон (вафоти 1556 й.), Шайбонийлар сулоласига мансуб хон, Абулхайрхоннинг невараси, Тошкент

¹ Муҳаммаджонов. Қадимги Тошкент..., ўша асар. – 32 б.

² Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари..., ўша асар. – 40 б.

³ Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент..., ўша асар. – 41 б.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Тошкент. Энциклопедия... – 459 б.

хони Суюнчхўжанинг кичик ўғли. Отасининг вафотидан кейин Тошкентни (1525-51 й.), сўнгра Мовароуннахрни (1551-56 й.) Наврўз Аҳмадхон номи билан бошқарган, ўз номидан танга пул зарб эттирган. Бароқхон ободончилик ишларига катта эътибор берган, мадрасалар қурдирган. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” асарида қайд этилишича, Бароқхон 1556 йили Зарафшон дарёсидан бошланган Дарғом каналининг бош иншооти Равотхўжа тўғонини тузаттириш учун келган ва шу ерда тўсатдан вафот этган (Самарқанд шаҳрига дафн этилган).

XIX асрнинг охирида мадрасанинг Муллахоннинг Канагат-Ша-бий номли саркардаси инъом этган Оқсоқота ва Назарбек худудларидаги вақф ерлари бўлгани маълум.

Бекларбеги мадрасаси Себзор даҳасида бўлган. Аслида “бекларбеги” атамаси ўрта асрларда юқори маъмурий унвон ва амалдорлик лавозимига қўлланилган. Бу лавозим XIX асргача Ўрта Осиё, Кичик Осиё ва Закавказьеда мавжуд бўлган. Асосий вазифаси солиқ ва феодал мажбуриятларнинг ўз вақтида тўланиши, хон фармонларининг бажарилишини назорат қилиш, тегишли масалаларни оқсоқоллар кенгаши билан келишиб ҳал этишдан иборат бўлган. Бекларбегилар айна вақтда саркарда ҳисобланиб, уларнинг қўл остида юзбоши ва ўнбошилар бўлган. Тошкентни бекларбеги томонидан бошқариш 1810 йилда Қўқон хони Олимхон шаҳарни узил-кесил босиб олгандан сўнг бошланган¹.

Тошкентдаги “Бекларбеги” мадрасасининг номи эса Қўқон хони Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги (1822–1842) билан боғлиқ. А.Хорошхин келтирган маълумотларга кўра, мазкур мадраса 1840-йилларда Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги даврида бунёд этилган. У Тошкентдаги энг катта мадраса саналиб, 64 та ҳужраси бўлган. Мадрасанинг хон, қози ва бир қатор мулла, олимларининг муҳрларига эга бўлган вақфномалари мавжуд². Жумладан: 3 та карвон сарой, шам, совун, асал сотиладиган савдо расталар, 4 та тегирмон мадраса тасарруфига кирган. Шунингдек, Назарбек мадрасаси билан бирга Тошкент ҳукмдори Назарбек ҳадя этган ерга ҳам эгалик қилган.

Бешоғоч кушхонаси Бешоғоч даҳасидаги Зах ариғи бўйида Камолон дарвозаси ортида қурилган. Кушхона шаҳар бошқармасига тегишли бўлиб, у томонидан назорат қилинган. Бешоғоч даҳасида жойлашгани учун “Бешоғоч кушхонаси” деб номланган.

1-Оқсоқоллик – Шайхонтахур даҳасида жойлашган бўлиб, унга даҳанинг 3603 ҳовлисида яшовчи аҳоли бўйсунган. Оқсоқолликда халқ сайлаган ва рус маъмурияти томонидан тасдиқланган оқсоқол ва унинг ёрдамчилари иш олиб борганлар.

Рус маъмурияти томонидан оқсоқолликларнинг номлари қисқароқ бўлиши учун тўрт даҳа бўйича тартиб рақамлари белгиланган ва оқсоқолликлар

¹ Ўша манба. – 64 б.; Чориев З. Тарихий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати. –Т.: Шарқ, 1999. – 20 б.

² Хорошхин А.П. Очерки Ташкента: Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб, 1876.– с.80.

шу рақамлар билан аталган. Жумладан: Шайхонтахур даҳасидаги – 1-Оқсоқоллик, Себзор даҳасидаги – 2-Оқсоқоллик, Кўкча даҳасидаги – 3-Оқсоқоллик, Бешоғоч даҳасидаги – 4-Оқсоқоллик деб номланган¹.

1-Эркаклар амбулатория касалхонаси Шайхонтахур даҳасида шифокорлар К.Л.Бентовский, Д.С.Палиенко, С.Ф.Ришковский, В.В.Покровский ва бошқаларнинг ташаббуси билан ташкил қилинган. Амбулатория 1886 йили 15 майда ўз фаолиятини бошлаган. 1898 йили касалхона учун Шайхонтахур кўчасида Кож-Бакқол маҳалласида махсус уй ажратилганлиги манбаларда қайд этилган².

Мазкур шифохона Эски шаҳар ҳудудидаги илк очилган, фақат эркаклар учун хизмат кўрсатувчи тиббий маскан бўлгани ва бу ерда ҳам тиббий маслаҳат бериш, ҳам биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳам стационар даволаш қўлланилгани учун “1-Эркаклар ва амбулатория касалхонаси” деб аталган.

Кўкалдош мадрасаси – Кўкча даҳасидаги XVI асрнинг 60-йилларига оид археологик ёдгорлик. Шаҳар марказининг Чорсу майдонида жойлашган. Қулбобо Кўкалдош қурдирган (1551–75)³. Шу сабабдан уни Кўкалдош мадрасаси деб атаганлар. Мадраса ўша даврда шаҳарнинг энг йирик монументал иншоотларидан саналган, дастлаб уч қаватли бўлиб, 38 ҳужрадан ташкил топган. XVIII аср охирларида мадраса қаровсиз ҳолга келиб қолган ва унинг биносидан қарвонсарой сифатида фойдаланилган. 1866, 1886 йилги зилзилаларидан кейин мадрасанинг зарарланган пештоғи қайта тикланган. 1946 йилги зилзиладан кейин ҳам мадраса қаттиқ шикастланган ва 1960-йилларда қайта таъмирланган. 1991 йилдан Кўкалдош мадрасаси биноси Мовароуннахр мусулмонлари Диний идораси тасарруфида⁴.

Кўкмасжид Бешоғоч даҳасида Эски Жува бозорига яқин ерда қурилган. Масжиднинг гумбази кўк рангда бўлгани сабабли унга шундай ном берилган.

Маҳкама идораси Эски шаҳардаги асосий маъмурий бинолардан саналиб, Чорсу бозори ҳудудида жойлашган.

Аслида “маҳкама” сўзи иккита маънони англатиб, 1) “ҳукм қилувчи, ҳукм чиқарувчи идора, суд”; 2) умуман бошқарма, идора дегани.

Мазкур мисолда маҳкама – бу маҳаллий аҳолининг суд органи. Унда аҳоли томонидан сайланган маҳкама ходимлари – раис, учта аъзо ва қози кабилар фаолият кўрсатганлар. Маҳкаманинг фаолияти ҳақида Дума ҳужжатларида қайд этилган: “Маҳкама – бу халқ суди демакдир”⁵. Бу маънода у доимий муассаса. Маҳкама қошида кўчманчи аҳолининг бийлар деган махсус бўлими ҳам бўлган. Мазкур бўлим фақат қирғизларнинг иши билан шуғулланган. Маҳкама маҳаллий аҳолининг ишларини шарият ва одатга асосланиб олиб борган, қирғизларникини эса, одатда, урф-одатларга кўра ҳал

¹ Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 2819-ҳужжат, 277-варақ.

² Ўз Р МДА. И-718-жамғарма, 1-рўйхат, 44-ҳужжат, 449–449-орқа-варақлар.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Кўкалдош мадрасаси. – Т., 2003. Т.5. Б.169; Чориев З. Тарихий атамалар..., ўша асар. – 62 б.

⁴ Тошкент. Энциклопедия... – 165–166 б.

⁵ Туркестанский Сборник. Сост.В.И.Межовым. – СПб., 1869.Т.Х.. С.259–261.

қилган... Маҳкама полиция таркибини ўзгартирмаган, бироқ судникини ўзгартирган: илгариги Тошкентда тўртта қози ва уларнинг муфтийлари бўлган – энди Маҳкамада бир қози ва уч маслаҳатчи мавжуд. Қозилар ҳам шаҳарда қолдирилди, лекин олдинги ҳукуматга эга эмас ва фақат баъзида губернатор томонидан маслаҳат учун чақирилади”¹. Маҳкама раиси аъзолар чиқарган ҳукмларнинг тўғрилигини назорат қилиб турган. Маҳкаманинг иш тартиби мураккаб бўлмай, аҳолидан бўлган илтимослар оғзаки тарзда қабул қилинган ва муаммо бўлмаса, дарҳол хал этилган. Агар иш муҳимроқ ва мураккаб бўлса, акт тузилиб, барча ҳодимлар ўз муҳрларини қўйганлар. Сўнг акт журналга (қайд дафтарига) кўчирилиб, рақамланган; муҳим ишлар бўйича чиқарилган қарорлар дарҳол бажарилган. Маҳкама фаолияти 1917 йилгача давом этган.

Маҳкама масжиди Кўкча даҳасида жойлашган, бозор ёнида. Уни Хўжа Ахрорга нисбат бериб ҳам аталади. Эски Жува бозоридаги Маҳкама идорасига яқин бўлгани учун шундай номланган.

“Минор” қабристони Шайхонтахур даҳасида, Шайхонтахур қабристони ёпилганидан сўнг, 1870 йили ташкил топган (ҳозирги Шайхонтахур тумани, Хуршид кўчасида). Ғарб томондан Анҳорга туташ бўлган. Ҳозирги майдони 11,3 га. бўлиб, каналдан бирмунча шарққа сурилган, шимоли-ғарбий ва жанубий томонларига дарвозалар қурилган².

Мазкур қабристон Минор маҳалласида жойлашганлиги сабабли уни “Минор” қабристони деб атаганлар.

Савдо назоратчисининг идораси Чорсу бозорида бўлган. У аслида Тошкент шаҳар савдо полицияси таркибига кирган. 1885 йили Сирдарё ҳарбий губернатори томонидан тасдиқланган қарорга кўра, Тошкент шаҳрида Тошкент шаҳар Маҳкамаси қошида Тошкент савдо полицияси ташкил этилган³. Унинг таркибига шаҳар думаси томонидан сайланадиган еттита аъзодан таркиб топган савдо делегацияси, иккита савдо назоратчиси, учта бозор оқсоқоли (Шаҳар Маҳкамаси тайинлаган), савдо ва саноат расталари ва кичкина бозорчалар учун сотувчилар томонидан сайланадиган раста оқсоқоллари кирган. Савдо полицияси таркибидаги иккита савдо назоратчидан бири “шаҳарнинг руслар яшайдиган қисми, иккинчиси – осиеликлар яшайдиган қисми учун” Тошкент шаҳар думаси томонидан тўрт йилга сайланган. Уларга маош ҳам белгиланган. Янги шаҳардаги савдо назоратчиси Воскресение ва Ярмарка бозорлари, шунингдек, бутун шаҳар бўйлаб савдони, фабрика ва заводларни назорат қилиш учун тайинланган. Эски шаҳардаги савдо назоратчиси “катта бозорга (Чорсу бозорига) шунингдек, кичик бозорчаларни ва умуман барча саноат муассасаларини” назорат қилиш учун тайинланган. Учта бозор оқсоқолидан биринчиси Воскресение, Ўрда бозорларини, иккинчиси Ярмарка ва кичик бозорларни, учинчиси Чорсу бозори учун тайинланган. Уларга ҳам маош тўланган. Раста оқсоқоллари, одатда, мазкур ерда савдо қилувчилардан сайланиб, уларга маош тўланмаган. Улар ўзига қарашли бўлган растадаги

¹ Ўша жойда.

² Тошкент. Энциклопедия..., ўша асар. – 195 б.

³ “Туркестанские Ведомости”. –Ташкент, 1885 г. 5 июня.

интизомни назорат қилиб, бозор оқсоқолига бўйсунган. Бозор оқсоқоли бутун бозордаги савдонинг олиб борилиши учун жавобгар бўлиб, шаҳар савдо назоратчисига ҳисобот бериб турган. Ўз навбатида савдо назоратчиси Тошкент шаҳар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар Думаси томонидан назорат қилиб турилган, ўз фаолият ҳақида Шаҳар бошқармасига ҳисобот бериб турган. У ҳукумат томонидан белгилаб берилган ҳудудда мавжуд барча савдо объектларининг иш фаолиятини назорат қилиб, олиб борилаётган савдо, бозордаги интизом учун жавобгар бўлгани сабабли унга “Савдо назоратчиси” дейилган. Савдо назоратчиси ва умуман Тошкент савдо полицияси 1917 йилгача фаолият кўрсатган.

Тахтапул кушхонаси Себзор даҳасида Тахтапул дарвозаси ортида 1893 йили қурилган¹, Унда ветеренария назоратчиси фаолият олиб брган. Бироқ сув танқислиги туфайли кўшхона 1896 йили беркитилган. Манбаларда таъкидланишича, кўшхона 1914 йили қайта таъмирланиб яна ишга туширилган². Кўшхонанинг “Тахтапул” деб аталишига сабаб – у қурилган ер Тахтапул дарвозаси яқинида, Тахтапул деб номланган ҳудудда жойлашган эди.

Хўжа Аламбардор қабристонини ва мақбараси Бешоғоч даҳасида жойлашган. Мазкур қабристон XV–XVI асрлардан бери мавжуд, майдони 7,3 га. Унда Хўжа Аламбардор мақбараси, масжиди бор³.

Ривоятга кўра, мақбара Ўрта Осиёда ислом динини биринчи бўлиб ёйганлардан бири имом Абубакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қафқол ал-Шошийнинг сафдоши аламбардор (байроқдор) номи билан танилган Хўжа аламбардор шарафига қурилган. “Аламбардор” атамаси тарихий атамалар жумласига киради ва арабларнинг Ўрта Осиёга юришлари билан боғлиқ. Хўжа Аламбардорнинг тахмин қилинган қабри (X а.) шаҳарнинг Эски Бешоғоч қисмида, Камолон дарвозаси ортида бўлиб, зиёратгоҳ мемориал мажмуасига асос бўлган; унинг ер ости чиллахонаси ҳозиргача сақланган. Хўжа Аламбардор мақбараси Хўжа Аламбардор қабристонининг марказида жойлашган. Тахминан XVIII асрда қурилган. Рус манбаларида мазкур қабристоннинг номи “Ходжа Аламдаръ” шаклида берилган⁴.

Хўжа Аламбардор қабристонини Камолон дарвозаси яқинида (ортида) бўлганлиги сабабли қабристонни халқ орасида кўпинча Камолон номи билан аташади.

Хўжа Аҳрор масжиди Шайхонтаҳур даҳасида жойлашган. Шайх Хованди Таҳур (вафоти – 1359 й.) томонидан қурдирилган бўлиб, кейинчалик уни Хўжа Аҳрор (XV аср) қайта тиклаган, шу сабабли “Хўжа Аҳрор масжиди” деб аталган. Умуман Шайхонтаҳур даҳасида Хўжа Аҳрор номига мансуб бешта масжид бўлган. Умуман, Тошкентнинг Эски шаҳар ҳудудида Хўжа Аҳрор номи билан аталган масжидлар сони ўндан ортиқ бўлган.

¹ Ўз Р МДА. 718-жамғарма, 1-рўйхат, 44-иш, 40-варак.

² Ўша жойда

³ Тошкент. Энциклопедия...– 371 б.

⁴ План города Ташкента 1890 года.

Хўжа Аҳрор (1404–1490; ҳозирги Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Боғистон қишлоғида туғилган, Самарқандда вафот этган), асли исми Хўжа Убайдуллоҳ – Ўрта осиелик шайх, муршид; нақшбандийлик тариқатидаги раҳнамолардан; йирик ер эгаси. Самарқанд мадрасасида таҳсил кўрган. Нақшбандийликнинг йирик намояндаси шайх Ёқуб Чархийдан муршидлик қилишга фатво олган. Хўжа Аҳрор йирик ер эгалари ва руҳонийлар ўртасида катта нуфузга эга бўлиб, “валий” (авлиё) деб тилга олинган. Машхур шайх мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсий ҳаётида етакчи ўрин тутган. Айниқса Абу Саид (1451–69), сўнграқ Султон Аҳмад (1469–94) ҳукмронлик қилган даврда мавқеи кучли бўлган.

Чармгарон масжиди Кўкча даҳасида жойлашган. Чармгарон маҳалласи ҳудудида бўлгани учун унга ушбу маҳалла номи берилган. Бу масжид Хўжа Аҳрор номи билан ҳам юритилган.

Чорсу бозори қадимдан Тошкент ҳудудидаги энг йирик савдо маркази бўлиб келган. Ёзма манбалардан мазкур бозорнинг номи турли даврларда турлича бўлганлиги маълум. Бу: “Чорсу”, “Жўба”, “Регистон”, “Эски Жува” “Большой базар” (катта бозор) номларидир.

“Чорсу” қадимий сўз бўлиб, дастлаб зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да “човурчук” (“тўрт томонлама”) шаклида учрайди ва “бозор” маъносини англатади. Кейинчалик бу сўз “чаҳорсу” ва ниҳоят “чорсу” шаклини олган; “чорсу” деганда “гумбазли бозор” тушуниланган. XI асрга келганда Туркистон шаҳар кўчаларининг ҳар икки томони бозор – расталардан иборат бўлиб, кўчалар кесишган жойдаги бозор майдони, яъни марказий гумбаз “чорсу” деб аталган¹. Сўзнинг маъносидан Чорсу бозори ўрта асрларда шаҳарнинг марказида жойлашганлиги аниқ бўлади. Баъзи тадқиқотларда “чорсу” фақат тўрт йул эмас, балки беш, олти, ундан ҳам кўпроқ йўллар кесишган жой экани таъкидланган. Дарҳақиқат, бозор ҳудудида шаҳарнинг барча дарвозаларидан келган йўллар туташган. Бундай жойларда савдо расталари, косибларнинг дўконлари жойлашган².

X–XVI асрларга оид манбаларида бозор “Жуба” ва “Регистон” шаклларида ҳам учрайди. Ўрта Осиелик тарихчи Наршахийнинг (X аср) асарида “жўба” – “бозор майдони” маъносидан учрайди.

Чорсу бозорининг “Регистон” деб номланганига сабаб – XV–XVII асрларда шаҳар марказида бозорга яқин ҳудудда бўлиб, унда Хўжа Аҳрор қурдирган жомеъ масжиди ва мадраса (1451 й.), кейинчалик Абулқосим шайх мадрасаси (XVI а.), Кўкалдош мадрасаси (XVI а.) ва унинг яқинида Бекларбеги мадрасаси (1835 й.) қурилган. Мазкур бинолар жойлашган майдон “Регистон” деб номланган. Аслида бу сўз “қумлоқ майдон” маъносини англатади, яъни бу ерда катта майдон бўлгани маълум. Натижада унинг яқинида жойлашган бозорнинг номи мазкур майдоннинг номи билан атала бошланган.

¹ Қораев С. Географик номлар маъноси..., ўша асар. – 150 б.

² Юнусхўжаева М., Мирисмоилова У. Тошкент тарихига оид ҳужжатлар. – Т.: Фан, 1983. – 13 б.

XIX асрга оид ёзма манбаларда марказий бозор “Жўба” ва “Чорсу” деб тилга олинади. Жумладан Муҳаммад Солиҳ ҳам “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида Регистондаги бозорни савдо маркази сифатида таърифлаб, у халқ томонидан “Жўба”, китобларда эса “Жўйбор” дейилишини ёзади¹. Муаллиф бозор ҳақида қимматли маълумотлар келтирган.

XIX аср охири – XX аср бошларида ҳам Чорсу бозори шаҳарнинг геометрик марказида, Тошкентнинг тўрт даҳаси туташган ерида жойлашган. У шаҳарнинг асосий бозори ҳисобланган. Бу ҳақда ўша давр ёзма манбаларида қайд этилган. Мазкур даврга оид рус манбаларида Чорсу бозори “Большой базар” (“Катта бозор”), “Главный базар” (“Асосий бозор”) деб қайд этилган. Уларда Чорсу бозори ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Масальскийнинг ёзишича, мазкур даврда бозорнинг узунлиги шимолдан жанубга 800 м. бўлиб, эни 500 м. чамасида эди. Бозор тим ва расталардан (4500 дўкон) иборат бўлган². Ҳар бир растага мол сифатини ва нархини назорат қилиб турадиган раста оқсоқоли сайланган. М.Поспелов ва Т.Бурнашевлар раста ва дўконлар савдогарлар учун молларнинг хилига қараб қурилганлиги таъкидлаганлар. Шу сабабдан расталарнинг номи сотиладиган мол билан, дўконлар эса, одатда эгасининг номи билан аталган (гўшт растаси, шойи газламалар растаси, Шарифбой дўкони). А.К.Гейнс келтирган бозор ва расталарнинг рўйхати ҳам диққатга сазовордир: ун бозор, кигиз бозор, қўй бозор, гўшт растаси, нонвойлик растаси, ковуш бозор, ёғоч бозор, темирчилик растаси, читфурушлик растаси, шам бозор, баззозлик растаси, пичоқчилик растаси, пахта бозор, тамаки бозор, товоқ бозор, заргарлик растаси, мисгарлик растаси, чойфурушлик растаси, эгар бозори ва ҳоказо. Муаллифнинг ҳабар беришича, бозордаги савдо расталарининг умумий сони 1500 тага етган ва бундай расталар карвонсаройларда ҳам бўлган.

Америкалик сайёҳ ва дипломат Юджин Скайлер 1873 йили Тошкентга келганда Эски шаҳар бозори унда катта таъсир қолдирганини таъкидлаган³. У асосий бозор чоршанба куни, шаҳар атрофидаги ҳудудлардан савдогарлар ўз моллари билан келганларида, йиғилишини ёзган. Сайёҳ бозорда хунармандлар ҳам буюм ишлаб чиқариб, ҳам уни шу ерда, махсус очган пештоқларида сотишларига алоҳида аҳамият берган. Лекин бозорда фақат кўп харид қилинадиган буюмлар ишлаб чиқарилишини, асосий устахоналар эса маҳаллаларда жойлашишини, шунингдек, сотувчилар ишсиз қолмаслик учун маҳсулотларни катта миқдорда сотмасликларини, бозорда расталар сотиладиган молга қараб жойлашиши, яъни бир турдаги маҳсулот сотувчилар бошқа хил мол сотувчилардан алоҳида ўринларда туриб савдо қилиши ҳақида баён қилган.

Марказий бозор атрофида бир турдаги маҳсулот сотиладиган кичикроқ бозорлар ҳам бўлган. Улар сотиладиган маҳсулотнинг номи билан аталган.

¹ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 40 б.

² Тошкент. Энциклопедия... – 407 б.

³ Eugen Schuyler. Turkestan: Notes of a journey In Russian Turkestan, Bukhara and Kuldja. – London, 1876. Vol.I. P.97-103.

Бундай махсус бозорлар жойлашган маҳаллага мазкур бозорнинг номи берилган (Гулбозор, Ғўзабозор, Бўйрабозор, Ходабозор).

Бозор атрофида устахоналар, хунарманд-косиблар яшайдиган маҳаллалар жойлашган. Кўп ҳолларда бундай маҳаллалар у ерда истиқомат қилувчи хунармандларнинг касб-хунарининг номи билан аталган (Дегрез, Каллахона, Пичоқчилик, Кадувот, Парчабоф, Темирчи, Ўроқчилик, Ковушфурушлик, Зироатфуруш, Қошиқчилик ва б.).

Чорсу бозорида нафақат шаҳар ичида ишлаб чиқарилган, балки ташқи ҳудудлардан келтирилган моллар ҳам сотилган.

XIX асрнинг охирларидан бошлаб бу ерда маҳаллий ва европалик бойлар ўз дўконлари, омборлари, банклари ва савдо идораларини қурдира бошлаганлар.

Чорсу бозори нафақат савдо маркази эди, балки бу ерда шаҳар аҳолиси турли янгиликлардан боҳабар бўлган, сабаби шаҳар ҳокимининг турли фармонлари маҳаллалардаги масжидларда маълум қилинганидан ташқари, яна шаҳар бозорида ҳам жарчилар томонидан эълон қилинарди. Шунингдек, мазкур бозор аҳоли дам олиб ҳордиқ чиқарадиган жойи ҳам бўлган. Ундаги турли таомлар тайёрланадиган ошхона, чойхоналар хизматидан ташқари, майдонида халқ санъати намуналаридан дор ўйини, кулги-ҳазил сахналар намойиш этиларди. Ўрта Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида бўлгани каби, Тошкентда ҳам ҳайит ва Рўза кунлари бозоршаб (тунги бозор) ўтарди¹. Бу ҳақда Муҳаммад Солиҳ шундай ёзган: “Бозорнинг дўкон-расталари Чорсудаги қандолатпазлик дўконигача давом этади. Рамазон ойида бу ерда кечаси ҳам бозор бўлади, халқ савдо-сотик, ҳар хил ўйин-кулги қилади”².

Шайх Зайниддинбобо мақбараси – Кўкча даҳасидаги XIII-XIV асрларга оид архитектура ёдгорлиги (ҳозирги Уйғур кўчасида). Мазкур топоним таниқли шайх Зайниддинбобо (XIII аср) исми билан боғлиқ. Мақбара атрофида шундай номли қабристон вужудга келган.

Шайх Зайниддинбобо қабристони (XIV аср) XIX асрда шаҳардаги энг йирик қабристонлардан бўлган (8,9 га.). Бу ерда жомеъ масжиди ҳам мавжуд.

Шайх Хованди Таҳур мақбараси XV асрга оид архитектура ёдгорлиги, шу номдаги даҳада жойлашган (ҳозирги Навоий шоҳкўча, Шайхонтаҳур тор кўчасида). Ушбу мақбара Шайх Умар Боғистонийнинг ўғли – Шайх Хованди Таҳурга атаб солинган.

Шайх Хованди Таҳур 1355 йили вафот этган. Вафотидан сўнг бироз вақт ўтгач у киши дафн этилган кўримсиз мазор мурид ва шогирдлари томонидан ободонлаштирилиб кенгайтирилган, турли ҳажмдаги бинолар қурилиб, шаҳарнинг энг катта қабристонига айлантирилган. Шайх Хованди Таҳурнинг невараси машҳур шайх Хожа Убайдулло Аҳрор Валий XV асрда Шайх Хованди Таҳур қабри устига ихчам ва нақшинкор мақбара қурдирган. Мазкур мақбара кейинчалик таъмирланиб турилган. Шайх Хованди Таҳур ўғилларининг

¹ Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент..., ўша асар. – 59 б.

² Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 49 б.

қабрлари ҳам шу мақбара атрофида бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор¹. Бундан ташқари мақбаранинг шимолий томонидан Шайхонтахур номи билан юритилиб, доимий оқиб турувчи шифобахш зилол сув ариғи бўлиб, унинг бўйида беш юз йиллик қадимий катта чинорлар қабристонга соя-салқин солиб, қатор тизилиб турган.

Шаҳар дорихонаси Чорсу бозорига яқин ҳудудда 1874 йилнинг март ойида очилган². Бу ерда дорилар ночорларга бепул берилган. 1907 йилда дорихона қошида кимёвий бактериология кўмитаси ташкил қилинган. Дорихона ижарага олинган уйда жойлашган эди. 1910 йили дорихона Янги шаҳар ҳудудидаги Романовский кўчасидаги икки қаватли бинога кўчирилган. Дорихона қошида аҳолига тиббий маслаҳат берувчи ходимлар ҳам хизмат қилганлар.

Мазкур дорихона Тошкент шаҳрида илк бор очилган, шаҳарнинг иккала қисми учун хизмат кўрсатган дори сотиш ва тарқатиш муассасаси бўлгани учун “Шаҳар дорихонаси” деб аталган.

Юнусхон мақбараси Шайхонтахур мақбараси мажмуаси таркибидаги XV асрга оид архитектура ёдгорлиги. Мақбара номи Мўғулистон хони Юнусхоннинг қабри устига қурилган ва унинг исми билан аталган.

Юнусхон (1415/17–1487), Мўғулистон хони (1462–87) ва Тошкент ҳокими (1485–87). Бобурнинг онаси Қутлуғ-Нигорхонимнинг отаси. “Бобурнома”да айтилишича, “Юнусхон Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойхоннинг наслидандур”³.

Мўғулистон хони Вайсхон вафотидан (1428 й.) кейин то 1434 йилгача улусда нотинчлик ҳукм сурган. Ўзаро тахт талашишлардан сўнг 1434 йили тахтга Вайсхоннинг кичик ўғли Эсон Буғахон ўтиради. Катта ўғли Юнусхонни эса Мовароуннаҳрга, Улуғбек ҳузурига олиб боришади. Улуғбек Юнусхонни 1434 йили Ҳуросонга Шохруҳ ҳузурига жўнатган. Юнусхон Ҳуросонда машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздийдан таълим олди, кўп илмларни эгаллади. Ҳуросондан қайтгач (1456 й.), Абу Саид ёрдамида Мўғулистон тахтига ўтирган. Ўзаро низолар гирдобига тушиб қолган Юнусхон гоҳ Темурийлар тарафида туриб, гоҳ уларга қарши урушди. XV асрнинг иккинчи ярмида Темурийлар салтанатидаги ўзаро ички низолардан фойдаланиб Сайрамни (1482 й.) босиб олган. Тошкентни ўз тасарруфига киритиш учун Абу Саиднинг ўғиллари – Умаршайх (Бобурнинг отаси) билан Султон Аҳмад ўртасида жангга тайёргарлик кўрила бошлади. Лекин рақибларни Хўжа Аҳрор яраштириб, музокара натижасида Тошкент шаҳри ва вилояти Юнусхонга берилди (1485 й.). Юнусхон 1487 йили шол касаллигидан вафот этган ва Тошкентдаги Шайх Хованди Тахур қабристонига дафн этилган. Бу ерга унга атаб Аҳмадхон (Олачахон) мақбара қурдирган.

¹ Яхёев А. Узукнинг бир кўзи // Газ. “Тошкент оқшоми”. 1993 йил 12 январ; Тошкент. Энциклопедия..., ўша асар. – 387 б.

² Ўз Р МДА. И-37-жамғарма, 2-рўйхат, 42-ҳужжат, 97–123-варақлар.

³ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 22 б.

Юнусхон мақбараси ҳақида XIX аср ёзма манбаларида, жумладан, Муҳаммад Солиҳнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида шундай ёзган: “Бу мақбара Шайх Хованди Таҳур мақбарасидан ғарброкда жойлашган. Юнусхон мақбараси учун унинг ўғли Аҳмадхон – Олачахоннинг махсус буйруғи билан 6 таноб ер ажратилиб, пишиқ ғишт ҳамда тошдан 8 гумбаз барпо этилган. 1829-1830 йилда содир бўлган зилзиладан Юнусхон қабри устидаги гумбазлар ҳароб бўлган, 1859 йилга келиб қайта тикланган”¹.

Қафтол Шоший мақбараси Себзор даҳасидаги XVI асрга оид архитектура ёдгорлиги (ҳозирги Шайхонтаҳур тумани Зарқайнар кўчасида жойлашган). Мақбаранинг номи машҳур имом Қафтол Шоший исми билан боғлиқ² (у ҳақида луғатнинг “Даҳа ва дарвозалар” қисмида маълумот келтирилган).

Қафтол Шоший Тошкентда вафот этиб, Кайковус ариғига яқин ерга дафн этилган. Кейинчалик қабри устига мақбара бунёд этилган. Қафтол Шоший мақбараси халқ орасида Ҳазрат Имом (қисқача Ҳастимом) номи билан шуҳрат топган, муқаддас зиёратгоҳга айланган. Ҳозирги кунда Ҳастимом – бу фақат бир мақбаранинг эмас, балки Тошкент шаҳридаги архитектура мажмуининг номланиши. Унинг таркибига Қафтол Шоший мақбараси (XVI а.), Тиллошайх масжиди (XIX а.), Жума масжид (XX а.) иморатлари киради.

Қафтол Шошийга атаб қурилган дастлабки мақбара сақланмаган. Кейинги мақбара меъмор Ғулом Ҳусайн томонидан қурилган (1541–42 йй.). Эшик тепасидаги китоба ва гумбазнинг пастки қисмидаги ёзувлар сақланган. Ҳозирги кунда у тарихий ёдгорлик сифатида машҳурдир.

Янги шаҳар ҳудуди

К ў ч а л а р

Госпитальная кўчаси (улица Госпитальная; ҳозирги Кафанов кўчаси XIX аср охирида вужудга келиб, Янги шаҳарнинг жанубий қисмида жойлашган, марказдан узоқроқда бўлгани учун иккинчи тоифали кўча ҳисобланган. Мазкур даврда шаҳарнинг жануби-шарқий чегараси ортида, Салор каналининг чап қирғоғида ҳарбий госпиталь бўлган. Бу кўча шаҳар марказидан госпиталга олиб боровчи йўл саналгани туфайли “Госпитальная кўчаси” дейилган. Госпитальная кўчаси Тошкентнинг янги шаҳар қисмидаги дастлабки кўчалардан бири эди, унда диний муассасалар – Меҳрибонлик уйи (Богодельня) ва Госпиталь черкови (Госпитальная церковь) бинолари жойлашган.

Лагерний шоҳкўчаси (Лагерний проспект; ҳозирги Пушкин кўчаси) XIX аср охирида қурилган. Янги шаҳардан русларнинг шаҳар ташқарисидagi (шарқий томонда) ёзги ҳарбий лагерларига олиб боровчи йўл ўрнида вужудга келганлиги сабабли “Лагерний проспект” деб аталган. Хусусан, бу йўл орқали

¹ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 23 б.

² Файзиев Т. Қафтол аш-Шоший // Газ. “Тошкент оқшоми”. 2001 йил 14 январ.

Салорнинг чап соҳилида жойлашган ҳарбий губернатор дала ҳовлисига, 5-Оренбург қозоқ полки, 1- ва 9-линия батальонларига чиқиш мумкин бўлган.

1897 йили Лагерний шоҳкўчасида Сергей ибодатхонаси қурилган¹, 1903 йили конка ўтган, 1913 йилда эса бу кўчага трамвай йўли ўтказилган². Бу кўчада, шунингдек, китоб омбори, Жуковский кўчаси билан кесишган жойда Берсон типографияси, Янги почта биноси, Куропаткин кўчаси билан кесишган ерида “Ф.Каплан и С-я” фирмасининг Савдо уйи бўлган³.

1899 йили машҳур рус шоири А.С.Пушкин таваллуд топганига юз йил тўлгани шарафига Лагерний шоҳкўчасига Пушкин (Пушкинская улица) номи берилган.

Константиновская кўчаси (улица Константиновская; ҳозирги Тарас Шевченко кўчаси) XIX асрнинг охирида қурилган ва Туркистон генерал-губернаторлигининг биринчи генерал-губернатори К.П.Кауфманнинг исми билан аталган.

Константин Петрович Кауфман (1818-1882 йй.) 1867 йилдан 1882 йилгача, император Алескандр I нинг ҳукмронлиги йилларида, Туркистон ўлкасининг генерал-губернатори бўлган. Бу лавозимни эгаллашдан аввал у Кавказда намунали ҳизмат қилган, шунингдек, Туркистондаги ҳарбий ҳаракатларни ҳам бошқарган, 1873 йилда 2-даражали Авлиё Георгий ордени билан тақдирланган⁴.

XIX аср охири – XX аср бошларида Константиновская кўчаси марказий кўчалардан бўлиб, биринчи тоифага кирган. Унда кўплаб иншоотлар бўлган. Жумладан, 1887 йили бу ерда Реал билим юртининг биноси қурилган.

Куропаткин шоҳкўчаси (проспект Куропаткина; ҳозирги Лаҳути) кўчаси) Мазкур кўча XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентнинг Янги шаҳар қисмини кенгайтириш жараёнида вужудга келган. Дастлаб у “Кокандский проспект” деб аталган. 1901 йили рус генерали А.Н.Куропаткин Тошкент билан танишиш мақсадида ташриф буюрган. “Шарафли меҳмон”га атаб, шу йили Тошкент шаҳар думаси Қўқон кўчасини Куропаткин кўчаси деб аталиши ҳақида қарор қабул қилган⁵.

Алексей Николаевич Куропаткин (1848–1925 йй.) – рус генерали, Туркистон генерал-губернаторлигининг сўнгги генерал-губернатори. У Павлов ҳарбий мактаби ва Генштаб академиясини битирган. Ўзининг ҳарбий фаолияти давомида Жазоир, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиёда хизмат қилган⁶. Ўрта Осиёни руслар томонидан забт этилишида Скобелев бошчилигидаги ҳарбий кучлар таркибида қатнашган. 1916 йилдан 1917 йилнинг феврал ойигача, император

¹ План Русской части г.Ташкента 1890 года.

² Тошкент. Энциклопедия... – 242-243 б.

³ Ўз Р МДА, 37-И-жамғарма, 1-рўйхат, 456-ҳужжат, 90-варақ.

⁴ Энциклопедический словарь, под.ред.проф.И.Е.Андреевского. Издатели: Ф.А.Брокгауз; И.А.Ефрон.– СПб., 1895.Т.28. С.775.

⁵ Ўз Р МДА. И-1-жамғарма, 13-рўйхат, 268-иш, 67-варақ.

⁶ Энциклопедический словарь, под.ред.проф.И.Е.Андреевского. Издатели: Ф.А.Брокгауз, И.А.Ефрон.– СПб., 1896. Т.33. С.94.

Николай II ning ҳукмронлик йилларида, Туркистон генерал-губернатори бўлган. 1917 йилдан Россиянинг Псков губерниясида яшаб, ўқитувчилик қилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Куропаткин кўчаси Янги шаҳарнинг асосий кўчаларидан бири ҳисобланган (биринчи тоифага кирган). Унда Вилоят Штабининг Архиви (Архив Областного Штаба)нинг биноси жойлашганлиги маълум.

Маҳрам шоҳкўчаси (Маҳрамский проспект), ҳозирги Ўзбекистон шоҳкўчасидан шарқий томонга йўналган, XIX аср охирида вужудга келиб, янги шаҳарнинг биринчи кўчаларидан саналган. Унинг номи географик ҳудуд, аниқроғи, Маҳрам деган қишлоқ номидан олган. Маҳрам – бу Сирдарёнинг чап соҳилида Фарғона водийсига ўтиш ерида, ўша вақтда, Хўжанддан Қўқонга бориладиган почта йўлида, жойлашган қишлоқ бўлиб, қўқон аскарларининг истехкоми эди. 1875 йили 22 августда бу ерлик аҳоли рус қўшинларига катта қаршилиқ кўрсатган. Жангда иккала томон кўп талофат кўрган. Маҳаллий аҳоли қишлоқни мардонавор ҳимоя қилган. Шу сабабли рус қўшинлари қишлоқни қийинчиликлар билан босиб олишган. Бу “тарихий воқеани хотирлаш мақсадида” рус маъмурияти томонидан Тошкентдаги янги кўчаларнинг бирига “Маҳрам кўчаси” номи берилган¹. Маҳрам шоҳкўчаси биринчи тоифага кирган ва шаҳарликлар учун муҳим аҳамият касб этган. Бу ерда генерал М.Г.Черняевнинг биринчи уйи, Офицерларнинг мажлислар уйи биноси, касалхона, “Абдулла и Абдурахман Мартизинов и Ко” Савдо Уйи, “Н.Г.Рассах и Ко” Савдо Уйи ва бошқа бинолар жойлашган².

Московский шоҳкўчаси (Московский проспект; ҳозирги Амир Темур кўчаси) XIX асрнинг иккинчи ярмида қурилиб, Янги шаҳарнинг асосий марказий кўчаси бўлган, шимолдан жанубга йўналган, биринчи тоифага кирган. Унга Россиянинг йирик, иқтисодий, маданий марказларидан саналган Москва шаҳрининг номи қўйилган.

Московский шоҳкўчаси Янги шаҳарнинг марказида жойлашганлиги сабабли муҳим сиёсий, иқтисодий, маънавий аҳамият касб этган. Чунончи бу ерда маъмурий, диний, ўқув иншоотлари билан бир қаторда савдо ва маданий муассасалар ҳам бўлган. Улар қаторида Ҳарбий Мажлис биноси, жаноб Макенинг “Мулен Руж” (“Красная мельница”) кинотеатри, савдо дўкон ва расталарни қайд этиш мумкин³.

Петербургская кўчаси (Петербургская улица; ҳозирги Матбуотчилар кўчаси⁴, 1914 йилгача Петербургская, 1992 йилгача Ленинградская деб аталган) XIX асрнинг иккинчи ярмида Янги шаҳар марказида вужудга келиб, шаҳар марказидан Анҳорга олиб чиқувчи асосий кўчалардан саналган, биринчи тоифага кирган. Унга Россия империясининг пойтахти бўлган Петербург шаҳрининг номи берилган.

¹ Энциклопедический словарь под ред. проф. И. Е. Андреевского... Т.36. С.824.

² Ўз Р МДА. 37-И-жамғарма, 1-рўйхат, 67-ҳужжат, 90-варақ.

³ Ўз Р МДА. 37-И-жамғарма, 1-рўйхат, 130-ҳужжат, 108-варақ.

⁴ Голендер Б. Окно в прошлое. – Ташкент, 2002. – 242 б.

XIX аср охири – XX аср бошларида мазкур кўчада шаҳар ҳаётида муҳим рол ўйнаган турли бинолар жойлашган эди. Жумладан, “Регина” кинотеатри, Каназель дўкони, Кельсон типографияси, Берсон типографияси, турли савдо расталар ва бошқаларни қайд этиш мумкин¹.

Прачешная кўчаси (Прачешная улица, кейинчалик, Смоленская). Дастлаб бу кўчада кир ювувчилар – “прачка”лар истикомат қилгани боис, уни “прачешная”, яъни “кир ювувчилар” кўчаси деб атаганлар. Бироқ, шаҳар кенгайиб, ҳаёт ривожланиб боргач, бу кўчада яшовчи турли касб эгалари Шаҳар бошқармасига хат билан мурожаат қилганлари маълум. Қуйида шу ҳақда маълумотлар келтирилади: “ 12 апрель куни Прачешная кўчасида яшовчи 14 киши, имзо чекиб, шаҳар бошлиғига ўз кўчаларига бошқа ном қўйилишини илтимос қилиб мурожаат қилганлар: “ Кўчамизга “Прачешная” номи анча олдинги даврларда берилган бўлиб, ва унда, тахмин қилишимизча, ўзлари учун негадир айнан шу кўчани танлаган прачкалар яшаган... ҳозирги кунда эса бу ерда бирорта мазкур ҳунар соҳибаси қолмаган ва, аксинча, кўчамиз аҳолиси, асосан, зиёлилардан иборат, – кўчанинг ўзи эса эндиликда шаҳарнинг марказий қисмига киради, ундан ташқари катта шоҳкўчалардан бўлган Московский шоҳкўчага туташган... Ҳозирги Ватан урушининг юбилей йилини ҳисобга олиб, Сиздан, Жаноби Олиялари, шу тарихий воқеа шарафига ва ўз Ватанимизга содиқлигимизни билдириш мақсадида, кўчамизга “Смоленская” номини берилишини сўраймиз”². Мазкур кўчанинг қаерда жойлашганини аниқ кўрсатиш қийин, бироқ 1904 йилга оид ҳужжатда Дума томонидан Никифоров ерларида 23 та янги кўча номлари рўйхатида Смоленская кўчаси ҳам қайд этилган³. Демак, Прачешная кўчаси аҳолисинин илтимоси Шаҳар маъмурияти томонидан инобатга олинган ва бу кўча кейинчалик “Смоленская” деб номланган деб тахмин қилиш мумкин.

Салор кўчаси (Саларская улица) ҳозирги Ҳамза кўчаси, XIX аср охирида, Янги шаҳарнинг қурилиши жараёнида вужудга келган. Кўчанинг номи “Салор” гидроними билан боғлиқ (у ҳақида юқорида маълумот келтирилган). Дастлаб бу кўча Соборная (шаҳар черкови (собори) жойлашган Собор майдони номи билан боғлиқ), кейинроқ – Кауфман (Туркистон генерал-губернаторлигининг биринчи губернатори К.П.Кауфман шарафига қўйилган) кўчаси деб аталган. Вақт мобайнида шаҳар худуди кенгайиб, мазкур кўча Янги шаҳарнинг шарқий чегараси – Салор ариғига олиб чикувчи асосий йўлга айланди ва, натижада, XX аср бошларида “Салор кўчаси” номини олди. XX аср бошларида Салор кўчаси Тошкентнинг жамоа ва савдо марказларига айланди. Маълум бўлишича, 1889 йили бу ерда, Иосиф-Георгий ибодатхонаси қаршисида, Буюк князь Н.К.Романов саройи бунёд этилган эди. Шунингдек, бу кўчада шаҳардаги энг катта босмахоналардан бири –Ильин босмахонаси,

¹ Ўз Р МДА. 36-И-жамғарма, 1-рўйхат, 345-ҳужжат, 78-варақ.

² Ўз Р МДА. 37-И-жамғарма, 1-рўйхат, 356-ҳужжат, 8, 14-варақлар.

³ Ўз Р МДА. 37-И-жамғарма, 1-рўйхат, 118-ҳужжат, 11 орқа-12-варақлар.

Романовская кўчаси билан кесишган жойда қишки “Хива” кинотеатри, Орифхўжа Азизхўжаевга тегишли йирик дўкон кабилар қурилган¹.

Чилдухтарон кўчаси (улица Чилдухтаранская; ҳозирги Ҳамза туманида, тахминан I-Тиббиёт олийгоҳидан Фарғона йўли кўчаси томонга йўналган) Тошкентда рус босқинига қадар ҳам мавжуд бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан у Синявская кўчаси ва Чилдухтарон қишлоғини боғловчи кўчалардан бири бўлиб келган. Шу боис унга Чилдухтарон номи берилган.

Чилдухтарон кўчасининг икки томонида ҳам аҳолининг турар жойлари бўлиб, 1915 йили, кўчанинг кенгайтириш мақсадида, Тошкент шаҳар думасининг бундай уйлари бузиш ҳақидаги қарор қабул қилгани маълум².

Ярославская кўчаси (Ярославская улица; тахминан ҳозирги Нукус, Мовароуннаҳр, Т.Шевченко кўчалари оралиғидаги ерларда бўлган) Янги шаҳарнинг жануби-шарқий қисмида жойлашган ва Мариинский шоҳкўчасидан Артиллерийская слободка, Катта Ярославль мануфактурасига олиб борувчи кўча саналган. Афтидан, бу кўчага Россиядаги Ярославль шаҳрининг номи берилгандек кўринса ҳам, аслида мазкур топоним хўжалик объекти, яъни Катта Ярославль мануфактураси билан боғлиқ. 1899 йили Мануфактуранинг иш юритувчиси Тошкент шаҳар бошқармасига корхонага олиб борувчи йўлда янги торкўчани қуриш ва унга Катта Ярославль мануфактурасига олиб чиқадиган йўллиги сабабли мазкур Мануфактуранинг номини берилишини илтимос қилган. 1900 йилда Генерал-губернатор бунга рухсат бергани ҳақида ҳужжатлар мавжуд³.

Қашғар кўчаси (Кашгарская улица), ҳозирги А.Қодирий кўчаси, рус босқинига қадар мавжуд бўлган йўллардан бири, Тошкентнинг Қашғар дарвозасига олиб борган. Шу сабабли рус маъмурияти кўчага “Қашғар” номини берган, аниқроғи шу номни сақлаб қолган. Мазкур кўчанинг номи аслида шаҳар дарвозаси ва маҳалласи (Қашғар маҳалла) билан боғлиқ, бироқ, “қашғар” сўзи туркий қабилалардан бирининг номи бўлгани учун Қашғар кўчасининг номи этнотопонимлар гуруҳига киритилади. (Қашғар қabila ҳақида юқорида тўхталиб ўтилган). Бу кўча Янги шаҳарнинг катта кўчаларидан бўлиб, унинг шимолий қисмидаги Эски шаҳарга олиб борувчи йўллардан ҳисобланган. Қашғар кўчасининг 1- ва 2-берк кўчалари ҳам бўлган (1-Кашгарский переулок, 2-Кашгарский переулок). 1917 йилда Қашғар кўчасида, асосан, аҳолининг уйлари жойлашган, шунингдек нон сотиладиган раста, атторчилик моллари растаси, ўтин сотиладиган жой, “Рустамбой” масжиди ва пойабзал устахонаси бўлгани маълум⁴.

Б о ғ л а р , б о з о р л а р

Соборная площадь (Собор майдони), ҳозирги Мустақиллик майдони ўрнида. Мазкур майдон янги Тошкентда вужудга келган илк майдон (1867-

¹ Ўз Р МДА. 718-жамғарма, 1-рўйхат, 42-ҳужжат, 34–45-варақлар.

² Ўз Р МДА. И-37-жамғарма, 1-рўйхат, 53-ҳужжат, 7, 11-варақлар.

³ Ўз Р МДА. И-37-жамғарма, 1-рўйхат, 156(2)-ҳужжат, 1, 12. 14-варақлар.

⁴ Ўз Р МДА. И-37-жамғарма, 1-рўйхат, 688-ҳужжат, 101-104, 130-варақлар.

йилда қурилган) бўлиб, у аслида генерал-губернатор учун қурилган сарой (“Оқ сарой”) олдидаги ҳарбий парадлар учун мўлжалланган эди. Кейинчалик ушбу майдон шаҳар марказига айланди. Унинг шаклланиши 1883 йилгача давом этган¹. Саройга яқин ерда черков биноси (собор) ҳам қад кўтарган. Шу сабабли бу майдон “Соборная” деб аталган. Яъни “соборная” топоними “черковли, черкови бор” маъносини англатади. Майдон 1917 йилгача Соборная, 1966 йилгача Кизил майдон, 1991 йилгача Ленин майдони деб номланган. 1991 йилда унга Мустақиллик майдони номи берилди.

Мингўрик боғи ёки Шаҳар боғи (Сад Минг-урюк, Городской сад, сартовский сад) Маҳрам ва Қукон шоҳқўчалари (ҳозирги Жуковский ва Фарғона йули қўчалари) оралиғида жойлашган. Ушбу боғ XIX асрнинг 20-йилларида вужудга келган, яъни руслар босқинига қадар ҳам мавжуд бўлган. Шу сабадан рус аҳолиси “сартлар боғи” деб ҳам атаган. Манбаларда қайд этилишича, XIX асрда Мингўрик шаҳарнинг шарқий томонида, Фаррак дарёси билан шаҳар кўрғони оралиғида жойлашган. Қўқон хони кўшинлари Фаррак дарёсидан ўтгандан сунг, одатда шу ерда тўхтаганлар. Бу ердан Катта Қўқон йули (ҳозирги Фарғона йули) ўтган². Дарё бўйидаги Мингўрик тепалиғида катта боғ бунёд этилган. Дарахтлари, айниқса ўриклари, кўплиги туфайли аҳоли уни Мингўрик деб атаган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам Мингўрик Шаҳар боғи сифатида машҳур бўлган. 1882 йили бу ерда янги Шаҳар боғини бунёд этиш ишлари бошланган. 1889 йили боғда кўпгина ноёб турдаги дарахтлар экилган³. 1893 йили бу ердаги эски дарахтлар кўриб қолгани учун кесиб ташланган. Боғнинг ўртасидан ўтган Боғқўча кенгайтирилиб, ярмарка ташкил қилинган. Мазкур боғ Янги шаҳар худудидаги аҳоли дам оладиган илк боғ бўлиб, узоқ вақт мобайнида бошқаси бўлмаганлиги туфайли, Шаҳар боғи деб аталган. “Рус шахрининг чеккасида жойлашган Сартлар боғи узоқ вақт давомида аҳолининг ягона сайр қилиб, ҳордиқ чиқарадиган ва, асосан, йиғилиб, баҳслашиб ўтирадиган жойи бўлиб келган”, – деб ёзади Добросмыслов “Ташкент в прошлом и настоящем” асарида⁴. 1880 й.лар охирида боғда меваларни қуритиш мосламаси қурилган, кейинчалик мазкур бинода Қишлоқ хўжалиги жамиятининг музейи жойлашган. 1886 й. бошлаб боғда турли кўрғазмалар уюштирила бошланган. 1890 й. кўрғазма очилишига бу ерга 2000 сўмлик катта дарвоза қурилган. Шу йили боғ марказида Туркистон ўлкасининг руслар босиб олинishiга аталган ҳайкал ҳам булган (акад.М.О.Микешин, А.И.Вилькенсонлар сурати бўйича ясалган). Кейинчалик бу боғда синематограф, ресторан. Қахвахоналар қурилган, Туркистон хайрия жамияти (Туркестанское благотворительное общество) томонидан турли тадбирлар ўтказилган⁵. 1894 й. Шаҳар боғида ёзги театр биноси қад кўтарган.

¹ Тюриков А. Истории о Ташкенте. –Ташкент, 1983. – с.5.

² А.Ўринбоев, О.Бўриев. Тошкент Муҳаммад Солих..., ўша асар. – 41 б.

³ Добросмыслов А.И., Ташкент в прошлом... – с.190.

⁴ Ўша жойда.

⁵ История Ташкента... – с.149.

Константин боғи (Константиновский сквер) Константин майдони (Константиновская площадь) худудида (ҳозирги Амир Темур хиёбони ўрнида), Аёллар ва Эркаклар Гимназиялари ёнида жойлашган. Мазкур боғ 1870-1883 йилларда барпо этилган. Дастлаб бу ер ҳарбий майдон, кейинроқ эса отчопар бўлиб, сўнг боққа айлантирилган¹. Майдонни кесиб ўтадиган кўчаларда транспорт ҳаракати беркитилиб, атрофига металл панжаралар ўрнатилган. Аслида бу боққа Константин майдонининг номи берилган. Мазкур майдон номи Туркистон генерал-губернаторлигининг биринчи губернатори Константин Петрович Кауфманга атаб қўйилган. Кауфманнинг биринчи қабри ҳам, собор қурилгунига қадар шу майдонда бўлган.

Черняев боғи (Черняевский садик) генерал Черняев яшаган уйнинг атрофида, ҳарбий қалъага яқин худудда (ҳозирги Гагарин боғи) барпо этилган. 1907 йили боғда М.Г.Черняев ҳайкали ўрнатилган. Боғнинг номи рус генерали М.Г.Черняевга атаб қўйилган (мазкур шахс ҳақида юқорида маълумотлар келтирилган).

Пушкин боғи (Пушкинский сквер) Пушкин ва Хива кўчалари кесишган ерда (ҳозирги Жангоб ўрнида) бўлган. 1904–1905 йилларда генерал Шороховнинг шахсий маблағига собиқ Хива бозори ўрнида бунёд этилган ва унда Пушкин ҳайкали ўрнатилиши режалаштирилган эди. Боғда дарахтлар кўп бўлиб, у аҳолининг сайр қиладиган, дам оладиган жойи бўлган². Боғнинг номи таниқли рус шоири А.С.Пушкинга атаб қўйилган.

Ўрда боғи (Урдинский сквер) 1890 йили Романов ва Обухов кўчаларида³ (ҳозирги Ўрда) Кичик ўрда бозори ўрнида, Биринчи ўқчилар батальони казармалари қаршисида шахар маъмурияти кўрсатмасига биноан барпо этилган. Мазкур боғнинг номи жойлашган худуди билан боғлиқ. Бу ерлар маҳаллий аҳоли томонидан “Ўрда” деб аталган. Сабаби, шу жойларда XIX асрнинг 30-йилларида Қўқон хони қароргоҳ қурдирган. Бу иншоот ҳарбий-маъмурий марказ вазифасини бажарган, лекин 1865 йили, Тошкент руслар томонидан босиб олинганидан сўнг, қалъа бузиб ташланган. “Ўрда” топоними эса мазкур худуднинг номи сифатида сақланиб қолган.

Воскресение бозори (Воскресенский базар) 1870 йилда вужудга келган. 1893 йилгача Пиёнбозор деб аталган. Бозор майдони Жиззах (шимолда), Полициячилар берккўчаси (шарқда), Маҳрам (жанубда), Романов (ғарбда) кўчалари орасида жойлашган⁴. Кириш томони Романов кўчаси (ҳозирги Правда газетаси к.) ва Маҳрам шоҳкўча (ҳозирги Ўзбекистон шоҳкўчаси)га қараган. Асосий иншоотлари ярим доира шаклидаги усти ёпиқ икки тимдан иборат эди. Восресение бозори XX асрнинг 30-йилларигача мавжуд бўлган. Кейинчалик бу ерда Навоий номидаги театр қурилиб, театр олдидаги майдон Театр майдони деб атала бошлади.

¹ Тюриков А. Истории о Ташкенте... – с.11.

² Ўша жойда. – 194 б.

³ Уз Р МДА. И-17-жамғарма. 1-рўйхат, 147-хужжат, 177-варак.

⁴ План Русской части г.Ташкента 1890 года.

Мазкур бозорнинг халқ томонидан Пиёнбозор деб аталишига сабаб, бозор худудида майхоналар кўп бўлганида. Аслида “пиёнбозор” сўзи икки ўзакли қўшма топоним бўлиб, “пиён” (русча пьян сўзининг ўзгартириб талаффуз қилиниши) – “маст” ва “бозор” (форсча) – савдо қилинадиган жой – сўзларидан ташкил топган. Мазкур топоним “мастбозор”, аниқроғи, “маст кишилар кўп бўлган бозор” маъносини англатади, умумий тасниф бўйича ижтимоий-хўжалик ҳаётни акс эттирувчи топонимлар гуруҳига, алоҳида тасниф бўйича эса ўзига хос хусусиятларни акс эттирувчи турга киради.

1883 йилдан ушбу бозорни Воскресение бозори деб атай бошлаганлар. Сабаби – бу ерда энг кўп савдо бўладиган кун – якшанба куни эди. Воскресение бозори ҳақида ўша давр манбаларида маълумотлар мавжуд. Жумладан, Тошкент шаҳар думасининг қарорлари тўпламида “Тошкент шаҳри аҳолиси учун Воскресение бозорида савдо қилиш ҳақидаги мажбурий кўрсатмалар” келтирилган¹. Мазкур ҳужжатда бозор ғарбий ва шарқий қисмларга бўлинганлиги, уларнинг жойлашуви, чегаралари, бозорда икки хил – доимий ва вақтинчалик – савдо олиб борилиши тўғрисида, расталар сони, қаерда, қандай моллар билан савдо қилишга рухсат берилиши қайд этилган. Ҳужжатда доимий савдо ҳар куни, вақтинчалик эса, асосан бозор кунлари бўлиши ёзилган. Бозорда турли хил маҳсулотлар, шунингдек, эски кийимлар ва буюмлар ҳам сотилган. Савдогарлар ўз жойлари учун маълум миқдорда патта тўлаганлар. Ҳар бир савдо қаторининг сайланадиган оқсоқоли бўлган. Бу оқсоқоллар умумий бозор оқсоқолига (бир йилда 300 сўм миқдорда маош олган) ҳисобот бериб, унга бўйсунардилар. Умумий бозор оқсоқоллари фақат Воскресение, Ўрда, Ярмарочний ва Эски шаҳардаги Чорсу сайланадиган савдо назоратчисига бўйсуннишган (савдо назоратчилари иккита – Янги ва Эски шаҳар қисмлари учун алоҳида бўлган). Шунингдек, шаҳар думаси томонидан сайланадиган шаҳардаги барча савдо ишларини назорат қилувчи 7 кишидан иборат депутация ҳам мавжуд бўлиб, улар бозорлар, завод ва фабрикаларнинг олди-сотти ишларини текшириб думага ҳисобот беришган².

Ўрда бозори (Урдинский базар) Ўрда қалъасидан Тошкентга кириш йўлида жойлашган (ҳозирги Ўрда атрофлари). 1871 йили “сартлар бозорчаси” янги жойга кўчирилганидан вужудга келган. Мазкур ҳудуд Ўрда, Қашғар ва рус кварталлари, яъни Эски шаҳар ва Янги шаҳар қисмлари ўртасида, Шибли ариғининг иккала томонидаги ерларни ўз ичига олган. Дастлабки икки йил давомида бозорда савдо қилувчилар, эски Ўрда бозоридан кўчирилганда расталари бузилиб кетгани ҳисобига, барча тўловлардан озод қилинганлар³. Ўрда бозорида кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари (сут ва сут маҳсулотлари билан машҳур бўлган), шунингдек кийим-кечак ҳам сотилган.

¹ Сборник Обязательных постановление Ташкентской Городской Думы, изданных с 1877 года ва 1904 год. – Ташкент: Типо-литография В.М.Ильина. 1904 г. – с.87-97; Газ.“Туркестанские Ведомости”. – № 97. 1899 г.

² Сборник обязательных постановлений Ташкентской городской думы... – с.38.

³ Уз Р МДА. И-17-жамғарма. 1-рўйхат.18105-ҳужжат, 2-3-орқа, 7-варақлар.

Бозорнинг Ўрда қалъасига яқин ҳудудда жойлашгани сабабли Ўрда бозори деб аталган. Мазкур ўрда XIX асрнинг 30-йилларида Кўқон хони томонидан Кўқон қўшинлари гарнизони учун Шайхонтахур даҳасида Анҳор каналининг чап соҳилида қурдирилган. Унда шаҳар ва вилоят ҳокими учун махсус кўрғон-қароргоҳ бўлган. Кейинчалик унда рус қўшинлари ҳам вақтинчалик жойлашишган. XIX аср охирларига келиб ўрдадаги хон саройи ва ўрда девори бузиб ташланди ва Янги шаҳарга қўшиб олинди¹. Бироқ мазкур ҳудуднинг номи “Ўрда” шаклида сақланиб қолди.

Турли бинолар ва муассасалар

А.А.Драмповнинг “Кавказ” суратхонаси (Фотография “Кавказ”, принадлежащая А.А.Дрампову) 1906 йили Тошкентда Маҳрам шоҳқўчасида (ҳозирги Ўзбекистон кўчаси) очилган. Уни Александрополь шаҳридан бўлган Амаяк Арташесович Дрампов 1906 йили шаҳар маъмуриятидан махсус гувоҳнома (рухсатнома) берилганидан сўнг ишга туширган². Драмповнинг ўзи суратхонани очиб, унга эгалик қилгани, унда ишлагани (эҳтимол) сабабли, мазкур суратхона “А.А.Драмповники” дейилган. Амаяк Драмповнинг келиб чиқиши Кавказик миллатлардан бўлгани ва ўзи ҳам ўша ўлкадан келгани боис ташкил қилган суратхонасини ўз ватанининг номини билан, яъни “Кавказ” деб атаган. Мазкур суратхона шаҳар марказида жойлашганлиги ва сифатли суратлар ишлаб чиқаргани сабабли, мижозлари ҳам кўп бўлган.

Авлиё Иосиф-Георгий черкови (Церковь Св.Иосифа и Георгия) биноси Кауфман шоҳқўчасида 1868 йили қурилган (ҳозирги Ш.Рашидов ҳайкали ва Сайилгоҳ кўчалари оралиғи). Иморати пишиқ ғиштдан, тўртбурчак шаклида, 1874 йили унинг ёнига қурилмалар қурилиб, кенгайтирилган. Черков 50 кв.сажен ер майдонини эгаллаган. Черков биноси 1877 йили Н.Ф.Ульянов томонидан қайта таъмирланган. 1909 йили Собор черкови даражасига кўтарилган. Черков христианликда машҳур ҳисобланган икки авлиё Иосиф ва Георгийлар номларига атаб қўйилган.

Авлиё Иосиф, христианлик таълимотларида муқаддас Мариянинг турмуш ўртоғи (фақат юридик томондан), айтилиши вақтда унинг қизлик ифбатининг асровчиси, Иисус Христоснинг юридик отаси, боқувчиси ва тарбиячиси. Довуд сулоласига мансублигига қарамай, оддий хунарманд сифатида турмуш кечирган, Назарет шаҳрида яшаган.

Авлиё Георгий, азобланувчи, ғалабачи; Метафраст ривоятларига кўра, у таниқли каппадокия авлодидан бўлиб, лашкарда юқори мавқега эга бўлган. Диоклетиан томонидан христианларни қувғин қилиниш бошланганда Георгий ўз ҳарбий мавқеидан воз кечиб, христианликни тарғиб қилиш билан шуғулланди. Бунинг учун уни (тахминан) 303 йили Никомедияда саккиз кун

¹ Тошкент. Энциклопедия... – 436 б.

² Ўз Р МДА, И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 22818-ҳужжат, 193-варақ.

қаттиқ қийноқлаб, қатл этганлар¹. Авлиё Георгийнинг ҳаёти, жасоратлари ва мўъжизакорлиги тўғрисида кўплаб ривоятлар мавжуд. Унинг вафоти 23 апрел куни бўлиб, шу кунда уни хотирлаб байрам ҳам нишонланади. Римда унга атаб ибодатхона барпо этилган. Авлиё Георгий деҳқончилик ва чорвачилик ҳомийси саналади. Славян ривоятларида авлиё Георгийни ҳам ҳарбий, княз-рицарлар, ҳам чорва, шунингдек отбоқарлик ҳомийси, ҳам аждарҳоларни енгувчи, бўриларга ҳукмини ўтказувчи сифатида машҳурдир². Русда унга атаб икки марта: баҳорда 23 апрелда, кузда 26 ноябрда (Юрьев день) байрамлар ўтказилган. “Қадим замонлардан бери авлиё Георгий шунчалик халққа яқин бўлиб кетганки, ҳатто деярли барча мамлакатларда унинг исми ўзгача қилиб мослаштирилган ҳам: ўрта аср олмонляликларида у – Иорге, французларда – Жорж, русларда – Егорий, Егорий Храбрый ёки Юрий, булғорларда – Герги, чехларда – Ижин... деб аталган”³.

Авлиё Николай Мир Ликийский номидаги аёллар монастири. Мазкур монастир Тошкентдан узоқ бўлмаган Чирчиқ соҳилида 1894 й. қурилган. 1900 й. унинг худуди кенгайтирилган, 1909 й. биноти қайта таъмирланган. 1920 й. монастир шўролар ҳукумати томонидан ёпилган; 1990 йилда ушбу диний муассаса Тошкент шаҳри худудига (Фарғона йўли кўчаси) кўчирилиб, қайта очилган; ҳозир ҳам фаол. Унинг қошида Воскресная школа, яъни якшанба кунлари ўқитадиган мактаб ишлайди. Монастирнинг 9 гектар ери ва Қирғизистонда иккита Мулк ери (Подворьеси) мавжуд⁴.

Черковга Мўжизакор Николай Мир Ликийский исми берилган⁵. Николай исми юнон тилида “халқни енгувчи” маъносини англатади. Қадимги рус шакли – Никола, христиан ривоятларида – Николай Угодник, Николай Мирликийский; чўқинтирувчи авлиёлар қаторидан саналади, фольклорда унинг образи шу қадар афсонавийлаштирилганки, ҳатто у христианликкача мавжуд ва кейинги даврларда пайдо бўлган янги йил-рождество болалар афсоналари орасида боғловчи бўғинга айланиб қолган (Санта Клаус – голландларнинг Синте Клаас исми қаҳрамонининг биров ўзгартирилган шакли, Father Christmas, “батюшка Рождество” инглизларда, Дед Мороз русларда)⁶.

Николай Мир Ликийский 342 йилнинг 6 декабр кунида узоқ бетоблигидан сўнг олмадан ўтди. Уни Мира шаҳридаги собор черковига дафн этганлар. Христианликда ушбу авлиё шарафига 9 май ва 6 декабр кунлари

¹ Энциклопедический словарь под ред. проф. И. Н. Андреевского... – СПб., 1892. Т. 15 (VIII). С. 419.

² Мифологический словарь... – с. 145-147.

³ Энциклопедический словарь под ред. проф. И. Н. Андреевского... – СПб., 1892. Т. 15 (VIII). С. 419.

⁴ Свято-Троице Никольский женский монастырь. Открытка. – СП “Растр”. – Ташкент, 2005.

⁵ Ўз Р МДА. 182-жамғарма, 1-рўйхат, 8-ҳужжат, 9-варак.

⁶ Мифологический словарь... – с. 398.

байрам нишонланади; шунингдек пайшанба кунлари ҳам уни ёд этиш расм бўлиб қолган¹.

Биринчи хусусий босмахона ёки В.М.Ильин босмахонаси (Первая частная типография или Типография В.М.Ильина) Кауфман шоҳқўчаси, 9-уйда жойлашган (ҳозирги Сайилгоҳ кўчаси). Босмахона иккита давлат тасарруфидаги босмахонадан кейин тузилган дастлабки шахсий босмахона бўлгани сабабли “биринчи хусусий босмахона” деб номланган. Шунингдек, кейинчалик босмахона Ильин кўлига ўтгани боис, “Ильин босмахонаси” деб ҳам аталган. Дастлаб мазкур босмахона С.И.Лахтинга тегишли бўлиб, у 1877 йили ишлай бошлаган, 1893 йили Лахтин мавжуд қарзи учун ўз корхонасини пермлик савдогарлар ака-ука Каменскийларга топширган; 1899 йили эса босмахона Василий Мефодиевич Ильин кўлига ўтган. 1912 йили корхонада 4 та типографик, 2 та литографик машина бўлиб, 50 та хизматчи ишлаган². Ильин босмахонаси ўз даврида мавжуд 14 та босмахонадан машҳур, тез ва сифатли ишлаб чиқарувчи ҳисобланган. Жумладан, унда “Туркистон кишлок хўжалиги” ойномаси, “Туркистон”, “На рубеже”, “Голос Туркестана”, “Вперёд”, “Асия” ва б.рўзномалар, шунингдек китоблар, эълонлар чоп этилган³.

Генерал губернатор маҳкамаси (Канцелярия генерала-губернатора) 1866–67 йилларда Собор майдони атрофида, Воронцовский проспект (ҳозирги Х.Сулаймонова кўчаси) ва Николенская (ҳозирги Истиклол кўчаси атрофларида) кўчаларининг кесишган жойига яқин ерда жойлашган эди.

Мазкур бинода Туркистон генерал-губернатори ва унинг маҳкамаси фаолият юритишган. Идоранинг “Канцелярия генерала губернатора” – “Генерал губернатор маҳкамаси” деб аталишига сабаб, унда Туркистон генерал-губернатори қўл остидаги махсус хизматчилари орқали ўлка бошқарувини амалга оширган.

Тарихдан маълум бўлишича, 1867 йили 11 июль куни рус императори Александр II буйруғига биноан Туркистоннинг руслар босиб олган ҳудудларида Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилиб, генерал К.П.Кауфман биринчи Туркистон генерал-губернатори этиб тайинланган эди. Ўлка бошқарувини у 1867 йил ташкил этилган маҳкама ва 1886 йил тузилган Туркистон генерал губернаторлиги кенгаши (совети) кабилар воситасида олиб борган.

Туркистон генерал губернаторининг маҳкамаси дастлаб 4 қисмдан иборат бўлиб, улар: маъмурий-штат ва инспекторлик тартиби, ер-солиқ ишлари, шахсий таркиб ишлари, суд ва чет элликларга оид ишларни бошқаришган. Кейинчалик маҳкамада, зарурат юзасидан, вақтинчалик бўлинмалар ҳам тузилиб, сўнг тугатилиб ҳам турилган (масалан тоғ-кон ишлари, қочоқлар масаласи, ҳарбий юришлар каби бўлинмалар); шунингдек, суд ишлари ҳам маҳкама фаолияти доирасидан чиқарилган. Маҳкамага қуйидаги ташкилотлар тегишли бўлган: Туркистон оммавий кутубхонаси ва музейи, “Туркестанские

¹ Житие Святителя Николая. – Ташкент, 2005. – с.27–58.

² Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.285–311.

³ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 22818-хужжат, 15, 21, 32, 248, 286-варақлар.

ведомости” газетаси, босмахона. 1917 йил апрелда Туркистонга Муваққат Ҳукуматнинг Туркистон кўмитасининг келиши ва сўнгги Туркистон генерал губернатори Куропаткиннинг лавозимидан четлантирилиши муносабати билан Туркистон генерал губернатори Маҳкамаси муваққат ҳукуматнинг Туркистон кўмитасига айлантирилди¹.

Юқорида қайд этилганидек, Туркистон Генерал Губернатори Маҳкамаси билан бирга Туркистон Генерал Губернатори Кенгаши ҳам ўлка бошқарув ишларида муҳим ўрин тутган. Мазкур ташкилот 1886 йил 12 июнда “Туркистон ўлкасининг бошқаруви Низоми” (“Положение об управлении Туркистанского края”) га кўра тузилган бўлиб, унинг таркибида: раис –Туркистон Генерал Губернатори, аъзолари – Сирдарё вилоятининг ҳарбий губернатори ва қолган вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари (Тошкентда бўлишган вақтларида) Давлат ва Назорат палаталари бошлиқлари, Маҳкама бошқарувчиси, Туркистон ҳарбий округи штаби бошлиғи, молия вазирлиги ва бошқа айна пайтда зарур ҳисобланган ташкилотларнинг вакиллари фаолият олиб боришган. Кенгаш қонунчилик, солиқлар, ер-мулк ва бошқа генерал губернатори киритган, масалалар билан шуғулланган. Ушбу ташкилот ҳам 1917 йили Туркистон генерал губернаторининг маҳкамаси билан бирга Муваққат ҳукумат томонидан тугатилган².

Давлат банкининг Тошкент бўлими (Ташкентское отделение Государственного банка) 1875 й.да очилган, 90-йилларгача Туркистон ўлкасидаги ягона банк саналган. Бу даврга келиб Давлат банкининг Самарқанд, Қўқон, Бухоро, Ашхободдаги бўлимлари очилган. Россия империяси Давлат банкининг Тошкентда очилган бир бўлими сифатида фаолият кўрсатгани учун шундай номланган. Дастлаб Москва ва империянинг бошқа шаҳарларидан юборилган векселлардан маблағ олган, бироқ 1895 й.га келиб Туркистон ўлкасининг ўзидан йиғилган векселлар 1,6 млн., 1907 йили эса Тошкентнинг ўзида 5 млн.бўлган. 25 йил давомида банк операциялари айланмаси йилига 34 млн.га етган³.

Жамоат мажлиси (Общественное собрание) клуби Тошкентдаги илк клублардан бири, 1868–1893 йилларда “Рус Тошкент мажлиси” деб номланган. Клуб 1910 йилга қадар Гостеприимная кўчасидаги савдогар Н.И.Иванов уйида, 1910–17 йилларда капиталист Вадьяев уйида, Садовая кўчасида жойлашган⁴. Клубда спектакль ва концертлар кўрсатадиган заллар ҳам бўлган. Спектакль ва концертда катнашиш учун хаваскорлар ҳамда Тошкентда гастролга келган

¹ Агафонова З.И., Халфин Н.И. Путеводитель ЦГ Исторического Архива Уз ССР. – Ташкент, 1948. – с.13.; Абдурахмиова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX – начало XX вв.: Автореф.дисс. д-ра ист.наук. 07.00.02. – Ташкент, 1994. – 68 с.

² Ўша жойда.

³ Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане. – Ленинград, 1930. – с.76, 77.

⁴ Тошкент. Энциклопедия... – 116 б.

артистлар ва труппалар таклиф этилган. Клуб Октябрь тўнтаришидан кейин ёпилган.

И.И.Краузенинг Махрам кўчасидаги дорихонаси (Махрамская аптека И.И.Краузе) 1905 йили очилган (ҳозирги Ўзбекистон шохкўчасида). Халқ талаффузида дорихона кўча номи билан “Махрамская аптека” деб аталган. 1906 йили мазкур дорихона қошида амбулатория очилган, 8 та шифокор ишлаган. Бир йилда тиббий ёрдамга мурожаат қилганларнинг сони 10000 тага етган. 1909 йили дорихона Б.И. Краузегга ўтган¹.

Императрица Мария Александровна хомийлигидаги кўз касалликлари шифохонаси (Глазная лечебница попечительства Императрицы Марии Александровны) 1892 йили Самарқанд кўчаси 25-уйда ташкил қилинган. Беморларни Туркистон ҳарбий-тиббиёт бошқармаси окулистлари қабул қилган (Данилевский П.Н., Делов В.С. ва б.). Қатнаб даволанганларнинг сони йилига 2000 та, ётиб даволанганлар сони ҳам 2000 тага етган. Операция қилиниши зарур бўлган камбағал беморлар ҳарбий госпиталга жўнатилган ва кўзи ожизларга хомийлик қилувчи жамият ҳисобидан даволанган (шу касалхонани очган жамият). Баъзи беморларга мазкур жамият ҳисобидан кўзойнақлар берилган. Беморлар ҳафтада 3 кун қабул қилинган. Шифохона императрица Мария Александровна хомийлигида кўзи ожизларга хомийлик қилувчи жамият томонидан очилгани учун унинг исми билан номланган. Мария Александровна – бутунроссия императричаси, император Александр II (1818-1881 й.)нинг рафиқаси, герцог гессенский Людовик II нинг қизи, 1824 й. 27 июлда туғилган. У Россияда аёллар учун очик, барча тоифаларга мўлжалланган таълим муассасасалари (гимназиялар)ни таъсис этиб, мамлакатда аёллар маълумотининг янги даврини бошлаб берган (1860 й.). Россияда Қизил Ҳоч жамиятининг ташкил қилган; императрица 1880 й. 22 майда вафот этган².

Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида императрица Мария номида бир кўча (Мариинский проспект) ва аёллар билим юрти (Марьинское училище) ҳам бўлган.

Князь Александр Невский номли қабристон черкови (Кладбищенская церковь-часовня во имя благоверного князя Александра Невского) қабристонга яқин ерда 1903–1905 йилларда қурилган. Давр мобайнида рус аҳолисининг тез кўпайиб бориши, шунингдек қабристонга яқин ҳудудда – Никифоров ерларида, янги рус аҳолисига тегишли қишлоқнинг вужудга келиши, черков калитлари сақланадиган ҳарбий соборнинг (Спас-Преображение собори) жуда узоклиги сабабли 1913 йили Тошкент шаҳри протоирейи Алексей Марковнинг ташаббуси билан черков қошида мустақил хизмат бўлими ташкил қилинган³. Черков Александр Невский номли қабристон қошида қурилган бўлгани туфайли “Александр Невский черкови” деб аталган.

¹ Энциклопедия Ташкент. – Ташкент, 1983. – с.227 б.

² Энциклопедический словарь под ред.проф.И.Е.Андреевского... – Т.36. С.636.

³ Ўз Р МДА. 182-жамғарма, 1-рўйхат, 43-иш, 6-10 орқа-варақлар.

Александр Ярославович Невский XIII аср ўрталарида Новгород князи бўлган. 1240 йил 15 июлда ўн саккиз ёшли княз ўзининг унчалик катта бўлмаган лашкари билан немис-швед босқинчиларига қарши чиқиб, уларнинг қароргоҳига қўққисидан хужум қилиб, тор-мор қилган. Бу жанг ва ғалаба Нева дарёси бўйида содир бўлгани учун княз Александрга Невский номи берилган. Александр Невскийнинг номи рус тарихида фахрий номи сифатида сақланиб келмоқда.

Музей Тошкент шаҳрида 1876 йили К.П.Кауфман ташаббуси билан Статистика кўмитаси қошида очилган. 1883 йили Черняев қарори билан ипакчилик мактабидан Романов кўчасидаги собиқ кимё лабораторияси биносига кўчирилган (оммавий кутубхона билан бирга). Музейнинг биринчи фаоллари: И.И.Краузе, Ю.Д.Южанов, А.И.Вилькинс, Н.А.Маевлар; биринчи ҳомийлари: генерал-лейтенант Г.А.Колпаковский, И.И.Головачёв, генерал-майор н.А.Иванов, Мауер, И.И.Краузе, И.Н.Пантусов, Петров, Козловский ва б. 1876 йили музейда 1486 та буюм, 645 та танга пуллар, 9 та медал, 12 та турли қимматбаҳо тангалар бўлган¹.

Полковник Жемчужников корхоналари Янги шаҳар худудида қурилган илк саноат объектларидан бўлган. Собиқ ҳарбий хизматчи, рус армиясининг полковниги Жемчужников томонидан очилгани ва унга тегишли бўлгани сабабли “Жемчужников заводлари” деб аталган. Кейинчалик бу корхоналар унинг турмуш ўртоғи Елизавета Христиановна Жемчужниковага тегишли бўлган. Уларнинг номида берк кўча ҳам мавжуд эди (Жемчужниковский переулок). Жемчужниковларнинг уйи ва корхоналари мазкур кўчага яқин ҳудудда жойлашган. Жумладан полковник Жемчужников томонидан 1 та вино заводи, 1 та ароқ заводи, 1 та тўқимачилик корхонаси очилган.

Жемчужников вино ва ароқ заводлари (Винокуренный, водочный заводы Жемчужникова) 1868 йилдан 1880 йилларнинг бошигача ишлаган. Уларда асосан Хўжанд ва Самарқанд кишмиши, маҳаллий мева, шакар, турли илдизлар, сирка, мойлардан вино, ароқ каби спиртли ичимликлар тайёрланган. Тайёр маҳсулот Тошкент шаҳри атрофидаги худудларга сотилган².

Полковник Жемчужниковнинг тўқимачилик фабрикаси (Ткацкая фабрика полковника Жемчужникова) Бўржар ариғига яқин ҳудудда хом ғиштдан қурилган бинода жойлашган. 1873 йилдан (тахминан) 1882 йилгача ишлаган. Фабрикада маҳаллий ва Россиядан келтирилган ипаклардан ёғоч дастгоҳларда чит каби мато ва рўмоллар тўқилган. Маҳсулоти Тошкент шаҳри ва Тошкент уездида сотилган³.

Реал билим юрти қошидаги мўжизакор Авлиё Николай Мирликийский черкови; Николай Кушчинский черкови (Церковь при реальном училище во имя Св.Николая Мирликийского-чудотворца;

¹ Тошкент. Энциклопедия... – 198 б.

² Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 944-хужжат, 33-варақ.

³ Ўз Р МДА, И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 944 (2)-хужжат, 54-варақ.

Николаево-Кущинская церковь) 1901 йили бунёд этилган. Мазкур иншоот тошдан қурилган, бешта кўнғироғи бўлган. Мухри ва маблағлари Тошкент ҳарбий кўмондони маҳкамасида сақланиб, умуман черковнинг ўзи ҳарбий казармага тегишли бўлган. Черков кутубхонаси 104 том китобга эга эди. Черков фаолияти 1920 йили тугатилган. (Николай Мир Ликийский тўғрисида мазкур луғатнинг “Авлиё Николай номидаги аёллар монастири” номли қисмида ахборот берилган.)

Рус-Осиё банкининг Тошкентдаги бўлими (Ташкентское отделение Русско-Азиатского банка) Кауфман кўчасида (ҳозирги Сайилгоҳ кўчаси) жойлашган. Дастлаб 1903 йилда Рус-хитой банкининг Тошкент бўлими фаолият юритган. 1910 йили Рус-хитой ва Шимолий банклар бирлашиб, Рус-Осиё банки номини олган, Тошкентдаги бўлимининг номи ҳам шу сабабдан ўзгарган. Банк Россия империяси ва Осиёдаги ҳудудларда фаолият юритгани туфайли шундай номланган. Мазкур банк Осиё давлатларида маҳаллий ҳукуматнинг рухсати билан ўз ҳисобидан товарларни олди-сотти қилиш, акция, облигация, кўчмас мулк қабилар боғлиқ ишлар билан шуғулланган¹.

Савдо мактаби (Торговая школа) Савдо ва саноат вазирлигининг 1911 йил май ойидаги қарорига биноан, умумий таълим берувчи ва касб-хунарларга ўргатувчи Биринчи 4-йиллик тошкент билим юрти (1879) ўрнида ташкил қилинган. Мазкур ўқув даргоҳи савдо ишлари учун мутахассисларни тайёрлашни мақсад қилган. Шу боис “Савдо мактаби” деб номланган.

Туркистон ўлкасида капиталистик муносабатлар шаклланиб, ички ва ташқи савдо ривожланиб боргач, янги корхона ва савдо мутахассислари етишмаслиги муаммоси вужудга келган. Шу сабабдан ҳам тижорат билим юртларини, синфларини ташкил қилиш зарурати пайдо бўлган. “Бизнинг Монголия билан бўлган савдо алоқаларимизни ривожлантириш ва бу ўлкада таъсиримизни ўрнатиш мақсадида савдогарларнинг паст савиясини кўтариш учун бошқармалараро мажлисда тижорат ўқув муассасаларини тузиш зарурлиги қайд этилган эди... Савдо ва саноат вазирлиги бунинг учун савдо мактабини тузиб, унга савдо-саноат корхоналарида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлашни вазифа сифатида белгилаб бериш лозимлиги, шунингдек, савдо синфларини ҳам тузиб, уларга 12 ёшдан кичик бўлмаган, ҳатто савдо-саноат корхоналарида ишловчи шахсларни қабул қилиб, савдо соҳасида зарур билимларни етказиш муҳим”, – деб таъкидлаган савдо вазири маслаҳатчиси ўзининг Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсоновга йўллаган мактубида².

Тошкент Савдо мактабининг Низомида³ мактаб Савдо ва саноат вазирлигининг ўқув бўлимига қарашли, мактабда кутубхона, зарур ўқув қуруллари, жиҳозлари бўлиши таъкидланган. Ўқитиш уч йил давом этган. Ўқув дастури бўйича, 11 та фандан сабоқ берилган, бу: илоҳий қонун, рус тили,

¹ История Ташкента... – с.186.

² Ўз Р МДА,. И-1.-жамғамрма, 13-рўйхат, 940-ҳужжат, 7-12, 13-68-варақлар.

³ Ўша жойда, 3-5-варақлар.

адабиёт, немис тили (ёки бошқа ҳорижий тил), арифметика, тижорат, тижорат корреспонденцияси, тижорат географияси, товаршунослик, расми, чизмачилик.

Кейинчалик (1918 йилдан сўнг) Савдо мактаби, бошқа гимназиялар сингари ўрта умумтаълим мактабига айлантирилган.

Сергий Радоножеский номли черков (Церковь во имя Сергия Радоножеского) 1893-1896 йилларда Шибли ариғининг чап соҳилида қурилган. 1897 йили “муқаддас” деб эълон қилинган. Черков биноси пишиқ ғиштдан, 5 та гумбази мавжуд, бино ва ерининг майдони 1375 квадрат саржен бўлган. Черков қошида кутубхона, мактаб очилган эди. Черковга Мўжизакор авлиё Сергий Радоножеский номи берилиб, унинг шарафига 5 июл ва 25 сентябр кунлари байрам қилинган¹.

Спас-Преображение собори (Собор Спасса-Преображенского) Собор майдони (Соборная площадь) ёнида Черняев ва Воронцов кўчалари кесишган ерда, генерал губернатор маҳкамаси раиси хонадонининг рўпарасида жойлашган². Ибодатхона биноси 1871 йили қурила бошланган, бироқ, молиявий муаммолар туфайли қурилиш ишлари вақтинчалик тўхтатилган. 1877 йили черков биноси қуриб битказилган. Ибодатхонанинг биринчи протоиереи Андрей Евграфович Малов бўлган. Кейинчалик у черков ҳудудига дафн этилган. Шунингдек, бу ерда К.П.Кауфман, Н.И.Ивановларнинг қабрлари ҳам бўлган. Черков биноси 1600 кишига мўлжалланган. Черков қошида яхши ташкил этилган (16 ижрочи) хор бўлган. Собор атрофида кичик бир боғ, генерал губернатор уйи билан бўлган оралиғда эса ҳарбий парадларни ўтказишга мўлжалланган катта майдон бўлган (Собор майдони).

Черков авлиё Исо (Исус Христос)нинг ҳаётидаги буюк воқеани хотирлаш мақсадида қабул қилинган ўн иккинчи байрам – “Преображение” (“Қиёфани ўзгартириш”) шарафига аталган. Айтишларича, Исо пайғамбар ердаги ўз вазифаларининг ярмини ато этиб, кўрсатган мўъжизалари ва мўъжизавий таълими билан ўзининг авлиёлигини исботлаганидан кейин ўқувчиларини яна бир хайратлантirmoқчи бўлиб, қиёфасини ўзгартирган. Қиёфани ўзгартириш тарихи Матфей Евнгелиесида таърифланган. Ривоятга кўра, пайғамбарнинг қиёфасини ўзгартирган жойи Фавор тоғи саналади, бироқ бошқа тахминлар бўйича, бу – шимолроқда жойлашган баланд Ермон тоғидир. Преображение байрами 6 августда нишонланади³. Преображение номли черков, монастирлар Россияда одатда “Спас-преображение соборлари” дейилган. Жумладан, улар Могилёв, Кубань, Минск, Тифлис, Невел, Муром, Орлов, Рязан, Якутск, Острога, Самара, Саратов, Ярославл, Енисейск ва б.ларда ҳам бўлгани маълум.

¹ Ўз Р МДА. 182-жамғарма, 1-рўйхат, 24-а-хужжат, 1-2-варақлар; И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 32246-хужжат, 17-варақ.

² Ўз Р МДА. И-37-жамғарма, 1-рўйхат, 75-иш, 4-а-варақ.

³ Энциклопедический словарь под ред. проф. И.Е. Андреевского... – СПб., 1898. Т.49 (XXV). С.63.

Тошкент Астрономия обсерваторияси (Ташкентская Астрономическая обсерватория) 1873 йилда Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий топография бўлими тизимида астрономия ва физика обсерваторияси сифатида ташкил қилинган. Мазкур ташкилот Тошкентда астрономик йўналишдаги тадқиқотлар олиб боргани сабабли унга “Тошкент Астрономия обсерваторияси” номи берилган. Манбаларда қайд этилишича, обсерваториянинг мақсади ўлкада жойларнинг географик ўрнини аниқлаш, иқлимшунослқни ўрганиш, астрономия соҳасидаги билимларни ҳарбий-топографик бўлимга етказиш бўлган¹. Обсерваториянинг ташкил этилиши Ўрта Осиёда астрономия тадқиқотлари ривожига янги босқич бўлди. Ўрта Осиёда астрономик пунктларни аниқлаш учун экспедициялар уюштирилди. Айни вақтда обсерваториянинг ўзида илмий-тадқиқот ишлари (вақтни ўлчаш, куёш активлиги, куёш ва ой тутилиши, метеорологик ҳамда сейсмик кузатишлар ва ҳ.к.) олиб борилди. Тошкент Астрономия обсерваторияси 1922 йилдан Туркистон Халқ маорифи комиссарлиги, 1925 йилдан Республика Халқ маорифи Комиссарлиги таркибида, 1943 йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида фаолият юритиди. 1966 йилдан Ўзбекистон Республикаси ФА Астрономия институти бўлди.

Тошкент тупроққўрғони (Военная крепость) эди (1865 й.). Ўрганилаётган даврда Янги шаҳарда руслар томонидан бунёд этилган илк иншоот, Қўймас дарвозасидан шарқда Қирилмос ёки Қўймас тепалигида жойлашган. Унинг ичида казармалар, офицерлар уйлари, 150 ўринли лазарет (ҳарбий касалхона), ўқдори омбори ва ҳ.к.лар бўлган. Қалъага кирадиган асосий йўл шарқ томонда бўлиб, атрофи ғиштдан ишланган катта дарвозаси ҳозир ҳам сақланган. Кейинроқ қўрғон деворидан ташқарида ҳам ҳарбий иншоотлар қурилган. Мазкур қўрғон ҳақида ёзма манбаларда ҳам маълумотлар келтирилган. Жумладан, Муҳаммад Солиҳнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида бу ҳақда шундай ёзилган: “Ширинуф (Черняев) муддао ҳосил ва хотиржам бўлгач, Чилдухтарон мавзеидан (680 б варақ) Қирилмос тепалигининг (Талли Қирилмос) кун чиқар томонида Ғадир ариғи бўйида Мулло Шамс, Мулло Маҳмуд, Мирюсуф Миришкор, Дониёлхожа ва Қурбонбой чорбоғлари, шунга ўхшаш, яна бир қанча қиётликларнинг боғларини (олиб, у ерга) кўчиб келди ва Қирилмос тепалигида подшоҳона иморатлар қуришга киришди; унинг тўрт томонини хокрез қилиб кўтарди ва қалъанинг уч томонига учта дарвоза ўрнатди. Шундан сўнг халқ бу жойни Тупроқ қўрғон деб атаётган”². Тошкент Тупроққўрғонининг айнан шундай аталиши икки сабаб билан боғлиқ бўлиши мумкин: биринчидан, мазкур қўрғон тепалик – тупроқлар тўпланган жой устига қурилган, иккинчидан, қалъа деворлари ва қурилмалари тупроқдан – пахсадан бўлган. Эҳтимол, шу боис ҳам халқ русларнинг ушбу қурилмасини “Тупроққўрғон” деб номлаган. Руслар эса уни “Военная крепость” деб аташган. Сабаби – бу ер генерал-губернатор ва унинг асакарлари жойлашган қўрғон эди.

¹ Ўз Р МДА. И-1-жамғарма, 27-рўйхат, 187-ҳужжат, 5 орқа-, 7-орқа варақлар.

² А.Ўринбоев, О.Бўриев. Тошкент Муҳаммад Солиҳ..., ўша асар. – 24 б.

Тошкент шаҳар думаси (Ташкентская городская дума) биноти ҳам Воронцовский проспект (ҳозирги Х.Сулаймонова кўчаси)да жойлашган. Тошкентнинг 1890 йилги картасида “Городская дума” шаклида берилган. Мазкур иншоот архитектор О.И.Гамбургер томонидан барпо этилган. Бугунги кунда унинг ўрнида Фан ва техника давлат кўмитасининг биноти жойлашган.

Шаҳар думаси шаҳар жамоат бошқармасининг фармойиш берадиган органи бўлган. Тошкентда 1877 йили жорий қилинган¹. Дума бошлиғи ва аъзолари сайлов йўли билан тайинланган бўлиб, буларнинг 2/3 қисми Янги шаҳар, 1/3 қисми Эски шаҳар аҳолиси юқори табақаларидан сайланган. Думага 72 депутат сайланган. 1913 йили депутатлардан 30 таси фабрика ва завод эгалари, 12 таси савдогар, 8 таси уй эгаси, 22 таси эркин касбли шахслар бўлган. Депутатлар 4 йилга сайланган. Шаҳар думаси шаҳар хўжалиғи, ободончилик, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, шаҳар савдоси ва солиқлар устидан назорат қилиб турган. Унда шаҳар ҳокими (бошлиғи) ва унинг муовинлари, доимий ва муваққат комиссиялар раислари ва аъзолари сайланган. Ҳукумат маъмурияти шаҳар думаси фаолиятини назорат қилиб турган. Дума қарорлари генерал-губернаторнинг ижозатидан сўнг кучга кирган. 1917 йили Шаҳар думаси аъзоларининг бир қисми муваққат ҳукумат таркибига кирган. 1917 йил Октябрь тўнтаришидан сўнг Туркистон ХКСнинг 1917 йил 4 декабрдаги қарорига кўра Шаҳар думаси тарқатиб юборилган, шаҳар хўжалигини бошқариш Тошсоветга топширилган².

Тошкент “Ғишт ширкати” фирмасининг савдо уйи (Торговый Дом под фирмой “Ташкентское Товарищество Кирпич”) Садовая кўчаси 16-уйда 1913 йили муҳандис Александр Александрович Андреев томонидан очилган. Савдо уйининг мақсади қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўлгани учун, “Ғишт” деб номланган. Заводнинг ўзи қамоқхона кўмитасидан ижарага олган ерда, Ғадраган ариғи ёнида, Лабзак дарвозасига яқин ерда, Чимкент йўлида қурилган. Ширкатга табиий фанлар номзоди Николай Николаевич Цуханов, тоғ муҳандиси Александр Николаевич Цуханов, тиббиёт фанлари доктори Савелий Романович Рахтиморелар аъзо бўлганлар. 1915 йили “Ғишт” савдо уйи А.А.Андреевдан Н.Н.Цухановга берилган ва ширкатнинг номи ҳам, Ҳукумат Савдо сенати ва Юстиция вазирлари низомидаги талабига кўра, “Н.Н.Цуханов ва Ко Савдо Уйи” деб номланган³.

Тошкент ҳарбий-иқтисодий жамияти (Ташкентское военно-экономическое общество) 1895 йили Тошкентда Туркистон ҳарбий округи штаби қошида тузилган. Унга фақат шаҳар ҳарбийлари аъзо бўлиб, уларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш жамиятнинг асосий мақсади бўлганлиги туфайли “ҳарбий-иқтисодий жамият” деб номланган. Жамият ўз Низоми, муҳри, бланк

¹ Давлат Думаси фаолияти ҳақида 1905 йили Император Николай Иккинчи томонидан тасдиқланган “Давлат Думасининг жорий этилиши” (“Учреждение Государственной Думы”) ҳужжатида батафсил маълумотлар берилган. – Ўз Р МДА. 36-И-жамғарма, 1-рўйхат, 4192-ҳужжат, 3-5-варақлар.

² Тошкент. Энциклопедия..., ўша асар. – 394 б.

³ Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 145-ҳужжат, 7-варақ.

қоғозларига эга бўлган. Ўз аъзоларига зарур сифатли молларни, асосан, ҳарбий кийим, аслаҳа, пойабзал кабиларни арзонроқ нархда топиб беришга, шунингдек, пул жамғаришда, кредитга буюм сотиб олишга ёрдам бериш ишлари билан шуғулланган. Унга ҳарбийлар, уларнинг бевалари аъзо бўлганлар. Жамиятда юздан кўп аъзо бўлиши шарт бўлиб, улар турли аъзолик тўловларни тўлаш мажбурияти билан қабул қилинган. Тошкент ҳарбий-иқтисодий жамияти таркибига Фаҳрий раис, Округ кўшинлари кумондони, аъзо ва қатнашчилар кирган. Манбаларда қайд этилишича, жамиятнинг барча аъзолари 17 та сайлов гуруҳни ташкил этган. Жамиятда умумий ва ички мажлислар ўтказилиб, бошқарув аъзолари сайланган¹.

Тошкентдаги “Ёрдам” мусулмон жамияти (Мусульманское общество “Помощь” в Ташкенте) 1909 йили 12 майда Тошкентда тузилган. Мазкур жамият Тошкентда мусулмон кишилар томонидан тузилгани ва муҳтож инсонларга турли ёрдам кўрсатиш билан шуғуллангани сабабли шундай аталган. Унинг мақсади Сирдарё вилояти ҳудудидаги ночор мусулмон кишиларнинг маънавий ва моддий аҳволини яхшилаш учун хизмат қилиш бўлган. Бу борада жамият томонидан етимхоналар, ночор қария, етим, ногиронлар учун шифохоналар очиш, тунайдиган жойлар куриб бериш, шунингдек, ўрта ва олий ўқув юртларида таълим олишни давом эттираётган талабаларга стипендиялар таъсис этиш ишларини амалга оширган. Унга фақат эркаклар аъзо бўлган, исломдан бошқа динидагилар ҳам киритилган. Жамият “Тошкентдаги “Ёрдам” мусулмон жамияти” деб ёзилган муҳрига эга эди. Бошқарув ишларини Умумий мажлис ва Жамият кенгаши юритган. Жамият ташаббускорлари Тошхўжа Туёқбоев, Низомқори Мулла Хусаинов, Мулла Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Баширулла Асадуллахўжаевлар бўлганлар².

Туркистон врачлари жамияти (Общество врачей Туркестана) кейинчалик Туркистон тиббиёт жамияти (Туркестанское медицинское общество), сўнг эса Туркистон ўлкаси табиатшунослари ва врачлари жамияти (Общество естествознавателей и врачей Туркестана) деб номланган. Мазкур жамиятда тиббиёт соҳасида ишловчи ходимлар тўпланиб фаолият кўрсатганлари боис шундай аталган. У 1899 йилдан 1917 йилгача фаолият юритган. Туркистон врачлари жамияти Туркестонга хос касалликлар (безгак, ришта, вабо ва б.)нинг сабабларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш, аёллар ва болаларни даволаш, санитария ишларини яхшилаш билан шуғулланган. Шунингдек, жамият шаҳарда водопровод қурилишига ёрдам кўрсатгани, Туркистондаги касалликлар ва ўлим тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплагани маълум³.

Туркистон оммавий кутубхонаси (Туркестанская публичная библиотека) Тошкентдаги дастлабки жамоат кутубхонаси бўлиб, 1870 йилда

¹ Ўз Р МДА. И-37-жамғарма, 1-рўйхат, 164-ҳужжат, 2-варақ.

² Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 6455-ҳужжат, 121-варақ.

³ Тошкент. Энциклопедия... – 330 б.

музей билан бирга ташкил қилинган. 1877–1883 йилларда Генерал-губернатор маҳкамаси экекутори, канцлер Е.Н.Николаев уйида (9 та хона), 1883 йилдан Романов шоҳқўчасидаги (ҳозирги Буюк Турон) собиқ кимё лабораториясининг таъмирланган биносига кўчирилган ва шу йили ёпилиб, музей қошидаги китоб сақлайдиган муассасага айлантирилган. Бироқ 1894 йили Генерал-губернатор Розенбах кутубхона фаолиятини қайта тиклаган. Кутубхона Туркистон ўлкасида илк ташкил қилинган, барча китобхонлар учун мўлжалланган кутубхона бўлгани сабабли “Туркистон оммавий кутубхонаси” номини олган.

Туркистон Рим-католик хайрия жамияти (Туркстанское Римско-католическое благотворительное общество) 1907 йили Тошкентда Рим-католик костёли биносида фаолиятини бошлаган. Мазкур ташкилот Рим-католик ибодатхонаси қошида очилгани ва хайрия тадбирларини амалга оширгани туфайли шундай номланган. Унинг мақсади муҳтож католик диндорларнинг маънавий ва маданий аҳволини яхшилашга ёрдам кўрсатиш бўлган. Бу борада жамият аъзолари ўзи меҳнат қилаолмайдиган ночорларга кийим, озиқ-овқат, баъзан пул бериб, уларга мос иш топишда, тиббий хизмат билан, қазо қилган қариндошларни дафн маросимларини уюштириб, етимларни етимхоналарга, ночор қарияларни қариялар уйига жойлаб, китоблар тарқатиб, ўзга ерлик ночорларга ўз ватанларига қайтишга маблағ бериб ёрдам кўрсатганлар. Жамият аъзоларининг сони чекланмаган, Бошқармаси 6 аъзодан ташкил топган ва 3 йилга сайланган, бир йилда бир мартаба йиғилиш ўтказилган, аъзолар белгиланган муддатда кирим пуллари тўлаганлар, хайрия тадбирлари ўтказганлар¹.

Туркистон хайрия жамиятининг туғруқхонаси (Родильный покой Туркестанского благотворительного общества) 1880 йили Романовская кўчасида (ҳозирги Буюк Тўрон к.) Петров уйида очилган. 1882 йили Самарқанд кўчаси ва Крепостной берк кўчалари кесишган ерда капитан Пейкердан олинган уйга кўчирилган. 1905 йили туғруқхона учун қурилган янги бино 22 ўринга мўлжалланган. Бу ерда бир йилда 900 тагача, амбулатория, қабулда эса 200 тагача бемор қабул қилинган. Туғруқхона Туркистон хайрия жамияти томонидан очилиб, шу жамиятга тегишли бўлгани сабабли мазкур ташкилотнинг номи билан аталган. Туғруқхона “камбағал рус хомиладор аёллар учун мўлжалланган”².

Туркистон ўқитувчилар семинарияси (Туркестанская учительская семинария) Константин майдонининг жанубий томонида шимолга юз тутган бир қаватли бинода жойлашган (Ҳозирги Марказий хиёбонда) (25-илова). “Туркистон ўқитувчилар семинарияси” топоними Туркистонда мутахассис ўқитувчиларни тайёрлайдиган даргоҳ маъносини билдиради. Мазкур топоним географик жой номи ва муассаса тури билан боғлиқ топонимлар гуруҳига мансуб.

¹ Ўз Р МДА. И-37-жамғарма, 1-рўйхат, 6455-ҳужжат, 164-варак.

² Ўша жойда.

Туркистон ўқитувчилар семинарияси 1879 йили Тошкентда очилган. Асосан рус-тузем мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлаган. Маҳаллий аҳоли орасидан чиққан ўқувчилар сони жуда кам бўлган (1886 йили 61 ўқувчидан 9 нафари, 1883–1904 йиларда 254 та битирувчидан 39 нафари туб ерлилардан бўлган). Семинарияда илоҳиёт қонуни, педагогика, рус тили, форс ва қозок тили (1884 йилдан қозок тилининг ўрнига ўзбек тили), арифметика, география, расм, хуснихат, ашула, мусиқа, бичиш-тикиш, гимнастика ўқитилган. Семинария мудирлари шарқшунос олим Николай Петрович Остроумов бўлган. 1920 йили Ўқитувчилар семинарияси Ўлка ўзбек эрлар маориф институти (билим юрти)га айлантирилган. Семинария биноси ҳозир ҳам сақланган (Марказий хиёбонда жойлашган курант рўпарасидаги бинонинг биринчи қавати).

Туркистон Давлат палатаси (Туркестанская казёная палата) 1901 йилгача шаҳарнинг турли ерларида жойлашган ва мазкур йили Қўйлик ва Хива кўчалари оралиғидаги махсус бинога кўчирилган (ҳозирги Фарғона йўли ва Хоразм кўчалари). Туркистон Давлат палатаси 1869 йили Давлат кенгаши қарорига биноан таъсис этилган. 1886 йилдан бошлаб акция ҳужжатларини ҳам назорат қилган. Палата ҳодимлари савдо ҳужжатларини текшириш, кассаларда тафтиш олиб бориш, 1889 йилдан эса солиқ йиғиш ишларини назорат қилиш ишларини амалга оширган¹. Бу муассаса Туркистон ўлкасида давлат томонидан назорат ишларини олиб боргани сабабли шундай аталган.

“Филипп Каплан ва ўғиллари” фирмасининг савдо уйи (Торговый Дом фирмы “Филипп Каплан и сыновья”) янги шаҳарнинг турли жойларида ўзининг дўкон ва дорихоналарига эга бўлган. Соборная, Кауфманский шоҳкўчаси, Пушкин, Шайхонтахур кўчаларида. Савдо уйи провизор Ф.Каплан ва ўғли – шифокор Сергей Каплан томонидан 1903 йили тузилган (15 йилга) ва шу сабабдан уларнинг номида бўлган. Савдо уйида, шунингдек, Ф.Капланнинг ўғиллари – Григорий ва Алексей Капланлар ҳам фаолият юритганлар².

М.Г.Черняев уйи (Дом генерала-губернатора) Тошкент тупрокўрғонининг шимоли-шарқий томонида 1865 йили қурилди. 1890 йилги Тошкент шаҳар харитасида ушбу топоним “Дом Военного Губернатора” шаклида келтирилган³. Европача услубдаги бу уй (ҳозир сақланмаган) Тошкентнинг янги қисмидаги дастлабки қурилишга хос бўлиб, маҳаллий қурилиш материаллари – хом ғишт, пахса ва синч деворли қилиб ишланган, томи сомон сувоқ қилинган, хоналар сатхи тупроқли ғиштли бўлган. Ушбу иншоотда дастлаб рус генерали М.Г.Черняев яшаганлиги учун, умуман, бу уй унга тегишли бўлгани учун, унинг номи билан аталган.

Шаҳар касалхонаси (Городская больница) 1896–1898 йилларда шаҳар маъмурияти томонидан Жуковский кўчасида қурдирилган. У Янги шаҳар ҳудудида илк бор бутун шаҳар аҳолиси учун мўлжалланган шифохона бўлгани

¹ Агафонова З.И., Халфин Н.И. Путеводитель... – с.33.

² Ўз Р МДА. И-37-жамғарма, 1-рўйхат, 130 (2)-ҳужжат, 11-варақ.

³ План Русской части г.Ташкента 1890 года.

сабабли “Шаҳар касалхонаси” деб аталган. Касалхонанинг биринчи бошлиғи Магнетштейн бўлган. 1901 йили мазкур шифохонада 4 та бўлим бўлган, бу – терапия, хирургия, аёллар, юқумли касалликлар бўлимлари. 95 та ўрин мавжуд эди, бир суткада бемор 50 тийин тўлаган. 1870-йилда биржа учун қурилган бино 1908 йили шифохонага қўшиб берилди. Бир йилда стационар беморларнинг сони 15000-20000 тагача етган¹.

Юсуф Давидов пахта тозалаш заводи (Хлопкоочистительный завод Юсуфа Давыдова) Тошкентдаги илк очилган ва энг йирик пахта заводлардан бири саналган. Савдогар Юсув Давидов тасарруфига ўтганидан кейин (1893 й.) унинг номи билан атала бошлаган.

Мазкур завод С.И.Лахтин томонидан 1880 йиллар бошида очилган. (Бундан ташқари Лахтиннинг дон заводи, тошбосмахонаси ҳам булган)². Кейинчалик завод хўжайини иқтисодий қийинчиликлар туфайли корхонасини пермлик савдогарлар ака-ука Каминскийларга сотган. Улардан пахта заводи Ю.Давидовга ўтган. Корхона таъмирланиб, ундаги чарх ва пахта узатувчи техник ускуналар янгиланган, қўл меҳнатини талаб қилувчи пресслар механик двигател билан ишга туширилувчи гидравлик прессларга алмаштирилган. XX аср бошларида заводга электр ёритиш ўрнатилган. Мазкур заводда йилига 150000-200000 пуд пахта қайта ишланган³. Пахта тозалаш заводидан ташқари Ю.Давидовнинг Оққўрғонда (аввалги Глинка-Янчевский дала ҳовлиси) дала ҳовлиси бўлган. Бу ерда ҳам у тадбиркорлик билан шуғулланган, жумладан, 1903 йилдан дала ҳовлида қурилишга яроқли турпоқ сотилгани маълум⁴.

Ўғил болалар ва қизлар гимназиялари (Мужская и женская гимназии) Константин хиёбоннинг ғарбий томонида бир-бирига ўхшаш уч корпусли иккита бино мавжуд бўлган. Улар орасидан Соборная (ҳозирги Сайилгоҳ) кўчаси ўтган. Ўғил болалар гимназияси учун 1878 йили архитектор Янчевский бошчилигида бош фасади Константин хиёбони (ҳозирги Амир Темур)га қараган бино қурилган, 1879 йили унинг ёнига учинчи корпус қурилган. 1920 йилдан бу ерда Ўрта Осиё Давлат университети, 1972 йилдан эса Тошкент автомобил транспорти ва йўллари институти ва ТошДУнинг юридик факультети бўлган. Ҳозирги даврда Тошкент Давлат юридик институти жойлашган. 1912 йили Қўйлик шоҳқўчаси (ҳозирги Йўлдош Охунбобоев кўчаси)да архитектор Г.М.Сваричевский бошчилигида Иккинчи қизлар гимназияси учун икки қаватли бино қурилган, кейинчалик бино устига учинчи қават қурилган (ҳозирги Вестминстр университети).

Мазкур гимназияларнинг номи ва улар ҳақидаги маълумотлар ўша давр ёзма манбаларида учрайди. Жумладан, 1890 йилги Тошкент шаҳар харитасида⁵ Ўғил болалар гимназияси “Мужская Гимназия”, Қизлар гимназияси эса

¹ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.335–338.

² Уз МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 2819-ҳужжат, 21–22-варақлар.

³ История Ташкента... – с.174; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.203–410.

⁴ Уз Р МДА. И-37-жамғарма, 1-рўйхат, 130-ҳужжат, 7-варақ.

⁵ План г.Ташкента 1890 года.

“Женская Гимназия” шаклларида берилган. Бу икки топоним муассаса фаолият тури ва унда кимлар ўқитилишини акс эттиручи топонимлар гуруҳига оид.

Гимназияларда дастлаб фақат рус болалар ўқитилган, кейинчалик маҳаллий бойларнинг фарзандлари бу ерга қабул қилинган. Гимназияларда илоҳиёт, рус тили, лексика, педагогика, арифметика, алгебра, геометрия, география (умумий география ва Россия географияси), космография, тарих (умумий тарих ва Россия тарихи), физика, зоология, ботаника, минералогия, француз ва немис тиллари, хуснихат, расм чизиш каби фанлар ўқитилган. Қизлар гимназиясида бичиш-тикиш, мусиқа, ашула, гимнастика, рақс ҳам ўргатилган.

Мазкур икки гимназиялардан ташқари, XX асрнинг биринчи чорагида яна учта гимназия – Реал билим юрти, Кадетлар корпуси ва Тижорат билим юртлари бўлган. 1918 йилдан сўнг гимназиялар ўрта умумтаълим мактабларига айлантирилган. 1989 йилдан бошлаб мактаблар қошида яна гимназия синфлари ташкил этилган.

Ҳарбий госпиталь (Военный госпиталь)нинг биноси Госпитальная (ҳозирги Кафанов) кўчасида жойлашган. “Ҳарбий госпиталь” топоними мазкур идорада ҳарбийларни даволаш учун мўлжалланган муассаса жойлашгани ҳақида далолат беради. Мазкур госпитал ҳарбий хизматчиларни стационар усулда даволайдиган тиббий муассаса бўлган. 1869 йилда Тошкент гарнизонининг рус экспедицион кўшинларига хизмат кўрсатиш мақсадида стационар шифохона (415 ўрин) сифатида ташкил этилган. Дастлаб хирургия, юқумли касалликлар, тери-таносил касалликлари, ҳибсга олинган беморлар бўлимлари ишлаган. 1896–1910 йилларда психиатрия, кўз, қулоқ касалликлари, аёллар, офицерлар, санаторий бўлимлари очилган. 1920–21 йилларда Ўрта Осиё Давлат университети медицина факультетининг клиник базаси бўлган. 1892 йилдан бу ерда машҳур хирург ва паразитолог П.Ф.Боровский ишлаган. 1981 йили госпиталга унинг номи берилди. Ҳозирги кунда мазкур госпиталда 30 дан зиёд ихтисосдаги бўлимлар, турли тиббий текшириш лабораториялари мавжуд. Ҳар йили 16 мингдан зиёд бемор даволанади¹.

Ҳарбий йиғилишлар (Военное собрание) биноси Москва шоҳкўчаси (ҳозирги Амир Темур, 1992 йилдан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги офицерлар марказий уйи) кўчасида жойлашган эди. Мазкур иншоот 1885 йилда бунёд этилган бўлиб, дастлаб бу ерда ҳарбийларнинг мажлислари ўтказилар эди. Шу сабабли уни “ҳарбий йиғилишлар” биноси деб аташган. Кейинчалик Ҳарбий йиғилишлар биносида турли маданий тадбир, кеча, илмий-адабий маъруза, байрамлар ҳам уюштирила бошланган. Масалан, Пушкин жамияти ўз адабий маърузаларини шу ерда ўтказганлиги манбаларда қайд этилган².

Ҳарбий-почта станцияси (Военно-почтовая станция) (жойи ҳақида аниқ маълумотлар учрамади) Тошкентда 1882 йили Туркистон генерал-

¹ Тошкент. Энциклопедия... – 436 б.

² Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 2220-ҳужжат, 19–36 б.

губернатори қарорига биноан очилган. Мазкур ташкилот “Тошкент шаҳар ҳудудида ҳарбийлар, фуқаролик ва ҳарбий ташкилотлар ўртасидаги оддий ёзишмаларнинг ва оғир бўлмаган пакетларни жўнатиш ва етказиб бериш ишларини мақсад қилиб” тузилган¹. Ҳарбий-почта станцияси Округ штабининг назорати остида бўлиб, унда штаб томонидан ҳар тўрт ойга тайинланадиган икки хизматчи (иш юритувчи котиблар) фаолият кўрсатган. Станциянинг ўз муҳри ҳам бўлган. У ҳарбий бўлинмалардан ташқари қуйидаги ташкилотларга ҳам ёзишмалар жўнатилиши билан шуғулланган: Тошкент кийим-кечак омбори, Тошкент озиқ-овқат дўкони, Ҳарбий йиғилишлар, Генерал губернатор маҳкамаси, Сирдарё вилояти бошқармаси, Шаҳар полицияси, Тошкент шаҳар судьяси, Тошкент шаҳар бошқармаси, Давлат банки бўлими, “Туркестанские Ведомости” рўзномасининг таҳририяти, Тошкент изкуварлари (Ташкентследователи), Ўқув муассасалар бошқармаси, Назорат палатаси.

Тошкент шаҳри атрофидаги топонимлар

Каримбоевнинг тери ишлаб чиқариш заводи (Кожевенный завод Каримбаева) тошкентлик тадбиркор Бадалбой Каримбоевга тегишли тери заводи бўлган (қачон фаолият бошлагани аниқ эмас). Завод яроқсиз ҳолатга келгач, Бадалбой Каримбоев шаҳар ҳудудида Салор бўйида 1885 йил Тезиков ва Казаковларнинг тери ишлаб чиқариш заводлари ёнида ўзининг яна бир шундай корхонасини қургани маълум².

Никольское посёлкаси (Никольское) – Тошкент шаҳрига энг яқин масофада жойлашган қишлоқ. Руслар босқинига қадар бу ерлар Шўртепа ва Саритепа деб номланиб, қисман жалойир, сирғали, қипчоқ, қирғиз каби уруғлар, қисман шу атрофда ва шаҳарда яшовчи ўзбекларга³га тегишди бўлган. Мазкур жойнинг рус посёлкасига айланиши ҳақида турли маълумотлар мавжуд.

Айрим рус манбаларида⁴ бу ерлар, гарчи шаҳарликларнинг қир-адирлари деб саналса ҳам, шаҳардан узоқ, ўсимлиги жуда кам бўлгани учун, улардан ҳеч ким фойдаланмаганлиги қайд этилган. Бошқа рус манбаларида эса⁵ Саритепадаги ерлар генерал Черняевнинг буйруғига биноан, шу ерда қамиш ўриш билан машғул бўлган қирғизлардан тортиб олинган ва хазина ҳисобига ўтказилиб, фойдаланиш учун 1864 йилдан 1872 йилга қадар аскарларга берилгани ёзилган. Учинчи гуруҳ манбаларда Никольское посёлкаси учун Яланғочдаги ерлар ажратилган бўлиб, улар Тошкент аҳолисига тегишли экани кўрсатилган⁶. Жумладан, архив ҳужжатларида бу ердаги баъзи жойлар

¹ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 646-ҳужжат, 9–16-варақлар.

² Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 20379-ҳужжат, 1, 3, 4-варақлар.

³ Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. Под ред. И. И. Гейера. – Ташкент, 1891. Т. I. С. 152.

⁴ Ўз Р МДА. 1-жамғарма, 27-рўйхат, 1129-ҳужжат, 109-варақ.

⁵ Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской... – с. 154.

⁶ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 32063-ҳужжат, 10, 522-варақлар.

Тошкентнинг Шайхонтаҳур қисмидаги Дархон маҳалласида яшаган Ашурмуҳаммад Табаопалов, Расулмуҳаммад Қурбонбоев ва Раҳматулла Мирзаевлардан тортиб олингани ва бу шахслар 1895 йилда ҳам ҳали бу ерлар учун шаҳар бошқармасига мурожаат қилиб, пул талаб қилиб юрганлари ҳақида баён қилинади. Шунингдек, ҳужжатлардан бундай даъвогарлар кўплиги, улар орасида собиқ рус аскарлари ҳам бўлгани маълум. Рус аскарлари тортиб олинган ерлар эвазига, асосан пул ёки бошқа жойдан ер сўраган бўлсалар, маҳаллий аҳоли кўпроқ пул ёки шу ерларни ўзини қайтарилишини талаб қилган. Бунга жавобан 1873 йили баъзи даъвогарларга, чорва боқиш учун қулай, Ниёзбек ерларидаги майдонлар ажратилган, айримларига маълум миқдорда пул берилган, яна бошқалари эса умуман жавобсиз қолдирилган¹. Маълумотларга асосланиб, Никольское посёлкаси учун Шўртепа, Саритепадаги қирғиз, ўзбекларнинг ва Яланғочдаги Тошкент аҳолисига тегишли ерлар руслар томонидан 1864 йилдан дастлаб зўрлқ билан тортиб олинган, кейинроқ эса, 1873 йилдан қисман сотиб, қисман тортиб олинган, деган хулосага келиш мумкин.

XIX аср охирида асос солинган мазкур рус қишлоғининг “Никольское” деб номланишига сабаб, бу ерда 1865 йили май ойида рус қўшинлари Қўқон аскарлари устидан ғалаба қозонишган. Шу боис генерал Черняев шу ерда “намунали рус турар жойи барпо этиш ниятида” махсус комиссия тузган, унга бу иш билан шуғулланишни юклаган ва “Тошкент шаҳри тақдирини ҳал қилган кун”, 1865 йил 9 май – Никольский кунига тўғри келгани учун, рус аскарларининг қўлга киритган ғалабаси шарафига “Никольское” деб ном қўйган².

Никольское посёлкаси учун ажратилган жой тахминан 500 десятинани ташкил қилиб, Тошкентдан 10 чақирим масофада, шаҳарнинг шарқий томонида бўлган, атрофи қирлар билан ўралган, кўпроқ нам ерлар, ботқоқлик, қамишзолардан иборат эди. Ер майдонларининг деярли барчасига шоли ва камроқ миқдорда клевер экилган. Сарисувга туташган ҳудуд эса ботқоқликлардан иборат бўлиб, бу жойларда қамишзорлар кўп эди ва қамиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш шу ерлик аҳолининг қўшимча хунарига айланган. Қишлоқ ҳудудидан оқиб ўтган асосий ариқ Кичик Қорасув³ бўлиб, ундан суғориладиган ерларда, кейинроқ эса, ботқоқларни қуриштириш натижасида вужудга келган майдонларда ҳам ғалла етиштирилган.

1890 йили 2 октябрда Никольское қишлоғининг аҳолиси рўйхатдан ўтказилганда, у ерда 748 одам яшагани аниқланди. 1895 йилда оилалар сони 260 бўлган⁴. Эркаклар, асосан деҳқончилик (120 оила деҳқончилик билан шуғулланган), шунингдек баъзи хунардандчилик турлари билан машғул бўлиб,

¹ Ўша жойда.

² Ўз Р МДА. И-1-жамғарма, 27-рўйхат, 1133 а-ҳужжат, 3 орқа-варак. – Всеподдпнейший отчет за 1884-й год Туркестанского генерал-губернатора г.л.Н.О.Розенбаха.

³ Рус манбаларида “Малый Карасу” деб номланган.

⁴ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 32063-ҳужжат, 10, 522-вараклар.

оила боққанлар, аёллар эса кўпинча шаҳарда яшаб, фарзандларининг таълим-тарбияси билан шуғулланганлар.

1890 йили бутун қишлоқда 167 турар жой биноси бўлиб, иккита асосий кўча ўтган. Бу кўчаларни бир-бири билан боғловчи яна бир катта кўча кейинроқ, 1884–1895 йилларда, полковник Абграль бошчилигида қурилган. Кўчалар бир-бирига параллел ётқизилган бўлиб, шимолдан жанубга томон йўналган, берк кўчалар уларга перпендикуляр тарзда жойлашган. Никольскоеда мактаб (1885 йили Айходжинов томонидан қурилган, майдони 300 сажень, 1 бино, 6 хона)¹, қишлоқ хўжалиги билим юрти 1891 йили қишлоқнинг жанубий қисмида Турқарикқа яқин ерда)², Турбат (Туркистон баталёни) амбулатория пункти (1891 йили Зокирхўжа Имонов уйини ижарага олган), полиция пункти, Минерал сувлар ва вино маҳсулотлари заводи (1889 йили Белоклоновнинг уйида очилган. Никольскоенинг ўзида 1890 йилдан вино сотиш ман этилган, гўё қишлоқнинг ҳали бутунлай қуриб битказилмаганлиги сабабли, шу боис завод виноси Тошкентда сотилган)³ каби муассасалар бўлган. Қишлоқ аҳолиси ғаллачилик ва чорвачиликдан ташқари устачилик (15 киши), этикдўзлик (4), тикувчилик (14), аравакашлик (6), ғилдирак яшаш (3), темирчилик (3), қандолатчилик (1), виночилик (2), уй қуриш ва таъмирлаш (11), печкачилик ва тош териш (5), ичак тозаловчилар (2), теричилик (10), каштачилик (4), кир ювиш (1) кабилар билан машғул бўлган⁴.

Давр мобайнида Никольское қишлоғининг аҳолиси кўпайиб борган. Турар жойлар сони ортган. Бозор кунлари, Тошкентга яқинликни ҳисобга олган ҳолда, сешанба ва шанба кунларига белгиланган⁵. (Тошкентда бозор кунлари, асосан – чоршанба ва якшанба кунлари бўлган). Сабаби – бу ерда одамлар Чирчиқ ва бошқа узокроқ жойлардан келиб маҳсулотларини сотиб кетганлар. Никольское аҳолиси кўпинча воситачи савдогарлар вазифасини бажарган, шунингдек, тошкентлик савдогарлар шу ердан мол ҳарид қилганлар.

Никольское қишлоғининг тарихига оид маълумотлар ўрганилаётган даврда мазкур ҳудудда маҳаллий ва кўчиб келган европалик аҳоли ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар, уларнинг янгича турмуш тарзи билан танишиш имконини беради шунингдек, умуман Туркистон генерал губернаторлиги ҳудудида вужудга келаётган рус қишлоқлари, шаҳар билан алоқалари ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилишда ёрдам беради.

Ортиқ Саитбоев тери заводи (Кожевенный завод Артыка Саитбаева) 1905 йилда очилган. Мазкур завод Тошкентнинг жанубий чегараси ортида Салор ариғи бўйида қурилган. Хўжа Ортиқ Саитбоев аслида Бешоғоч даҳасидаги “Бойкўча” маҳалласида истиқомат қилган, Қушбегида эса унга

¹ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 25936-хужжат, 1–8-варақлар.

² Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 14816-хужжат, 38–67-варақлар.

³ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 20852-хужжат, 25-варақ.

⁴ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 20672-хужжат; Маев Н. Русский Ташкент... – с.126–162.

⁵ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 20613-иш, 2–10 варақлар; 79-жамғарма, 22343-хужжат, 39-варақ.

қарашли ер майдони бўлган. Завод очишни режалаштириб у маъмуриятга ёзган хатида завод учун танлаган ерларида Салор Бўзга қўшилиши, Бўз сувидан ичимлик суви сифатида ҳеч ким фойдаланмаслиги, у ердан эса сувлар Чирчиққа бориб тушиши ва аҳоли томонидан сувнинг ифлосланаётгани ҳақида ҳеч қандай шикоятлар йўқлигини таъкидлаган эди.

Первушин меросхўрларининг вино заводи (Винокуренный завод наследников Первушина) Салор ариғининг бўйида, Қўйлиқ ва Марьин шоҳкўчалари оралиғида жойлашган (тахминан ҳозирги Фарғона йўли ва Элбек кўчалари кесишган жойда). Савдогар Первушиннинг ўғилларига тегишли бўлгани сабабли шундай номланган. Мазкур завод рус савдогари Иван Андреевич Первушин томонидан 1868 йили очилган ва кейинроқ ўғилларига мерос бўлиб қолган. Завод биноси хом ғиштдан қурилган. Завод дастлаб буғ, кейинчалик тошкўмир воситасида иситилган ва бинолари ҳам кўпайган. 1873 йилда заводда бир пруссиялик мутахассис ва ўнта ишчи ишлагани маълум¹. Мазкур вино заводида мева спирти ва буғдой спирти ишлаб чиқилиб, бунинг учун майиз, буғдой уни ва солоддан фойдаланилган. Завод шаҳар худудига жуда яқин ерда жойлашгани сабабли, гарчи Салор ариғининг чап томонида бўлса ҳам, баъзи ҳужжатларда шаҳарга тегишли корхоналар рўйхатида келтирилган². Тошкент атрофида, шунингдек, Первушиннинг дала-ҳовлиси (Дача купца Первушина) ҳам бор эди. Завод ва дала ҳовли ўртасида Чилдухтарон қишлоғи жойлашган. Первушин дала ҳовлисининг ерлари тахминан ҳозирги “Тошкент” ва “Машинасозлар” аниқроғи “Машинасозлар” метро бекати атрофидаги майдонга тўғри келади. Дала ҳовли савдогар Первушиннинг мулк бўлгани боис, унинг номи билан аталган. Первушинларга тегишли Тошкентда Комиссионер идора (Комиссионерская контора И.И.Первушина) ҳам ишлаган (1969 йили очилган). Мазкур идора воситачи савдо ташкилоти бўлиб, Россиядан Тошкентга, Тошкентдан Россиянинг Оренбург, Москва, Нижний Новгород, Петербург ва бошқа шаҳарларига товар олиб келиш ва жўнатиш ишларини амалга ошириб, бу хизматлари учун умумий қийматнинг 10 фоизини олиб қолган; шунингдек, контора Тошкентдан жўнатилган пахта, шойи ва бошқа товарларни Россияда сотилишини ҳам йўлга қўйган³. Рус манбаларида 1886 йили Тошкентда Первушин меросхўрларига тегишли яна битта вино, битта ароқ ва битта тамаки-папирус заводлари бўлгани қайд этилган⁴.

Савдогар Ивановнинг дала ҳовлиси (Дача купца Иванова) Тошкент шаҳрининг 1890 йилги харитасида шаҳардан шарққа томон ерларда катта майдонни эгаллаган. Мазкур худуд ҳозирги Буюк Турон шоҳкўчаси (ғарбда), Паркент кўчаси (шимолда ва шарқда), Чилдухтарон ариғи (жанубда) оралиғидаги ерларга тўғри келади.

¹ Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 944-ҳужжат, 26-варақ.

² Ўша жойда.

³ Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 538-ҳужжат, 19-варақ.

⁴ Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 2819-ҳужжат, 23-варақ.

1886 йили Тошкентда унга тегишли бўлган 5 спиртли ичимлик заводлар мавжудлиги маълум. Бу қуйидагилар: 2 вино заводи, арок заводи, пиво заводи, минерал сувлар заводи.

Иванов дала ҳовлиси икки қисмдан иборат бўлиб, улар оралиғида қабристон (кладбище) жойлашган.

Ўқчи баталёни лагерлари (Лагеря стрелкового батальона) шаҳарнинг жануби-шарқий томонда қурилган. Ҳозирги кунда бу жойлар Миробод туманига тегишли Тошкент вокзали, Госпитал черкови, Миробод бозорига яқин, у ердан аэропортга кетадиган кўчаларнинг бошланишига тўғри келади (тахминан, Россия элчихонаси атрофи). Лагерларнинг шимолида темир йўл ва темир йўл устахоналари, шарқий томонида Ҳарбий дала, Оренбург ва Хўжанд ҳарбий полклари, жанубида Ҳарбий госпиталь, 9 паровоз депоси ва ғарбий томонида Вокзал жойлашган. 1-, 2-, 3-, 4-ўқчи баталёнлари лагерларнинг бундай ҳудудда қурилиши махсус режалаштирилган ва стратегик жиҳатдан муҳим саналган. Бу ҳол ҳужжатларда ҳам қайд қилинган. Жумладан, 1877 йили Генерал губернатор Тошкент шаҳар бошлиғига ҳарбий далага туташган, И.Римбернинг тамаки плантациясига яқин ерда Ўқчи рота учун 5 та участка, яъни 8 десятина 1974 кв.сажен ерни, бир сажени учун 623 рубл 22 тийин нархда, туб ерли аҳолидан бўлган Азанедрхўжа, Содик оқсоқол, Раҳмон Бида, Абдумалик Абдулазимов, Тўрахўжалардан сотиб олиш зарурлиги ҳақида буйруқ берган¹.

Қабристон (Кладбище) Тошкентнинг Янги шаҳар қисмига тегишли эди. Ҳозирги кунда у Боткин кўчасидаги рус мазорининг жанубий томонига тўғри келади. Бу ердаги мазор 1872 йили вужудга келган. Шу вақтга қадар европаликларга тегишли қабристон дастлаб (1865 й.) Самарқанд кўчасида ҳарбий қалъа ёнида, кейинроқ (1866 й.) Старо-Госпитальная кўчасида, Ипакчилик мактабининг рўпарасида бўлган. 1872 йили қабристон Салор ариғининг нариги томонига (чап томонига) қурилган. Шаҳар бошлиғи С.Р.Путинцев буйруғи билан унинг майдони кенгайтирилиб, ободонлаштирилган. 1906 йили 7 десятина 450 кв.саженга тенг ер майдони қўшиб олинган². Вақт мобайнида, Янги шаҳар аҳолисининг сони ортиб боргач, қабристон майдони ҳам кенгайган ва 1913 йилда 25 десятинани ташкил этган. Қабристон ҳудудида Ҳарбий бошқармага бўйсинувчи черков ҳам бўлган (1905 йилда қурилган). 1913 йили мазкур черков мустақил фаолият юргиза бошлаган, сабаби, қабристонга яқин жойда Никифоров ерларида, янги турар жой вужудга келиб, оддий аҳоли (ҳарбий бўлмаганлар) кўпайиб, унга хизмат қилувчи, диний ташвиқот ишларини олиб борувчи православ черковига зарурат пайдо бўлган³.

Қўйлик шохкўчаси (Куйлюкский проспект). Қўйлик шохкўчаси шаҳар марказидан бошланиб то шаҳар ташқарисида, жанубда жойлашган Қўйлик қишлоғигача давом этарди. Ҳозирги кунда бу йўл Охунбобоев ва Фарғона йўли кўчаларига, Қўйлик қишлоғи эса Тошкент ҳудудидаги Қўйлик мавзесига тўғри

¹ Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 1367-ҳужжат, 1, 23-варақлар.

² Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом... – с.136–197.

³ Ўз Р МДА. И-182-жамғарма, 1-рўйхат, 79-ҳужжат, 6–10-варақлар.

келади. Бу ерларнинг “Кўйлик” деб номланиши ҳақида, асосан учта фикр мавжуд. Аҳоли ўртасида авваллари бу ерларда кўй бозори бўлган, шу сабабли ҳам “кўйлик” деб аталади, каби фикр кенг тарқалган бўлса, баъзилар бу ерда сув кўйилиш жойи бўлган, шунинг учун “кўйлик” – бу “сув тўпланиши, кўлланиши жойи”, деб изоҳ берадилар. Бироқ, фанда яна бир фикр мавжуд бўлиб, “кўйлик” сўзи антропотопоним экани таъкидланади. Аниқроғи мазкур ҳудудда XIV асрда таниқли шахс Кўйлик ота яшаб ўтган, бу ерда, ҳатто, унинг қабристонини ҳам мавжуд. Шу боис, ушбу жойлар унинг номи билан аталган экан. Бу фикр илмий асосланган ва ҳақиқатга яқин саналади.

Кўйлик қишлоғи (Селение Куйлюк) Тошкентдан 2 чақирим масофада жойлашган эди. XIX асрнинг охирларида Кўйлик Курама (Кураминский) уездининг маркази ҳисобланган. Мазкур уезд Сирдарё ҳарбий губернаторининг 1868 йил 20 октябрдаги буйруғига бинан, Тошкент уездидан Тошкент шаҳри алоҳида маъмурий бирлик сифатида ажралиб чиққанидан сўнг ташкил этилган. Дастлаб уезд бошқармаси Тўйтепада, кейинчалик эса, 1969 йили, Кўйлик қишлоғига кўчирилган ва бу ерда 1887 йилгача бўлган. “Туркистон ўлкасини бошқаруви ҳақидаги” 1886 йилги Низомга кўра Курама уезди 1887 йили 1 январда Тошкент уезди деб номлана бошланди ва уезд бошқармаси Кўйликдан Тошкентга кўчирилди¹. Қишлоқда бутун уезд учун битта дорихона ва унинг қошида тиббий қабул пункти, телефон тармоқлари, масжид, мадраса, пристав (уезд бошқарувчиси) идораси бўлгани маълум². Тошкент шаҳри билан боғловчи йўл “Кўйлик шоҳқўчаси” (кўпроқ шаҳар ҳудудидаги Салор ариғигача бўлган қисми) ва “Кўйлик шоҳқўчаси” (Салордан Чирчиқгача бўлган қисми) деб аталган. Мазкур йўл шаҳарни уезд маркази билан боғлагани туфайли, унга маъмурият томонидан катта эътибор қаратилган. Кўпайиб бораётган европалик шаҳар аҳолиси ҳам кўпроқ Никольское ва Кўйликқа томон йўналишларда ўзига уй-жойлар қуриб ўрнашган. Жумладан, архив ҳужжатларидан маълум бўлишича³, Кўйлик шоҳқўчасининг узунлиги Тошкентдан Чирчиқ станциясигача 10 чақирим 319 ½ сажан бўлган. Деярли бутун йўлга тош ётқизилган, Салордан Кўйликгача бўлган қисмида шоссе 1877 йили қурилган ва 1878 йили унга тўққизта кўприк ўрнатилган. 1892 йилга келиб кўприклар сони 25 тага етган. Вақти-вақти билан Кўйлик йўли ва ундаги кўприклар таъмирланиб турилган (1878–80, 1884, 1886–87, 1888, 1892, 1903, 1905, 1912 йилларда).

¹ Агафонова З.И., Халфин И.А. Путеводитель Центрального... – с.44-55.

² Ўз Р МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 3218-ҳужжат, 14-14-орқа-варақлар.

³ Ўз Р МДА. И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 38859-ҳужжат, 2, 4, 6, 12, 13, 26, 27, 30-варақлар.

МАНБАЛАР

- Алишер Навоий.** Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. – Т.7. – Т.: Фан, 1991. – 590 б.
- Бабур-наме.** Записки Бабура. / Перевод М.Салье. – Ташкент: Главная редакция энциклопедий, 1993. – 464 с.
- Вамбери А.** Путешествие по Средней Азии // Туркестанский Сборник. – СПб., 1867. Т.12. С.319-320.
- Добросмыслов А.И.** Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк.– Ташкент: Электро-паровая типо-литография О.А.Порцева, 1912.–520 с.
- Диваев А.** Промыслы и занятия туземцев азиатского города Ташкента // “Туркестанские Ведомости”, 1901, 26 апрель. – № 33.
- Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** Бобурнома. – Тошкент: “Юлдузча”, 1989. – 367 б.
- Eugen Schuyler.** Turkestan: Notes of a journey I n Russian Turkestan, Khokand, Bukhara and Kuldja. London, 1876. Vol.I. P.97-103.
- Eugen Schuyler** (1873) // Le voage en Asie Centrale et au Tibet Anthologie au voyages occidentaux du moyen age a la premiere moitie du XX e siecle. Prepare par Robert Lattont. Paris, 1992. P.317.
- Известия** Ташкентской Городской Думы 1915 г. –Ташкент, 1915. – № 17.
- Известия** Ташкентской Государственной Думы 1916 г. – Ташкент, 1916.– №№ 1–23.
- Костенко Л.** Сведения о русском Ташкенте // Туркестанский Сборник. – СПб., 1868. Т.28. С.53–97.
- Маев Н.А.** Азиатский Ташкент // Туркестанский Сборник. – СПб.: Типография В.С.Балашева, 1876. Т.123. С.260–313.
- Маев Н.А.** Русский Ташкент // Ежемесячные приложения при журнале “Нива” на 1894 г. за май, июнь, июль и август. – СПб.: Издание А.Ф.Маркса. – С.126–162.
- Маллицкий Н.Г.** Ташкентские махалля и мауза. – Ташкент, 1927. – с.112-121.
- Маллицкий Н.Г.** Тошкент маҳалла ва мавзелари /Русчадан У.Қўчқор тарж. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1996. – 24 б.
- Маҳмуд Қошғарий.** Девону лоғотит турк. 3 томлик. – Т.І. Т., 1960. – 414 б.
- Муҳаммад Солих.** Тарихи жадидаи Тошканд. – Ўз ФА ШИ кўлёмаси. № 7791. в.482.
- Наршахий.** Бухоро тарихи. / Форс тилидан А.Расулев тарж. – Т.: Камалак, 1991. – 128 б.
- Назаров Ф.** Записки о некоторых народах и землях средней Азии. – М., 1968. – 60 с.
- Пантусов Н.Н.** Материалы для промышленной и торговой статистики // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып.IV. – СПб., 1876.
- Пашино П.И.** Туркестанский край в 1866 году: Путевые заметки с 20 литографиями // Туркестанский Сборник.– СПб., 1868. Т.14. С.98.

Рашид-ад-Дин. Сборник летописей. – пер. с персидского О.И.Смирновой. Прим.Б.И.Панкратова и О.И.Смирновой. Ред.А.А.Семенова. – М-Л., 1952. Т.1. Кн.2; Т. II. М.-Л., 1960; Т. III. М.-Л., 1956.

Сборник Обязательных постановлений Ташкентской городской думы. Изданных с 1877 года ва 1904 год. – Ташкент: Типо-литография В.М.Ильина, 1904. – С.1–27.

Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. Под.ред.И.И.Гейера. – Ташкент: типо-литография С.И.Лахтина, 1891. Т.1. 314 с.

Тетерников А.Н. Очерки внутренней торговли киргизской степи. – СПб., 1867. “Туркестанские Ведомости” газ. – № 39. 1878; № 8. 1884; № 87. 1900; № 97. 1899.

Туркестанский Сборник. Составленный В.И.Межовым. – СПб., 1869. Т.Х. С.47-145.

Утемиш-ходжи ибн Маулана Мухаммад Дасти. Чингиз-наме. – Алма-ата, 1991. – 61 с.

Фирдавсий Абулқосим. Шоҳнома: 3 китобда /Форсийдан Ш.Шомухамедов тарж. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1975. Биринчи китоб. 735 б.

Хорошихин А.П. Очерки Ташкента: Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб.: Типография и хромо-литография А.Траншеля, 1876. – с.77–126.

Шишкин В.А. О названиях Ташкентских махалля // Бюллетень Ташкентского Новогородского Исполкома. – Ташкент, 1925. – № 4–5.

Шишов А. Сарты. – Ташкент: Электро-паровая литография О.А.Порцева, 1905. – с.39-87.

Эварницкий Д.И. Путеводитель по Средней Азии от Баку до Ташкента. В археологическом отношении. – Ташкент, 1893. – с.191–193.

Яздий Шарафиддин Али. Зафарнома / Форсийдан О.Бўриев тарж. – Т.: Меърож, 1991. – 288 б.

Ғиёсуддин Мухаммад. Ғиёс-ул-луғот: Иборат аз се чилд. /Тахияти матн бо пешгуфтор мулҳақот, тавзеҳот ва феҳристи А.Нуров. – Душанбе: Адиб, 1987. Ч.1. – 480 саҳ.

Ғиёсуддин Мухаммад. Ғиёс-ул-луғот: Иборат аз се чилд. /Тахияти матн бо пешгуфтор мулҳақот, тавзеҳот ва феҳристи А. Нуров. – Душанбе: Адиб, 1988. Ч.2. – 416 саҳ..

Ўз Р МДА, 1-И-жамгарма – Туркистон генерал губернатори маҳкамаси ҳужжатлари.

Ўз Р МДА И-17-жамгарма – Сирдарё вилояти бошқармаси ҳужжатлари.

Ўз Р МДА И-36-жамгарма Тошкент шаҳри бошлиғи бошқармаси ҳужжатлари.

Ўз Р МДА И-37-жамгарма Тошкент шаҳар бошқармаси ҳужжатлари.

718-И-жамгарма Тошкент шаҳар думаси мажлислари баёнларининг журналлари.

Ўз Р МДА И-79-жамгарма, И-182-жамғармалари ҳужжатлари.

АДАБИЁТЛАР

- Каримов И.А.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. – 9 б.
- Каримов И.А.** Ўзбек халқи ҳеч кимга қарам бўлмади. Т.: “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.Т.13. – 257 б.
- Бартольд В.В.** Ташкент. Статъи из “Энциклопедии ислама”. Сочинения. В 10-ти т. – М.: Наука, 1965. Т.3. – с.311–573.
- Бартольд В.В.** Мангыты. Статъи из “Энциклопедии ислама”. Сочинения. В 10-ти т. – М.: Наука, 1968. Т.5. – с.556.
- Буряков Ю.** ва б. Тошкент кўчалари. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 1972. – 207 б.
- Бўриев О.** Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 166 б.
- Голендер Б.** Окно в прошлое. (Туркестан на старинных почтовых открытках). – Ташкент, 2002. – 250 с.
- Девону луготит турк.** Индекс-луғат. – Т., 1967. – 252 б.
- Зиёев Ҳ.** Тарихнинг очилмаган саҳифалари. – Т.: Мехнат, 2003. – 230 б.
- Исмоилова Ж.** XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи”. – Т.: Fan va texnologiya, 2004. – 140 б.
- История Ташкента** (С древнейших времен до победы Февральской буржуазно-демократической революции). Под ред. Х.З.Зияева, Ю.Ф.Бурякова. – Ташкент: Фан, 1988. – 292 с.
- Исҳоқов М.** Унутилган подшоликдан хатлар. – Т.: Фан, 1992. – 57 б.
- Каримова Л.** Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. (Шимоллий ўзбек шевалари материаллари асосида). – Т.: Фан, 1982. – 95 б.
- Кареев С.К.** Топонимия Узбекистана (социолингвистический аспект). – Ташкент: Фан, 1991. – 131 с.
- Лаврентьев В.** Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии).– Ленинград: Типография Академии Наук СССР, 1930–160 с.
- Лунин Б.В.** Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. – Ташкент: Издательство Академии Наук Узбекской ССР.–320 с.
- Мифологический словарь.** Гл.ред.Е.М.Мелетинский. – М.: Советская энциклопедия, 1991. – 255 с.
- Мукминова Р.Г., Филанович М.И.** Ташкент на перекрестке истории. Ташкент: Фан, 2001. – 113 с.
- Мукминова Р.** Тўрт аср олдинги Тошкент. – Т.: Фан, 1884.– 48 б.
- Муниров Қ., Ирисов А., Носиров А.** Тошкент тарихида баъзи сиймолар. – Т.: Фан, 1983. – 50 б.
- Мурзаев Э.М.** География в названиях. – М.: Наука, 1979. – 165 с.
- Муҳаммаджонов А.** Қадимги Тошкент (тарихий ва археологик лавҳалар). – Т.: Шарқ, 2002. – 78 б.
- Нафасов Т.** Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. (Ўзбекистоннинг жанубий районлари). – Т.: Ўқитувчи, 1988. – 288 б.
- Охунов Н.** Жой номлари таъбири. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 85 б.

- Путеводитель** Центрального Государственного Исторического Архива Узбекской ССР / Агафонова З.И., Халфин И.А. – Ташкент, 1948. – 180 с.
- Рўзиева М.** Тошкентнинг ўтмиш қиёфаси. – Т., 1984. – 68 б.
- Содиқова Н.С., Буряков Ю.Ф.** Қадимги ва ҳозирги Тошкент. – Т.: Фан, 1965. – 263 б.
- Соколов Ю.** Ташкент, ташкентцы и Россия. – Ташкент: Узбекистан, 1965. – 190 с.
- Ташкент.** Краткий справочник-путеводитель / Ю.А.Соколов, Г.И.Зайко, Р.Г.Гуламов, В.А.Джахангиров, А.Н.Зотов, М.П.Цукерман; Под.ред.Р.Г.Гулямова. – Ташкент: Государственное издательство Узбекской ССР, 1957. – 190 с.
- Ташкент. Энциклопедия.** – Ташкент: Главная редакция Узбекской Советской энциклопедии, 1983. – 414 с.
- Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик.** Масъул муҳаррир: З.Х.Орифхонова. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 217 б.
- Тошкент. Энциклопедия.**–Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992.–495б.
- Тошкент шаҳридаги номи ўзгарган кўчалар тўғрисида маълумот** (1989–2005). – Т.: “Камолот” Тошкент шаҳар бўлими, 2005. – 92 б.
- Тюриков А.** Истории о Ташкенте. – Ташкент: Ёш гвардия, 1983. – 75 б.
- Тюриков В., Шагулямов Р.** По пути независимости. Республика Узбекистан. – Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 2002. – 477 с.
- Холматов Қ., Баратов П.** Тошкент шаҳрининг ирригация шохобчалари. – Т.: Фан, 1983. – 47 б.
- Хуришут Э.** Ши – Чач – Ташкент. – Ташкент: Ўзбекистон, 1992. – 54 б.
- Чориев З.** Тарихий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати. – Т.: Шарқ, 1999. – 142 б.
- Шевяков А.И.** Население Ташкентского оазиса в конце XIX – начале XX вв. – М., 2000. – 90 с.
- Шониёзов К.** Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.–Т.: Шарқ, 2001. – 460 б.
- Юлдашев А.** Аграрные отношения в Туркестане. (конец XIX – начало XX вв.). – Ташкент: Узбекистан, 1969. – 255 с.
- Юнусхўжаева М., Мирисмоилова У.** Тошкент тарихига оид ҳужжатлар. – Т.: Фан, 1983. – 20 б.
- Юнусходжаева М.** Из истории землевладения в дореволюционном Туркестане. (На материалах хозяйства князя Н.К.Романова). – Ташкент: Фан, 1970. – 104 с.
- Эварницкий Д.И.** Путеводитель по Средней Азии от Баку до Ташкента. В археологическом и историческом отношении.– Ташкент, 1893.– с.191-193.
- Якубовский А.Ю.** К вопросу об этногенезе узбекского народа. – Ташкент, 1941. – 12-33 б.
- Ўзбекистон миллий энциклопедияси.** – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003. Т.5. – 703 б.
- Ўзбекистон миллий энциклопедияси.** – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2004. Т.7. – 703 б.

- Ўзбек тилининг изоҳли луғати:** 2 томлик /С.Ф.Акабиров, Т.А.Алиқулов, С.Ф.Зуфаров ва б.; З.М.Мағруфова таҳр.ост. – М.: Русский язык, 1981. Т.2. – 716 б.
- Ўринбоев А., Бўриев О.** Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. – Т.: Фан, 1983. – 56 б.
- Қораяев С.** Географик номлар маъноси. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – 204 б.
- Қораяев С.** Географик номлар маъносини биласизми? (Топонимик луғат). – Т.: Ўзбекистон, 1970. – 190 б.
- Қораяев С.** Ўзбекистон вилояти топонимлари. Т., 2005. – 238 б.
- Ҳасанов Ҳ.** Географик номлар имлоси. – Т.: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1962. – 135 б.
- Ҳасанов Ҳ.** Ер тили. – Т.: Ўқитувчи, 1977. – 88 б.
- Ҳасанов Ҳ.** Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т.: Фан, 1965.– 80 б.
- Абдурахимова Н.А.** Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX – начало XX вв.). Автореф.дисс. д-ра ист.наук. 07.00.02. – Ташкент, 1994. – 68 с.
- Пулатов Х.Ш.** Архитектурно-планировочная структура Старого Ташкента (конец XIX – начало XX века): Автореф.дисс.канд.архитектуры. – Ташкент, 1994. – 28 б.
- Шарипова М.** Тошкент шаҳрининг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи: Дисс. ...тарих фан. номзод. – Т.: 2002. – 167 б.
- Бўриев О.** Дархон – хоннинг ерими? // Газ. “Тошкент оқшоми”. – 10.01.1992.
- Бўриева Х.** Тошкент шаҳри топонимларининг таснифи (картографик маълумотлар асосида, XIX аср охири – XX аср бошлари) // Ёш олимлар: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий ишлар тўп. – Т., 2002. – 87–95 б.
- Бўриева Х.** Тошкент шаҳрининг тарихий топонимиясига оид тадқиқотлар // Ўзбекистон тарихи. – 2002. – № 3. – 54–59 б.
- Бўриева Х.** Об исторической топографии Ташкента конца XIX – начала XX века (улицы нового города) // История: Проблемы активности и нравственности: Материалы научн.конф. – Ташкент, 2003. – 239–242 б.
- Бўриева Х.** Тошкент шаҳри ариқларининг номланиши хусусида (XIX аср охири – XX аср бошлари) // Ўз МУ хабарлари. – 2003. – № 4.–Б.33–39.
- Муҳаммаджонов А.Р.** Айрим топонимлар семантикаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004. – № 2. – Б.41.
- Султонов Ў.А.** “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида Тошкент дарвозалари тўғрисидаги маълумотлар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 2006. – № 3. – Б. 70–77.
- Толипов А.** “Чиғатой дарбоза” деб аташади // Газ. “Маҳалладош”. – 1991 йил 31 октябр.
- Файзиев Т.** Қафқол аш-Шоший // Газ.“Тошкент оқшоми”. – 2001 йил 14 феврал.

Фозилова К. Ташкентский квартал литейщиков (махалля Дегрез) в конце XIX – начале XX вв. // АН УзССР ООИ, Науч. работы и сообщения. – Ташкент, 1961. – Кн.4. – С.243–244.

Хўжаев А. Чинга бориб қолган самарқандлик солорлар // Мозийдан садо. – 2003. – № 3-4. – Б.33–36.

Яҳёев А. Узукнинг бир кўзи. // Газ. “Тошкент оқшоми”. – 1993 йил 12 январ.

Ҳакимжонов А. Ҳалифани лол этган заковат. // Газ. “Тошкент оқшоми”. – 1993 йил 10 март.

Ҳоҷиматов Н. Сузук ота жомеси // Газ. “Тошкент оқшоми”. – 1991 йил 19 июл.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА.....	3
I Б О Б. XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ МАНБАЛАРИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ТАРИХИЙ ТОПОНИМИЯСИ.....	7
Тошкент шаҳри тарихий топонимиясига оид тадқиқотлар.....	7
Тошкент шаҳрининг тарихий топонимиясига доир ёзма маълумотлар.....	14
II Б О Б. ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТАРИХИЙ ТОПОНИМЛАРИНИНГ ТАСНИФИ ВА ТАҲЛИЛИ.....	22
Гидронимлар ва уларнинг этимологияси.....	22
Тошкент Эски шаҳар қисми тарихий топонимларининг таркиби.....	30
Тўрт даҳа ва дарвозалар номлари.....	30
Маҳалла ва кўчалар номлари.....	39
Муассасалар ва бошқа турли жойлар билан боғлиқ топонимлар.....	55
Тошкент Янги шаҳар қисмида жой номлари шаклланишининг тарихий хусусиятлари.....	70
Кўчаларнинг номлари.....	70
Турли муассасалар билан боғлиқ топонимлар.....	76
III Б О Б. ТОШКЕНТ ШАҲРИ АТРОФИДАГИ ТАРИХИЙ ТОПОНИМЛАР.....	111
XIX аср охири – XX аср бошларидаги Тошкент шаҳри атрофидаги тарихий топонимлар.....	111
Топонимларнинг тарихий таҳлили: Нўғойкўрғон топоними мисолида.....	123
ХУЛОСА.....	129
РАСМЛАР ВА ЧИЗМАЛАР.....	135
ТАРИХИЙ-ТОПОНИМИК ЛУҒАТ.....	152
МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	227

БЎРИЕВА ХАЙРИЯ АМАНУЛЛАЕВНА

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ТАРИХИЙ ТОПОНИМИЯСИ

(XIX АСР ОХРИ — XX АСР БОШЛАРИ)

Нашр муҳаррири: Б.Эгамкулов
Тех.Муҳаррир: М.Холмуротова
Мусахҳиҳ: У.Долиева

Ilmiy ommabop nashr

“Noshirlik yog`dusi” Koхota ko`ch, 75 uy.

Теришга берилди 22.07.2009 й. Босишга рухсат этилди 25.08.2009 й.
84/60 1/32. Офсет босма. Шартли босма табоғи 14,1.
Нашриёт ҳисоб табоғи 14,1. Адади 200. Баҳоси шартнома асосида.

МЧЖ “Tezkor-Press Print” босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Фарҳод кўчаси, 21-А.